

ТҮЛҚИН ХАЙИТ

Бойваччанинг қизи



УЗБ.

Ҳ19

Тўлқин ҲАЙИТ

Бойваччанинг ҚИЗИ

Ҳикоялар, қиссалар, бадиалар

Қайта нашр



836 989

ТДНУ

kutubxonasi

УАБ

ТОШКЕНТ – «O'ZBEKISTON» – 2013

УЎК: 821.512.133-3

КБК 84

Ў 31

Ҳайитов Тўлқин,

Ў 31 «Бойваччанинг қизи» Т.: «O'zbekiston» нашриёт-матбаа
ижодий уйи, 2012. — 240 б.

ISBN 978-9943-01-202-8

Эзгу ишларни, яхшилиқни қўзлаган инсон борки, китоб ола-
мидан ўзи учун маънавий озуқа олади. Шу боис ҳам ҳар бир янги
китоб ёруғ юз билан қарши олинади. «Китобингиз чиқибди, таб-
риклаймиз!» — дейишади ижодкорлар бир-бирларини қутлаб. «Зар
қадрини заргар билади». Битта асарни яратиш учун қанча заҳмат
чекилади ва у китоб шаклига келгунча қанчадан-қанча ишчи-
хизматчилар қўлидан ўтади. Хуллас, яна битта янги китоб қўлин-
гизга тегди. Бу тўпلام билан Сиз илгари ҳам дийдорлашгансиз.
Бундаги ҳикоя, қисса ва бадиаларда дунёга эзгулик бахш этиш,
гулзорларини қўпайтириш кўзда тутилади. Уларда меҳр-муҳаб-
бат, самимият ва жозиба бор.

УЎК: 821.512.133-3

КБК 84

ISBN 978-9943-01-202-8

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2008

© Т. ҲАЙИТ

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, қайта нашр, 2013

ҲИКОЯЛАР



СИЗ ҲАМ ЙИҒЛАЯПСИЗМИ?

Жилвагар қуёш ибo билан жилмайганча кўз қисиб, ётоғига бош қўймоқда. Ним кўкимтир кенг осмон қора сочини ёйиб юборди: шамол эсиб, янги тунни қутлади, қовун тилимига ўхшаш олтинранг ой ёнидаги чароғон юдуз билан бирга оламга салом берди. Ерда эса, бунга тескари ўларoқ, дайди шамол тинч заминнинг чаккасига қаттиқ тарсаки урди, фарқ мева туккан дарахтлар дув этиб кўз ёш тўқди, сувлар ҳайқирди, яшил баргларнинг нозик томирлари дир-дир титради. Тор темир йўл бўйлаб симларини шалдиратганча елиб келаётган қизғиш трамвай ҳаминша бир жойда савлат тўкиб турадиган қўшқаватли уйларнинг юрагига ғулғула солиб, титратиб ўтди. Бешинчи қаватдаги икки хонали тор уйда озғин, мушук кўз қиз унсиз йиғлар, эшикдан кираверишда, ўнг қўл томондаги кичкина хонада бир кишилик диванда чуваккина кампир — қизнинг онаси мангу уйкута кетган, лаблари кўкариб, қовoқлари юмилган эди. Қиз ярим қўрқув, ярим ҳаяжон ила мурдага қараркан: «Наҳотки, ўлган бўлсалар», дея кўнглидан ўтказар, бунга гоҳ ишониб, гоҳ ишонмасди.

Бехосдан телефон жиринглаб, совуқ қўрқув қизнинг юрагини шарт чангаллаб олди. У юқорига чопиб кўтарилган кишидек ҳансираганча, титроқ қўллари билан дастакни кўтарди.

— Зухрушка?... Эшитяпсанми, бу мен — Олимжонман!

Қизнинг кўз олди қоронғулашиб, боши айланиб, деворга суяниб қолди. Яхшиямки, девор бор, бўлмаса... уни ким суяб қоларди? Яккаю ёлғиз суянчидан айрилди. Ҳеч бўлмаганда, тўйини кўриб кетганларида ҳам бошқа гап эди.

— Зухрушка! — виғиллади гўшак. Зухро тўлғанди. Қанақа йигит бу ўзи? Нима бўлди, дея кўнғил сўраш ўрнига... У ўз йигитидан чинакамига ғижинди. «— Йўқ, боролмайман, боролмайман!»

Институтни битирганларига беш ой бўлди. Иккаласи ҳам шаҳар драма театрида ишлайди. Ҳозир улар театрнинг «Кетма, йигит» спектаклида дублёрлик қилишмоқда. Ёшлар театрида иш бошлаган дугонаси Санобар «Сой қўшиғи» спектаклида бош ролни

ўйнамоқда. У-чи? У қачон бош ролни ўйнайди? «Кетма, йигит»-да бош ролни ижро этаётган дутонаси Салима Раззоқ қизи бир марта касалман, дея баҳона қилса бўларди. Бу гап унинг хаёлига ҳам келмайди. Олим эса бир гал ўйнади. Ашур дўсти унга йўл берди. Йигитлар мард бўлади, деганлари рост экан. Шўри қурсин аёлларнинг, гап ташишдан бошқасини билишмайди.

— Зухрушка?!

Қиз сергак тортди. Нималарни ўйлаяпман, бу ёқда онам... Мен девона, мен бебурд нималарни хаёл қилаяпман? Менга деса, бошида қолмайдими ўша спектакли!

Бугун у Олим билан Чирчиққа айланишга бормоқчи эди. Дарё бўйи, соя-салқин жойлар мазза, жоннинг роҳати. Унинг кўз олдини қора булутлар тўсди. «Боролмайман, боролмайман!».

— Зухрушка ўзинг ваъда берган эдинг-ку. Кўнглимни қолдирмоқчимисан?

Қизнинг юраги изтироб қозигида осилиб қолди. «Боролмайман!»

— Асалчик, жиннилик қилма! Давай, бўлақол!

Иссиқ, аччиқ кўз ёшлар қизнинг титраб турган лабларини куйдирди.

Телефон яна дод солди. Зухронинг жони ҳиқилдоғига келди. «— Қанақа одам ўзи бу?» У дастакни шарт кўтарди-да, Олимни уришиб ташлаш учун оғиз жуфтлади.

— Она қизим? — директорнинг мулоийм овози эшитилди. — Тез етиб келмайсизми? Салима Раззоқ қизи бугун Сизни саҳнага чиқсин, деяпти. Биз ҳам унинг бу фикрини қўллаб турибмиз.

У беҳолгина жавоб берди:

— Хўп, ҳозир, ҳозир бораман.

Театр эшиги олдида Олимга тўқнаш келди:

— Келдингми, Зухрушка? Нега юзинг оқариб кетибди? Тинчликми?

У сир бой беришни истамади. Узун бўйли, кенг пешонасида тарикча қора холи бор, истараси иссиқ киши — директор уларга қараб келаётганди.

— Келдингми, она қизим, мазанг йўқми, рангинг оқариб кетибди? Ҳа, айтмоқчи, Салима Раззоқ қизини шахсан ўзим кўндирдим. Сиз каби ажойиб ёшларга ҳам ўрин беришимиз керак. Бу Сиз учун катта имоният. Яхшилаб тайёрланинг, она қизим! Яхшилаб!

Зухро директорнинг баландпарвоз сўзларини совуқ тинглади. Унда на ҳаяжон, на қўрқув бор эди. Нега бундай? Буни ўзи ҳам тушунмади. Лекин хаёли онасида эди. «Катта саҳнага чиққанингни бир кўрсам, армоним қолмасди», дер эди доим, афсус!

Кенг зал томошабинларга тўла. Саҳнага чиққанимда, ҳаяжон босиб қолмасайди, дея ташвишланди. Ташвишланмай бўладими? Минглаб кўзлар, ўткир нигоҳлар сенга қараб турганда, томирларингда ҳаяжон тўлқинлари жавлон уради. Боз устига, у азадор, ғамга ботган. Шундай аҳволда ўз ролини эплармикин?! Лекин саҳнага чиқиб, ўзига қаратилган нигоҳларга боқаркан, уни на ҳаяжон босди, на бошқа. Қалби тошга айланди. Нимага ҳаяжонланади. Онаси йўқ-ку! У ўз ролини хотиржам, самимий, худди ҳаётдагидек ижро эта бошлади. Спектаклдаги бош қаҳрамон — Садбарг эмас, гўё бу воқеаларни ўз бошидан кечираётгандек эди: институтни битирган Садбарг қишлоққа қайтади. Онаси бетоб. Она деб турмушга чиқмай қари қизга айланади. Севган йигити — Ботир полвон бошқа қизга уйланиб кетади.

Кенг залда фақат томошабинларнинг нафас олишлари эшитилади. Нигоҳлар Зухрога қаратилган. Қиз эса кенг, ложуварда саҳнада эмас, гўё ўз уйида, ўз юмуши ва дарди билан овора эди.

Директорнинг юрагидаги ёниқ ҳаяжон юзига уриб, кўзлари тонг юлдузидай бокира ёнди.

— Ана талант, ана истеъдод!

Пакана бўй, тепакал режиссёр ҳам ҳаяжон ила пичирлади:

— Билмай юрган эканмиз, Ботир Аъзамович, индамай юрсанда, дарди ичида экан.

Зал сув қуйгандек жим-жит. Садбаргнинг онаси ҳаёт билан видолашмоқда.

— Қизим, айланай сендан, мани деб турмушга чиқолмадинг. Аммо ҳали ёшсан. Васиятим шуки, хоҳлаганингга турмушга чиқ. Лекин кулофингда бўлсин: лабзингни ҳеч қачон ҳаром қилма.

— Онажон!

— Юзингни тут, болам, сўнгги бор бир ўпай.

— Онажон! Жоним онажоним! Мени ташлаб кетманг!

«Зал»нинг кўзидан ёш оқади.

Директор терисига сиғмайди.

— Янги кашфиёт! Офарин, Зухрушка, офарин!

— Онажон! — Зухро сочини юлиб фарёд қилади.

Директор ўрнидан туриб кетди.

— Йўқ, буни ҳеч ким ўйнолмайди. Зухрушка, байроқ сенда кетди. Браво, браво!

«Зал» уввос тортиб йиғлади.

Яқиндагина онасидан айрилган режиссёрнинг қийиқ кўзларида ёш кўринди.

Директор ажабланди:

— Сиз ҳам йиғлаяпсизми?

— Ҳа, Ботир Азимович, йиғлаяпман, — дейди режиссёр содадиллик билан. — Йиғлаяпман. Бу қизингиз бало чиқди. Буни қаранг-а, бутун «зал» йиғлаяпти!

Парда ёпилди.

«Зал» кўзда ёши билан қарсак чалди.

* * *

Дайди шамол девор, эшик, деразаларга тарсаки уради, яшил барглари юлиб отади. Олимнинг ўпқаланган овози эшитилди:

— Нега қочиб кетдинг, тентаквой? Оча қол эшикни!

— Кетинг, Олим ака! Кетинг! Бу кеч мени безовта қилманг!

— Тушунмаяпман, Зухрушка, бунақа одатинг йўқ эди. Мени алдаяпсан!

— Кетинг, Олим ака! Кетинг!

— Нима? Битта яримтаси?!..

Зухро бўғриқиб бақиради:

— Кетинг деяпман, Олим ака!

Олим тутатди.

— Очмасанг, очма! Бақиритини! Майли, кетдим. Битта-яримтаси юрагингдан уриб қолган бўлса, тўғрисини айт-да! Кетсам-кетдим! Мана!

Тап-тап оёқ товуши қизнинг асаб томирларига болға уради. Совуқ хона. Бир тирик жон, бир ёнда мурда. «Олим ака, онамдан айрилганман, тушунсангиз-чи!» Оқ шоҳи парда ҳам, гулдор гилам ҳам қиз билан бирга сим-сим эзилиб йиғлайди. Қулоқлар остида аччиқ таъна асабга алам тўғини санчади. «Битта-яримтаси, битта-яримтаси!»

Баҳайбат трамвай қўшқаватли уйнинг юрагига ваҳима солиб ўтиб кетади.

ФАРИШТА ЭМАСМАН

Шеригимнинг номини эшитиб, хотинимнинг кўзларидаги бегубор тонг ўрнини тун эгаллади.

— Келиб-келиб, ўша Гажур билан шиферга боряпсизми? Ишингиз битса, берди худо, битмаса...

Мен унинг гапини ҳазилга бурдим:

— Битмаса, урди хотин!

— Сизга нуқул ҳазил бўлса! — у қўлидаги кўк челақни кўтариб, сигир соғиш учун оғилхона томон кетди.

Бироздан сўнг кўчадан Гажур аканинг хириддоқ овози эшитилди:

— Бу қайси бедавонинг иши? Ҳай-ҳай, бу нимаси-а?!

Нима гап? Биров билан яна тортишиб қолдимиз?! Ташқари чиқдим. Гажур ака чиқинди ёнида турар, қўлида чанг босган қалин китоб. У мени кўриб, баттар тутюқди:

— Қаранг-а, уйингизнинг олдида, нақ бурнингизнинг остида шундай ажойиб асар... ҳалигидақа... хароб бўп ётса-я! Қаёққа қараяпсизлар ўзи?!

— Битга-яримта бефаросатнинг иши бўлса керак-да! — дедим «мендан ва болаларимдан кўрмасин» деган ўйда. Бундай пайтларда унга гап уқдириш бефойда. Пулини олинг, кийимини кийинг, энг яхши кўрган отига мининг, ғиринг демайди, аммо унинг кўз олдида китобга тегманг ёки китобингизни улоқтира кўрманг, нақ балога қоласиз. Келиб-келиб, уйимнинг олдидаги чиқинди ичидан китоб чиқиб турса-я! Энди ёғлиқ-ёғлиқ гапларга чидаймиз. Илож қанча. У кир китобнинг варақларини силар экан, лаби-лабига тегмай жавради:

— Бизникилар қачон одам бўлишади. Эсиз китоб-а! Сатқай китоб кет. Уларга машина, дача, дўللар бўлса, бас; ейишса, ичишса, кайфу сафо қилишса, мақтанишса, сассиқ-сассиқ кекиришса бўлди!

— Асабингизни бузманг, ака! — дедим уни юпатмоқчи бўлиб.

— Одам деганда ақл бор-ку! — баттар тутюқди у. — Калла нега берилган? Елкада кўтариб юриш учунми ёки... шунақа расво ишлар қилиш учунми?! Бу бедаларга қачон ақл киради ўзи?!

Гап-сўзимизни хотин эшитмасин деб яна уни юпатишга чоғландим:

— Бедаволарга гап укдириб бўладими, ака! Қўйинг, беҳудага юрагингизни қийнаманг!

— Сиз бунақа деманг! Ҳечам бунақа деманг! — қўлини пахса қилди у. — Уларга бепарво бўлсангиз, ҳамма ёқни расво қилишади.

Бу гапдан энсам қотиб, индамай қўя қолдим: ўзи жавраб-жавраб тинчийди. Кун ҳам қизий бошлади. Марказга салқинда етиб олиш керак, иккинчи томони, гап-сўзни кўпайтирмасдан бу ердан тезроқ даф бўлган маъқул.

Гажур ака жавраганча ортимдан йўлга тушди. Жавраса жаврайверсин: тил, оғиз уники, чарчаса, ўзига қийин. Битта китобни деб, асабни шунчалик бузиш шартми?! Китоб «жинниси»... қизиқ одамлар бор-а!

Унинг китобга ўчлигини бутун қишлоқ билади. Уйда ҳам аллақанча китоби бор. Асар муаллифларини, қаҳрамонларини, ҳатто кичик-кичик воқеаларни ҳам кечаги тушидай тез эслайди. Бало одам. Қўшнимиз Исмағил фермернинг ибораси билан айтadиган бўлсак, «каллеси нақ компьютернинг ўзи». Билмаган нарсаси, қилмаган иши йўқ. Даласида ҳам кутубхона ташкил қилган. Тўрт йил олдин қирқ гектар ер олиб, фермерликни ташкил этиб, 37 одамни иш билан таъминлади. Қизиги шундаки, гажурлигига бориб, уларни ҳам китоб ўқишга ўргатди. Қишлоқда: «Китоб ўқимайдиган одамни Гажур ака ишга олмайди,» деган гаплар ҳам тарқалган эди. Буни эшитган айрим ҳангоматалабларнинг уни мазах қилишганини ҳам эшитганим бор. Лекин унга тан берганман. Шийпонига бориб, кутубхонасини кўрдим. Нақ вазирнинг хонаси дейсиз: бирор гард йўқ, поллар ойнадай ярақлайди, кўпдан-кўп жавонларга китоблар дид билан қаторлаштириб терилган. Атлас кийган қизча китобларнинг чангини тозалаш билан машғул.

«Ишлар яхшими?» — сўрадим ундан. «Яхши!» — дея ийманиб жавоб қилди у. «Ойлик етарлими?!» «Етарли, ака!» — унинг мамнун оҳангидан англадимки, маоши, иши уни қониқтиради. Ҳозир сариқ чақага ишлайдиган аҳмоқ йўқ. Одамларнинг кўзбоши пишиб, ҳақ-ҳуқуқларини талаб қиладиган бўлиб қолишди. Замона-да, замона!

Яна шуни биламанки, Гажур ака қўл остидагиларни китоб ўқийсанми йўқми деб сира қийнамайди. Бу ерда муҳитнинг ўзи

шунақа: китобни севмайдиган киши келиб қолса, орадан кўп ўтмай китобхонга айланади. Бу ҳам яхши ҳолат: китоб билан ошно бўлгандан ёмон одам чиқмайди. Балки шуни билгани учун у одамларни китобга ошно этишга ҳаракат қилади. Яна ким билсин! Унинг кўнгил сири ёлғиз худога-ю, ўзига аён!

Яна битта яхши одати бор: тонг саҳарда дала бошига келиб, ишга келаётганларни бир-бир назардан ўтказди ва улардан қайси бири хафа кўринса, чақириб олиб, ҳол-аҳвол сўрайди. Агар уйида нотинчлик бўлса, жавоб бериб юборади. Касал бўлса, кечқурун аҳволидан хабар олади, баъзан озиқ-овқатини ҳам етказиб беради. Бирор нарсага муҳтожлигини сезса, қўлидан келган ёрдамини аямайди. Тўй қилишса, ёғини ё гуручинини кўтаради. Ўлим-нетим бўлиб қолса, дарҳол етиб бориб, азадорларга суянчиқ бўлади. Бас, шундай экан, бу одамнинг дала ишлари қай даражада дея сўрасиз: тўрт йилдирки, белгиланган режалар ортиғи билан... бу ўринда гапни кўпиртираётганимиз йўқ, йўлингиз тушса, ўзингиз келиб кўринг, ижобий хислатларнинг гувоҳи бўласиз: қатъий тартибга ўрганган ишчилар ҳар бир ишни меъёрига етказиб бажаришади. Қайси далага қанча ўғит, қанча сув керак? Ҳаммаси олдиндан белгилаб, ҳисоб-китоб қилинган... Гажур аканинг ўзи ҳам қараб турмайди, иш кийимларини кийиб, тандирдай қизиб турган далада кетмон чопайди, эгатларга сув тарайди, керак бўлса, тракторни ҳам ўзи бошқариб кетаверади.

Қурилиш базаси ёнига етиб келганимизда, у ҳалигача шаштидан тушмаган, ҳамон чиқинди ичидан топиб олган китоб ҳақида жавраб келарди:

— Китобни олибсан, ўқибсан, номард, чиқиндига ташлаганинг нимаси?! Ҳай, худодан қўрқмаган ношукур-а!

Унга қараб ичим ачийди. Ундан кўра, шиферни ўйласа бўлмай-дими?! Иккимиз ҳам баҳорда пойдевор ташлаб, уй қуришни бошлаб юборган эдик, девор кўтарилди, тахталар қоқилди, шиферга келганда эса ўзимиз «қоқилдик». Икки ойдан буён базага қатнаймиз, ана келади, мана келади билан шифердан дарак йўқ, куз «йўталиб» қолди, ҳадемай қор-қировли кунлар ҳам бошла-ниб қолса, додимизни кимга айтамиз?!

Қора ойнали уйчадан шоп мўйловли, гўндалак қоровул чиқди.

— Шифер келмади, бирров телпон қип қўйсайла бўларкан! Овора бўпсизлар-да яна!

— Уф! — дедим мен. — Қачон келади? Келадими ўзи?!

— Ке-ла-ди, албатта, келади, хотиржам бўлинг! — Мени ишонтиришга уринди қоровул. — Пақат документлар тўғри бўлмаётган экан. Баччағар... нафси катталар ҳам бор-да. Атайин тўғаноқ бўлишади!

Гажур ака бошини чайқади:

— Ов, қоровул ака, бошлиқингиз қанақа латта одам?! Рас эплотмас экан, бизга айтмайдими?! Бизни шерик қип борсин шипер заводига! Директори китоп-питоп ўқир ахир! Тилини топармиз ўша бедавонинг!

Мен индамадим.

Гажур ака яна жавради:

— Далада иш қайнайди, бошдан ошиб ётибди, бўлмаса, ўзим Тошкан тушиб, шарт бир вагонини келтирар эдим.

Иккаламиз бозорга кирдик. Ҳарқалай, марказга тушдик, болалар қўлга қарайди, майда-чуйда олиш керак.

Кимдир мени чақирди:

— Садир?

Ортимга қарадим: бошида оҳори тўкилмаган янги дўппи кийган, жигарранг костюм-шимли, озғин киши мен томон ҳаллослаб келаётган эди.

— Танимадингиз шекилли?! — деди у кела солиб мен билан қўшқўлаб кўришаркан. — Карим акаман, касалхонада бирга ётган эдик.

Эсимга тушди: бурноғи йили юракнинг мазаси қочиб, касалхонага тушганимда, танишган эдим. Жуда хасис одам. Иккита китобини мендан қизганган эди. Қўшни палатада унинг ўзи ёлғиз ётар, кўшинча ётиб олиб китоб ўқирди. Мен ундан иккита китоб сўраб олдим. Китоблар бир-икки кун столим тор-тмасида ётди. Фурсатини топиб ўқийман деган эдим, учинчи куни матоҳини қистади. Қизганчиқ экан, дея ундан хафа бўлдим ва ўша заҳоти китобларини қайтариб бердим. Уч-тўрт кундан кейин у касалхонадан чиқиб кетди. Ўшандан буён мен уни кўрмаган эдим.

— Йўғ-э, нималар деяпсиз? Танидим, Карим ака! — дедим ўзимни оқлаган бўлиб. — Яхшимисиз?

Карим ака мен билан сўрашаркан, Гажур аканинг қўлидаги китобга кўзи тушиб, афти буришди:

— Китобни расво қипсиз-ку, биродар!

Кулгим қистади. Карим ака ҳам Гажур акага ўхшаб китоб

«жинниси»га ўхшайди. Ҳозир роса қизиқ гаплар бўлса кераг-ов, деган ҳаёлга бордим.

Гажур ака китобни силади:

— Буни мусорнинг ичидан топдик, биродар!

Карим аканинг кўзлари ўйнаб кетди:

— Қайси бемазанинг иши бу?!

Мийиғимда кулдим. «Ўхшатмаса, учратмайди». Буларнинг гаплари ҳам бир хил: биттаси «бедаво» дейди, иккинчиси «бемаза». Топганини қаранг!

Карим ака китобга қўл узатди:

— Кимнинг китоби экан?

Гажур ака худди ёш боладек қизғаниб, китобни ёнига яширди:

— «Уч мушкетёр» экан.

— Сиз уни нима қиласиз? Бир ўқиб ташлаб юборасиз. Бунга муқова қилиш керак. Йўқолган варақларини компьютерда те-риб тиклаш керак.

Гажур ака ҳам сўзини бериб қўядиганлардан эмас.

— Бе, нима деяпсиз, — деди у паст тушмай. — Ҳозир уйга борган заҳоти бунга муқова қиламан. Ўқиб чиққач, даладаги кутубхонамга қўяман.

— Далада ишлайдиган одам ҳам китоб ўқийдими? Чарчаб келиб ухлаб қолишади-ку!

— Бизникилар унақа эмас! — бошини сарак-сарак қилди Гажур ака. — Шунақа китобларни ўқишганки... ишонмасангиз, бир кун даламга ўтинг!

Карим ака Гажур аканинг қўлтиғидан олди:

— Китобларингиз кўпми?

— Жуда кўп.

— Бариси эски бўлса керак-да?! Далада ишловчилар қўлларининг кирлари билан... а.. ушлаб, расво қилишмайдими?!

Гажур ака ҳиҳилаб кулди:

— Балки уларни эшакка тескари минишади, деб ўйларсиз?!

Мени роса кулгим қистади. Гажур аканинг хоҳолаб кулишини биринчи марта кўришим, ажиб кулар экан, гапи ҳам жуда илмоқди. Китоб ўқиган-да. Уста одам.

Карим ака дув қизарди:

— Қўйсангиз-чи?! Жинниманми шундай деб ўйлайман. Сўрадим-қўйдим-да!

Биз хайр-хўшлашиб кетмоқчи эдик, Карим ака уйга борамиз,

деб ёпишиб олди. Бундай одамларни тушунса бўлади: дилига яқин киши топибди дегунча ўзларини қўярга жой тополмай қоладилар. Баъзан бир баҳона-ю сабаб билан уларнинг кўплари ҳатто ака-ука тутиниб кетишади. Мен «нима қилдик?» деган савол назари билан Гажур акага қарадим. У жилмайди. Демак, рози. Бошқа жойга деса, ўлигини сургаб бориб бўлмасди... Гурунг-гурунг билан Карим аканинг уйига бордик. Топган-тутганини олдимизга қўйди, ош қилди. Еб-ичдик. Лекин Гажур акамининг кўзи аланг-жаланг бўлиб турди, уни таом эмас, кўпроқ Карим аканинг китоблари қизиқтираётган эди. Ниҳоят, у тараддуланиб сўради:

— Сизда том-помлар борми?

— Бор.

— Қанақалари бор?

— Навоий, Анатолий Франс, Самеюл Смайлс, Ойбек, Жек Лондон, Теодор Драйзер. Шулар! А, Сизда ҳам том-помлар борми?

Яна кулгим қистади. Буларнинг гапларини четдан кузатган кишининг энсаси қотади. Ҳатто иккисининг ҳам «томи кетган» деб ўйлаши мумкин.

— Бор... бизда том-помларнинг зўри бор! — деди Гажур ака димоғини кўтариб.

Карим ака унга яқинроқ сурилди:

— Қанақалари бор?

— Менда сизда йўқлари ҳам бор. Масалан, менда Ричард Стил, Франсуа Рабле, Жозеф Киплинг, Дени Дидро, Абул Фаражлар бор.

Карим аканинг кўзлари пирпиради:

— Зўр-у!

Гажур ака гавдасини кўтарди. Унинг мағрур қарашларида «сиздан зўр эканманми?» деган маънони ўқиш мумкин эди.

Карим ака:

— Менга Анатолий Франснинг сотмайсизми? — деб сўради.

Гажур аканинг ингичка қошлари чаённинг думидек хунук қайрилди:

— Мен ҳеч қачон китоб сотмайман!

— Хўп денг! — дея ялинди Карим ака.

Мен тараддуланиб гапга қўшилдим:

— Карим ака, агар шифер топиб берсангиз рози бўладилар!

Гажур ака мени силтаб ташлади:

- Шифер толиб берсалар ҳам сотмайман!
- Менда шифер бор! — деди Карим ака қувониб.
- Мен Гажур акага қарадим:
- Хўп десангиз-чи?
- Йўқ, хўп демайман! — қовоғини уйди у.

Хотинимнинг: «Зап одам билан боряпсиз, битиб турган ишингиз ҳам тескари кетади», деган гапи эсимга тушиб, баттар жиғибийрон бўлдим. Гоҳида хотиннинг гапига ҳам қулоқ солиш керак. Бу ҳангомани эшитса, умр бўйи жавраб ўтади. Ё худо, ўзинг мадакор бўл!

— Ака, хўп десангиз-чи?! Иш битиб турганда, оёқ тирашингиз нимаси? Қанақа одамсиз ўзи?! — дедим қақшаб-қалтираб.

У менга совуқ қаради:

— Ҳарқалай, фаришта эмасман!

Кўнглим лангиллаб ёнди. Бу қанақа одам ўзи? Ҳозиргина ўламан саттор, шифер керак, деб турганди. Энди бу нимаси?

Унинг жавобини эшитиб, Карим аканинг афти куйиб кетди. Анатол Франсни қўлга киритмагунча тинчимаслиги аниққа ўхшаб турарди. У бизни кутубхонасига олиб кираркан:

— Мана, кўринг, хоҳлаганингизга алмаштираман! — деб жовдиради.

Гажур ака кенг кутубхонага, жавондаги китобларга бир-бир кўз югуртириб чиқди.

— Яхши-и!.. Жуда зўр! Ихм.. кутубхонамиз деярли ўхшаш экан! — деди жиддий ҳолатда. — Ҳаммасини ўқиб чиққанмисиз? — сўради кейин.

— Ўқиб чиққанман! Мен буларнинг ҳаммасидан дарсда фойдаланаман!

Уларга қараб турарканман, кўз олдимда хотинимнинг буришган қиёфаси гавдаланиб, қулоқларим остида унинг: «Яна куруқ келдингизми?» дея шанғиллаган товуши эшитилиб, юрагим қисиллаёзди. Ишқилиб, ишимни ўнглагин, деб худога нола қилдим. Шу орада Гажур акага вақт кеч бўлаётганини эслатдим.

Карим ака тараддудланди:

— Хўш, нима қилдик?

— Нимани нима қилдик?! — деди Гажур ака бепарво оҳангда.

«Э худо, — дедим ичимда, — шу гажур, гапга кўнмас банданга инсоф бер!»

Карим ака унинг қўлтиғидан олди:

— Анатолий Франс-да!

Гажур ака:

— Айтдим-ку! — деди яна ўша бепарво оҳангда.

— Бирон йўли бордир! — дея гапга қўшилдим.

— Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг йўли бор! — деди Карим ака бироз ҳовлиқиброқ.

Гажур ака елка қисди. Бу унинг «мен билмадим» деганими ёки «бўлмайди» дея ишора қилганими?! Ҳарқалай, бу ишорасининг маъносини англолмадим.

Карим ака Гажур акага юзланди:

— Бўпти, мен шиферни сизларга сотаман, сиз эса Анатолий Франс-ни вақтинча бериб турасиз!

— Энг яхши таклиф! — дедим мен Гажур ака айниб қолмасин деган хавотирда.

— Сизда қанча шифер бор? — сўради у.

— Нимаёйди? — Карим аканинг диққати ошди.

— Шиферингиз шеригимга ҳам етса, розиман!

— Қанча шифер керак сизларга?

— Саксон бештадан! — дея шарт жавоб қилдим мен.

Карим ака яйраб кулди:

— Иккаларингга бемалол етади, ортиб ҳам қолади: менда икки юзта шифер бор!

Хайрият! Худога шукур! Мен енгил нафас олдим.

Гажур ака менга юзланди:

— Сиз юзта оласизми?

— Берсалар, оламан! — дедим ҳовлиқиб.

— Мен ҳам юзтасини оламан! — деди Гажур ака жилмайиб ва Карим акага қўл ташлади. — Розимисиз?

— Розиман!

— Эртага машина билан келиб, олиб кетамиз!

Кўчага чиқдик. Мен Гажур акага касалхонадаги воқеани гапириб бердим ва Карим акани ўга хасис одам экан, деб ўйлаганимни яширмадим.

Гажур ака кулди:

— Китобсеварлар ёмон одамлар эмас! Уларни тушуна билиш керак фақат! Тушуна билиш учун уларга йўлдош бўлиб қўриш керак!

Бу мен учун янги гап эди. Энди хотиним фиринг деса, оғзига бошлаб ураман. Шунча илм олиб, ўқиб-ўрганиб, шу гапнинг ёдга келмаганига ҳайронман! Хом сут эмган банда!

ЯРАДОР ҚЎШИҚ

Туманли совуқ кун. Шоҳиста тоқатсизланиб у ёқдан-бу ёққа юради, оппоқ, нозик қўллари бир-бирига тез-тез ишқалайди. Кутишдан ёмони йўқ. Зориққанингда тескариси бўлади. Бир соатдан буён турибди, на автобусдан дарак бор, на таксидан. Битта-си кела қолсайди, илинарди-кетарди. Совуқда қалтираб туриш зарил кептими. Бекатнинг бурчагида, шамолдан панада турган икки ярим - уч ёшлардаги қизча қош-қўзига қоп-қора сурма тортган аёлнинг қизғиш юбкасидан тортқилайди:

— Аттобуз... аттобуз. Қачон талади? Қачон Тошкан боямиз?

Онаси қош-қовоғини уяди.

— Қўп гингшийверма, отангга ўхшаб. Келиб қолади, ўша зор-манда.

Шоҳистанинг энсаси қотди. Тўғри жавоб берса, асакаси кетадими?! Ҳар ҳолда ўгай бўлмаса керак.

Қизча бурнини ушлайди:

— Ойи, буннийимми аччиғи телди.

Аёл унга ҳаворанг, кичкина дастрўмол узатади.

— Қоқиб ташла бурнингни. Кейин артиб ол. Ма.

Аёлнинг кўрс муомаласи Шоҳистанинг энсасини қотирди. «Ўзи артиб қўйса, бирор жойи камайиб қоладими?! Шу ширинтой қизча меники бўлганда, бошимда кўтариб юрардим». Бошқа бир елвизак ўй юрагини қақшатади. «Шошмай тур, эртага ўзинг ҳам фарзанд кўр, қандай муомала қилишингни ўшанда кўрамыз». У юрагидаги таънани шартта юлиб ташлайди. «Йўқ, йўқ, мен бемехр она бўлмайман, фарзандларимни азиз тутаман». Шу хаёл қуршовида беихтиёр энтиқди. Бир ой бурун уни уйга чақиришди. Онаси узоқдан гап бошлаб, қиз боланинг шаъни, ор-номуси, барвақт уй-жойли бўлиши ҳақида гапирди. Шоҳиста гап нима тўғрисида бораётганини сезиб суюнди, ҳам қўрқувга тушди. Опаси ичкари кириб, жонига оро кирди: «Йигит-пигити йўқ, ойи, дангалини айтаверинг, тегса, Анвардек йигитга тегади-да. Хўп, де, Шоҳи, мен кўрганман уни. Зўр йигит. Куёв бўлишга арзийди бизга. Ўзинг ҳам кўрсанг, оғзинг очилиб қолади. Отамнинг дўстларини ўғли. Буниям унутма».

Онаси кўзига ёш олди:

— Кўзим очиклигида йўлингни топиб ол, дейман, қизим.

Опаси унинг елкасидан қучди:

— Бунақа бахт бир келади, жон синглим, кейин пушаймон бўлиб юрма.

— Бошим қотиб қолди, опа! — шивирлади Шоҳиста «қандай бўларкин?» деган оҳангда. — Опаси ёқимли кулди:

— Қайтага шуниси ширин бўлади, Шоҳи.

Пайшанба куни совчилар келишиб, икки ўртада нон синдирилиб, қудалар бир-бирларини табриклашди. «Тўн кийди» ҳам жуда маромида ўтди.

Шоҳиста бошқа оламга — сирли дунёга кўчгандек эди. Икки-уч кунгача ғалати бўлиб юрди. «Ажойиб дунё, — деди ўзига-ўзи. — Қиз бола йигитга қўшиб қўйилади. Ғалати-я!». Ўз ўйидан ўзи уялди. Ҳатто кечқурун беш яшар укасининг бетига қарашга уялди. Эртаси эса тонг саҳарлаб институтга жўнаб кетди. Ўшандан буён уйдагиларга қорасини кўрсатгани йўқ. Кеча «тез етиб кел», деб қўнғироқ қилишди. Борса бўларкан. Тентак қиз, нега бормади. Ота-онам хавотир олади, деб ўйламади ҳам. Нима, турмушга узатилган бир уми?! Шунга шунча ғавғоми? Шоҳиста аёлга қаради. «Соатингиз неччи бўлди, опа? — Аёл унга бошдан-оёқ разм солди-да, сўнг соатига қараб: «Ўн бир!» — дея жавоб қилди бўғиқ овозда. Шоҳистанинг кўнгли оғриди. «Ўл, кўрс бўлмай, сал ширин оҳангда жавоб берсанг, оғзингдаги тилло тишларинг тўкилиб кетармиди?! Эрининг пешонаси шўр экан... Бунақаларда эр борми?!» У яна Анвар ҳақида ўйлай бошлади. Анвар акасига ҳеч қачон кўрс гапирмайди. Ҳеч қачон... Ҳозир қаердайкин у киши?! Фотиҳа қилингандан буён номига бўлса бир келиб-кетмадилар. Ё у кишиниям оталари зўрлаб... Йў-ғ, нималар деяпти. Бундан худо асрасин. Лекин бир келиб кетсалар бўларди. Ўртоғи Салиманинг йигити ҳар ҳафтада келади. «Сеники қачон келади, бир ҳусни жамолларини кўриб қўяйлик», — дея жонига тегди ҳар сафар. Уят бўлди, уят. Ҳали уйга борсин. Онаси ва опасига нима дейишни ўзи билади.

Машина овози эшитилди. Аёл боласини етаклаб, катта йўлга чиқди-да, шошиб қўл кўтарди. Оппоқ жигули ундан тўрт-беш метр нари ўтиб тўхтади.

— Қаёққа борасиз, опажон? — сўради силлиқ юзли ҳайдовчи йигит.

836989

— Тошкентга... Тошкентга борамиз! — ҳансираб жавоб қилди аёл. Йигитга ўхшаш қиз орқа ойнадан бошини чиқариб:

— Вой-бў, болача совуқ қотибди-ку. Кела қолинг-ла! — деди она-болага жонсарақ боқиб. Шоҳиста ён-атрофга олазарак боқди. Бир ўзи қоляпти. Битта-яримта ёмон одамлар келиб қолса, қайси деворга бошини уради?! Бир қадам олдинга босди-ю, дарҳол тўхтади. «Етти ёт бегоналарга қўшилиб кетавераманми, ким билади қанақа кишилар». Машина эшиклари шарақ-шарақ ёпилди. Шоҳистанинг аъзойи бадани титради. «Бирга кетса бўларди!». Машина икки метр юриб тўхтади. Ҳалиги қиз кабина эшигини очди:

— Ҳой, синглим, сиз ҳам Тошкант борасизми?

— Ҳа, Тошкант бораман, Тошкент! — Унинг қалби суюнди. Яхши қизга ўхшайди.

— Келинг, бўламаса!

Шоҳиста олдинги бўш ўриндиққа оҳиста чўқди. Кабина иссиқчина эди. Ҳузур қилди. «Яхши одамлар ҳам кўп дунёда». Машина секин ўрнидан қўзғалди. Шоҳиста йигитга бир-икки қарамоқчи бўлди-ю, аммо орқада ўтирганлардан уялди. «Машинаси борларга мазза, — хаёлга берилади ўзича. — Қани энди, Анвар акаси ҳам ҳар куни машинада келиб-кейтиб юрса, Салиманинг жағидан қутуларди. Ўзи машинаси бор йигитга турмушга чиққани маъқул эди. Сал шошқалоқлик қилмадимикин?!..»

Қизча тилга кирди:

— Тошканга тетдикми, ая?

— Ҳа, мана жўнадик, — яна кўрслик қилди аёл. — Бунча суриштириб қолдинг. Тавба.

Ҳайдовчига ўхшаш қиз уни ўзига қаратди.

— Тошкентни яхши кўрасанми?

— Яхши кўяман. Майожнийси кўп.

Ҳаммалари кулишди. Қизчанинг онаси ҳам мийиғида куларкан:

— Маҳмадоналиги отасининг ўзи-я. Буларни гапга қўйсин, — деди ўша дағал, кўрс оҳангда.

Шоҳиста яна беихтиёр гижинди. «Болани ҳам шунча хор қилдим, айримлар тирноққа зор-у». Ҳайдовчи йигит магнитофонга кассета қўйиш учун Шоҳиста томонга эгилди. Хушбўй ҳид димоғига гуп урилиб, кўнгли ёришди ва энтикканча йигитга қаради: киприклари узун, бурнининг ўнг ёнида кичкина қора холи бор эди.

— Сизларга зўр қўшиқ қўйиб берай, — деди у ва магнитофон тутмасини босди.

*Қайси бир одамнинг бахтига ёрсан,
Очилдими, сенга толе гарчаси?!*

Қўшиқ ширали, айни вақтда ғамгин эди. Аниқ ва дона-дона талаффуз этилаётган ҳар бир сўз қалбнинг нозик торларини оҳиста-оҳиста чертиб ўтар эди. «Қайси бир одамнинг бахтига ёрсан?!» — оҳиста такрорлади қиз ичида. Анвар... Қизнинг яра юраги орзиқди. — У қанақа йигит? Ҳайдовчига, шу дилбар йигитга ўхшармикин? Унингдек чиройли, шундай бўй-бастли, кам-гап, оғирмикин? Эй, фалак, ишқилиб шарманда қилма». Ётоқхонадан чиқаётганда Салима унинг сумкасига шоколад солганди. Шоҳиста шоколаддан биттасини қизчага узатди.

— Шоколад ейсанми, пиринтой қизча?

Қизча кулди.

— Шокояд.

— Ма, олақол. Исминг нима?

— Байно.

Унинг ёнида ўтирган қизча кулиб юборди:

— Адаш эканмиз, буни қаранглар-а!

Шоҳиста катта Барнога ҳам шоколад узатди. Аёлга ҳам мурувват қилди:

— Олинг, опа.

— Шоколадга унчалик хушим йўқ, — деди у упа-элик суртилавериб, буришган юзини жийириб.

«Қўнгли учун олиб қўйса бўларди. — Шоҳиста яна оғринди. — Энди бурилиб ҳам қарамайман унга». Шоколаднинг ярим қогозини очиб, йигитга узатди:

— Олинг, ака, вафли шоколад бу!

Йигит жилмайди. Жилмайиши ҳам чиройли экан.

— Раҳмат, синглим! — шоколадни оларкан, тафтли қўли қизнинг нозик бармоқларига тегди. Шоҳистанинг қайноқ лаблари тамшанди. Ҳозир иккисидан бошқа ҳеч ким бўлмаса... «Қизиқманми? — бебурд ўйидан уялди у. — Менга нима бўлди!» Шунча йилдан бери институтда ўқиб, бирон-бир йигитга бунчалик талпинмаган эди! Ёки йигитнинг машинасига, ҳуснига учаяптими? Тентак хаёлга, бебурд ҳиссиётга берилмаслик керак! У мия-

сида чувалашаётган хаёлни қувиб юборишга ҳаракат қилди. Қўшиқ янгради, ҳофиз юракдан нола қилди: «Бутун сен кимларнинг меҳрига зорсан...» Шоҳиста томоғи қақраган кишидек тамшаниб ютинди. Қизларда висол олдидан пайдо бўладиган ғалати ҳиссиёт ҳозир унинг қалбини, бутун вужудини қамраб олганди. Юраги безовта, кўкракларида чарчоқ, оғриқ сезилди. Нега бундай бўлаяпти? Нима бўлди?

Машина кенг йўлдан қушдай учиб борарди.

— Нана шокояд бейинг! — сўради қизча.

Онаси шерикларидан уялган бўлиб уни тергади:

— Уялмайсанми, зумраша?

— Нега унақа дейсиз? — деди Шоҳиста аччиқланиб. — Қўйинг, индаманг, бола-да! — Сумкасидан икки дона шоколад олиб қизчага узатди. — Ма, олақол! Ол!

Қизча онасига қаради. Аёл қовоғини уйиб, ташқарига тикилди. Шоҳиста Барнога қараб имо қилди. Катта Барно унинг нимага ишора қилаётганини дарҳол фаҳмлади:

— Олақол, Барнохон, ол!

Қизча Шоҳистанинг кўлидаги шоколадларни чаққонлик билан олди-да, этагига яширди. Катта Барно аввал кудди, кейин Шоҳистага қараб «Қизча хор экан», дегандек бошини сараксарақ қилди. Шоҳиста унга ҳам шоколад узатди.

— Мен бўлдим, — деди Барно, кейин йигитга ишора қилди.

— У кишига беринг, шоколадни яхши кўрадилар.

Йигит жилмайиб, шоколадни олди, лекин бу сафар уялди шекли, оғзига эмас, кўкрак чўнтагига солди.

Машина кенг адирлар оша юқорига, тоғ томонга шитоб билан кўтарилиб борар, ҳов пастда эса атрофлари ихота дарахтлари билан ўралган кенг майдонлар, ям-яшил дарахтзорларга бурканган қишлоқлар, икки-уч, тўрт-беш қаватли уйлاردан иборат шаҳарлар кўзга ташланади. Адирлар ям-яшил. Дарахтлар куртак очган. Бодомлар гуллаган. Табиатга қараб тўймайсан! Қани ҳозир шу йигит Анвар бўлса-ю, машинани йўл четига қўйиб, кўм-кўк адирларда чоғиб ўйнасанг!

Машина тоғ йўлидан ўтиб, дара оралаб кетди. Даранинг охирида, ўнг қўлдаги чойхона йўловчилар билан гавжум. Йўл четидан юк ташувчи енгил машиналар қаторлаштириб қўйилган.

— Қимиз ичамиз, — деди йигит ва машинани четга олди.

— Қимиз дедингизми? — сўради аёл. — Қани?

— Ҳов, ана! Болакай сотиб ўтирибди.

Йигит билан аёл бола томонга юришди.

— Сиз қимиз ичмайсизми? — сўради Барно.

— Йўқ, — жавоб қилди Шоҳиста. — Ҳеч ичиб кўрмаганман.

— Акам қимизни яхши кўради. Ўқишдан келди дегунча, Ўшга қараб жўнайди. У ерда қариндошларимиз бор. Ўзлари қимиз тайёрлашади. Бир йили уйимизга олиб келишувди. Ичиб кўрганман. Уйдагилар маза қилиб устимдан кулишган, ўшанда!

— Мен ҳам шу йигит акангиз бўлса керак, деб ўйловдим.

— Ўхшаймизми?

— Жуда ўхшайсизлар! — Шоҳиста Барнога қаради. — Акангизми ўзи чиндан ҳам?

Барно шарақлаб кулди.

— Вой, нима деб ўйловдингиз, акам, туғишган акам! Тошкентдан келишда иккита аёлни йўлдан олдик. Улар йигитингиз жа чиройли эканми, қатган топдийиз бу барно йигитни, дейишди. Кулавериб ичакларим узилди.

— Бу ёққа нега келдинглар?

— Иш билан.

— Оилада кўпчиликмисизлар?

— Йўқ, шу иккаламиз.

— Акангиз ақлли йигитга ўхшайди.

— Ҳамма шунақа дейди. Ҳақиқатан ҳам ақлли йигит. Онам уни ўнга фарзанднинг ўрнини боса олади, дейдилар. Гоҳида шундай ақлли ишлар қиладики, қойил қоламан унга! Мен-чи, аччигим чиқса, онамга ҳам, отамга ҳам гап қайтаравераман. У бўлса, йўқ, ҳеч бундай қилмайди. Шунинг учун онам ҳам, отам ҳам уни кўпроқ яхши кўришади. Ишқилиб, уйимизга тушадиган келин унга муносиб бўлсин! Онам эрта-кеч шунинг ташвишини қиладилар. Акам бу йил ўқишни битирадилар. Ҳозир диплом иши билан бандлар. Бу ёққа онам ёлғиз юборишга кўнгиллари бўлмай, мени ҳам қўшиб юбордилар. Ишимиз ҳам битмади.

«Қанақа бахтли қиз унга ёр бўларкин?» — ўйлади Шоҳиста ва беихтиёр ўкинди. — Нега унга шунақа йигитлар учрамади? Нега?»

Йигит машина эшигини очиб, ичкари кирди. Қўлида газетага ўроғлиқ бир нима бор эди. Жойига ўтиргач, бир қути печеньени қизчага узатди.

— Бу сенга, сингилжон! — Шоҳиста билан Барнога бир қутидан мармелад берди.

— Вой, қаердан олдингиз! — сўради Барно.

— Буфетдан! — жавоб қилди йигит.

— Кўпроқ олмадингизми?

— Олдим. Етар! Мармеладни яхши кўришингизни биламан. Уйда ҳам бор...

— Қимиз ичдингизми?

— Ичдим, унчалик яхши эмас экан.

Аёл келиб кабинага киргач, машина ўрнидан қўзғалди. Шоҳиста йигитга кўз остидан назар солар, барваста елкасига, қопқора сочларига, қалин лабларига, сабза мўйловларига унинг ҳаваси келмоқда эди. «Қанийди, шу йигит Анвар бўлса! — типирчилади юраги. — Нега аввалроқ уни учратмади? Нега?»

Барнонинг гапи унинг хаёлини бўлди:

— Вой, ана у лолаларни қаранг! Тўхтатинг, ака, бир-иккита олайлик.

— Мумкин эмас, кўриб қолишса, жарима солишади.

— Нега мумкин эмас экан?! — деди қизчанинг онаси. — Вой, замонангдан ўргилдим. У мумкин эмас, бу мумкин эмас. Қани, тўхтатинг-чи машинангизни!

Йигит ноилож тормозни босди. Аёл машинадан туша солиб бўғдойзор оралаб кетди. Катта Барно билан кичик Барно ҳам унинг орқасидан чопишди. Шоҳистанинг икки бети олов тафти теккандек, қизариб кетди.

— Лола теришга хушим йўқ, — дея ёлғон гапираркан, икки ёноғи ловиллаб ёнди. Аслида йигитнинг сўзларига мушток, ундан ширин гаплар эшитиш истагида ёнаётган эди.

— Исмингиз нимаиди? — сўради йигит.

— Шоҳиста! — жавоб қилди қиз.

— Шоҳиста? — йигитнинг беғубор кўзлари унга ҳавас билан боқди. — Чиройли исмингиз бор экан.

Шоҳистанинг қалби барг каби титради. «Овози бунча ёқимтой! Ё унга шундай эшитилдими? Исми унинг тилида жуда чиройли жаранглади».

Йигит ойнадан ташқари қаради:

— Оҳ-хо, улар узоқлашиб кетганга ўхшайди.

Ҳозир бу яқин атрофда улардан бошқа ҳеч ким йўқ. Йигит Шоҳистага ўтирилиб, кўзларига қаттиқ тикилди.

— Нега ундай қараяпсиз? — деди Шоҳиста уялган бўлиб.

Йигит жавоб қилмади. Ёноқлари бирдан қизарди. Кўзларини ерга тикди. Ва шу заҳоти яна қизга қаради. Шоҳиста ўзини ўнғайсиз сезиб, бошини қуйи эгди.

— Мармелад ейсизми? — сўради у нима дейишини билмай. Шоҳистанинг назарида, қаршисида бегона йигит эмас, ўзининг Анвари ўтиргандек эди. Кичкина япалоқ кутидан бир дона юмшоқ мармелад олиб, унинг тилига қўйди. Йигит ёқимли жилмайди:

— Мармелад ўзингиздек ширин экан!

«Ёқиб қолибман шекилли!» Шоҳиста кўзларини ерга тикди.

— Йигитингиз борми?

Шоҳиста нима деб жавоб қилишини билмади. «Ҳа» дейиш унга оғир, лекин йигитнинг таъбини хира қилишни истамади.

— Демак, йўғ-а? — сўради йигит унинг сукутга кетиб қолганини кўриб.

Шоҳиста яна жавоб қилмади, фақат йигитга қараб ширин жилмайди. Ғўзал ва ўтли нигоҳга, ширин табассумга ҳар қандай эркак кишининг тоб бериши, чидаши қийин. Йигит Шоҳистанинг оппоқ ва нозик қўлчаларини кучли, бақувват кафтлари орасига олди. Қиз қўлини тортиб олишга уринди, лекин кучи етмади. Тўғриси, ўзи шуни исгаётганди. «Битга ўпса нима бўлгити?! — дея хаёлидан ўтказди. — Бошқа қизлар юзтага ўптириб, бошқасига тегиб кетишяпти!»

Орқа эшик шарақлаб очилди. Аёл бир қучоқ лола кўтариб ичкари кирди.

— У-фф! Чарчаб кетдим! — деди у зорланган бўлиб. — Эсиз ёшлик!

Шоҳиста уятдан қип-қизарди. Йигит уялди шекилли, ташқарига чиқди.

Аёл унга заҳрини сочди:

— Дарҳол оғиз-бурун ўпишиб қолибсиз, тинчликми?

Шоҳиста ток урган кишидек титради, лекин тили қисиклиги учун унга эътироз билдиришга ожизлик қилди.

— Эҳтиёт бўл, қиз! — давом этди аёл. — Йўлда учраган чиройли йигитчаларнинг ширин сўзларига, чиройига, машинасига учаверма! Эрингга бемехр бўлиб қоласан! Мени тўғри тушунгин! Мен шундай хатога йўл қўйдим, сен бу ботқоққа оёқ босма, қайтиб ўзингни ўнглолмайсан. Мана мен, бир умр қуйиб ўтдим. Ҳалигача эрим билан муроса қилолмайман, ҳалигача бахтимни топган эмасман. Эримга кўнглим йўқ. Бошқани топай десам,

қариб қолдим. Энди шафтолиқоқи кампирнинг кимга кераги бор?! Сендек пайғимда бўйдор ва хушрўй йигитлар билан ресторан-ма-ресторан санқиб, кун ўтказдим. Аҳмоқ эканман. Ҳеч маъни топмадим. Қайтага бахтсиз бўлиб қолдим. Қўлимдан на тикиш, на овқат қилиш келади, умуман... Эҳ, гапираверса гап кўп. Кеча меҳмонлар келди, овқатга эрим туз солган экан, мен ҳам бир қошиқ қўшибман. Жанжаллашиб қолдик. Мана, онамникига кетяпман. Чидамадим, чидолмадим. Ўртада меҳр йўқ-да, меҳр! Меҳр бўлганда, аразлашиш ярим соатда тарқаб кетади. — Аёл хўрсиниб қўйди: — Сендақаларни, енгилтакларни кўрсам, нафратим қўзғайди!

Шоҳиста қўл рўмолчаси билан ловиллаб ёнаётган лабларини артаркан, «баттар бўл», деди ичида.

Катта Барно билан кичик Барнолар ҳам кабинага киришди.

— Бай-бай, бирам лола кўп экан-ки! Бормадингиз-да, Шоҳиста! — деди катта Барно кувноқ оҳангда. — Олинг, бу сизга, қаранг, қандай гўзал! — Тўрт дона лолани унга узатди: — Уйда-гиларингизга берарсиз!

Чехраси маъюс тортган Шоҳиста унга қараб зўрға табассум қилди. Уйда онаси билан опаси уни кутишяпти. Уларга совға қилса, хурсанд бўлишади.

* * *

— Шойи, тез бўл! — деди опаси. — Ясан-тусан қилиб ол! Учрашувга борамиз! Ву-уй, лолаларни қаердан олдинг?

— Йўлда бугдойзордан тердик!

— Ялтироқ қоғозга ўрайлик, куёвингга олиб борамиз.

Шоҳиста афтини буриштирди.

— Шунга чақиртирган эдингларми?

Она-бола уни бир соат авраб, зўрға кўндиришди. Бу орада бир эмас, тўрт марта куёв томон «бўла қолинглар» дея сим қоқишди. Шоҳиста истар-истамас кийинди. Кўнгли қоронғи, юраги безовта эди. Учрашувга боришни истамаётганим учун шундай бўляпти, дея ўзини юпатмоқчи бўлар, лекин қалбига кириб олган алақандай оғриқ унга қаттиқ озор бермоқда эди.

Боғда одам гавжум. Опаси автобусдан тушган заҳоти қизғиш кўйлакли, ўрта бўй аёл томонга қараб юрди.

— Ассалому алайкум, кенной! Куттириб қўймадикми?

— Йўғ-э, айланай, — деди аёл қўлини ёзиб, — бизлар ҳам ҳозир келдик! Келин қани!

— Мана!

Аёл Шоҳистага бошдан-оёқ разм солди:

— Вуй, бўйларингдан опоқинг айлансин, мунча ширин бўлма-са! Анваржонга айнан мос экан. Опанг ўргилсин бўйларингдан! Анваржонга деб лола ҳам олиб келибди-я! Ҳой, Анваржон, бери кел!

Шоҳиста аланг-жаланг ён-атрофга қаради. Анваржон деганлари қанақа йигит экан? Қани у?. . Ва бирдан қотди-қолди! Ўша! Ўша йигит! Барнонинг акаси! Наҳотки, шу Анвар бўлса? Наҳотки! Йигит тўхтади. Шоҳиста жилмайди. У эса қовоғини уйди. Кўзлари аввалгидек ўтли боқмади. Қизнинг юраги шув этиб кетди!

— Салом-алик қилмайсизларми? — деди Анвар билан келган аёл.

Шоҳистанинг опаси ҳазиллашди:

— Бир-бировларига маҳлиё бўлиб қолишди.

Йигит шарт ортига бурилди-да, йўл четида турган машинага ўтириб, моторни ўт олдирди. У билан келган аёл олдинга интилди:

— Ҳой, Анваржон, тўхта, болам! Тўхта!

Шоҳистанинг қўлидаги лолалар ерга тушди. «Нима қилиб қўйдим?!»

— Вой! — лолаларни босиб олган сарғиш қўйлакли қизча ўзини четга олди.

Кўкда яраланган қўшиқ учар, унинг оппоқ қанотлари титрар, овози бўғиқ, оғриқли ва ғамгин эди. О, инсон қисмати, бунчалар чигал...

ЭСКИ ДҶУППИ

Катта, кенг, ёруғ дераза ёнида хомуш ўтирган Шавкатнинг қора чарм китобтўрваси очиқ турар, унда дафтарлар устида буклаб қўйилган эски дўппи ҳам бор эди. Дўппининг кезаклари униққан, юлдуз ва ой нусха нақшларининг ранги ҳам хира тортиб қолган. Жамалак сочли, оқ юзли Ирода оёқ учида юриб келиб, китобтўрвадан дўппини олди. Дераза тепасидаги тарновдан тўшаётган ёмғир томчиларига қараганча хаёлга толган Шавкат қизнинг келганини ҳам, дўппини олганини ҳам сезмай қолди.

— Вой-бўй, бу нимаси?.. Қизлар, бу ёққа қаранглар?

Ҳангоматалаб шаддоод синфдош қизлар бир зумда Ироданинг атрофини ўраб олишди. Дўппи қўлдан-қўлга ўтди.

Шавкат синфдаги энг оғир ва босиқ бола. Шу дамгача унинг бировга овозини баланд кўтариб гапирганини, ўзгалар билан сўз талашганини ҳеч ким кўрган эмас.

Ирода уни ҳажвга олмоқни кўзлаб:

— Бу антиқа нимаси, жаноб Камолов?! — дея сўради.

Шавкат ўрнидан турди ва дўппи томон қўлини чўзди:

— Беринглар уни бу ёққа! Беринглар!..

Ирода — синф боши, катта гапиришга ва пичингга ўч. Ҳазил — жони дили. Бирор гапнинг учини топса, томоша кўраверинг. Бунақасини Тошкент циркида ҳам кўрмайсиз.

— Қурбақани боссанг, вақ, дейди! Нега вақ деяпсиз, жаноб Камолов! — дея пичинг қилди у.

Шавкатнинг икки ёноғи қизарди:

— Беданадек сайрама! Дўппимни олиб бер!

Қизлар ҳи-ҳилаб кулишди:

— Боплади!

— Вой, бу бечорада ҳам тил бор экан!

— «Тирилган мурда» тилга кирди!

Пичинг ва кулгилар Шавкатнинг қитиғига тегди:

— Яхшиликча беринглар дўппимни!

Қизлардан бири дўппини отиб юборди.

Шавкатнинг қўллари баланд кўтарилди:

– Отманглар уни! Отманглар!..
 Ирода уни илиб олди:
 – Ёшлигида шуни кийиб юрганми, дейман! Ве-ей, роса антика эканми, зорманда!
 Шавкат ўшқирди:
 – У зорманда эмас!
 Синфга отилиб кирган йигитлар жойларида таққа тўхташди.
 Шавкат бақиряптими? Соқов Шавкат-а?!
 Унинг партадош ўртоғи ўртага суқилди:
 – Нима бўляпти ўзи?
 Ирода дўппини боши узра кўтарди:
 – Мана шу зорманда эски дўппи бизлардан азиз эмиш!
 Шавкат бўғриқиб деди:
 – Ҳа, сизлардан азиз!
 Ирода қўлини кўтарди:
 – Стоп, стоп! Так вот, орамизда оғир, босиқ Шавкат бор эди... унинг ниқоби йиртилган кўринади! Болалар, қани, ўтиринглар. Буни муҳокама қилиш керак! Эртага бу гап бутун мактабга дoston бўлса, ҳаммага маймун бўламиз!
 Ҳамма жой-жойини эгаллади. Фақат Шавкат ўртада қолди.
 – Бер дўппимни! – деди у ўшқириб.
 Ирода қош-қовоғини уйганча шанғиллади:
 – Болалар, эшитдинглар-а?! У мени ҳақорат қилди.
 – Сени ҳақорат қилаётганим йўқ.
 – Унда нега сенлаяпсан?.. Бу ҳақорат эмасми? Сен мени ҳеч қачон сенлаган эмассан!
 – Бер дўппимни...
 – Шу мендан, биздан азизми?
 – Азиз!
 – Болалар?.. Бу қанақа гап? Энди буни тушунтириб берсин! Эшитдинглар-а!
 – Эшитдик, эшитдик! Тушунтириб берсин!
 Шавкат оёқ тиради:
 – Ҳеч нарсани тушунтириб бермайман, беринглар дўппимни!
 Ирода муштини кўрсатди:
 – Эгоист!
 Шавкат ҳам бўш келмади:
 – Ўзинг эгоистсан!

Ироданинг қалин лаблари кўкариб, кўзлари олайди:

— Болалар, синф раҳбаримиз — Нодира Юсуповнани чақириб келинглар, тарбиявий соат ўтказамиз. Орамизда жаҳолатчи пайдо бўлибди!

Бу гап Шавкатга оғирлик қилди. Беихтиёр отасини хотирлади. Отаси — майор Камолов Ҳисор тоғларига ўрнашган жангариларга қарши курашга кетаётган куни дўпписини унинг бошига қўндириб: «Келгунимча ҳидимни йўқотиб қўйма!» — дея унга кулиб кўз қисиб қўйган, ўшанда Шавкат буни ҳазил ўрнида тушунган эди. Отаси тоққа урушга кетгач, бир ҳафтадан сўнг... бир ҳафтадан сўнг уни тобутга солиб олиб келдилар. Шавкат олдинига тушунмади. Ҳовлини йиғи-сиғи тутди...

Ироданинг шанғиллаган овози уни ўзига келтирди:

— Уни қаранглар: кап-катта йигит йиғлаяпти... йиғлаяпти!

Шавкат тобутда ётган отасини эслади, дўппи ҳиди димоғига урилди:

— Бер дўппини, бер бу ёққа! Бермасанг, ҳозир пачағингни чиқараман! У отамдан қолган азиз дўппи! Билдингми? У отамдан қолган!

Ироданинг қўллари шалвираб икки ёнига тушди.

Синфга югуриб кирган Нодира Юсупова ҳаллослаб кела солиб, Ироданинг қўлидан дўппини олди-да, йиғламоқдан бери бўлган Шавкатни бағрига босди:

— Йиғлама, ботир болам! Йиғлама, сен отангга муносиб ўғилсан! Муносиб ўғилсан!

Шавкат устозининг қўлидан эски дўппини юлиб олди-да, изиллаб йиғлаганча ташқари отилди.

ТОШТАН

Кўршапалак бир думалаб, одамга айланди. Тоштан ҳаётда бунақа мўъжиза рўй беришини етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган. «Бизди замонда ҳам эртакка ўхшаш ҳодисалар рўй берар экан-ку», дея ич-ичидан суюнди. «Қуёшни ёмон кўрасан-а?» — сўради Кўршапалак. Тоштан унга яқин сурилди.

Кўршапалак буйруқ оҳангида деди:

— Унинг бетига қора рўмол ёпиб қўйсанг-чи, оғайни! Қора рўмолинг борми?

Тоштан айбдор боладек бўйнини қисди:

— Менда йўқ.

— Онангники бордир?! Бор. Опчиқ. Бирга учамиз.

— Мен учолмайман-ку!

— Сени қанотларим орасига олиб учаман.

Одам бир думалаб қоп-қора баҳайбат кўршапалакка айланди. Бир зумда Тоштан ўзини шамол гувиλλαётган осмон-у фалакда кўрди. Фақат қаттиқ шамол эсаётгани унга ёқмасди. Шамол эсмаганда, мазза қилиб ухларди. Шамолни ким чиқарган ўзи? Беихтиёр кўзларини юмди. Шамол кучайди. «Маҳкамроқ ушла!» деб бақирди Кўршапалак. Ўнг томондан эсан кучли шамол Тоштанни зим-зиё тун қаърига улоқтирди. «Войдод! — бақирди у. — Кўршапалак ёрдам бер!»

Кимдир қиқирлаб кулди.

— Турсанг-чи, ўғлим! Тур! — онасининг безовта овози эшитилди. Тоштан зўрға кўзини очаркан, муздек полда ётганини кўриб, ҳайрати ошди.

— Кўршапалак қани? — сўради босинқираб.

Онасининг оқ-сарғимтир сочи ажин босган пешонасига тушди:

— Ёмон туш кўрибсан, болам!

Қийшиқ эшик ёнида турган ўн ёшлардаги бурни пучуқ қиз — опасининг эркатойи Ҳилола яна қиқирлаб кулди.

— Ҳей, кулма! — Тоштан унга қўлини пахса қилди. — Бунга Кўршапалак айбдор. Унинг гапига ишониб, каравотдан йиқилиб ўтирибман.

Ҳилола яна қиқирлади.

— Ҳей, қиқирламасдан пардани ёпсанг-чи! — ўшқирди қизга.

Ҳилола зарда қилгандек, тақ-туқ қадам босиб, деразанинг ёнига борди-да, рангсиз кўкимтир пардани зарб билан тортди: иплардан бири чирт этиб узилди.

— Секинроқ! — ўшқирди яна Тоштан.

Онаси:

— Турақол, ўғлим, чойингни ичиб, ишингга жўна. Бошлиғинг вақтлироқ борсин, деб тайинлаб кетди, — деди ўрнидан туриб ташқари йўналаркан.

Тоштан уйқули кўзларини уқалади. Нега тез тонг отади, кечаларни узунроқ қилиб яратишса, ҳақлари кетармиди?!

* * *

— Ҳой, ука, қанақа бепарво йигитсан ўзи, а?! — Калласи катта, оғзи кичкина Ҳасан полвон уни кўрган заҳоти бақира кетди. — Ман санга ерни чуқурроқ ҳайда демаганмидим?

Тоштан эснади. «Намунча шанғиллайди!»

Ҳасан биргад эғнидаги пахтали жигарнусха чопонининг этакларини қоқди.

— Садқаи одам кет-э! Санга гапирди нима-ю, деворга?!

Тоштан яна эснади. Тезроқ бу ердан даф бўлсайди, тракторнинг кабинасига кириб, уйқуга тўйиб оларди.

— Ҳой, менга қара, бола! — бақирди Ҳасан полвон. — Ҳадеб эснайверма, аммамнинг касал бузоғига ўхшаб. У қулоғинг минан ҳам, буниси минан ҳам эшитиб ол, кечаги чалангни бутун ўн марта қайта ҳайдаб, эпақага келтирасан, бўлмаса энангни Учқўрғондан кўрсатаман.

Тоштан трактор томон юрди. «Учқўрғондан эмас, Тоғқўрғондан кўрсатмайсанми, барибир ухлаб оламан». Ҳасан полвоннинг қораси ўчгач, бир соатлар чамаси мизғиб олди ва шундан сўнггина, тракторни ёндирди. «Ҳовлиқма, келиб қолса, яна сасийди». Адирлик тепасидаги бир парча ер кўзига чеки-чегараси йўқ, улкан майдондек кўринди. «Қанийди, битта зўр олим бўлса-ю, компьютерли трактор яратса, шундоқ тугмачани боссанг-да, ухлайверсанг, трактор бўлса, буйруғинг бўйича бутун далани ҳайдаб чиқса, мазза бўларди-да!». У плутларни ерга ботирди. Трактор зўриқиби

ўрнидан қўзғалди. «Чуқурроқ ҳайдамаса, яна шанғиллайди». Бир оздан сўнг уни яна уйқу босиб, боши куйи эгилди.

— Ҳой девона, одаммисан, ё махлуқмисан? — Ҳасан полвон мудраётган Тоштаннинг елкасига мушт солди. — Нимага қўшни-нинг даласини ҳайдаяпсан, касофат?

Тоштан довдираганча қўзини очиб, кабина ойнасидан ташқарига қаради: трактори қўшни даланинг ўртасида турарди.

— Бунга мен айбдор эмасман, — ўзини оқлашга ўтди Тоштан.

Ҳасан полвоннинг кичкина оғзидан кўпик сачради:

— Ким айбдор? Ким, падарлағнат!

Тоштан унинг барваста кўкрагини ўзидан нари итарди:

— Бунга уйқу айбдор! Уйқу босиб келса, ман нима қилай!

— Ҳаҳ, зорманда-я! Ҳаҳ зорманда! — Ҳасан полвон чопони этакларини яна зарда билан қоқди. — Ҳаҳ зорманда-я! — деди яна зорланиб. — Орамизда санга ўхшаган бепарволар борки, ўн йилдан бери судралиб юрибмиз. Санларга ўхшаган уйқупарастлар катта-катта кабинетлардаям мудраб ётибдилар. Ов, овсар, санга ўхшаганлар ерни тузук ҳайдаса, деҳқоннинг дастурхони қут-баракага тўлади. Сен буни тушунармидинг, овсар!

Тоштан яна эснаганча уни мазах қилди:

— Сизни полвон, десам, сиёсатдан ҳам хабарингиз бор экан. Ҳадеб ундоқ қилиш керак, бундоқ қилиш керак, дейсиз. Ноябрьда бўлмаса, декабрда ҳайдашни битирарман. У ёғи январь. Ана февраль! Ана, борингки, март бор, бир кун ҳайдаб битирамиз-да шу савил ерингизни!

Ҳасан полвон чопонининг этагини яна зарда билан қоқди:

— Ҳаҳ, бола, энди ўзингдан кўр! Шу пайтгача онангни ўйлаб, индамай юрган эдим. Сани алмаштирмасам, ишим юришмайди-ганга ўхшайди.

Ҳасан полвон кетгач, Тоштан бир марта даланинг у бошидан бу бошига бориб келди. Тушликда онаси унга овқат келтирди.

— Жуда кам ҳайдабсанми, болам? — Кампир далага қўз югуртирди. — Кеча ҳам шу жойда эдинг. Ё тракторинг бузуқми?

Тоштан кабинадан тушиб, дастурхонни очди. Хушбўй палов ҳиди димоғига урилди: «Бай-бай, манаву бошқа гап». Кампир саволини яна қайтарди.

Тоштан кавшанганча гўлдиради:

— Ҳали вақт кўп, эна! Ҳайдаб бўларман бир кун!

— Ишингга пухта бўл, болам, Ҳасан акангни хапа қилма. Хўпми?

— Э-э, уми? Ҳозир келиб мани хапа қип кетди.

— Жанжаллашиб қолдингми?

— Ман сани алмаштираман, деп дўқ урди.

— Қаёққа кетди?

— Идорага кетди!.. Овқатингни еб ол. Кейин ишингни қил. Ман ўзим у билан гаплашаман. Коса-товоқни ўзинг олиб борарсан?

Кампир пилдираганча катта йўл томонга ошиқди.

Овқатни паққос туширган Тоштан мириқиб керишди. Қорин тўйди. Кўзлар бил-билж. Уйқу дегани дунёнинг роҳати. Бир оздан сўнг уни мудроқ босди. Пешонасини тик этиб ричагга уриб олганини ҳам сезмай қолди. Тракторни дала четига чиқарди. Бу ердан пастлик — далалар, ҳов ана идора кафтдек кўзга ташланади. Ҳасан полвоннинг қораси кўрингунча бир мизғиб олса, сал ўзига келади. Ҳовлиқаверади-да, ҳайда, деб. Уйқунинг қадрини билганда шанғилламасди. Ҳай майли. Ўзи билади. У юмшоқ ўриндиққа чўзилди. Лекин ҳадеганда уйқуси келмади. Бурунги замонни қўмсади. Ўшанда уч ой ёзда далада пахтага сув қўярди. Эрталаб кечроқ уйғониб, чой-пой ичиб, сал дам олиб, сўнг ишга келар, Шокир қовоқ билан Сотим сувчи деганлари ҳам наридан-бери пайкалларга сув тарашиб, ўт ўргани кетишар ва шу бўйи соат тўртларда қорасини кўрсатишарди. Тоштан унғача мазза қилиб ухлаб олар, уни биров «ишла», деб мажбурламасди. Бригад деганлари эса ойда бир кўринар ва гоҳо: «Ҳа, Тоштан, семиряпсанми, ука! — дея ҳазиллашарди. — Номингга яраша боласан», деб кесатарди ҳам. Лекин ҳазили одамга қаттиқ ботмасди.

Тоштан эснади. Кабина эшигини ёпиб, қора қалпоғини кўзига туширди. Тракторни ўчиргиси келмади. Ҳасан полвон келиб қолса, ҳозир дам олишга чиқувдим, дейди, шу билан овози ўчади. Орадан ярим соат ўтиб, унинг хурраги бутун далани титрата бошлади.

Адирлик четига сув тушавериб, юмшаб қолган жой бор эди. Трактор секин-аста ўнг ёнга, пастга оғиб борар, хуррак эса авжига чиқмоқда эди. «Оғайни ётибсанми? — Кўршапалак кулди. «Ҳа-а, сенмисан, тасқара! — қовоғини уйди Тоштан. — Сан мани алдадинг!» Кўршапалак тумшайди: «Нима деб алдадим?»

Тоштан қовоғини уйди: «Тушимга кирган экансан, мен ўнгимда кўрдим, деб ўйловдим». Кўршапалак бир думалаб Иблисга айланди. «Ман сани жонингни олгани келдим. Бу дунёда қиладиган ишинг йўқ!» Тоштаннинг кўзлари олайди: «Жиннимисан, ҳали ёшман. Ёлғиз онам бор». Иблис бепарво қўл силтади: «Ким нимани орзу қилса, ўшанга эришади. Танангнинг мақсади фақат уйқу. Шундоқ бўлгач, уни тинч қўй». Тоштан менсимаган оҳангда: «Сан мани яна алдаяпсан?» деди. Иблиснинг юзи қорайди: «Нима деб алдаяпман?» Тоштан: «Сан бир тушсан, холос», дея кулди. Иблис: «Йўқ, бу сафар алдамайман», деди қатъий оҳангда. Тоштаннинг боши айланди, бир нима қарсиллаб кетди. Алаҳсираб кўзини очаркан, тракторнинг жарга қулаётганини кўриб, додлаб юборди. Лекин унинг додини ҳеч ким эшитмади.

БОЙВАЧЧАНИНГ ҚИЗИ

Баланд, сершоҳ чинор дарахти остидаги қизғиш тахта ўриндиқда Ороманинг қирмизи қўйлаклари этагини енгил шамол оҳиста ўйнайди, унинг ёнидаги мўйлови эндигина сабза урган кулча юз йигитнинг кўзларида оловранг табассум жилолари ялтирайди.

— Танишганимизга тўрт йил бўлибди аллақачон. Умрни ўтганини қаранг!

Орома оқ туфлисининг учи билан ер чизади. Саккизга ўхшаш қирмизи лабларида оқиш нур ўйнайди.

Йигит унинг оппоқ, нозик қўлчаларини бўлиқ кафтлари орасига олади:

— Онамга маъқул бўлсангиз...

Орома уялиб ерга қарайди. «Онасига маъқул бўламанми?! Қанақа аёл ўзи? Тили заҳар, қалби тор, зикна эмасми ишқилиб?!»

Йигит унга яқинроқ сурилади:

— Хўш, бугун отангиз билан таништирасизми?

Орома унга ялт этиб қарайди:

— Азамат ака, Сиз...

— Нима Сиз?

— Отам... ҳалиги.

— Сизга нима бўлди?

— Отамни таништирар эдим-у, у киши сизни қабул қилармиканлар?

— Ишонаман, албатта, қабул қиладилар. У кишининг номини ҳам айтган эмассиз. Айтинг, бугуноқ онамга бориб айтишим керак. Ёлгончи бўлиб қолмай. Ким у киши? Исмлари нима?

— Исмлари... ҳалиги, Азамат ака?

— Хўш, хўш?

— У кишини ҳамма танийди. У кишини Бой ота дейдилар.

— Қайси бой ота?

Ороманинг қоп-қора, узун киприклари беозор пирпиради:

— Ҳалиги... шу Бой ота... Азимбойвачча дейдилар.

Азамат ўзини орқага тортади:

— Наҳотки?.. Сира эшитган эмасман. Сиз қайси аёлларидан?..

Орома нозик қўлчалари билан яна юзини яширди ва чопқиллаганча университет биноси ичига кириб кетди. Ичкарининг димиққан ҳавоси нафасни қайтаради. Қизнинг чаккалари қақшаб оғриб, лаблари қурушди. Аввал айтиш керак эди. Қайси аёлларидан, деб сўради. Демак, отасининг бошқа аёллари ҳам бор экан-да. Буниси майли-ку, лекин онаси ноқонуний қизи экан, деб эшитса, ихлоси қайтади. Қандай шармандагарчилик бу. Тўрт йил бирга юриб, бир-бирларига кўнгил қўйиб, энди ниятларига етиб турганларида, ер тишлаб қолиш — ўлим билан баробар.

Аудиторияга кирганда, эгнига тор ва калта юбка кийган Паризод унинг оддий, юпунгина қирмизи кўйлагига назар ташлаб, лабини бурди:

— Фу-у, кийимини?!

Нозик, узун бармоқларидаги қатор тилло узукларини кўз-кўз қилаётган дугонаси:

— Тезроқ сўрасанг-чи? Борадим йўқми? — деди қонсиз юзини бужмайтириб.

Паризод унга тескари ўтирилди:

— Нима қиламиз уни судраб?! Барибир, бормади. На пули бор, на хоҳиши. Ана, афти айтиб турибди.

Орома тўлғанди, Орома ёнди. Бу гаплар тиф мисоли юрагини тирнаётган бўлса-да, тишини-тишига қўйиб, улардан нари кетди ва жойига бориб ўтирди. Кўз қири билан олифта қизларга, курсдошларига қараркан, уларнинг иккисининг «Матиз»и борлигини, ҳар дарсдан сўнг, албатта, ё кафе, ё тўйга, ё туғилган кунга боришларини ўйлаб, бунча мақтанишмаса, мақтанганнинг холи вой, дея ўзини юпатди.

Ўқитувчи ичкари кирди.

Орома жойига ўтирди-да, китоб-дафтарини олди. Бир пара дарс қолди. Шу ҳам ўтса, отажониси олдига югуради. У киши ҳозир қай аҳволда? Бирор коса овқат беришдими йўқми, худо билади.

Хаёл билан дарснинг ўтганини ҳам сезмади. Қўнғироқ чалинганча, Паризод унинг бошида тик қотди. Афтидан, ўйлаб кўрган ва бояги гапи нотўғрилигини англаб етган шекилли.

— Бутун Сарвинознинг туғилган куни. Борадиларми?! — сўради менсимаган оҳангда.

Унинг совуқ гап оҳанги Ороманинг ғашини келтирди. Бунча гўддаймаса!

Сарвиноз — гуруҳ бошлиғи. Кўнгил учун бўлса-да, айтгани йўқ. Уларни таклиф этибди. Ҳурмат юзасидан уни ҳам айтса, осмон узилиб ерга тушмасди.

Паризод унинг сукутга кетганини кўриб:

— Айтмади, дема! — деди қўлини пахса қилиб, сўнг: — Ўн мингдан йиғаяпмиз!.. — дея пичинг қилди.

Оромада бунча пул йўқ эди. Ёнида уйгача битта чиптага етadиган пули бор. Стипендияни бутун берганда ҳам бошқа гап эди.

Паризод нари кетди.

Орома бошини кўтарди:

— Мени ўрнимдан ҳам бериб туринглар. Эртага стипендия олсам, қайтариб бераман.

Бари дегани бурнини жийирди:

— Ундан кўра, бормаи кўя қол!

Паризод қалин лабини бурди:

— Ҳа-я, айтгани ҳам йўғ-а!

Орома йиғламоқдан баттар ҳолга тушди. Бунча ерга уришмаса. Беш сўм пули борлиги учун шунча мақтанишадими?! Қўлининг калталиги унга алам қилди. Пули бўлса, берарди. Бормаса ҳам берарди. Қандай шармандалик. Бунга қандай чидайди? Боз устига, улардан қарз сўрагани ортиқча энди. Китоб-дафтарларини йиғиштириб, ташқарига отилди. Қаердадир ўқиган эди, ортиқча камтарлик ўзингга душман. Ана, камтарликнинг оқибати! Йўлда ён-верига қарамасдан чопиб бораркан, бу камтарлик эмас, бу камтарлик эмас, деб ўзини юпатишга уринди. Йўқ, йўқ, деди ўзига-ўзи, бу онасининг васияти. Онаси ҳеч кимдан пул олма, бировга муҳтож бўлма, деган. Битта Сарвинозни деб, онасининг васиятини бузсинми?!

У отаси билан танишган дастлабки кунларни эслади. Отаси уни ёқтириб қолди. Она-бола Қўйликда яшарди. Яқин бўлсин, деб Юнусободдан уй олиб берди. Бир гал Оромага машина олишни таклиф этди, аммо онаси қарши турди. Отаси кетгач: «Ҳеч нарсасини олма, юқмайди. Ўзинг ўқиб, ишлаб топганинг яхши, қизим! Мани онам десанг, отангнинг пулига, молига кўз тикма, керакмас. Шунча йил қайда эди!» — деди кескин оҳангда. Онаси ҳеч қачон бунақа оҳангда гапирган эмас. Бу гаплар Ороманинг кўнглига қаттиқ ўрнашди. Онасининг отасидан норози эканлигини билиб, сира унинг кўнглини оғритмасликка ҳаракат қилди.

Отаси келганда, энди у ўзини олиб қочар, бирор нарсани баҳона қилиб, кўчага чиқиб кетарди. Отаси ҳам кейин-кейин унга эътибор бермай қўйди. Орадан уч йил ўтиб, онаси вафот этди. Отаси ўзини маҳаллага танитмади. Одамлари орқали унинг маъракаларини ўтказди. Бу нарса Оромага алам қилди. Нега у киши ўзларини танитишни истамадилар. Обруларини ўйлабдилар-да, дея порози бўлди ўзича. Тўрт ойлар ўтгач, отаси уни уйига олиб кетишни истаб келганда, у қош қайирди — кўнмади. Мен шу ерда қоламан, деди қатъий оҳангда. Пул берса, олмади. Ўзимда бор, деб тайсаллади. Онамга сўз берганман, лабзимни бузмайман, деди. Лекин отасининг боғига бориб, ҳордиқ чиқаришни, ака-опалари билан танишишни жуда-жуда хоҳлади, аммо ҳозирча бунинг иложи йўқ эди. Шу орада кўричак бўлиб, касалхонага тушди. Отаси яширинча келиб, уни кўриб кетди. Ёнида анча ўтирди. Бошларини силади. «Жон қизим, мен отангман. Гуноҳларимни кечир. Онанг билан никоҳдан ўтганмиз. Сен қонуний қизимсан. Бу ердан сени тўғри уйимга олиб кетаман. Хўпми?!» деди уни кўндиришга уриниб. Орома содда қиз эди, боз устига касал киши меҳрга ташна бўлади. Унинг кўзлари жиққа ёшга тўлиб, кўнгли юмшади. Индинига машина келиб, уни отасининг уйига олиб кетди. Ўғай ака-опалари совуқ қарши олишди. Вакинанинг: «Отамиз қариганларида бу касални қаердан топдилар!» — дея баралла айтганини эшитиб, кўнгли оғриди. Бошқалари эса уни ерга уришди. Ҳатто «отамнинг ишқи шу касалга тушибдими?!» дейишди ҳам. Бу ерда у ўн беш кун зўрға яшади. Сал ўзига келган куни уйига қараб жўнади. Отаси орқасидан одам жўнатса ҳам бормади. Эртасига кечқурун отасининг ўзи келди. «Юрагимнинг мазаси йўқ, жон қизим, мани қийнама! Сани яхши кўраман, ёнимда бўл!» дея ёлворди.

— Отажон, мен сизни жуда ҳурмат қиламан, аммо у ерга боролмайман! — деди у хокисор ва юмшоқ оҳангда.

Отаси уни кўндиришга уриниб кўрди:

— Жон қизим, мен ҳам қаридим. Оёғимдан мадорим кетиб боряпти. Ёнимда бўлсанг, яхши бўларди.

— Мен ҳамиша ёнингиздаман. Сиз билан тез-тез суҳбатлашиб тураман.

Ўз пушти камаридан бўлган қизининг қайсарлиги қариянинг ҳамиятига тегди. Шу кунгача ҳеч ким унинг гапини икки қилган эмас. Тирмизак ҳолига намуноча қайсарлик қилади, дея

жиғибийрон бўлган чол унга бақириб бермоқчи эди, лекин қизининг чақнаб турган покиза нигоҳи уни шаштидан қайтарди. У ўз қизи. Ўз фарзанди. Боз устига унинг қанақадир меҳри ва оҳанграбоси бор.

— Ишлатарсан! — деди чол бир тахлам мингталикини стол устига тарс ташлар экан.

Орома шарт ўрнидан туриб, пулни қайтарди:

— Олинг, отажон, керакмас. Ёмон ўргатманг мени!

Чолнинг лаблари титраб, қўллари мушт тугилди. Ҳайт, қизи бўлмаганида, ҳозир гарданига шарт туширган бўларди. Бу гап унга тарсаки каби оғир ботган бўлса-да, унинг пулга ўч эмаслиги кўнглига бир оз таскин бериб, жаҳлидан туширди. Демак, у жуда бокира, жуда имони тоза қиз, деб ўйларкан:

— Нега олмайсан? — деб сўради хафа бўлган оҳангда.

Орома кўрқиб кетди:

— Онам... онам васият қилганлар!

Чол, устидан бир челақ муздек сув қуйилган кишидек, титраб-қақшади:

— Онанг?... Онанг шунақа деганмиди?

Бурчақда оҳу боласидек дир-дир титраб турган Орома «ҳа, ҳа» дегандек, бошини сарак-сарак қилди.

Чол бўғриққанча чиқиб кетди. Шу кетганча икки ой қорасини кўрсатмади. Бир куни Оромани йўқлаб икки йигит келди:

— Отангиз бетоб, Сизни йўқлаяптилар! — деди.

Орома алдашяпти, деб улардан чўчиди. Узун бўйлиси эслироқ экан:

— Мана, гаплашинг! — дея унга қўл телефонини тутқазди. Чолнинг заиф, хириллоқ овозини эшитиб:

— Отажон, сизга нима бўлди? — деб сўради.

Йигитлар бир-бирларига маънодор қарашиб, «бу ёғи қизиқ бўлди» дегандек, елка қисишди.

Чол хириллаганча: «Тез етиб кел!» — деб тайинлади.

Орома машинага ўтирди. Уйга бориб билдики, олдидан чиқиб кетгандан сўнг отаси бир ҳафта ўтмай оёқдан қолган ва энди ўлимини кутаётган экан. Чол ҳар куни Оромани топиб келинлар, деб мингирлайвергач, фарзандлари «овози ўчсин» деб унинг келишига рози бўлишган. Ўшандан бери Орома отажонисининг ёнида. Энди улар бир-бирларини тушунганга ўхшайди. Лекин ҳамон қиз на чолдан, на ўғай ака-опаларидан бир тийин ҳам сўрамайди.

...Дарс тугаши билан у аудиториядан чопқиллаб чиқиб кетди. Сарвиноз унинг туғилган кунида номига бўлса-да, оғзаки табриклагани ҳам йўқ. Бойвучча бўлса, ўзига. Ундан кўра, отасига бориб қарагани маъқул.

Бу пайтда катта, данғиллама оқ уйнинг энг чеккасидаги пастаккина хонада, бир кишилик каравотда ётган Бой ота серажин қўллари қалтираган ҳолда дафтарга хотираларини ёзар, ҳовлидаги катта кўшқда эса фарзандлари жигиллашиб, ёқа йиртиш билан овора эдилар.

Ҳовли ўртасидаги мрамар фаввора бир маромда шовуллаб, хаёлни олиб қочади, айвоннинг оқ мрамар устунларида қуёш нурлари ялт-юлт ўйнаб, кўзни қамаштиради.

Бой ота ёзишдан тўхтаб, ташқаридаги гап-сўзларга қулоқ солар, гоҳида бош ирғаб қўяр, тирсак қошлари кўзига ботиб, нигоҳидан газаб учқунлари сачрарди. Тамшаниб ютингач, яна шитирлатиб ёза кетади:

«Орома қизим, ҳеч кимни, ҳеч қачон ва ҳеч қаерда шунчалик интизорлик билан кутган эмасдим. Уй ичи, мўъжазгина хонам, турли дори-дармонларнинг ачимтир, қўланса ҳидига тўлиб, бўғриқиб кетди. Бундай пайтларда соғ кишининг ҳам кўнгли озади. Қанийди, сен бўлсанг, деразани очиб юбориб, бир қошиқ сув берсанг. Меҳрингга зорман, қизим. Яхшиям, ҳушим жойида, қўлим соғ. Бутунлай фалаж бўлиб қолганимда, кўнглимдаги ҳасратларимни кимга ҳам тўкиб солардим. Эрталаб ўқишга кета туриб, тунги чирогим ёнида дафтар ва қалам қолдириб кетган экансан. «Дада, мен келгунча зерикиб қолсангиз, расм чизиб туринг!» деган ёқимли сўзларинг қалбимга ором бермоқда. Нима чизаман, десам, «Қўғирчоқ чизиб қўйинг!» дединг. Бундан шундай хурсанд бўлдимки, шундай шодликка тўлдимки, сўз билан ифода этолмайман. Ўшанда сен уч ё тўрт яшар эдинг. Уйда онанг ва мен гурунглашиб ўтирган эдик. Сен расм дафтар билан қалам олиб келиб, «Дадажон, менга катта қўғирчоқ чизиб беринг!» дединг. Қара-я, мен ўшанда сенга наридан-бери расм чизиб бердим-да, ётоққа кириб кетдим, эрталаб чиқиб кетаётганда, сенга чиройли қўғирчоқ олиб бериш ҳақида ўйламабман. Ҳозир шу хатомни эслаб, озиб турган кўнглим баттар қисилиб боряпти.

Юқорида мўъжазгина хонам, деган гапимга эътибор берарсан. Ҳозир олти фарзандим: сенинг ўғай ака-опаларинг ёзги

кошонада бир-бирлари билан гап ейишмоқда. Улар мени шу совуқ ва хунук хонага тиқиб қўйишди. Мендан сассиқ ҳид тарқаб, бутун уйни бадбўй қилаётган эмиш. Уларни дунёга келтириб, боқиб, катта қилиб, уйли-жойли қилиб, топганим шу бўлди-ми?! Онанг ёки иккинчи хотиним ўлиб кетмаганларида, балки, бундай ночор аҳволга тушмасмидим?!

Улар янада баландроқ бақириб-чақиришмоқда. Баҳорги мушуклар шунақа хунук овозда биғиллашади. Улар мушукдан ҳам баттар. Мен бу ёқда ўлим тўшагидаман, улар бўлса, мерос талашиш билан овора. Чучварани хом санабдилар. Кўзим очиқ экан, ҳали-бери уларга меросни бўлиб бермайман.

Катта ўғлим — Вакилбек синглисига:

— Сен хомтама бўлма! — деб бақирмоқда.

Бир қориндан талашиб тушганлар бир-бирларига меҳрсиз бўлишлари керакми? Воҳ, дунё-я! Етмиш томиринг зирқираб кетади-я!

Вакина ҳам очкўзликда ундан қолишмайди.

— Бизди ҳам ҳаққимиз бор, ака! — ўшқирди у. Сингил акага бақирадимиз ҳеч замонда. Уят эмасми?! Менинг тўрт синглим бор эди. Бирортаси гинг демасди. Нима иш буюрсам, лаббай акажон, дея бир зумда муҳайё қилиб қўйишарди. Буларга қара. Буларга қанақа жин теккан? Ана, уларнинг сафига кичкина Салома ҳам қўшилди. Унга нима етмайди? Акаси, опаси қатори «Ласетти» олиб берганман. Иккита ҳовлиси, иккита «доми», Отчопарда тўртта дўкони, марказда иккита дорихонаси бўлса, пул оқиб турибди. Яна нима етмайди, қизим?! Нима?! Мерос талашишига бало борми?!

Орома қизим, сен ўзимнинг қора кўзимсан. Томирларингда ўзимнинг тоза қоним оқмоқда. Ҳа, ҳа, бу рост. Бундан ўн саккиз йил бурун онангни Хадра майдонида учратиб қолганим эсимда. У бекатда автобус кутиб сарғайиб турган экан. Онанг! Сенинг дилбар онанг. Бошқа бирорта аёлга ўхшамасди. Оғир, босиқ ва итоаткор эди. Севган аёли эркакнинг раъйини қайтармаса, одам тилло топгандай яшнаб кетади. Онанг мени кўриб, ширин жилайганда, тўғриси, таналарим яйраб кетди. Уни машинамга олиб, тўғри дала ҳовлимга олиб кетдим. У пайтларда Чирчикда кўримсизгина дала ҳовлим бор эди. Ўша ерда уч-тўрт кун қолиб кетдик ва бир ҳафтадан сўнг кўришадиган бўлдик. Аммо онанг келмади. Қидириб ишхонасига борсам, бўшаб кетган экан. Кейинроқ эшитдимки, бўйида сен бўлиб қолган экансан. Онанг мени

ўйлаган. Оиласи бузилмасин, ортиқча ғалва бўлмасин, деб ўйлаган. Буни қара: шунчалик мулоҳазали ва жасоратли бўлган сени онанг!

Орома қизим, оилам катта эди. Ўғай ака-опаларинг улғайган сайин, ташвишим орта борди. Худога шукрки, бахтимга замона яхши келиб, пул топиш учун кенг йўллар очилди. Аммо, тўғриси, Биринчи сентябрь кунининг шарофатини дастлабки кунлар чуқур англамаган эканман, йиллар ўтган сайин эса менга ўхшаганларга кенг йўл очилганини кўриб, худога шукр дер эдим. Энди мени аввалгидай ҳеч ким таъқиб этмас, мунча пул топаяпсан, қўша-қўша ҳовли сотиб оляпсан, бу бойликлар қаердан келяпти, деб сўраб-суриштирмасди. Шўро даврида, билсанг, отам Олмаҳон деган ашулачи хотинни тўйимга олиб келгани учун бир ой сўроқ бериб, юрак касалига йўлиққан эди. Мен эса 1994 йилда ўғлимнинг тўйига Тошкентдаги манаман деган ҳофизларни териб ташладим. Шералидан тортиб, Юлдузгача, Тожибойдан тортиб, Мирзогача қулинг ўргилсин томоша кўрсатишди. Валижон дегани ҳам пакана қўриқчилари билан келган эди. Ичагим узилиб кулганман ўшанда. Ана шунақа гаплар. Ҳеч ким менга ғиринг, деган эмас. Пулинг кўп бўлса, дунё қўлингда носқовоқдай ўйнайди. Носқовоқни эслаб, беихтиёр хумори тутди. Эрта-лаб Чорсуга кириб кел, десам бўларкан. Аттанг, унутибман. Ана у сатанглар кечаги носимни топиб олишиб, ахлатхонага улоқтиришди. Отсталий эмишман. Нос чеккан киши отсталий бўлади-ми?! Носни ман Киркоровга ҳам чектирганман. Ой, зўр экан, деб мақтаган. Тўйимга Алла билан иккисини олиб келай, десам, Юлдуз хафа бўлади, Бой ота, дейишгани учун аҳдимдан қайтдим. Эҳ, жон қизим. У пайтлар бир отим нос учун оёғимни ўпишга юзтаси шай турарди. Кечир, бунақа бемаъни гапларим учун.

Юрагим санчаяпти, Орома, қизим, ишқилиб келгунингча ўлиб қолмай. Сени кутиб кўзларим зўриқди. Бугун кун жуда чўзилганга ўхшайди. Дарсинг кўп экан-да бугун. Қўлларим титраяпти, билсанг, қизим. Бир пайтлар ғанимимга қараб, тўппонча тепкисини босганимда, бу қўллар қилт этган эмасди. Ҳозир эса қаламни зўрға тутиб турибман. Васият қорозим ҳам тайёр. Ишқилиб, сен тезроқ етиб кела қол.

Биласанми, мен сени қандай топдим?! Машинани ёнларингда тўхтатган куним эсингдами? Эсингда бўлса керак. Онанг билан

кедиб борардинг. Бечора онанг белини ушлаганча, букилиб кетиб борарди. Аввалига танимадим. Аммо яқинроқ бориб, разм солсам, ўша, мен билган онанг. Бечора жуда озибди. Лекин ўша таниш ингичка қошлар, жиддий, камтар кўзлар... Нигоҳи ҳамон ўтли эди. Орқага, сизларга қарадим-у, негадир юрагим уриб кетди. «Тўхтат!» — дея ҳайдовчимга ўшқирганимни сезмай қолибман. Машина бир силтаниб тўхтади. Онангга қарама-қарши бордим. Биринчи бўлиб салом бердим. Бечора онанг! Мени кўрди-ю, кўзлари косасидан чиқиб кетди. Бошидаги оддий сурп рўмол сирғалиб тушди. Кўз олдимда энди сулув ва барно фаришта эмас, букчайган кампир турарди. Бу сафар «Яхшимисан?» — дея олдим, холос. Бошқа сўз тилимга келмади. Онанг, бечора онанг, эзилган юрак, заиф овозда: «Шукр, ўзингиз яхшимисиз?» — дея сўрашди. Мен дарҳол қўлларингдан ушлаб, машинам томон етакладим. Онанг қаршилиқ қилмади. Ё мени астойдил севган эканми? Балки шундайдир. Ўшандаги итоатини ва ғариб ҳолатини кўриб, илк бор унга ачиндим. Ҳайдовчимга: «Дала ҳовлимга ҳайда!» дея буйруқ берар эканман, сенга илкис кўз ташладим. Сен ҳам менга ҳайрон боқиб турардинг. Бу одам ким бўлди, дея суперсалонли машинамга, унинг ичидаги антиқа жиҳозларга қараб ҳайрон бўлгандирсан балки. Машинамни алоҳида жиҳозлаттирган эдим. Ниҳоятда юмшоқ ўриндиқлар орқа ва ён томонга жойлаштирилган, деразаларга оқ парда тутилган эди. Ўртада кичкина қизғиш стол бўлиб, унинг устида минерал сув, кока-кола ва шарбатлар бор эди. Мен онанг ва сенга шарбат қуйиб бердим. Онанг ўрик шарбатини яхши кўрарди. «Унутмасиз, раҳмат!» — деди у. Кўнглим ўксиб кетди. Қариганингда, севгилингни учратиб қолиб, бундай гапларни эшитиш галати экан. Юрагим сел бўлди. Биласанми, мен умримда биринчи марта киприкларимнинг намланишини сездим. «Сизни унутиб бўладими?» — дедим ва кўнгил учун: «Сизни узоқ қидирдим», дея қўшимча қилдим, аммо ёлгон гапдан тилим ловиллаб кетди. Бечора содда онанг сўзларимга чиппа-чин ишонди. Унинг ишонганини кўриб, илк бор ўзимдан нафратландим. Сен ҳам одаммисан, дедим ўзимга-ўзим. Йўқ, сен манфур кимса, бадбахтсан, дедим.

Бирга дала ҳовлимга бордик.

Сокин оқаётган Бўзсувга, қирғоқ бўйидаги антиқа дарахтлар экилган кенг боғимга, ўтлаб юрган кийикларга, катта оқ мрамор бино олдида гўзаллигини кўз-кўз қилаётган товусларга маҳлиё боқдинг.

— Боғингиз жуда антиқа экан! — дединг.

Сув бўйида, тахта сўрида ўтирдик. Хизматкорлар дастурхонга турли егуликларни уюб ташлашди.

— Бу жуда кўп-ку, амаки! — дединг хижолат тортиб.

Онанг қўлларингни ушлаб:

— Орома, қизим, бу киши амакинг эмас, даданг бўлади, — деди маъюс оҳангда.

Сен изза тортдинг шекилли, айтмоқчи бўлган сўзларинг ҳам лабларингда қотди. Балки у сенга отанг ўлган, деб айтгандир. Балки шундан ҳайрон қолдингми? Изза тортганингни ҳам тушундим. Биров сенга шу отанг, деса, томдан тараша тушгандай энсанг қотиши тайин эди.

Сенга дастлаб меҳр қўйдим. Шаҳарнинг энг бой қизига айланишингни истадим. Аммо сен мендан қочадиган одат чиқардинг. Машина олиб берай десам ҳам йўқ, дединг. Сенинг совуқ муносабатинг бора-бора менга таъсир ўтказмасдан қолмади. Сендан кўнглим совугани ҳам рост.

Бугун билсам... билсам, сендан меҳрибон кишим йўқ экан. Буларга ҳали сенинг ўз фарзандим эканлигингни расман эълон қилган эмасман. Эртага ўлсам, улар дарҳол сени кўчага ҳайдашади. Мен эса сени бечора ва камбағал яшашингни, бировларнинг қўлида хору зор бўлишингни истамайман.

Сен ўзимга ўхшабсан.

Ишонасанми, Орома қизим, умр бўйи мен ҳеч кимга бўйин эгмаган инсонман. Нафақат одамлар, ҳатто бу дунё ҳам менга хизмат қилиш учун яратилган, деб ҳисоблар эдим. Қисқа муддатда мен ана шундай одамга айландим. Балки мен фақат пулнинг орқасидан кетиб, шундай бемаъни одамга айлангандирман. Миямда пул топ, пул топ, деган фикр чарх урар, қанчалик топсам, шунчалик суюнар эдим. Чунки катта шаҳарда ҳеч кимнинг ўзимдан ўзиб кетишини истамас эдим. Мен ҳамиша номер биринчи бойвачча бўлишни истар ва, турган гапки, бунга эришар эдим. Бугун кўриб турибсан, ғариб ва бечораман.

Ҳовлида бўлаётган шовқин-сурон, бақирӣқ-чақирӣқлар юрагимни ўткир тиг каби тирнамоқда. Нобакор фарзандларимдан кутганим шу эдими?!

— Ҳов, йигит кишисиз, ака, кириб гаплашинг, кўндиринг! Бирдан повестка келиб қолса, қийин бўлади.

— Намунча кекирдагингни чўзмасанг. Қийин бўлармиш. Но-

тариус ҳам одам, унда ҳам нафс бор. Нарӣ борса, яримта лимонда... давоси.

— Танишингиз борми?

— Битта яхши нотариус бор. Пул деса, ўзини томдан ташлайди.

— Касал касал эмас, унга қараган касал. Одам эзилиб кетди.

На кетиб кетади, на қолиб қолади.

— Сасиганларини айтмайсанми?

— Ака, шу ишни чўзмайлик. Эртага ҳал қилайлик.

— Санларга нима етмайди ўзи?!

— Сизга-чи? Сизга нима етмайди?

— Ман йигитман. Ота мероси йигитда қолади.

— Тилимизни қичитманг, ака. Тенг бўламиз. Ҳаммамизнинг ҳаққимиз бор.

— Мен уйни сотаман. Буни у қулоқларинг билан ҳам, бу қулоқларинг билан ҳам эшитиб қўйинглар.

Орома қизим, бу гапларни эшитсанг, тепа сочинг тикка бўларди. Ўз қизим менга «повестка» келишини истаяптими? Бу қандай ҳол, қандай бедодлик?! Униси бўлса, ҳалитдан уйни сотишни кўзлаяпти. Бунга чидаш қийин! Ичларим ёниб кетди. Томоғим қақраб, сув ичгим келяпти. Муздек сув.

Тўғининг овози эшитилиб, Бой отанинг фикри бўлинди.

«Эшакмия, эшакмия!»

Кимни айтаяпти? Биров келдимикан?

Вақинанинг шанғиллаган товуши чолнинг юрагига тигдай оғир ботди. Кимга шанғиллаяпти.

— Йўқ, рухсат йўқ! Касал у киши. Тинч қўйинглар. Боринг, тузалганларидан сўнг келасизлар!

Чол интиқ ҳолда ташқарига қаради. Дарвоза томон унга кўринмайди. Атайин шундай ётқизиб қўйишган. Келди-кетдини кўрмасин, дейишган. Аҳ, болаларим-а! Сизлардан топганим шу бўлди-ми?! Қайси гуноҳларим учун бу жазога тортиддим? Ҳатто хотиржам ўлиб бўлмаяпти бу дунёда.

У бир оз ётди. Сўнг яна Оромани эслади. Қаёқда қолди? Бу пайтгача келиши керак эди.

Чолнинг томоқлари қуршаб, керосин ютган киши каби ичаклари ёнди. Ўлиб қолмасидан бурун ёзиб қолдириш керак. Бу гапларни Орома билиб қўйсин.

«Жон қизим, балки сен келганда, мен бу дунёда бўлмасман, чунки бугун бошқачаман, кўз олдимда ҳар хил оқ шарпа-

лар кўриняпти. Агар сен келгунча нафасим етмаса, ёстиғим тагиди «Васиятнома» бор. Уни олда дарҳол яшир. Ҳеч ким билмасин. Менинг маъракаларим ўтгандан сўнг Эски Жувадаги 7-нотариусга учра. У ерда менинг одамларим бор. Улар жами мол-мулкимни сенинг номингга ўтказиб беришади. Васиятномада барчаси ёзилган. Сендан биргина илтимосим шуки, ҳайит ва хотира кунлари мени ва онангни номига қуръон ўқитиб қўйиш эсингдан чиқмасин. Қабрим бошига бориб, мени хотирлаб туришни ҳам унутма. Фақат сен... фақат сен шу ишларни бажаришинг мумкин. Ака-опаларингдан кўнглим қолди. Ҳали мен ўлмай туриб, уларнинг мерос талашаётганлари нақадар жирканч ва нақадар хунук ҳолат. Афсуски, ёзувчи эмасман. Қўлимдан ёзиш келганда, бу тўғрида бошқачароқ ёзардим. Мен пул билан болаларимни ўзимга қаратаман, қариганимда уларнинг меҳрига сазовор бўламан, деб ўйлаган эдим, афсус адашибман. Уларнинг тарбияси ҳақида кўпроқ ўйлашим керак экан. Бу сенга сабоқ бўлсин, қизим. Болаларингни сен яхшилаб тарбия қил. Ёшлиқдан уларга меҳр бер, ўзингга ҳам меҳрибон қилиб ўргат!»

Чолнинг қўллари толиб, икки ёнга шалвираб тушди.

Орома ичкари кирди:

— Отажон, тузукмисиз?

Бой ота кўзларини очди, титроқ қўллари билан қизининг пешонасидан ушлаб совуб бораётган лабларини босди.

— Яхши келдингми, қизим?

— Сув берайми, отажон!

— Берақол қизим, қўлингдан сув ичай. Сени дуо қиламан, жон қизим. Илоҳим, бой-бадавлат яшагин, сира ғам кўрма. Еганинг олдингда, емаганинг...

Орома унга сув тутди. Чол бир пиёла сувни ютоқиб ичди ва:

— Шукр! — деди. Умрида биринчи марта шукрона айтди. Танасида қандайдир энгиллик сезилиб, юрагига ҳам қувват кирди. — Ўтир, қизим! — деди кейин. Орома унинг ёнига, каравотга ўтирди. Ачимтир сассиқ ҳид димоғига урилиб, кўнгли ўқчиди. — Қизим, қизгинам! — чол титроқ совуқ қўллари билан оппоқ майин қўлчаларини ушлади. — Онанг каби мен ҳам васият қилсам, қулоғингга оласанми?

Орома отасининг юзидан қон қочиб, мадори қуриётганини сезди:

— Унақа деманг, отажон, ҳали кўп яшайсиз! — деди у чолнинг тараша қўлларини сийпалаб.

Чолнинг кўзлари ёшланди:

— Бир-икки соатлик умрим қолганга ўхшайди, қизим! Хўп, де. Сенга васиятим бор.

— Сизсиз қандай яшайман, отажон. Сизга ўрганиб қолдим. Уйимга олиб кетайми?

— Энди гапни эшит, қизим! — Чол ёстиғи остидаги «Васият-нома»ни олиб, дафтарни қўшиб унга узатди. — Буларни яшир, уларнинг қўлларига тушмасин. Қаерга борасан, кимга учрайсан, нима қиласан, ҳаммаси дафтарда ёзилган. Бутун мол-мулк-кимни сенга қолдираман. Швейцария банкида каттагина маблағим, Малайзия, Кореяда супермаркетларим бор. Ҳасанбой қишлоғида Расул деган иш бошқарувчим яшайди. Имони тоза йигит. Ҳамма нарсани билади. Сен туғрингда у билан келишиб қўйганман. Фойданинг ўн фоизи уники. Буни ҳам ёдингда тут. Бевабечораларга ёрдам қил. Ожизларни қўлла. Ҳеч кимга ёмонлик қилма. Худога шукр, ўзим ҳам ёмон ишларга қўл урмадим.

Орома пиқилаб йиғлади:

— Йиғлама, қизим. Яна бир пиёла сув бер. Юрагим ёниб кет-япти.

Қиз елим идишни келтириб, унга сув қуйиб узатди.

Чол яна унинг қўлларини ушлади:

— Бирор яхши кўрганинг борми? Уялма мендан, қизим. Айт, борми? Бор бўлиши керак.

Орома уялиб, юзини четга бурди.

Чол унинг қўлларини силкиди:

— Айт, қизим. Ўз оғзингдан эшитай. Бир-икки нафасим қолди, холос. Ўлиш осон экан, қизим. Жоним ҳиқилдоғимда турибди. Айт, мен армонда кетмай!

Орома бўйинини эгди. Нима десин? Уят-ку бу! Аммо отаси... отаси сўнгги нафас олмоқда. Э худойим, отаси кетса, кимга суянади?

Чолнинг кўзлари жовдиради. У қизининг очиқ гапиришига илҳақ эди. Ҳозир унинг уялаётганига парво қилаётгани йўқ, у кўпроқ қизим келажақда бахтиёр бўладими йўқми, деган қийноқ савол исканжасида ёнаётган эди.

Орома яна ер чизди. Айтсинми, айтмасинми?

Чол санай бошлади:

— Бир йил, икки йил, уч, тўрт?..

Орома отасига ялт этиб қаради. Чол хотиржам тортди:

— Тўрт йилдан бери таниш экансизларда. Яхши. Ўқийдими?

Орома бошини қимирлатди.

Чол янада хотиржам тортди:

— Яхши. Сен билан ўқийдими?

Орома яна бошини силкиди. Бу сафар чол чиндан ҳам мамнун бўлди ва чуқур нафас олди:

— Юрагим қисияпти, қизим. Васиятимни бажо келтирасанми?

Орома ёш қиз эмасми, отасининг сўнгги нафас олаётганини сезмади.

Чол яна сўраган эди, у бошини қимирлатди.

Ташқарида ит увлади. Чол унинг қўлларини ушлади.

— Сезд! — деди чол ва оғзидан пуф этган овоз чиқди-ю, боши ўнг ёнга шилқ тушди.

...Чолнинг қирқи ўтгач, Орома нотариусни қидириб топди. Эртаси «Оқ кабутар» газетасида Бой отанинг бутун бойлиги ҳеч кимга маълум бўлмаган қизига ўтгани-ю, бошқа фарзандларининг сочларини юлиб қолгани ҳақидаги шов-шувли мақола босилиб, қўлма-қўл бўлиб кетди. Айтишларича, ўша куни газета кечгача яна уч марта қайта босилиб, нусхаси ҳам фалон мингта етган.

Баҳор. Кеча ёмғир ёғиб, дов-дарахтларни, ўт-ўланни, қатрон йўллари чиннидек ювди. Бугун эрталабдан ҳаво майин, топ-тоза. Кун гўзал қизнинг бокира юзидай, ёрқин чарақлайди.

Азамат қизнинг қўлини ушлади:

— Онам айтдиларки, сен жуда ақлли қиз экансан.

Ороманинг шўхлиги тутди.

— Мен ҳамма пулларимни болалар уйига ўтказиб юбордим, буни ойингиз биладиларми? — деди «камбағал қиз онангизга керакмикан?» деган маънода.

Азамат унинг пичингини англаб:

— Биладилар! — деди ва кулди.

— Нега куласиз?

Азамат унинг қўлларини қаттиқроқ қисди:

— Гапларингиз бирам чиройлики...

Орома индамади. Энди гап ортиқча эди.

«Ласетти» машинасида кетаётган йигитлар қўлларини бигиз қилиб, уни кўрсатишди:

- Ана Бойваччанинг қизи!
- Бой отанинг ўзларига ўхшар экан.
- Лекин хасис эмас экан.
- Йигити ҳам ёмонмас!

Азамат кулди ва ўрнидан туриб, қизнинг қўлидан тортди:

- Юринг, ойим ва дадам билан таништираман Сизни!

Енгил ва ёқимли шабада эди. Ороманинг димоғига хушбуй атир ҳиди урилди. «Ойиси қанақайкин?!»

Эрталаб қуёш кулиб чиқиб, кўнгиللарни чароғон ёритди.

Улар дарсдан қайтаётган пайтда Расул ака Ороманинг қар- шисида тўхтади:

- Синглим?

Ороманинг юзи ёришиб, салом берди.

Расул ака мармар зиналардан пастда, йўлакда турган «Ласетти» томон ишора қилди:

— Синглим, отангизнинг васиятини бажараяпман. Бу гал қош қайирманг. Ана у янги «Ласетти» ва унинг ичидаги бир жомадон пул сизники. Калит ҳам сизга!

Уларнинг атрофини ўраб олган талабалар бараварига чуғур- лаша бошлашди:

- Отаси зўр экан.
- Бу одамга ҳам қойил. Имони бор экан. Ўзлаштириб юбор- са, Орома билмасди.

Кимдир Азаматни туртди:

- Ҳов, куёв, тўй қачон?

Қизлар «Ёр-ёр» ни бошлаб юборишди.

— Йиғлама, қиз, йиғлама, «Ласеттижон» сеники,
Йиғлама, қиз, йиғлама, Азаматжон сеники!

Аудитория деразалари шарақлаб очилиб, ҳангоматалаб тала- балар уларга жўр бўлишди. Кимдир Ороманинг бошига оқ шоҳи рўмол ташлади, бошқа кимдир Азаматнинг бошига янги дўппи кийгизди. Бунақа антиқа бошланган тўйни бу кунгача талаба- лар шаҳарчасида ҳеч ким, ҳеч қачон кўрмаган эди.

ҚИССАЛАР



ОФАТИЖОН

I

У кенг дераза тавақасини оҳиста очди, ичкарига хушбўй шабада ёпирилиб кирди. Тоза ҳаводан кўкси яйраб, енгил нафас олди. Фафлатда ётган экан, деразани вақтлироқ очиш керак эди. Кеча ёмғир ёғаётгани учун совуқ бўлади шекилли, деб, дераза тавақаларини зичлаб ёпган эди; икки кундирки, ётоқда бир ўзи, шериги Олим полвон Паркентга, қишлоғига кетган. Онаси касал экан, хабар келган заҳоти апил-тапил кийинди-да, оёғини қўлига олиб жўнади. Ишқилиб, тинч бўлсин. Онам деб кўп куйи-нади. Онасини ҳурмат қилганни Худо ҳам суяди. Отаси шу гапни кўп айтарди.

Ташқаридан қизларнинг ҳиринглаб кулгани эшитилди. Қиз боланинг баланд овозда кулиши — уят. Бу эчкилар уятни билишадими?! Панд-насиҳат деса, ула суртилган юзлари шафтолиқоқидек хунук буришиб кетади.

Пастда, нилий қошин қопланган ҳовуз бўйида ғағалаб юрган оппоқ розларга, сершоҳ, сербарг дарахтларга, девор ёнларидаги ям-яшил мурғак майсаларга тикилганча завқ олди. Қанчалик сўлим, қанчалик гўзал. Ташқарига чиқиб бир айланиб келса, анча енгил тортади. Одатда, у якшанба кунлари тушгача дам олади, сўнг кир-чирларини ювади. Хонани тартибга келтиради. Майда-чуйда ишлар билан кунни кеч қилади. «Талабалик — олтин давр!» Ҳм... олтин давр. Бир рўзгор ташвиши: игна-ип, чокпок, овқат-повқат ҳаммаси зиммангда. Илож қанча. Ўқишни битириб хотин олгунча, тишни-тишга қўйиб чидайсан. Чидайсан! Дардингни ўзингдан бошқа кимга ҳам айтардинг.

У йўл-йўл спорт кийимини эгнига илди. Тоза ҳавода бир айланиб келсин, иш қочиб кетмас.

Эшик тақиллади. Ортдан яна қизларнинг ҳиринг-ҳирингги эшитилди. Ким бўлди булар? Курсдошларими?!

Истар-истамас эшикни очар экан, оғзи очилганча ҳайрон қолди: останада кимсан Офатижон унга самимий жилмайганча

қараб турар, ёнида эса ўша... ўзининг «қўриқчилари» деб ном олган тўрт дугонаси тиржайганча уни ўраб туришарди. Худди Тетчерни қўриқлагандек, бир зум ҳам нари кетишмайди-я! Шу ерга ҳам бирга келишибди. Нима, еб қўярмиди!

— Келинглар! — деди у совуққина.

Офатижон! Ўша, ўзи билган Офатижон! Уни ким билмайди. Уч йил! Уч йилдан буён у бутун университетни куйдиради. Ҳамма қизларнинг танлагани бор. Аммо бу кишиники йўқ. Йигити бор, ҳозир армияда дейишади. Қурғур, армия ҳам уч йил бўлар эканми?! Ҳозир бир йилда армияни битириб келишяпти. Бу гапнинг ҳам миси чиқди... Тўғри, декан Сафтоевнинг арзанда жияни Сатти тўра унинг ортидан осилиб юрибди. Аммо қиз уни бир тийинга ҳам олмайди. Буниям ҳамма билади.

У қизнинг жуфт юлдуздек чарақлаётган кўзларига дош беролмай юзини четга бурди: ортда турган тирсак қош, бодомқовоқ дугонаси:

— Азимжон ака, дугонамизга ёрдамингиз керак бўлиб қолди! — деди иршайиб. — Компьютерингизда бир нарса ёзиб беролмайсизми? Озгина иш ўзи! Марказга борсак, чироқ ўчган экан!

Офатижон дугонасига қараб, худди кинодаги пошшоҳонимлардек ибo, виқор билан жилмайди: юзи беғубор тонгдай оппоқ ёришиб, кўзлари ҳилолдек мафтункор чарақлади. Азимжон кўзлари қамашган кишидек, яна юзини четга бурди. Кўзларига қарашга одам уялади. Бир жодуси бор бу қизнинг!.. Энди, бу кишига малайлик қилмагани қолувди. Олим полвон эшитса, мириқиб кулади. Қўлчилик муборак, дея пичинг қилишдан ҳам тап тортмайди. Унга бир гап тушмасин. Бир гапнинг учини илиб олса, етти оламга жар солади. Уҳ, компьютер, компьютер! Бошга битган бало бўлди! Ўтган йили газеталарга мақола ёзаман деб, йиғиб юрган пулига «Ноутбук» олган эди. «Пентиум-2». Савил, зўри бўлса ҳам майлига эди. Шунчаки ёзиб юрса бўлади. Қурғур, қайси газетага борманг, дарҳол мақолангиз дискетда ёзилганми йўқми, деб сўрашади. Ўрганиб олишди улар ҳам.

— Майли, ёзиб бера... ман. Бажони... дил! — гулдиради у. Лекин ичида тезроқ чиқиб кетмагани учун ўзини бўралаб сўқди. Имиллаб ўтирмасдан тезроқ чиқиб кетиш керак эди.

Офатижон унга кўз қири билан жиддий разм солди:

— Ишингиз кўп эмасми, Азимжон ака!

Ёқимли оҳанг йигитнинг қалбини чертиб ўтди. Овози мунча ширин. Майин қўнғироқ оҳангидек одамни сел қилади-я! Қайси бахтли йигит бу қўнғироқчадан бир умр баҳраманда бўларкин?!

— Фирт бекорман! Киринг!

Азимжон ичида ўзидан кулди. Гўзаллар олдида даҳолар ҳам тиз чўкишган. Сен ким бўлибсан?... Сен... сен уни уч йилдан буён биласан. Сен биринчида, у эса учинчи гуруҳда ўқийди. Ҳар тўқнаш келганингда, қалбингни нимадир қитиқлайди-ю, аммо тулки воқеаси эсингга тушиб, ўзингга-ўзинг: «Жинни бўлма!» дея ўтиб кетасан. Ўзумга осилиб, мақсадига эришолмаган тулкидек, бир кун «пуф сассик!» деган гапни оғзингдан чиқиб кетишини-ю, дўсларинг олдида шарманда бўлишни хоҳламайсан! Тўғрида, у — баланд дор. «Йигитинг борми?» деб сўрашганда, «Бизни тушунадиган ақлли йигит туғилганмикан?!» дея пичинг қилибди-ку! Бу гап бутун Талабалар шаҳарчаси бўйлаб қанот қокди. Деканлар, профессорлар, мураббийлар ҳам эшитишибди. Аёллар эса мийиғларида кулишибди. «Бу гапидан Тетчерхонимга ўхшашни орзу қиладиган кўринади!» дейишибди.

Азимжон ичкари кириб, қизларни таклиф қилди:

— Нега қараб турибсизлар? Киринглар! — Каравоти устига тўшалган чойшаб сал ёғим эди, юзлари ловиллаб кетди. «Шу пайтда келасанларми, эчкилар!» — Айбга буюрмайсизлар, супурилмаган уйга меҳмон келади! — деди ўзини оқлаган бўлиб.

Офатижон бурчақдаги катта ойнага, ярақлатиб артилган музлаткичга, стол устида турган компьютерга қараркан:

— Уйингиз чиннидек тоза! — деди жилмайиб, лекин бу сафар унга қарамади. Уялди шекилли. — Нима дединглар, қизлар?! — дея дугоналарига кўз тикди.

Азимжон унинг ўйноқи, нағмали овозини энди эшитаётгандек, ҳозирги сўзидан мазза қилди. Ёнимни олди, дея суюнди хатто.

Қизлар тўрт стулга бирин-кетин ўтиришди. Ўзларича омин қилишди.

Азимжон «тефал»ни ёқди.

Тирсак қош:

— Овора бўлманг! — деди номига.

Азимжон буни сезди.

— Биттадан қаҳва ичамиз. Овораси борми, бир келибсизлар! — деди уларга жилмайиб қараб, кейин қўшимча қилди. —

Бир босқичда уч йилдан буён ўқиймиз-у, лекин бир-биримизни ҳамон яхши билмаймиз!

Тирсак қош ёнидаги озгин қизни туртди:

— Ана айтдим-ку!.. Танишишининг нимаси ёмон?! Бу киши ҳам менинг гапимни айтдилар. Эртага битириб кетсак, кейин бир-биримиздан ўпқаланиб юрамиз!

Сув биқирлаб қайнаб, қопқоқдан париллаб буғ чиқа бошлади. Азимжон «тефал»ни ўчирди-да, жовондан чинни пиёлаларни олиб, шиша стол устига терди, сўнгра ҳар бирига бир қошиқдан қаҳва солиб, устидан иссиқ сув қўйди:

— Шакар солмадим. Ҳар ким таъбига яраша солиб олар!

Тирсак қош Офатихонга жилмайиб имо қилди. Азимжон ҳам синчков йигит, уларни назардан қочирмаётган эди.

— Яхши қилдинглар-да келиб. Зерикиб турган эдим, — деди ёлғон бўлса ҳам.

— Дўстингиз йўқмилар?

Азимжон унинг онаси касал эканлигини айтар экан, пиёлаларни столга қўйди:

— Олинглар!

Озгин қиз ёнидаги семиз юз, барваста қиз олдинда турган қаҳвани Офатихоннинг тўғрисиغا қўйди:

— Эрталабки насибадан қош қайирма дейдилар!

Офатихондан бошқа ҳаммалари ҳиринглаб кулишди.

«У одобли қиз, — ўйлади Азимжон. — Бировдан бирор оғиз ёмон гап эшитгани йўқ. Фақат шу, йигити йўқлиги учун кўп гап қилишади».

— Шундай қилиб... — унинг дудуқланишига оз қолди. Нима демоқчи эди. Оғзига келганини қайтармади. — Шу... зарур иш чиқиб қолди, денглар!

Тирсак қош пиқ этиб кулган эди, Азимжоннинг икки бети ловиллаб ёнди. Қовун туширди. Сўраб нима қилади. Сендан бир нарса сўрашяптими?!

Офатихон унга қараб қош чимирган эди, ўзини оқламоқчи бўлиб:

— Кечаги гапим эсга тушди, — деди.

— Нима экан кечаги гап?

— Ҳалиги... — у қаҳвадан ҳўплади, — ҳалиги... йўлда кетаётганда, бир шилқим чиқиб, Сизга муқом қилгани-чи?! Оғзининг таноби қочди. «Ҳой қиз, келинг танишамиз» деди.

Сиз... Сиз унинг боплаб таъзирини бердингиз. «Аввал иштонингизни тўғрилаб олинг!» деган эдингиз, бечора шолғомдек қизариб кетди.

Азимжон шу пайтгача оғир, босиқ ўтирган Офатижонни кўз қири билан кузата туриб, «бунинг нимаси Офат? Бу шунчаки гап экан!» деган ҳаёлда эди. Ҳозирги гапни эшитиб, фикри ўзгарди. Бунақа қизлар шайтоннинг ўзи. Шайтонлиги тутмаган кезларда эса улардан зўри йўқ. Аини дамда ўзини яхши кўрсатиш учун лабини тишлаб ўтирибди. Бу ҳам ўзига хос ўйин. Аёлнинг қирқ макри бор. Бир макрини ишга солган. Мени лақиллатиб бўпти. Меҳмон — отанг каби улуг. Ўзбекона анъанани бузиш ҳам яхши эмас. Майли, яхшилик билан келишибдими, яхшилик билан кузатиб қўяди. «Карнайчидан бир суф-да!» Нима кетди!

У қалбидаги барча эҳтиросларни қувиб солиб, Офатижонга луқ тикилди: уни ҳеч қачон яқиндан кўрмаган, у билан аудиторияларда, йўл-чўлда, йиғилишларда, байрамларда тўқнаш келган, холос; унинг ўша чарос нигоҳлари, зимдан қараб қўйганлари кўз ўнгида. Лекин ҳозир уни яқиндан кўрар экан, кулча юзининг энди очилган оч қирмиз гулдек тоза, тиниқлигини кўриб, унинг пардоз-андозга унчалик хуши йўқлигини сизди. Табиатан гўзал: бир текис қошлари қора ипакдек ялтирайди, кўзлари нурли, ҳар чарақлаганда юрак жиз этади.

Офатижон унинг «мақсадга кўчинг» деган маънода қараганини сезиб:

— «Бинафша» газетаси талабалар ҳаётидан бир мақола сўраган эди, эртага олиб бориб беришим керак! Йўқ демайсиз деб... ноилож... ёзиб берсангиз, ўзим айтиб тураман! Ёзувим андак бадхатроқ!

Азимжон унинг «ноилож» деган сўзини «ўлганимнинг кунидан келдим, сенга кўзим учиб тургани йўқ эди» деган маънода тушуниб, ичида гижинди. Гапини қаранг, «ноилож» эмиш. Тўғри маънода илтимос қилсанг, бирор тукинг камайиб қоладими?!

— Майли, беринг, ёзиб бераман! — деди ва компьютернинг қизил тугмачасини босди.

Офатижоннинг ёнида ўтирган қиз майда ёзувли қоғозни узатди. Ёзуви андак хунук: «м», «ш», «т» ҳарфларини бир-биридан ажратиш қийин.

— Айтиб турсангиз, майли, ёзиб бераман! — деди Азимжон қоғозга қараганча бўрнини жийириб.

Офатигжон унинг сал жиғибийрон бўлганини сезса ҳам индамай қўя қолди.

Яна эшик тақиллади. Буниси ким бўлди?

Озгин қиз ўрнидан турди:

— Мен оча қолай! Сиз чалғиманг, Азимжон ака!

Эшик яна тақиллади.

— Ҳозир! — деди озгин қиз ва эшикни очди. Остонада сочи-ни орқасига турмаклаган қисик кўз қиз ҳарсиллаб турарди.

Офатигжон унга хавотир билан қаради:

— Нима гап?

Қизнинг дўрдоқ лаблари осилди:

— Деканимиз Мавлон Ҳожиматович ҳаммамизни қидириб юрибдилар!

— Нима ишлари бор экан?

— Эртага Талабалар уйида ёзувчи, шоирлар билан учрашув бўларкан. Ўшанга зални тартибга келтириш керак эмиш!

Тирсак қош қиз «нима қилдик?» деган савол назари билан қаради.

— Сизлар боринглар, — деди Офатигжон. — Мен ёзувни тугатиб ортиларингиздан етиб бораман.

Қизлар югургилаб пастга тушиб кетишди.

Азимжон эшикни қулфлади. Бу ёғи қизиқ бўлди-ю! У Офатигжонга бошдан-оёқ назар солиб, «шундай ҳурилиқо қизга кимнинг ҳаваси келмайди» дея беихтиёр тамшанаркан, бутун аъзойи баданини илиқ ҳарорат қамраб олганини сезиб, ёқтириб қолдим, деб ўйлади. Лекин қиз қўлидаги қоғозларга тикилганча ёзувларни ўқир, унга заррача ҳам эътибор қилмаётган эди. Бўпти, ишини тугатиб бераман-у, жўнатиб юбораман. Қўлимдан иш келгани учун олдимда ўтирибди, бўлмаса, бунақалар бизга ўхшаганларга оёғининг учи билан йўл кўрсатади.

У компьютернинг ёнига ўтирди:

— Бошладикми?

Офатигжон қоғозга қараганча бош ирғади-да, ўша мақолани қалбни қитиқловчи нозик ва ўйноқи овозда ўқий бошлади. Мақолада бутунги талаба қизлар ҳақида гап борар, уларнинг бурчлари, юриш-туришлари ва бутун фикру зикрлари эл-юрт равнақига қаратилиши, тарихда ҳам момолар улуғ аждодларга бу борада энг яқин доно сирдош, вомхўр сафдош бўлганлиги ибратли воқеалар билан баён этилган эди. Азимжон билдики, Офа-

тижон майда-чуйдалардан йироқ қиз. Ўзи ҳам узоқни кўзлаган. Бунақалар оилани эмас, ўзини ҳамма нарсадан устун қўяди. Ўзларининг туманларидаги бир опа бир умр бола-чақа қилмай, катта раҳбар бўлиб ўтиб кетди. Ундан фақат «Ҳамроева» деган ном қолди, холос. Шу кетиши бўлса, бундан ҳам Офатижон деган ном қолади. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.

Офатижон унга зимдан назар солди. Ёқаси оппоқ, гард йўқ; кўйлагининг очиқ жойидан кўриниб турган оппоқ майкасига кўзи тушиб, «тозаликни жонидан ортиқ кўрадиган йигитга ўхшайди, бунақалар жуда тартибли бўлади» деган гапларни хаёлидан ўтказди. У ўзининг ниҳоятда жозибадорлигини, бир кўрган йигитнинг суюлиб унга гап отишини, оғзининг таноби қочиб, севги изҳор қилиб юборишларини ҳам кўп кўрди. Йигит дегани «беҳ» деса, итга ўхшаб кетаверар экан-да, деган хаёлга ҳам борди. Аммо орадан уч йил ўтятиптики... уч йил... қалби унга мойил. Уни ҳар кўрганда, юраги беихтиёр энтикиб кетади. Дарди ичида: қиз бола — ҳаётнинг оғриқ нуқтаси, ўз ёғида ўзи қовурилиб яшайди; ўғил болаларга осон, бирор қизни севиб қолишса, очиқ-ойдин айтишади. Қиз бола, қиз бола — нози бор бола. Нози борнинг ори бор. Қандай айтсин? Дугоналари орқалими? Уларга гап тегмасин. Бир гапнинг учини топишса, бутун дунёга жар солишади.

У компьютерга мук тушганча ишга берилди: узун, оппоқ бармоқлари қора тугмачалар аро енгил юриб, содда, мафтункор кўзлари ёзувлар узра оҳиста чопаркан, хаёли олисларга тортди. Бундан уч йил олдинги воқеалар эсидамикан? Балки, эсида эмасдир. Эсида бўлганида ҳозир ёдига соларди... Ўшанда... ўшанда кириш имтиҳонларидан ўтган қизларни ётоқхоналардан йиғиб олиб, университет боғига ишлашга юборишди. У ерда Халқаро журналистларнинг анжуманига тайёргарлик кетаётган эди. Қизларга бир эркак, уч аёл ўқитувчи бошчилик қилди. Учинчи куни университетдан Азимжон келди. Қизлар бир кўришда унга «барно йигит» деб ном қўйиб олишди. Ҳақиқатан, у барно йигит эди: на семиз, на ориқ; юзи на чўзинчоқ, на кулча; ҳаворанг кўйлаги, шу рангдаги шими адл қоматига атайин мослаб тикилгандай, ўзига жуда ярашган эди; қоп-қора сочи пешонасига тушиб турар, қошлари икки камон бўлса, кўзлари бир жуфт ёқут ферузадек чарақлаб нур сочардики, уни бир кўришда ёқтириб қолди. Дугоналарининг «Бунча сулув йигит экан» деган гаплари юрагини шу даражада ўртадики, гўёки уни бошқа қиз тортиб олаётгандек, ич-ичидан

қизғаниб, «он мой любимчик» деганини ўзи ҳам сезмай қолди. Қизларда йигитларга қараганда бир мардлик бор: улар қаерда бўлишмасин, ўз ўринларини тез англайдилар ва қобилиятлари, чиройлари, кучларига қараб, ўзларига ёр, маҳбуб ёки бошқа керакли нарсаларни танлайдилар. Ўша куни ҳам барча қизлар унинг бу гапини тўғри маънода қабул қилдилар. Дугоналари ҳам уни ҳимоя қилишди. «Тўғрида, у фақат бизнинг дугонага мос: бўйбаста ҳам, чиройи ҳам, иккиси худди узукка кўз қўйгандек, бир-бирларига ярашиб турибди», деди тирсак қош қиз. Шу билан қизлар учун янги «ҳангома» топилди. Энди «бу йигит кимга тегишли?» деган гап тиниб, воқеанинг давоми нима билан тутайди, деган савол ўртага қалқиб чиқди. Офатижон ҳам бўш келадиганлардан эмасди. Эртаси кечқурун ювиниб, тараниб, иккита жама-лак сочига оқ ленталар тақиб, эғнига оппоқ шоҳи кўйлак кийиб, Азимжон ишлаётган катта ёнғоқ дарахти атрофида айланди. Бу пайтда Азимжон эркак ўқитувчи билан катта қоғозга ҳар хил расмларни ёпиштираётган эди. У четдан туриб, йигитнинг ишларини кузатди. Азимжон унга бир қараб қўйди-да, ишини давом эттирди. Расмни елимлаб бўлгач, катта қаламни олиб, қиз билан йигитнинг расмини чизди. Қизни шунчалик чиройли ва сулув чиздики, ёнида турган ўқитувчи бир унга, бир расмга қараб, «Бери кел, сенга ўхшабди!» дея уни имлаган эди, ҳали мурғак, ёш қиз эмасми, шундай уялди, ер ёрилмадики, ерга кириб кетса, домла олдида шарманда бўлмай, деб шаталоқ отиб қочди. Катта кўрғазма мато тайёр бўлиб, деворга илингач, қизлар унинг атрофини ўраб олишди. «Воҳ!» деган эҳтирослар эшитилди. Кимдир: «Бало! Бало!» деди. Қайси бири эса «Офатижон қилиб чизибди!» деб юборди. Кечаси ётоқда ҳам шу гап айланди. Бу пайтда унинг ўзи Азимжоннинг хонаси атрофида дугоналари билан айланиб юрар, чиқиб қолса, у билан гаплашиш истаги ҳам йўқ эмасди. Аммо Азимжон алақачон ухлаган эди. Эртаси эса у жўнаб кетди. Офатижонга бу нарса алам қилса-да, тишини-тишига қўйди. Орқаворотдан эшитилган гап-сўзларга жавобан: «Жўнаб кетгани яхши бўлди, қулоғим тинч юради» дея гап тарқатди.

...У йигитга яқинроқ сурилди. Бир гап айтса-чи! Уч йилдан буён ишқида адо бўлди. Садо чиқадами бу йигитдан йўқми? Бир йил қолди. Бир йилдан сўнг у Фарғонасига, йигит эса Сурхони-га кетади. Индамай ажралиб кетишадими? Бу қурғур қандай қалбки, пойида эгилган не-не алпларни ҳам тан олмай келяпти.

Топгани шу индамас бўлди. Суриштириб билди: яхши кўрган қизи йўқ экан. Ким бу? Қандай қалб бу? Нечун ҳеч кимни севмайди? Нечун бировга қиё боқмайди? Шунақа мўмин йигит ҳам бўладими? Ёки унда қалбнинг ўзи йўқми?

— Толиқмадингизми? — атайин сўради у.

— Толиққаним йўқ, давом этинг, — деди Азимжон. Овозида на ҳаяжон, на бир такаббурлик бор эди. Қиз шуни билдики, у нимагадир шошпапти. Шу боис ҳам, назарида, ундан тезроқ қутулишни истаб, ёзувга зўр беряпти.

Азимжон ҳам ўз навбатида «тезроқ ёзиб берсам, ёзиб бера қолай, тезроқ кетгани маъқул» деб ҳақиқатан ҳам ёзувга зўр бераётган эди. Хаёлида эса ўша бояги «буларнинг иши биттунча, сўнгра танишмайди» деган гап чарх урар, ҳозир олдида дунёнинг энг сарвқомат, энг сулув дилбар қизи эмас, табиатнинг ўта маҳоратли расоми томонидан тарошланиб, гўзал қиёфа берилган оппоқ мармар ҳайкал тургандек эди. Одатда, йигитлар ўзлари учун иккинчи даражали ҳисоблайдиган энг гўзал қизларга ҳам шундай совуқ муносабатда бўладилар. Агар улар қалбларига оташ муҳаббат оловини ташлай билмасалар ҳар қандай йигит ҳам бир умр муҳаббат йўқ деб ўтади. Муҳаббат бўлмаса, дунё бу қадар жозибадор кўринмасди. Мен ҳеч севмаганман, севгини билмайман, деганлар гуноҳга ботадилар. Улар аёлларини севадилар-ку! Ҳатто гулни кўриб, унга мафтун бўлар экансан, демак, қалбингда муҳаббат бор, гўзал туйғулар, дунё севгиси бор. Буни ким ҳам инкор эта олади.

Қаҳрамонимиз Азимжон буларни яхши билади. Билади-ю, лекин муҳаббатга ҳали бор, деб ўйлайди. Шу пайтгача кўз остига олганлари йўқ эмас, бор эди, лекин бирининг бурни ёқмаса, иккинчисининг гаплари совуқ, учинчисининг юриш-туриши умуман кўнглига ўтирмайди. Шу тариқа кунлар ўтапти. Гоҳо, аввал ўқишимни тугатиб олай, сўнгра бир гап бўлар, дейди. Ёш бўла туриб, бўйинга ола хуржун осиш зарур кептими?! Балки, яратганнинг ўзи уни тўғри йўлга бошлар. Севги деб ўзини ўтга-чўққа уриб, ёш жонини қийнаб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас. Сабрнинг таги олтин. Пешонасида бўлса, ақли расоси чиқиб қолар! Ана, курсдоши Шермат. Феруза исмли курсдошига уйланди. Олти ойдан кейин ажралиб кетишди. Нима эмиш: одатлари бир-бирларига тўғри келмаган эмиш. Эй йигит, уйланишдан олдин етти ўлчаб бир кесиш керак эди: қиз болани бахтсиз қилиш инсоф-

данми?! Сен-ку, сув кўрмаган хачирдай бошқасига уйланиб кетасан, аммо бокиралигини йўқотган бечора Феруза қайси деворга бошини уради?! Азимжон ҳали-ҳали Шерматга нафрат билан қарайди. У бўлса, яна бошқасининг бошини айлантириб юрибди. Бир бузилган йигитнинг ҳам, қизнинг ҳам эгри йўлга кетиб қолиши мумкин! Лекин йигит эркак бўлиши керак. Ўзини ўйламаса ҳам, ўз миллатининг қизини ўйлаши керак!

Офатихон уни гапга тутди:

- Сиз Паркентга борганимизни эслайсизми?
- Қачон?
- Эсингизда йўқми?
- Уч йил олдинми?

Офатихон суюнди:

- Ҳа, уч йил олдин!
- Эслайман!
- Нимайди?
- Шунчаки ўзим!

Азимжон унга ялт этиб қаради: эсида, оқ ленталар тақиб, барно қиз бўлиб келганди, беҳуда сўрамаётганга ўхшайди:

- Ўшанда кичкинагина, лўппи қизча эдингиз?
- Йўғ-э?!.. Энди-чи? Энди улғайибманми? — деди қиз ўпканган бўлиб.

Азимжон ўнғайсиз ҳолатга тушди. Аслида бунақа демаслик керак эди. Ҳатто «улғайибсиз» дейиш катта ёшдаги аёлларга ҳам оғир ботади.

- Аксинча, — деди Азимжон жилмайиб, — янада очилиб, янада жозибали бўлгансиз!

Офатихон айнан шу гапни кутиб турган эди, хурсанд бўлганча қочириб қилди:

- Эътибор бермайсиз деб ўйлаган эдим!
- Кўз нима учун берилган? Кўз тушади-да!
- Бу кўзлар ҳаммани бирдек кўрадим!

Азимжон, тўғриси, унинг бу илмоқли гапига унчалик тушунмади. Нима демоқчи? Бу билан нимага шама қиялпти?!

Эшик тақиллаб, унинг хаёли бўлинди.

- Оббо! — У ижирғаниб ўрнидан турди. — Сира тинч қўйишмади, қўйишмади-да!

Остонада тепакал йигит кўринди:

- Азимжон, декан чақиряпти! Тез борар экансиз!

— Ишимни тутатиб бораман, айтиб қўйинг!

Унинг мардона гапириши қизга ёқди. Аслида қизлар лаган-бардор йигитларни унчалик ёқтиришмайди. Офатихоннинг унга кўнгли сув кетди. Қани энди, йигитинг шунақа бўлса! Қалбида: «У сенга ёқади, нега севгинг учун курашмаслигинг керак!» деган садо янгради. Қара, у бошқаларга ўхшаб суйкалаётгани йўқ, ваҳоланки, қанча йигитларни кўрдинг, бундай ёлғиз қолишганда, дарҳол суюлишиб, сенга ташланиб қолган бўлишарди. Бу эса ишингни тезроқ битириб берсам деб тиришяпти.

— Бориб келсангиз бўларди!

— Сафтоевга кўзим учиб тургани йўқ. Иши бўлса, кутиб турар!

Офатихон гапирганига пушаймон бўлди. Қўрслик қилади, деб ўйламаган эди. Ё уни тезроқ кетсин деяптими? Балки, севган қизини кутаётгандир.

— Бировни кутаётган бўлсангиз, мен борақолай!

Азимжон унга ҳайрат билан боқди:

— Қизиқмисиз!.. Ё ноўрин гапириб юбордимми?

— Йўқ!

— Мен Сафтоевни ёмон кўраман. Номини эшитсам, жиним кўзғайди. Ўтган йили «Йўлдан адашма, қизгина!» деган мақола ёзиб, бир кўриб берсангиз, десам эртаси чақириб: «Шу мақолангдан воз кеч!» деб қолса бўладими? Ёзда имтиҳони бор эди. Домла, сиздан айлансин шу мақола, деб тил учида айтдим. Бир ҳафта ўтиб, мақола жингалак соч жияни Сатти Тўра номидан чиққач, бутун факультет уни бир ҳафта муҳокама қилди. Сиз ҳам бу тўғрида ёздингиз! Энди билсам у, университетни битиргунча, жиянини катта ишларга тайёрлаши керак экан.

— Вой ўлмасам, ўша Сизнинг мақолангиз эдими?

Азимжон индамай ёзишда давом этди.

Офатихон ўтган йили йўлдаги воқеани эслади. Пиёда келаётган эди, ёнида машина тўхтади: қараса, ўзларидан бир курс олдинда ўқийдиган ўша Сатти Тўра, кулиб турибди, «ўтиринг!» деган эди, «ўзимизни йигит экан» дея соддалигига бориб, ўтира қолди. Иккинчи томони, унинг мақоласига жавоб ёзган. Машинасида университетгача олиб борса, ҳаққи кетмайди, боз устига қарзини узади, деб ўйлади. Сатти Тўра у ёқдан-бу ёқдан гапириб, анча чайналди, муҳим гапини айтолмаётгани аниқ эди. Офатихон эса унинг нима демоқчи эканлигини сезиб турар,

«Сизни бир кўришда севиб қолдим, менга тегсангиз, бахтли бўласиз, сизни мендан бошқа ҳеч ким бахтли этолмайди» деган гапларни кунда бўлмаса, кун ора эшитади. Ким бўлмасин, бир кўрди дегунча, уни севиб қолади. Йигитларни қўя турунг, катта ёшдаги одамлар ҳам, гарчи сочлари оқариб, севги боғининг кузги паллаларига келиб қолган бўлсалар-да, қаримаган кўнгиллари ийиб кетиб, унинг қанақа илтимоси бўлмасин, бирпасда бажариб беришади. Офатихон буларни кўравериб, ўрганиб ҳам кетган. Илгари аччиғи чиқарди. Энди бундайларни мазах қилади. Ўша куни, турган гапки, Сатти Тўра ҳам роса алжиради. Ҳатто тагидаги «Мерседес» машинани ҳам унинг номига расмийлаштириб беришга ваъда берди. Офатихон кулди. Бу пайтда улар дарвоза олдига келиб қолишган эди. «Мен кўпдан буён бу гапларни сизга айтишни кўзлаб, пайт пойлаб юргандим, ўйлаб кўринг!» дейишни ҳам унутмади. Ўшандан буён ҳар доим унинг йўлини пойлайди, аммо қиз сира тутқич бермайди. Бу гап бутун университетта тарқалиб бўлган. Ҳатто Сатти Тўрага «овора бўлма, у барибир сенга тегмайди» дейишди. Аммо у ҳам қайсарлик билан «ўшанга уйланмасам, отимни бошқа қўяман» деб юрибди.

— Ўша мақолани деб мен ҳам бошимни оғритиб юрибман!

— Шунақа, соддасизлар-да!

— Билганимда, ёзмас эдим. Аммо Сафтоев: «Қизим, қаламинг ўткир, сен ҳам фикрингни билдир» дегандан кейин ноилож ёзгандим.

— Сохта обрў кимга керак!

— Сиз буни тушунасиз, А-зим-жон а-ка! Улар эса бошқача фикрлашади.

Қизнинг «Азимжон ака!» дея алоҳида таъкидлаши йигитнинг қалбини қитиқлади. Қалб тори нозик чертигадек бўлиб, оний лаззатни ҳис этди. «Ғалатиманми?!» дея ўйлади сўнгра ва ўзини бир силтаб, хаёлини тўзғитган ўйларни итқитиб ташлади-да, яна ишга берилиб, ўн дақиқалардан сўнг ёзишни тугатиб, енгил тин олди:

— Ана бўлди! — деди сўнг кулиб.

— Ташаккур сизга! — Офатихон қилт ютинди. «Бир нарса дермикан?» — Сизга қандай ташаккур билдиришни ҳам билмай турибман!

— Хурсанд бўлсангиз, бас! Аммо мақола яхши чиққан! Газетхонларга ёқади.

Офатигон «наҳотки, бир нима демаса?» дея илинж билан остонада тўхтади. Азимгон эса нарироқдан ўтиб, чаққонлик билан эшикни очди:

— Марҳамат!

Қиз йўлакка чиқди. Кўнглидаги ўзи англамаган илинжни ҳисобга олмаганда, у жуда енгил ва бахтиёр эди. Лекин нима учун енгил ва бахтиёрлигини ҳам тушунолмас, шунча йигитлар билан гаплашиб, бу галгидек ўзини хурсанд сезмаган эди. Ё унга бир гап бўлди. Ёки севги деганлари шуми? Ўзи орзу қилиб юрган йигит билан гаплашганда, бошқа қизлар ҳам шунақа ҳолатга тушишармикан?

Ён хонадаги эшик очилиб, вўндалак йигит ичкаридан чиқди. Уни Ифбатбек дейишади. Бешинчи гуруҳда ўқийди. Чойхона-ма-чойхона юришни яхши кўради. Доимо, худди ширакайф одамдай, кўзлари сузилиб туради. У Азимгонга тиржайиб қаради:

— Ҳа, кўшни, зўрми? Еган-ичган ўтиб турибдими?

Азимгон «ўтиб турибди, ишинг нима?!» дея унга, ошга тушган пашшадай, совуқ боқаркан, гап искаб чиқди шекилли, деган ўйда:

— Ошқозон жойидами? Ё чойхонани қўмсаяптими?! — дея ҳазиллашди.

Адл қоматини кўз-кўз қилганча кетиб бораётган Офатигон бирдан ортига қараркан, кўзлари чақнаб, лабларида табассум ўйнади. Зина томон бурилгач, беихтиёр йигитга қўл силкиди. Нақадар барно йигит. Бунақасини тушида ҳам кўрган эмас. Фақат жуда содда экан-да!

II

Азимгон икки томони деворгуллар билан ўралган йўлакдан тўғри ўтиб борар экан, оёқ товушини эшитиб, беихтиёр ортига ўтирилди. Тирсак қош қиз унинг ортидан жилмайиб келаётган эди.

— Ёзиб бўлдингларми? — сўради у.

— Ёзиб бўлди! — жавоб қилди Азимгон. — Сиз қаёққа!

— Ётоқда дарс қилолмайман. Вағир-вуғур. Аудиторияга кириб, бир-икки соат... бемалол шуғуланмасам!

— Яхши одатингиз бор экан!

— Биз ҳамиша аудиторияда дарс қиламиз. Ўлсин, ётоқхона жойми? Йигитлар Маржона дугонамининг бошини айлантиргани-айлантирган. Куйиб кетди бечора! Гузаллик ҳам бошга бало

экан. Бир томони, ана у Сатти Тўра... дутонамни... сира тинч қўймапти!

Азимжон «нимага бирданига бу гапни менга айтаяпти, қизиқ қиз экан», дея ўйлади. Қизнинг асл номини билмасди.

— Қизиқ-ку!.. — деди у энди ҳайратини яширмай. — Унинг номи Маржонами?

— Ве-ей, билмайсизми?.. У Сизни доимо «мой любимчик» деб юради-я!

— Йўғ-э?!

— Ҳа! У Сизни жуда ҳурмат қилади.

Азимжон у мени севар экан, дея суюнардан:

— Яна битта боши оғриқ бўлиб қолмай тагин! — деди ҳазил аралаш.

— Нега унақа дейсиз? Ве-ей!!!

Сафтоев юқоридан, ланг очиқ деразадан тепакал бошини чиқариб ўшқирди:

— Олимов?! Сени қачонгача кутиш керак?! Тез чиқ бу ёққа!

У қизга қаради:

— Исмнингиз нимаиди?

— Вей-й, билмайсизми? Уч йилдан буён бирга ўқиймиз-а!.. Хуршида. Хуршидаман!

Азимжон ўзини оқлаш учун:

— Ҳечдан кўра, кеч бўлса ҳам, мана, билиб олдим-ку! — деди ёқимли кулиб.

— Ве-ей-й, ҳазилкаш ҳам экансиз!

Азимжон қиз билан хайрлашиб, учинчи қаватта югуриб чиқди. Ичкари хонада факультет декани, япалоққушга ўхшаган совуқ одам

— Сафтоев хунук бақрайиб турарди. Азимжон одоб билан салом берди. Декан саломлашишни ҳам унутиб унга ўшқира кетди:

— Ётоқхона, йигитча, катта холагизнинг уйи эмас!

— Мен нима қилдим, домла?

— Нима қилдим эмиш?.. Покиза бир қизни бадном қилмоқчиларми? Оёғингизни билиб босинг, йигитча! Бу ер — илм даргоҳи. Буни унутманг!

— Мен ҳеч нима қилмадим, домла! Ёзуви бор экан, кўчириб бердим, холос!

— Айтиб қўй, бундан кейин унга яна суйкалсанг, бошинг кетади, бола!

— Хўп, узр, домла! Кўзим учиб тургани йўқ!

— Гапим эсингда бўлсин!.. Бўйинг ердан қўпмай туриб, қиз танлашингга бало борми?.. Уни... биласанми, уни ким келин қилмоқчи?

Азимжон ундан тезроқ қутулиш учун:

— Биламан, домла, биламан! — деди эгилиб. Лекин ичидан зил кетди. Роса довриради! Одам ҳам шунчалик латта бўлади-ми?!

Сафтоев ўғрини қўлга туширгандек, янада баланддан келди:

— Ов, яна бир кўрсам!..

Азимжон энди унга совуқ боқди.

Сафтоев хунук ўқрайди:

— Бор, йўқол, кўзимга кўринма!

Азимжоннинг аъзойи бадани, ҳатто тирноқлари ҳам зириллаб кетди. Ҳали ҳеч ким уни шунчалик ерга урмаган эди. Шармандалик бу! Шармандалик! У тажанг башарамни битта-яримта ҳангоматалаб кўрмасин, деган ўйда орқа эшикдан ташқари чиқиб, деворгул ёнидаги хилват жойга, тахта ўриндиққа мук тушди. Ўтирди, ўтирди, вақт ўтиб, бир оз совуди. Лекин совуб борган сари кўнгли ғалаён қила бошлади. Нега ўшқиради? Нега ерга уради? Нега унга бир оғиз ғинг дея олмади?! Ахир у сени тамом тупроққа қориб ташлади-ку! Айби Офатижонга... Маржонага ёрдам берганими? Шу яхшилиги учун порахўрдан гап эшитиши керакми? Сафтоевнинг обрўси борми? Пулнинг кучи билан юрибди. Бунақаларнинг югургани сомонхонагача! Аммо ҳозир уларнинг ошиғи олчи: қўллари узун, «ўзлари хон, қўланкалари майдон». Хоҳ дод де, хоҳ вой де, бари беҳуда. Улар пуф деса, учиб кетасан!

Илиқ, ачимтир шамол эсиб, кўкракларини қақшатиб ўтди. Таъбинг тирриқ бўлганда, ҳатто табиат ҳам бурнингни қичигадди. Бахт ҳам, ғам ҳам қўша келади. Ана сенга дунё! Йўқ ердан тарсаки еб ўтирибсан! Алам қилмайдими? Алам қилади. Алам қилганда ҳам, ундоқ, бундоқ эмас, бутун оламингни қақшатадиган алам, оғриқ бу!

— Э бор-э! — У шарт ўрнидан турди. Ётоқхонага боради-ю, кийиниб шаҳарга тушади. Кино ё концерттами, бирор нимага тушади! Миллий театрга тушса ҳам бўлади. Бир оз кўнглини ёзиб келади. Маданий дам олишни ҳам билиш керак, жаноб Олимов!

Йўлак энди бўм-бўш эди. Кечга томон бу ердан Хуршидага ўхшаган талабалар юрмаса, бошқа биров қорасини кўрсатмайди.

Нариги ётоқхонадан майин мусиқа товуши янграр, шўх овозлар, қийқириқлар эшитиларди. Кимнингдир туғилган куни бўлапти шекилли! Ёки битта-яримтасининг китоб-питоби чиққанмикан!

Кимдир ичкаридан чопиб чиқди. Йиғламсираган овозни эшитиб, Азимжон жойида таққа тўхтади:

— Маржона?

Қиз уни кўриб, кўз ёшларини артди. Қуёш ботган, лекин ҳали кун ёруғ эди. Азимжон унга томон юрди:

— Нима қилди?

Қиз жавоб беришни истамай, унинг ёнидан шипиллаб ўтиб кетди.

Азимжон юзига тарсаки тушгандай, алам билан унинг ортидан қараб қолди. Яхшиликка ёмонликми бу!

III

Соат ўн бирга бонг урди. Уйқу қаёқда. Шаҳарга ҳам тушмади. Қандай тушади? Таъбини бир эмас, икки карра тирриқ қилишди. Боз устига уни деб Офатижон ҳам «онасини» кўрди. Ҳамма айб унда: қиз болаларнинг ақли етмаган экан, ўзи ўйлаши керак эмасмиди? Ов, калла, қиз болани ётоғингда олиб қоляпсан. Яна денг, олифталикни қаранг, кимсан дунёнинг энг гўзал қизи Офатижонни... эшикни қулфлаб, ҳеч бир нарсадан ҳадиксирамасдан, қўрқмасдан, ўйламасдан олиб қоляпсан. Ўзингнинг синглингни ё опангни бегона эркак хонада ёлғиз олиб қолсин-чи, дунёни бошингга кўтариб, дод солмайсанми? Ҳе, овсар! Нима иш қилиб қўйдинг?! Нима?!

Ҳилол ой тўққиз қаватли ётоқхона тепасида осилиб турар, Азимжон дераза раҳида ўтирганча юрагига тиф урарди. Юраги тоза йигит бўлгани учун ҳам ўзи туфайли бирор қалб озор чекар экан, тинчини, ҳаловатини йўқотиб қўяр, то ўша кимсани юпатиб, хурсанд қилмагунча кўнгли жойига тушмасди. Унинг айби билан бегуноҳ қиз дакки эшитиб, кўнгли қоронғи тортиб, дили яраланди. Бу қандай ёмон! Қандай ёмон! У қафасга тушган шердек ўкиргиси келди. Аммо буни ётоқхона дейдилар. Ҳовлини бир айланиб келгани маъқул. Зиналардан хаёлчан юриб, пастга тушиб, боши оққан томонга юрди, йўл уни тўғри Маржонанинг ётоқхонаси томон бошлаб борди. Борсинми, бормасинми?! Бир, икки, уч, тўрт... ўйлади, роса ўйлади, жойида депсинди, тебранди. Охири... йўқ, бормади. Нима деб боради?! Уят эмасми?

Илиқ шамол эсди. Кимдир чекяпти шекилли. Сигаретанинг қўланса ҳиди димоғини ачиштирди. Қандай чекишади шу сас-сиқни?! Уф-ф!

Кимдир елкасига шапатилади:

— Нима қип турибсиз?

— Хуршида?... Қайтдингизми?

Хуршида унинг қўлидан тортди:

— Қани, юринг, бизникига борамиз!

— Мен... ҳалиги!..

— Юрасиз, ман билмайман!.. Йигит киши ҳам уяладими?!..

Маржона хурсанд бўлади. Боя роса гурунғчи эканлар, деди.

То учинчи қаватга чиққунча у жиққа терга ботди. Қизлар нима дейди? Маржона қовоқ уйса-чи? Эҳ, шарманда, келмас-лик керак эди, келмаслик керак эди. Бекор келяпсан, ҳали ҳам қайт! Қайт орқангга!

Хуршида эшикни тақиллатди.

Азимжоннинг юраги дукиллаб уриб, оёқлари қалтиради. Шарманда! Шарманда! Овсар, юр деса, келаверасанми? Маржона нима дейди? Нима дейди? У эшикдан берироққа, зинага буриладиган жойга келиб турди. Бу пайтда Хуршида ичкари кирган эди.

— Азимжон ака шу ердалар! — деди.

Маржонанинг қўнғироқдек овози эшитилди:

— Қаердалар?

— Ана, эшик ёнида турибдилар!

Шип-шип оёқ товуши эшитилиб, бир зумда қаршисида қиз-ғиш халат кийиб, сочларини чиройли турмаклаган Маржона пайдо бўлди. Унинг кўзларида ибo ва самимият бор эди, гўёки акасини кўргандек, суюниб ёқимли жилмайди:

— Келинг! Марҳамат!

Гўёки қўнғироқ майин-майин садо берди. «О, бу қандай дил-бар овоз!»

У жилмайиб қаради. Мусаффо тонг жилосими бу!

— Юринг! Марҳамат!

Унинг ортидан, тўлқиндек мавжланаётган сочларга тикилганча ичкари кирди. Кенг хона, тўрт диван. Тўрда телевизор. Ўртада стол. Дастурхон ёзилган. Мева-чева. Нон, ёнғоқ, майиз. Меҳмондорчилик зўр-у! Биров келадами?!

Азимжон қизлар билан бирма-бир сўрашди.

Хуршида ҳазил қилди:

— Қайнонангиз севар экан, ошнинг устига келдингиз!

Маржона кулди, кўзлари чарақлади, аммо бир сўз айтмади.

Озгин қиз пичинг қилди:

— Куёвларни пайғамбарлар ҳам сийлашган. Шундай барно йигитни биз сийласак, нима қипти?!

— Офарин, офарин, дугона! Азимжон акамизни куёвга ўхшатганинг бинойи гап бўлди. Сан ҳам топиб гапирасан. Пичини ёрган қиз!

Маржона юзини четга бурди. Азимжон ўзича нималарнидир сезди. Бу гаплар беҳудага айтимаяпти. Хуршида ҳам уни беҳудага етаклаб келмади. Нима деган эди? Йигитлар шилқимлик қилавериб, дугонамининг жонига тегиб кетган, демаганмиди?! Энди уни ҳам ўша шилқимлар қаторига қўшишадими?

Қизларнинг бири пиёла, иккинчиси коса, учинчиси сув кўтариб, ташқарига чиқиб кетишди. Азимжон бу ҳам беҳуда эмаслигини сезса-да, соддалигига бориб, ўзини «йўқ, улар атайин чиқиб кетишаётгани йўқ» дея ишонтирмоқчи бўлди.

— Сизни безовта қилмадимми? Ноўрин келдим шекилли!

Маржона унга ялт этиб қаради: оху кўзларда юлдузлар ғужгон ўйнаб, болга тўла лабларида заррин табассум рақсга тушди:

— Хурсандман келганингиздан!

— Раҳмат! Боя...

— Уялдим сиздан!

— ...

— Йиғлоқи экан деб кулардингиз!

— Сизни хафа қилдимиз?

— Сафтоев!.. — Маржона қаддини кўтарди. — Ҳаддидан ош-япти.

— Қўполлик қилдимиз?

— Йўқ! Сиз билан... Сиз билан гаплашмаслигим керак эмиш!

— Бекорларни айтибди! — Азимжоннинг томоғига бир нарсa тикилди. «Сиз билан менга хўжайин эмас» демоқчи эди, бўлмади, айтолмади.

Бу орада қизлар ошни сузиб келишди. Маржона чой қуйиб, Азимжонга узатди:

— Олинг!

Ош ўртага қўйилди.

Азимжон ҳали тўртта қизнинг ўртасига кириб, ошхўрлик қилган эмасди. У ўзини жуда ўнғайсиз сизди. Олим полвон бўлганда ҳам бошқа гап эди. Сал-пал гаплашиб, ўзини оутарди. Бу ерда ким билан гаплашсин. Оғзидан бирор нотўғри сўз чиқиб кетса, роса ноғора чалишади. Қизларга ишониб бўлармиди?!

Ошни еб бўлиб, бир пиёладан чой ичишгач, Азимжон кетишга чоғланди.

— Ҳа, нима гап?! — дейишди қизлар.

Азимжон тўрт букланган ҳаворанг рўмолчаси билан пешонасидаги реза-реза терларни артди:

— Мен борай! Ош учун раҳмат, қизлар! Жуда ширин бўлибди!

Маржона ҳам унга қўшилиб пастга тушди. Азимжон эшик олдида у билан хайрлашмоқчи эди, ташқарига чиқиб келаётганини кўриб, индамади. Эшик олдини неон чироқлар сутдек ёритиб турар, қизлар, йигитлар бирин-кетин ётоқхонага кириб-чиқишар, гўёки бу ер арининг уясига ўхшарди.

— Воҳ-ҳей! — деди кимдир.

— Ана уларни қаранглар! — деди яна бошқа биров.

— Топишибди! — пичинг қилди учинчиси.

— Бўлгани шу-да, фариштамиди?! — деди тўртинчиси.

Бу гапларни Маржона ҳам, Азимжон ҳам эшитди. Лекин уларнинг иккиси ҳам, гўё қулоқларига ҳеч нарса чалинмагандай, жимгина ўтиб кетишди.

Азимжоннинг мардлиги тутиб, мақтангиси ҳам келди, яшириб нима қилдик. Сафтоевнинг бояги гаплари ҳам жон-жонидан ўтиб кетганди. Алам қилди. Учинчи томони, қизнинг ўзига кўнгли борлигини энди сезган ва асалга ёпишган ота аридек энди унинг ўзи ҳам шу тобда қиздан ажралишни хоҳламаётган эди.

— Бутун анча қисилдингиз-а! — деди у атайин, аслида эса «юринг, айлантириб, кўнглингизни ёзиб келай» демоқчи эди. Нимадир йўл бермади. Ўша нима? Ғурурми?

— Ҳа... ҳалиги! — қиз дудуқланди.

Азимжон отга қамчи урди:

— Қани, юринг, очиқ ҳавода бир оз айланинг, сал кўнглингиз ёзилсин!

Қиз ҳеч нарса демади, ваҳоланки, йигит ундан рад жавобини кутган ва бундан юраги безиллаб турган эди. Хайрият, кўнди. О,

бу қандай ажойиб. Буни фақат у тушунади, у англайди. Ошиқ бўлмасдан севгини тушуниш мумкинми?!

Йўлақдан юриб ўтиб, стадионни айлана бошлашди. Бурчақда, қоронғи жойда бирдан кучукча отилиб чиқиб, уларга ташланди. Маржона додлаганча Азимжоннинг пинжига ўзини урди. Йигит кучукчани бир тепиб итқитиб юборди. Сўнг иккалалари ваҳ-ҳа-ҳа-лаб кулишди.

— Қўрқмадингизми? — сўради Азимжон ўнг томонида пахтадек юмшоқликни ва иссиққина ҳароратни сезиб, чуқур энтикар экан. Аллақандай хушбўй ҳид димоғини қитиқлаб, ҳушини ҳам ола бошлади. Бир оздан сўнг ўзининг стадионда юрганини ҳам унутди. Қўлтиғидаги пахтадек момиқ, иссиққина қўлчаларни авайлаб ушлар экан, юрагига малҳам югуриб, таналари дигриллаб кетди. Қиз дегани мунча момиқ, мунча сулув, мунча хушбўй! Эй Азимжон, юрган экансан, санамай саккиз деб!

*«Маржона... кўкда минг юлдуз, ерда бир юлдуз.
Маржона, сен ердаги энг ёруғ юлдузсан!»*

- Сиз ёнимдасиз, қўрқмадим! Ўша ҳид...
- Кўксингизга туфлаб қўйинг! Ҳар эҳтимолга қарши!
- Меҳрибон экансиз! Ўша ҳид... таниш ҳид!
- Ёғлиқ еманг! Хўпми?
- Хўп!.. Буларни қаердан биласиз?
- Бувим айтганлар!
- Бувингиз?
- Ҳа, бувим!..
- Бормилар?
- Онам борлар!
- Мени ҳам бувим борлар!

Азимжон индамади. Тахта ўриндиқ ёнига келгач:

- Бир оз ўтирайлик! — деди ёлворган оҳангда.

Ой заррин сочларини тарар, юлдузлар уларнинг ҳасратиди куйарди. Инсон, сенга нақадар кўп ризқ берилган! Ой ва юлдузларнинг жовдирашини қара! Сен ердаги фаришталар билан сайр қиласан. Шукр де, шукр!

Маржона ноз билан шивирлади:

- Ўша ҳид!
- Қанақа ҳид? Боя ҳам шуни айтдингиз!

— Сиздан ўшанда жуда хушбўй ҳид таралган... бошим айланиб кетганди.

— Шунинг учун ўшанда Паркентда ёнимдан қочиб кетган экансиз-да?!

— Йўқ, унинг учун эмас!

Азимжон туш кўраётгандек эди. Нималар бўляпти? Ихтиёр ўзида эмас. Қандайдир куч уни бошқариб, тилини бурро-бурро айлантираяпти. Э тавба, нималар бўляпти ўзи?! Етти ухлаб тушига кирган эмасди бу ҳолатлар. Кимсан Офатижон унинг қўлтигида, ёнида. Қўйдек юввош ҳолда пинжиги кириб олган. Полвон келсин, айтади. Лекин ўлай агар, ишонса! Сира ишонмайди. Тўқияпсан, дейди.

Маржона қўлини тортиб олиб, сочининг турмагини тузатди:

— Сиз Тошкентда қоласизми?

— Қоламан. Нимайди?

— Иш гаплашиб қўйибсизми?

— Гаплашиб қўйибман!

— Менга ҳам гаплашиб берасизми?

— Сизга-я?.. Мен?..

— Ҳа, Сиз!

— Жоним билан!

— Сиз ҳам республика кўрик-танловида қатнашсангиз, яхши бўларди!

— Мақолани танловга берсангиз арзийди.

— Илтимос, Сиз ҳам қатнашинг!

— Шу сизга керакми?

— Керак десам, рози бўласизми?

— Сиздан яхши дўст чиқади.

— Мен ҳар кимни ҳам дўст танламайман!

Узоқдан Хуршиданинг хиргойиси эшитилди:

Ой кеча, ойдин кеча, ойдинда ётганинг қани,

Сан мани ёмон гединг, яхшини топганинг қани?

Азимжон сергак тортди:

— Йигити ташлаб кетдимиз?

— Сатти девонанинг думларидан бири алдаб юрган экан!

— Лўттибозлар!.. Ўзи ҳам, тоғаси ҳам лўттибоз!

— Эҳтиёт бўлинг! Илтимос қиламан, улар билан...

— Мен ҳам бўш келадиганлардан эмасман!
— Биз ёлғизмиз!
— Шу гаплар учун ҳам энди мен Сизни маҳкам тутаман! —
У қизни маҳкам қучди: юз-юзга тегди, елкалар кўтарилди, на-
фас олишлар тезлашди. — Эрта кечқурун Миллий театрга икки-
та патта олиб келаман. Бу бизнинг биринчи қадамимиз бўлади.

Маржона шивирлади:

— Буниси ҳисоб эмасми?

Азимжон гапни ҳазилга бурди:

— Буниси генералний репетиция!.. Ана, ойбалдоқ қўриқчи-
ларингиз ҳам яқинлашиб қолди.

— Турдикми?

— Турдик! — Азимжон унинг ўнг бетидан чўлп ўпди. — Эр-
тани ҳам келишдикми?

Маржона бўйнини эгди. Унинг момик баданлари, юмшоқ
қўлчалари дир-дир титраётган эди.

Хуршида овозини баралла қўйиб юборди:

— Мани-ку ёмон дединг, яхшини топганинг қани?..

Азимжоннинг унга раҳми келди:

— Бечора!.. Қизларни бахтсиз қилишдан ёмон гуноҳ йўқ!

Маржона яна секин шивирлади:

— Сабрнинг таги олтин, дейдилар.

Азимжон ҳеч нарса тушунмади. Бу гап ўзига қарата айтил-
дими ёки Хуршидага! Нима, у сабр қилмадими?! Ёки бу унинг
Сизни уч йил кутдим, адашмабман, деганими?! Қалбида бир
қоронғилик қолди. Қизлар, қизлар... бунча сирли сизлар! Лекин
у бир нарсани англадики, Офатижонда ҳеч қанақа офат йўқ;
гап борасида, ўткирликда қизлардан сал-пал устунлигини айт-
маса, ҳамма қатори бир қиз. Фақат ўзига шу лақабни орттириб
олган, холос.

* * *

Ҳеч сезганмисиз, Тошкент оқшомларининг ўзгача файзи бор.
Азимжон ҳарорат мўътадиллашиб, биров салқин тушган кумуш
оқшомнинг тароватини кузатаркан, осмонўпар оппоқ бинолар орти-
да ботиб бораётган кўёшнинг ол рангларида, шаҳарни қоплаб келаёт-
ган нилий нурларда, фаввораларнинг ажабтовур шивирлашларида,

тип-тиниқ осмон равоқларида осилиб турган қизғиш булутларда ҳеч ким англамайдиган ва илғай олмайдиган гўзалликни кўргандек бўлар ва ички ҳайрат, ширин ҳислар билан ён-атрофга назар ташлаб, ўзини алақандай ором қўйнида юргандай бахтиёр ҳис этарди.

Ёшлар романтик бўлишади. Икки ёш қалб бирлашса, улар учун табиатнинг ҳар гиёҳи севгидан сўйлайди. Йигит қизни, қиз йигитни йўлкалар, гуллар, дарахтлар оралаб бошлаб кетади. Гоҳо «қаёққа кетяпмиз!» деб ҳам ўйлашмайди. Хаёлда муҳаббат нағмалари мавж урганда, ўйлашга вақт топилармиди!

Миллий боғ дарвозаси: оқ ту누ка устунлар, ложувард кошинлар; кўкка бўй чўзган азим иншоот.

Маржона уни қўлтиқлаб олган, юзи ойдек тўлишган, ташвишлари унут: қарашларида завқ, сўзларида эҳтирос бор эди; қизларнинг баҳордек очиладиган дамлари, ҳатто кунлари, соатлари бўлади, ана шу бахтли дамларда улар ўзларини шаҳзодадек ҳис этадилар. Ҳозир у ҳам севган йигити, алпомиши, арслони Азимжонни қўлтиқлаб бораркан, ўзини нафақат шаҳзода ойимқиз, балки қироличадек ҳис этар, Миллий боғнинг азим дарвозаси эса кўзига жуда ҳуснкор ва пурвиқордек туюлар, гўё ўзича Муҳаббат дарвозасидан ўтаётган эди. Муҳаббат дарвозаси! Бу ном унга ёқди. Қандай жарангдор ном!

— Эскисининг ўрнига шундай чиройли бино қуриб яхши иш қилишди, қаранг, қандай ярашиб турибди! — деди улугвор дарвозага қарар экан.

— Худди сизга ўхшаб жуда жозибали! — дея ҳазиллашди Азимжон унинг қўлчаларини беозоргина қисиб.

Улар дарвозадан ўтгач, яшил майдон оралаб, кўлнинг ўнг томони бўйлаб юришди. Одам сийрак. Унда-бунда она ва болалар учраб қолади. Қирғоққа туташ кема — ошхона олдида йигитқизлар, тўрт-беш одам чақчақлашиб ўтирибди. Азимжон ҳар эҳтимолга қарши деб икки дона «хот-дог» олди. Маржона кулиб турди, эътироз ҳам билдирмади, олманг ҳам демади, аслида йигитининг тадбиркорлиги унга ёқаётган эди. Яна қўлтиқлашиб йўлга тушдилар. Чўмилиш ҳавзаси кимсасиз. Ёзда бу ерларга оёқ қўйгани жой тополмайсиз. Улар ҳавза ёни бўйлаб юриб, бир текис қирқилган девор гуллар ёнидан чиқишди. Кўлга қараб ўрнатилган тахта ўриндиқда иккита гижим газета тўшалган. Қайси йигит ва қизнинг яқин орада бу ердан туриб кетгани аниқ. Қумда катта, узун учли ва яна кичкина туфлининг изи қолган.

— Ўтирамизми? — Азимжон қизнинг қўлларини ушлади. Маржона эътироз билдирмай тахта ўриндиқ томон юрди. Йигитимиз тезда газеталарни суриб ташлаб, чўнтагидан иккита янги рўмолчани олиб, ёнма-ён солди. Бу нозик тадбир қизнинг унга бўлган ихлосини орттирди. «Қандай уқувли йигит!» дея хурсанд бўлганча ўриндиққа ўтирди-ю, шу заҳоти меҳри жўшиб йигитимизнинг иссиқ қўлтиғидан тутди ва ўша ўзига таниш ҳиддан боши айланиб, кўзлари ғалати сузилиб кетди. Азимжон унинг юмшоқ бўйнидан ушлаб, секин ўзига тортган эди, бу гал қаршилик қилмай, эркаланганча унинг кўксига бошини қўйди. Майин шамол эсди. Сувга тушиб турган дарахтнинг яшил новдалари тўлқинлар билан ўйнашди. Тўлқин қирғоққа урилиб, чўлп-чўлп товушлар уйғунлашди. Қизнинг лаблари жуда ҳароратли, қайноқ эди... Шитирлаган товуш уларнинг иккисини ҳам чўчитиб юборди. Бир-бирларидан ажралиб, қараган эдиларки, катта қоп-қора ит ёнларида, шундоқ бурниларининг остида думини ликиллатиб турарди. Маржона кулди, унга қўшилиб Азимжон ҳам кулди.

— Пойлоқчи! Шарманда бўлди-ку!.. Энди ҳаққини бермасак кетмайди!

Маржона унинг қўлтиғига ёпишди:

— Беринг ҳаққини!

Азимжон бояги олган «хот-дог»нинг бирини итнинг олдига ташлади:

— Ма, ол!

Ит «хот-дог»ни искаб кўрди-да, сўнг тишлаб нари кетди, деворгул ёнидан ўтиб бурилаётганда тўхтаб уларга қаради-да, думини ликиллатди ва зумда кўздан ғойиб бўлди.

Ўзал қизимиз ҳам, унга қўшилиб барно йигитимиз ҳам ба-раварига кулиб юборишди.

— Бунақаси тушимга ҳам кирмаган эди! — деди Азимжон.

Маржона эса индамади, фақат унинг кўксига яна бир оз бошини қўйиб ўтирди-да, сўнг:

— Мени уришмайсизми эркалик қилаётганим учун! — деб сўради.

Азимжон тўғриси айтиб қолди:

— Йигит зоти севган қизи учун жонини беришга ҳам тайёр туради! Сиз менга шунча бахт ҳада этиб турганда, сизни уришим нима? Бунақа гаплар эсга ҳам келмайди! — У қизнинг юзига юзини босди ва бироздан сўнг ўрнидан турди. —

Кетамиз. Театрга борамиз. Маданий ҳордиқ ҳам ола билиш керак. Қолаверса, бугун бизнинг биринчи байрам. Бу байрамни эсда қоладиган қилиб нишонлаш керак. Нима дедингиз?

— Бирам яхшисизки...

— Унда кетдик!

Миллий театрнинг қизғиш ялтироқ мармар зиналаридан чиқиб бораркан, қўлтиғида Маржона эмас, гўёки ўзини кўкка кўтарилаётган фариштадек ҳис этди.

Қора ойнаванд бино ёнида суҳбатлашаётган икки аёл уларни кузатиб турарди.

— Кўхликкина экан! — деди бири.

— Қўғирчоқдек. Куёви ҳам ўзига мос, барно! — деди иккинчиси.

— Қўша қаришсин, илоҳим!

Азимжон ўзидан ярим қарич паст Маржонага бўйнини эгиб қаради. Қиз ҳам жилмайди. Унинг нақадар бахтиёрлиги мафтункор кўзларининг чарақлашидан маълум эди.

— Театрни роса зўр қуришган-а! — деди у гап тополмай.

— Олдинги кўриниши жуда кўримсиз эди. Ҳақиқатан, энди қаранг, театр Тошкентнинг энг кўркем биноларидан бирига айланган. Мана бу оқ мармар устунларга қаранг: уларнинг ҳар бири бир дoston, ана у миллий нақшлар-чи? Бу бизнинг бой ўтмишимиздан, илмимиздан, аждодларимизнинг улуғлигидан далолат эмасми?!

Эшик олдида узун бўйли, чўтир юз, совуқ башара йигит уларни туртиб ўтди. Жўрттага туртиб ўтдими ё бехосдан урилиб кетдими, Азимжон буни англолмади. Бир нарса дейишга ҳам тили бормади. Эҳтимол, бехосдан урилгандир, деган ҳаёлда паттачи ёнидан ичкари ўтди. Кенг зал. Оёқ ости ёғ тушса ялагудек ялтирайди. Оппоқ деворнинг юқори қисмида таниқди актёрларнинг суратлари қатор терилган. Уларни неча марта кўрган. Ана, Абдор Ҳидоятлов, Шукур Бурҳонов, Зиқир ака, Ёқуб ака, Эркин Комилов, Сора Эшонтўраева... Маржона ҳам уларга тикилганча залга томон ўтиб борарди. Шу аснода Азимжон катта, сержило қизғиш нақшинкор қўштабақа эшик ёнидаги мармар ўриндиқда ўзларига совуқ тикилиб турган ҳалиги чўтир билан мўйловли йигитга кўзи тушаркан, «бизларни кузатиб юрган бўлишмасин тагин» деган ўй хаёлидан ўтиб, юраги шиг этди. Сатти Тўранинг думлари бўлса-чи?! Кетишда таксига ўтириб, жуфтақни уриш керак! «Зек»ларни

ёллаган бўлса, ади-бади айтиб ўтиришдан фойда йўқ. Аҳмоқ билан ўйнашиб бўлмайди.

Спектакль бошланишига ҳали анча бор эди.

— Юринг, буфетга тушамиз! — деди у Маржонани қўлидан ушлаб. «Хунук башаралар ортидан боришса, демак улар Саттининг думлари!»

Маржона:

— Шартми? — деб сўради.

— Шарт! — деди Азимжон қатъийлик билан ва биргалашиб, мрамар зиналардан пастга, ним қоронғи ертўлага тушишди. Юмшоқ стулларни жуфт-жуфт йигит-қизлар эгаллашган. Бугун «Биринчи муҳаббат» спектакли қўйилаётгани учун ҳам ёшлар кўп. Азимжон билан Маржона эса таваккал келишган эди. Афишага қараб кулиб юборишди. Азимжон: «Бу бизга совға бўлди!» деди қувнаб. Паттахонадан суриштириб кўришса, спектаклнинг бугун иккинчи марта намойиш этилиши экан. Патта сотувчи аёл сўрамасаларда, спектаклни кўкка кўтариб мақтади. Бу севишганлар ҳақида энг яхши, назокатли спектакль экан. Юзта беҳаё фильмдан ўлса ўлиги ортиқ эмиш. «Шундай бўлсин-да!» деди Азимжон ва ичида «ишқилиб, Маржонанинг олдида уялиб қолмай» деган хаёлга ҳам борди.

Улар четдаги стол томонга, зинанинг ортига ўтишди. Баланс, оғир стулни олдинга тортиб, Азимжон Маржонани ўтказгач, ўзининг қаршисидан жой олди ва ҳазиллашган оҳангда:

— Биринчи зиёфат муборак! — деди ва зина томонга қаради.

Маржона кўзларини ерга тикди. Уялди у. Уятчан экан. Шундай қиз-а! Офатижон деб танилган фаришта-я!

Бека қиз югуриб келди:

— Хуш келибсизлар!.. Нима буюрадилар?

Азимжон қўли билан Маржонага ишора қиларкан:

— Бекамиз нимани хоҳласалар шуни! — деди ва «кечаги Офатижон бир кунда бека бўлишга улгурди» дея хаёлидан ўтказди. Лекин шу заҳоти бу фикрини силтаб ташлади. Нега бир кунда бўларкан? Ҳар кўрганингда, оғзингни суви кетмасмиди? Ўша, Паркентда ҳам, жамалак сочларига оппоқ ленталар тақиб келганида ҳам кўнглингга ёққан эди-ку! Лекин сен э йўқ, бе йўқ, деб индамай жўнаб кетдинг! Шу қиз нега кийиниб, тараниб олдимга келди, дея ўйлаб ҳам кўрмадинг! У сени... сени уч йилдан буён кутибди, эрта-кеч оғзингни пойлабди. Бир муҳаб-

бат бўлса, садоқат бўлса, шунчалик-да! Сен... сен уни Офатигон дейишинг, ўз ёрингни, маҳбубингни пастга уришинг нимаси?! Уят эмасми?!

Зина томондан оёқ товушлари эшитилди: бояги икки йигит кўзлари аланг-жаланг бўлган ҳолда нарироқдаги стулга ўтиришди.

Маржона ҳеч нарсани сезгани йўқ: адл қоматини тик тутганча ўтирар, нозик елкасига тушиб турган яшил бўйинбоғи хира чироқ нурида ажабтовур кўкиш товланар, силлиқ юзларида, чараклаб турган кўзларида бахтиёрлик ҳислари мавж урарди. Бундай пайтларда эҳтирослар жўш уради, одам ўзини катта бўлиб қолгандек сезиб, «мустақил ҳаётга қадам қўяётган эканман, муносиб ёр танлашга ҳаққим бор» деб ўйлайди ва бу ҳаракатларидан мағрурланиб, ҳали ўзи англаб етмаган қувончлар қўйнида шодон кезади. Ҳозир Маржона ҳам ана шундай бокира туйғулар қуршовида эди.

Ўтирганлар улар томон ўқтин-ўқтин қараб қўйишар, ҳатто бошида тик турган Бека қиз гоҳ кўркем йигит Азимжонга, «бир дилбари жонон» Маржонага ҳавас ва ҳасад билан суқланиб қарарди.

Маржона ширин оҳангда унга гап қотди:

— Менга ўзингиз ёқтирган пирожнийдан олиб келасизми? Қаҳва ҳам!

— Бизда ҳамма нарса диссерт! Ёмони йўқ!

Азимжон ўртага қўшилди:

— Бугун бизни шунақа меҳмон қилингки, бир умр сизга клиент бўлиб қолайлик! Фақат менга қаҳва эмас, чой келтиринг!

Азимжоннинг «менга чой келтиринг» дегани унга жуда ёқди. Йигитнинг ўз сўзи бўлгани маъқул. Қиз, аёлнинг ҳар гапига ҳўп деб кетаверадиған йигитларни қизлар унчалик ёқтиришмайди. Ана шу гапларни ҳаёлидан ўтказган Маржона жилмайди:

— Яхши пирожнийингиз бўлса, ўзим танлардим!

— О-о-о!!! — Бека қиз ҳиринглади. — Ҳе-хе!.. Майли, юринг, ўзингиз танлаб олинг!

Маржона «борайми?!» деган маънода Азимжонга қаради.

— Ўз қўлингиз билан бизга ҳам танланг!

Улар кетишди.

Азимжон йигитлар томон қаради, кўзлар тўқнашди, сигарет тутатаётган мўйловлиси унга кўзларини қисиб, совуқ тикилди.

«Кузатишяпти. Энди бу қопқондан эсон-омон қутилишни ҳам ўйлаш керак!»

Хона бўйлаб ҳазин севги қўшиғи қанот қоқа бошлади.

*О, хазон бўлган севгим менинг,
Изтиробим, аламим.
Йўқотдим сени, малагим,
Йўқотдим, йўқотдим!*

Азимжон бурнини жийирди. Ўзи ёзган. Ҳозир бунақалар кўпайиб кетди. Ўзлари тутуриқсиз шеър ёзиб, тутуриқсиз ижро этилади. Алишер Навоий ҳазратлари тирилиб келганларида, шу даражадаги савиясиз шеърларни эшитиб, бўзлаб юборган бўлардилар. Севгинг хазон бўлган экан, расво қўшиқ айтгандан кўра, Ҳазратнинг қўйма сатрларини эслаганинг маъқул эмасми?

*Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади.*

Ана шеър! Бунинг бир сатрига бу қўшиқчининг мингта ашуласи ҳам тенг келолмайди. Қўшиқ пулга сотилса, муҳаббат пулга сотилса, дунёнинг кўкси куйиб кетади-ку!

Бека қиз икки тақсимчада иккита пирог, иккита қаҳва келтирди:

— Кеннойим ҳозир келадилар!.. Ўзингизга жуда мос экан, барно йигит!

— Кўз тегмасин!

— Бахтли бўлинглар!

Азимжон яна «думлар»га кўз қири билан қаради. Улар жойига келиб ўтирган Маржонага суқланиб қараб туришар, икки кўзлари унинг адл қадди-қоматига, бокира нур ёғилиб турган юзига қадалган эди. Маржона сезиб қолмасин деб, Азимжон улардан кўзини узди. Худо мададкор, бир гап бўлар.

«Биринчи муҳаббат» спектакли ропша-роса еттида бошланди. Аввалги замонларда барча воқеалар саҳнада давом этар, бу рамкадаги ҳаётга ўхшарди. Замон ўзгариб, меъдага теккан бир хилдаги қолиплар синди. Энди ҳамма нарса бошқача. Ҳатто спектакль ҳам ўзгача бошланаяпти. Парда ортидан чиққан ошиқ йигит севгилисини қидириб, томошабинлар орасига тушди.

— Жамила?.. Қаердасиз? Келаман, деган эдингиз-ку?!

Томошабинлар ён-атрофларига аланглашади. Қиз қаерда, кимнинг ёнида ўтирган бўлиши мумкин? Жуда кўпчилик ўрта-

даги ўриндикда барно йигит — Азимжоннинг ўнг томонида паризоддек тўлишиб, яшнаб ўтирган Маржонага қараб, келин шу бўлса керак, деб ўйлашди. Аммо келин орқа эшиқдан кириб келди. У ниҳоятда тантанавор руҳда, шахдам қадамлар билан юриб келарди. Томошабинлар атлас кийимда, фусункор ҳолатда кўзларини яшнатиб кириб келган келинни қарсақлар билан кутиб олишди. Худди шу лаҳзада, ҳамма келин билан овора бўлиб турган бир пайтда Азимжоннинг ёнида пайдо бўлган мўйловли «дум» унинг чап қулоғига секин шивирлади:

— Бир дақиқага фойега чиқ! Сатти чақиряпти! Қўрқма, қўлини теккизмайди, мен кафилман. Биз ҳам йигитмиз!

Маржона унга ўқрайиб қаради:

— Яхши йигит, нари тулинг, халақит берманг!

«Дум» ортга чекинди:

— Хўп, опа!

Азимжон ҳам йигит, унда ҳам ғурур бор, ор бор. Чиқмаса, номардик бўлади. Тегмаймиз деб сўз берди, энди чиқиши керак, калтак еса ҳам чиқиши керак, чиқмаса, «думлар» олдида бир тийинлик одам бўлади. Лекин бу ердан қандай чиқади? Нимани баҳона қилади? У «дум»га қаради. У «йигитмисан?» дегандек, қўли билан имо қилди. Азимжон «ўзинг кечир, худо!» дея чўнтагидан рўмолчасини олиб, Маржонага: «Бурним қонади!» деди-да, ўрнидан кўзгалди ва «дум»нинг орқасидан фойега чиқди. Саттининг шу ерда эканлигига ишонмаган эди. Уни кўриб, кўнгли хотиржам тортди. Алдашмабди. Сатти оппоқ мармар устунга суяниб турар, қарашлари мулоийм эди. Қўл узатиб Азимжон билан самимий кўришди.

— Жўра! — деди кейин анча босиқ, одобли оҳангда. — Ўзинг яхши боласан. Ман сани тушуниб турибман. Аммо унга эргашиб, обрўингни тўкма! У сени алдабди. Қармоғига илинибсан. О, у мени қанча соғди. Мен ҳам унга ўлиб турганим йўқ. Тоғамнинг кўнгли учун... мандан нима кетди, бир ой, икки ой яшарман! Тушундинг-а! Бунга қара: сани яқин олганим учун, яхши бола бўлганинг учун кўрсатаяпман. Мана, кўр!

Азимжон қўл телефонига қаради: унда Маржонанинг Сатти билан ётоққа кириб кетаётгани, сўнг диванда иккисининг хирароқ тасвири... қизнинг яланғоч ҳолати ҳам хирароқ, ғирашира кўзга ташланарди. Азимжоннинг бутун танаси титраб кетди. Кўз олдини қора туман қоплаб, боши айланди. Наҳот-

ки у адашди? Наҳотки у қиз билан жувоннинг фарқига бормади?

Сатти Тўра телефоннинг тугмачасини босди:

— Етарлидир!.. Эҳ, бу менга ҳам уят. Аммо, сенга раҳмим келгани учун келдим. Тоғам бу юришларингни кўрса, сенга ёмон бўлади. Мен у кишининг одатларини биламан!

Азимжон лўқиллаб оғриётган чеккасини қашиди:

— Тоғангиз нега оёқ тираяптилар?

— Қизнинг отасига сўз берган эканлар. Уни ўзим келин қиламан, деганлар. Армияда бирга хизмат қилишган. Маржонанинг отаси бир гал у кишини танкнинг остидан, ўлимдан олиб қолган. Бор гап шу!

Азимжон ер чизди. Елкасига енгилгина шапатилаб, ёнидан секин жилган Сатти Тўранинг ортидан қараб қоларкан, дод дея, Маржонани ташлаб кетишни ихтиёр этди, аммо туриб-туриб, йиғламоқдан бери бўлса-да, шайтонга ҳай берди. Қиз болани ташлаб кетиш — номардлик. Йигит дегани ҳар қандай лаҳзада ҳам етти ўлаб бир кесиши керак. У тишини-тишига қўйиб жойига қайтди. Томошабинларнинг бутун диққат-эътиборлари саҳнага қаратилган. Кулги-қаҳқаҳа янграйди. Одамлар олдидан эгилиб ўтаркан, халақит бергани учун кўпчилик томошабинларнинг зарда қилаётганларини сезиб, улардан узр сўрашни унутмади. «Узр, узр!» деди у икки-уч бора. Маржона унинг қўлларидан тутиб, ёнига ўтқазди. «Яхшимисиз?.. Вой, жуда зўр жойи келди!» деди меҳр билан. Сўнг: «Яхшимисиз?.. Нима бўлди? Тўхтадими?» деб сўради хавотирланиб ва унинг қўлларини қаттиқроқ қисди. Аммо энди унинг қўллари унга совуқ темирдек муз туюлди, кулиши ёқимсиз, гаплари ҳам беҳаёроқ туюлди. Кимга ишониб ўтирибди? Шу қизгами? Шунга-я?! Унинг Сатти Тўра билан ёнма-ён ётоққа кириб кетаётгани, сўнг тушақда яланғоч... наҳотки, шу гаплар рост бўлса?! Наҳотки?!. Сира ишонгиси келмайди. Наҳотки бу дунё шунчалик бузилиб кетган?! Наҳотки қиз бола дегани ҳам шунчалик алдамчи бўлса?!. Жамалак сочларига оқ ленталар тақиб, кўзларини капалақдек ўйнатган бокира қизгина!.. Уч йил! Уч йилда шунчалик бузилиб кетдингми?! Сатти Тўра пуф сассиқ бўлиб, энди мен сенга ёқиб қолдимми?!

Залда қарсак янгради. Бу олқишлар эмас, унинг юзига урилаётган тарсакилар эди. Ёноқлари шишақипиқ суртилгандек ачишиб оғриди. Бу дунё бунча азобли бўлмаса! Наҳотки, севгиси

бир кўз очиб, бир лаҳзада сўнади?! Энг алам қиладиган жойи, қалбадаги муҳаббат гуллари қовжираб сўладими энди?!

У алам билан аллақачон музлаган лабларини қаттиқ тишлади. Кўзларини юмган эди, изтироб чўлларининг изғирин бўронларида ўзини кўрди. Воҳ алам-а, воҳ онам-а, шунчалик тез тушади, шунчалик чув тушади, деб ўйлаган эмасди. Спектакль қандай тугади, қандай таксига ўтирди, Маржона чув-чуваб нималар деди, нималарни гапирди, бирортаси ёдида қолмади. У гунг ва соқовга айланган эди. Қизнинг икки-уч марта: «Сизга нима бўлди?» деган гаплари ҳам жавобсиз қолди. Фақат хонасига келиб, Олим полвонга кўзи тушгач, кўзлари сал-пал очилди.

— Ойинг яхши эканларми, жўра?

— Сал мазалари қочган экан. Ничего. Давленаларини туширдик. Тузук бўлиб қолдилар. Сенга салом айтдилар. Юзинг кўкариб кетибди. Тинчликми?

— Чарчадим, жўра! — Ечиниб, юз-қўлини ювиб келди-да, тўшакка таппа ташлади. Шу заҳоти яна Маржона ва тўшак кўз олдида жонланиб, жон ҳолатда тескари ағдарилди. Ах-х, дунёси ҳам бир пул экан!

Орадан уч кун ўтди. Унинг сурати қолган эди, холос. Бу ўзгаришни Олим полвон ҳам, бошқалар ҳам сезиб, икки-уч маротаба ҳол-аҳволини сўрашди. Лекин у сир бой бермади. Маржонани кўрди дегунча йўлини тескари солиб, қочиб қолар, унга умуман кўринмасликка ҳаракат қиларди. Қалбининг четидаги ширин ҳис унинг аламларини ювиб ташламоқчи бўлиб тўлқин урар, «бу гапларнинг ҳаммаси уйдирма, ишонма!» дея садо берар, аммо ўз ёғида қовурилаётган содда дўстимизнинг ўз гавдасини кўтаришга, атрофга жиддий назар солишга қурби етмасди.

Бу орада иккисининг стадионни бирга айлангани, театрга боргани ва яна қанча миш-мишлар урчиб, «деди-деди»лар кўпайиб, бутун университетга турли гап-сўзлар ёйилган эдики, ғийбатлар, пичинглар қулоқдан-қулоққа, партадан-партага, аудиториялардан аудиторияларга, ундан чиқиб ректоратга ҳам етиб келган эди.

Эркак ошқозони билан фикрласа, аёллар тиллари билан юришади. Бу гап аёл мураббийларга ҳам етиб келиб, улар учун Маржона ва Сафтоев бугуннинг бош мавзусига айланди. Бундай пайтларда катталарга ўзини яқин олиб, барча гапларни етказиб турувчи «қулоқлари» бўлади. Номина деган аёл, жисмоний тарбия ўқитувчиси Сафтоевнинг жазмани бўлиб, дарсдан бўш қолган

пайтларида, кўпинча тушликларда унинг кабинетини банд қиларди. Маржона ҳақидаги гапларни эшитгач, югуриб келиб, барча миш-мишларни унинг қўйнига тўкиб солди. Айтиш керакки, Сафтоев ваҳимачи эмас, сал гапга қизишиб кетмайди, ҳар нарсанинг орқа-олдини ўйлаб кўриб, сўнгра бир қарорга келади. Шу боис ҳам у миш-мишларни эшитиб, дарҳол жиғибийрон бўлмади, ортиқча ваҳимага тушмади.

— Биламан! — деди кулиб, сир бой бергиси келмай. Аслида ичидан зил кетган, «шошма, бола!» дея Азимжонга тиш қайраётган эди. Гап айланиб, йигитга тақалганда, — у содда, камтар бола, — деди, аслида яна сир бой бергиси келмади. Сирини берса, биладики, бошқаларни сотган Номина уни ҳам қуруқ қолдирмайди. — Болада, бир гаплашган бўлса, бордир, — деди яна кулиб. — Гоҳо йигитлар бегона қизларга ўзларини акадек кўрсатмоқчи бўлишади. Суриштириб кўрдим, у-бу ишларини қилиб берган экан. Азимжонни биласиз-ку, ҳожатбарор бола. Лекин бу миш-мишларнинг бари ёлгон. Мени кўролмайдиганлар тўқиб чиқаришяпти. Эрта-индин Маржона қизимизни Саттибойваччага унаштириб қўйсак, ҳаммаси тинчийди-қолади.

Номинахон «шундайми?» дея ҳомуза тортди ва бироздан сўнг чиқиб кетди. Унинг ортидан ижирғанганча қараб қолган Сафтоев «сир берадиган аҳмоқ йўқ» дея шарт ўрнидан туриб, қаттиқ керишди. Сенларга кимлигимни кўрсатиб қўймасам, отимни бошқа қўяман. У биладики, гап-сўзлар шу билан тутамайди. Нимадир қилиш керак. Бирор яхши тадбир ўйлаб топмагунча, ўзи ҳам тинчимайди. Одам дегани бесабр бўлади. Сал гапга осмонга сакрайди, ловиллаб ёнади. Эртаси у тушликда, бир пайтнинг ўзида Номинахонни ҳам, Маржонани ҳам кабинетига чақирди. Турган гапки, хонага биринчи бўлиб, Номинахон етиб келди. «Тинчликми?» деб сўради лабларини ялаб. Сафтоев айёрона кулди. «Бирга тушлик қиламиз, кабоб буюриб қўйганман, ҳозир олиб келишади», деди. Шу пайтда Маржона ичкарига бош суқди. «Мумкинми, домла?» Унинг кўзлари қизарган, юзи сўлғин эди. Сафтоев унинг таъби тирриқ эканлигини сезиб: «Нима бўлди, она қизим?» деб сўради. Бундай тилёғлама гапларнинг тагида бошқа бир илинж ётганлигини сезган қиз дарҳол ўзини ўнглаб, табассум қилди-да: «Кеча кеч ухлаган эдим, ёзадиган нарсаларим бор эди» деди. «Журналист ҳар куни ёзиш керак! — дея гап қотди Сафтоев. — Қани, ўтиринг-чи!» — деб стулга ишора

қилди. Маржона Номинахоннинг ёнига омонатгина чўқди. Сафтоев қорини ичига тортди.

— Хўш-шш, она қизим! Мани биласиз, дангалчиман. Ха-ха!.. Эркакнинг дангалчи бўлгани яхши!.. Хўш-шш, она қизим! Битта савол. Ортиқ қийнамаймиз. Рас шу даргоҳда декан эканман, ҳамма масалаларни... жумладан, қизлар, аёллар орасида қилча гап чиқсаям ҳал қилиш вазифам!.. Тўғрими, Номинахон?

— Тўғри, Мавлон Ҳожиматович! Жуда тўғри!..

— Бу... сени... а... Сизни биз ўқув даргоҳимизнинг энг одобли қизларидан бири деб биламиз. Шу боис ҳам Сизнинг тўғрингизда бир оғиз миш-миш чиқса, бепарво бўлолмаймиз. Бу нарса бутун жамоамиз масаласи. Университет шайни деган гап бор. Хуллас... — У Номинахонга қаради. — Сиз айтинг!

Номинахон унга ўтирилди:

— Ҳов, синглим, ҳалиги... аҳду паймон қилган эмишсиз? Ана у тирмизак йигит билан! Аввал ўзини эпласин! Сиз ким-у, у ким?! Тирноғингизга арзимади!

Уч кундан буён Азимжоннинг қилиқларига тушунолмай хуноби ошиб юрган қиз:

— Мен ҳеч ким билан аҳду паймон қилган эмасман, опа, буларнинг ҳаммаси бўҳтон! — деди жон аччиғида.

Сафтоев ўрнидан туриб кетди:

— Ана айтдим-ку, буларнинг ҳаммаси бўҳтон деб! Маржона — бизнинг фахримиз, жуда ақлли қиз!

Юраги севги изтиробларига тўлиб турган қизнинг чарос кўзларини, қорамтир киприklarини аламли ёшлар куйдириб ўтди. Қўлидаги рўмолчани кўзларига босар экан, алам билан титраб силкинди.

— Ҳаммаси бўҳтон, домла!

— Мен сизга ишонаман, она қизим. Хўш-шш, борақолинг!

Эшик тақиллаб, ҳайдовчиси ичкари бош суқди:

— Опкелдим, домла!

— Кир!

Маржона югургилаб чиқиб кетди. Сафтоев унинг ортидан мамнун қараб қолди:

— Хўш-шш?.. Бунга нима дейсиз. Номинахон?!

— Гап йўқ Сизга, Мавлон Ҳожиматович! Ҳамма масалани бирпасда ҳал қилиб ташлайсиз-э!

Ҳайдовчи қўлини кўксига қўйди:

— Домла, бошқа хизмат йўқми?

— Боравер, ука! Раҳмат!

У чиқиб кетгач, Сафтоев Номинахонга кўз сузди:

— Хўш-шш! Гапингиз тўғри, биз, яъни камипаи камтарин, не только ҳамма масалани... ҳатто кабобни ва ўрни келса, Сизни ҳам бирпасда хил-хил қилиб ташлаймиз!

Номинахон «ўлманг! дея ҳиринглаб кулди. Сўнг:

— Шу ўтиришларимизни ҳам кўролмайдиганлар кўп, Мавлон Ҳожиматович! Бундан буён кабинетда ўтирмасак дейман. Ҳар ҳолда бу ер ўқув даргоҳи!

Сафтоев унинг оғзига урди:

— Ошинг ҳалол бўлса... хўш-шш... кўчада ич! Тўғрими? Тўғри!.. Рас шундай экан, биз Сиз билан ўғирлик қилаётганимиз йўқ, декан ўз ўқитувчиси билан кабинетда ўқув масалаларини муҳокама қиляпти! Во, масалага қандай ёндашиш керак!.. Одамлар туянинг думини кўрсатмай ютиб юборишяпти. Биз сиз билан кабинетда икки оғиз суҳбатлашсак, осмон узилиб ерга тушадими?!

Номинахон ҳам «эгардан» тушишни хоҳламади:

— Ҳар ҳолда, Мавлон Ҳожиматович... гапларингиз тўғри, юз фоиз қўшиламан, аммо «ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнини ўғри тутма!» дейдилар. Гап-сўзлардан нарироқ юрганимиз маъқул! Бир бечора қиз ўша йигит билан икки оғиз гаплашганми йўқми... гап-сўз, миш-мишларни қаранг!

Сафтоев тиржайди, лекин бир нима демади... тушлиқдан сўнг аудиторияларни, ҳовлини айланди, Азимжонни учратаманми, деб яна бир оз изғиди. Бирор талабани юбориб, топтирса ҳам бўларди, аммо буни ўзига эп билмади. Кабинетига қайтаётган чоғида Олим полвонни кўриб, уни ёнига имлади:

— Бери кел!

— Ассалому алайкум, домла!

— Ваалайкум... ўртоғинг қаерда?

— Ётибди, мазаси йўқ!

— Унга қарашиб тур. Ўртоқ дегани бир-бирига меҳрибон бўлади. Домла, сўраб юборди, дегин. Пул-мул керак бўлса, тортинма! Хўпми?

— Хўп, домла!

Сафтоев қушдек енгил кабинети томон учди. Сафтоевни ким деб ўйлаяпсанлар. У сиртига сув ҳам юқтирмайди. Айтганини

қилади, эгрини тўғрилайди, бузилган мурувватларни созлаб қўяди. Рас, ўшани келин қиламан, деб айтдимми... айтган эдими? Келин қилади. Бу гапни ҳамма эшитган. Келин қилмаса, дўст бор, душман бор, обрўсига путур етади. Эртага битта-яримтаси: «Шундай гўзал ва обрўли қизни Сафтоев келин қиламан деган эди, кучи етмади» дея сасиб юрсинми? Йўқ, Сафтоев бу пичингларга чидай олмайди.

Хуршида саломлашиб ўтди.

Сафтоев тўхтаб алик олди ва:

— Қалай, арзанда талабамиз яхшиларми? Тоблари йўқ экан?! — деди атайин. «Ғамхўр раҳбар аслида шундай бўлади» деган гап ҳаёлидан ўтаркан,» сўрашиб яхши қилдим, домла Сафтоев яхши декан, ҳатто талабаларнинг бошлари оғриси ҳам, ғамларини ейди, деган яхши гаплар тарқалади», деб ўйлаганча ҳузур қилиб, яйраб кулди.

IV

Хуршида хонага кирганда, Маржона ҳали ҳам девор томонга қараганча енгил оқ чойшабга ўралиб ётарди. Э, худойим-э, эр-талабдан бери ётибди. Чой ҳам ичмаган бўлса керак. Унга раҳми келиб, ич-ичидан ачинаркан, бора солиб, бағрига босди:

— Дугона, бу ётишингизга қараб сил бўлиб кетдим. Касал касал эмас, уни боққан касал! Туринг, ўрнингиздан, жон дугона! Ман ўзим бориб у билан гаплашиб келаман! Номард бўлса, номарддигини айтсин!

Маржона миқ этмади. Энди севгимни топдим, деганда, Азим-жоннинг бир марта театрга олиб бориб, энди қочиб юриши унга алам қилаётганди. Нима бўлди? Ёқмадимми? У ҳам севаман, деди, севгисини билдирди-ку! Ёки бирдан унга ўзини ташлаб қўйиши, индамай пинжига кириши кўнглига ўтирмадимми? Бошқача ўйладимикан?! Энди у бунга қандай чидайди? Севгисини йўқотса, яшашнинг қизиғи қоладими?! Агар керагинг йўқ, деса, иккинчи томони, бутун университетда нима деган одам бўлади. Бу аҳволда ўзини бир бало қилиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас. Орияти жуда кучли. Бунақа шармандагарчиликни кўтаролмайди.

— Дугона?.. Жон дугона, манга кулоқ солинг. Онангиз ўрнида онангизман, опангиз ўрнида опангизман!

Маржона «қўй» дегандек деворга томон сурилди.

Хуршида энди бўш келмаслик керак, деб ўйлаб:

— Керак бўлса, чўрингиз бўлай, жон дугонажон, манга имкон беринг, гапларимга қулоқ солинг! Чин муҳаббатга эришиш осон деб ўйлаганмидингиз! Ширин Фарҳодга осонлик билан етдими ё Лайлини айтинг?! Қани айтинг, ким осон етган севгисига?!

— Бефойда, дугона!

— Тилимни қичитманг!.. Қичитманг тилимни!.. Ким айтади Сизни Офат деб! Бир ғаним пуф деса, дарҳол сўниб қолдингизми?! Сиз шам эмассиз? Сиз Қуёшсиз! Буни унутманг! Бутун университет қараб турибди. Туринг, чарақлаб нур сочинг, бахтингизга чанг солган кўланкаларни қувинг!

— Ярамни тирнаманг, дугона! Бирор гап эшитган бўлсангиз, айтинг!

— Ҳеч гап эшитганим йўқ, аммо ўша илонкўз Саттининг бирор ҳунар ўйлаб топгани рост!

— Нега унақа дейсиз?!

— Билмадим, дугона, билмадим! Ман башпоратчи эмасман! Лекин кўнглим сезиб турибди! У бир нима деган?

— Нима дейиши мумкин?

— Йигитларнинг мардлари дунёни ялтиратса, номардлари уни булғашади. Сатти — номард йигит. Ман уни биламан!

— Ош-қатиқ бўлгансан!

— Бети қурсин, ўлиб кетгур!

— Қарғама, дугона!

— Мани куйдиргани етмаганмиди, энди сиздек дугонамни хароб қилмоқчи! Сизни олса ҳам узоқ яшамайди!

Биригчи курсда Сатти Тўра Хуршиданинг бошини айлантириб, олти ой ортидан югурган, мақсадига эришгач, жанжал қилиб, уни ташлаб кетган эди.

— Ўлиб кетсин, илойим!

— Бировга ўлим тилагунча, ўзингга соғлик тила, дугона!

Хуршида унинг устига ўзини ташлади:

— Шу гапни Сиз айтдингизми... мани сил бўлмаслигимни истасангиз, туринг ўрнингиздан, чўрингизман: имкон беринг, ҳозир «любимчигингиз»нинг илайига бораман!

Хуршида уни қитиқлади. Маржона ўзини тортиб, тиззалаб ўтирди ва қулди:

— Илайига де!

— Ҳа, илайига!.. Ничего, Навоий бобо ҳам илайига деб гапирганлар! Бораман илайига!

— Бор, борақол, кўзи учиб тургандир!

— Рухсатми?... Рухсат!

Хуршида ойнага қараб, тўзғиган сочларини тартибга келтирди-да, эшик томон юрди.

Маржона тиззаларини қучоқлаганча ҳаёлга толди. Ўша таниш ҳид димоғига урилиб энтиқди. Қовун-тарвузлар тарс-турс ёрилиб, шираси оқиб турган кумуш тонг пайтларида хушбўй ҳидлар чор-атрофни тутади. Уларнинг уйлари дала четида эди. Амир ота деган чол бўларди, ҳар йили уйлари ёнидаги адирлиқда қовун-тарвузлар экарди. Августнинг офтоб қиёмига етган кунларида атрофни хушбўй ҳид тутиб кетарди. Ҳар тонг у ўша ҳидлардан маст бўлганча кўчага чиқиб, палаклар оралаб чопар, тик-тик кетмон ураётган чол тишсиз оғзини очиб, «ҳаҳ, қизалоғим-а!» деб уни қарши олар ва кўпинча уни чақириб олиб, ширин қовунлардан тилимлаб берар, «қовун есанг, сахар е...» дея куларди. Маржона тушида учиб юргандек роҳат қилар, димоғига гуп этиб урган қовун ҳидидан боши айланиб кетарди. Паркентда Азимжонни кўрганда, ўша ҳид димоғига урилиб, бирдан энтиқди. Ўзи қидириб юрган нарсасини топгандай суюниб, қалби унга томон талпинди. Ҳатто Азимжон билан қовун-тарвуз экилган майдонларни топиб, айланиб келишни ҳам орзу қилди. Кўнгил тилаги — осмондаги ой эди: бу яқин орада қовун-тарвуз ҳам, ўша ҳидлар ҳам йўқ эди, Азимжон ҳам унинг истакларидан беҳабар эди. Ўшанда уялганча уларнинг ёнидан қочиб кетаркан, илк марта бу ҳаётда орзуга эришиш осон эмаслигини тушунди. Ҳозир яна ўша ҳиднинг димоғига урилишини, буни фақат Азимжондан топиш мумкинлигини ўйлаб сиқилар экан, унинг бирдан тўнини тесқари кийганлигидан тамом ҳайратда эди. Қайси куни йўлакдан тўғри келаётган эди, уни кўрди-ю, тесқари бурилиб кетди. Нима бўлди? Нега бирдан айниб кетди? Ёки ёқмадимми?... Неча кундан буён шу тўғрида ўйлайди. Ўйлаб ўйларининг тагига етолмайди.

Озгин қиз келди.

— Ҳали ҳам ўшани ўйлаб ўтирибсизми, Маржона?

— Бошқа нима қилай?

— Агар шу хилда давом этсангиз, эртадан мен ҳам дарсга чиқмайман. Дарсда калламга ҳеч нарса киргани йўқ. Нуқул Сизни ўйлаб, қисилиб кетдим.

— Қисилманг, Ҳанифа! Фойдаси йўқ!

— Осмондаги оймиди? Йигит қуриб кетганми? Ҳезалаклик қилаётган бўлса, ташланг, бошқа бир марди топилар!

— Унақа деманг, Ҳанифа!.. Менда битта қалб бор. Унга ик-кита дунё сиғмайди.

— Севги, муҳаббат... ҳаммаси беҳуда гаплар. Йигитларга қизларни майна қилиш бўлса... чиройлиларини ёнларида олиб юриб мақтансалар, ҳар хил балоларни қилсалар... кўнгил майилларини қондирсалар...

— Катта хотинлардек гапирасиз-а, Ҳанифа! — деди Маржона кесатиброқ «жим бўлсин!» деган ўйда. Йўқ, Азимжон унақалардан эмас. У қанчалик мулойим, тўғрисиўз, ҳалол йигит. Хонасида бирга ўтирди, анча бирга бўлди, аммо ортиқча хатти-ҳаракат нари турсин, бир оғиз ёмон сўз ҳам айтмади. Сатти Тўра эса бир марта машинасига минганда, қўлини ушлаб, бўса олишга интилди. Сас-сиқ!

Учинчи дугоналари Сокина ҳам келди. У ҳансираб турар, қовоғи солиқ эди. Маржона сезди, аммо ким биландир жанжаллашган шекилли, деган ўйда индамади. Ҳанифа жаврашда давом этар, ҳар гапининг орасида Азимжонни бевафоликда айблар, «ерга қарагандан қўрқ» деб бир эмас, бир неча марта айтди. «Йўқ — деди Маржона ичида, — йўқ, Азимжон унақа эмас, унга нимадир бўлган, кимдир нимадир деган, юраги сезиб турибди!»

Сокина уни бағрига босди ва секин шивирлади:

— Биласизми, дугона... менга ана у ... ана у биткўз нима деди?

— Нима деди?

Ҳанифа чойнакни кўтариб, нари кетди.

— Турғиз уни ўрнидан! Хон қизи бўлганда ҳам ҳалигача ўрнидан туриб кетарди.

— Ҳўп, мана, ҳозир турамиз! — Сокина «боравер» дегандек имо қилди. Маржона устидаги чойшабни силтаб ташлаб, оқ майкасининг енгини шимарди:

— Нима деди у, кўрсичқон?

Сокина қизарди:

— Айтсам, хафа бўлмайсизми?

— Аллақачон хафа бўлганман! Айтинг, дугона, мен ҳаммасини билишим керак?

— Сиз бу гирдобдан чиқишингиз керак! Бутун шаҳар Офати... э!..

— Айтаверинг, дугона, айтаверинг. Офатижонман! Бундан уялмайман! Ҳар кимни ўз номи билан айтадилар! Айтаверинг!

— Бутун шаҳар Маржонанинг...

— Офатижоннинг денг!

— Оловлиги қаяқда қолди? деб ногора қоқмоқда. Биз ҳам ерга кириб кетдик!

— Гапни кўп чўздингиз, дугона. Ўзи нима гап?

— Гап шуки, дугона: ана у биткўз менга соткасини кўрсатди. Мана, алвастихон...

— Сизни шундай деб ҳақорат қилдимиз? Дунёдаги энг бета-миз йигит у!

— Унда, Маржона... вой ўлмасам... шарманда-я!.. Сизни яланғоч сурагга олган!

Маржона турган жойида бир сакради:

— Бўлиши мумкин эмас! Мен... мен ҳеч ҳам у билан ошқатиқ бўлмаганман.

— Ўзингизни босинг, дугона... Сиз бўлмаган бўлсангиз ҳам... ҳозир техника даври... монтаж-понтаж қилган бўлса бордир. Ана, Қудрат акам мани ҳам монтаж қилганлар. Видео кўрсатдилар, ваҳ-ҳе-ей, ман Ҳиндистонда, Тожмаҳалда юрибман.

Маржона каравотга оғир чўқди:

— Шунақа бемаза ишлар билан... мени шарманда қилмоқчимиз? — Унинг оппоқ лўппи қўлчалари мушт тугилиб, кўзлари ёнди. — Мени шу билан ўзига қайириб олмоқчимиз?.. Бекорларини айтибди.

— Ўзингизни қўлга олинг ва курашинг, дугона! Ёнингизда биз бормиз! Унақа йигитларнинг йўғи яхши! Иккиси ҳам бир гўр!

Маржона унга ялт этиб қаради. Йўқ, Азимжон унақа эмас!.. Театрга киргунча ҳақиқий Тоҳир эди, бурни қонаб, ташқари чиқиб келди-ю... ана у йигит эса қулоғига бир нима деб шивирлади... Тўхта... улар Саттининг думлари бўлса-чи?! Бир нимани бошлашган шекилли!

Ташқаридан қўшиқ овози эшитилди.

Бевафо ёрни қаранг, ўлмай туриб айрилоғи -ей!

Маржонанинг эти увишиб, кўз атрофлари ачишди. Севги изтироблари ҳар қандай кўнгилни эзиб ташлайди. Илгари ишонмасди. Қишлоқларида бир йигит армиядан келгач, севгилисининг

хиёнат қилганини эшитиб, ташлаб кетган эди. Қиз бечора унинг дардида куйиб, бир йилдан сўнг омонатини топширди. Қиз бола севиб қолса, қийин, жуда қийин. Кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Неча кунки, Азимжоннинг ишқида адойи тамом бўлди. Ташлаб кетса, нима қиламан, деб, ғам-ғуссага ботиб ўтирибди.

Эшик шарақлаб очилди. Азимжонми? Маржона ялт этиб қаради. Қаради-ю, ранги-кути ўчди...

V

Олим полвон ўртоғининг кейинги кунларда ранги сомон бўлиб бораётганини кўриб, дарди оғирлигини сизди. Бугун у билан гаплашаман, деб кўнглига туккан эди, лекин ҳалигача дараги йўқ. Қаёққа кетди, учинчи соатда ҳам дарсда кўринмади. Ишқилиб, бедаво дардга йўлиқиб қолмасин. Йўлиқиб қолса, ҳамма «дўстинга қарамабсан!» дея уни ёмонотлиққа чиқариб, таъна-маломат қилишлари тайин.

Кимдир эшикни тақиллатди. Қиз бола шекилли. Ўғил болалар бунақа юмшоқ тақиллатишмайди. Кўйлагининг олд тутмасини ўтказиб, эшикни очди. Остонада Хуршида кулиб турарди.

— Яхшимисиз, Олим ака?

— Келинг!

— Азимжон ака... бизди қочқоқ куёв бормилар?

— Э-э, у қочқоқми?.. Ҳе.. ҳалиги... ҳозир келади. Кириг!

— Келадиларми?

— Албатта! Қаёққа ҳам борарди! Кириг, какрас, гаплашадиган гаплар бор!

Хуршида қандай бўларкин?! — дея иккиланди.

Олим:

— Маниям бошим қотиб турибди! Жўражонимнинг бошига бир ташвиш тушганга ўхшайди.

— Маниям ойпари дугонамининг бошига ғам қўнган. Нима қилишга ҳайронман. Юзига қарайвериб сил бўлиб кетдим.

Бу гап Олим полвонга ёқди. Фикрдош топилса, ишингни ярми ҳал бўлди, деб суюнавер.

— Қани, марҳамат, кириг, иккаламизнинг ҳам муаммомиз бир хил экан! — деди ва ҳазиломуз оҳангда қўшимча қилди: — ўхшатмасдан, учратмас. Икковлашиб бир чорасини топмасак, икки ошиқ-мошиқ бутун дунёни остин-устун қилади. Бунга БМТни аралаштирмаганимиз маъқул!

Хуршида ҳозир ҳазилнинг ўрни бўлмаса-да, бу ерга шу масала билан келгани учун Олим полвоннинг энгил тортганига ва кўнгли очиқ, самимийлигига яна бир карра иқрор бўларкан:

— Ҳазилниям қотирар экансиз, Олим ака! — дея унинг кайфиятини кўтаришга интилди.

Олим полвон талтайиб кетадиганлардан эмас. Сал мақтовга оғзининг таноби ҳам қочмайди.

— Ҳа, энди... кулмайсиз! Қани, марҳамат! — деди жиддий тортиб.

Хуршида топ-тоза чўғдек гиламга оёқ боссамми, боссамсамми, деб туриб қолди: гилам шунчалик тоза, шунчалик озода эдики, пайпоғимга гард-пард илашмаганмикан, деган хавотирга борди. Шундай озода гиламга пайпоғидан гард илашса, кулги бўлади? Қиз боланинг ивирсиб юриши уят эмасми?!.. У оёғига қаради: пайпоғи топ-тоза эди.

Олим полвон стулни тортди:

— Қани, марҳамат!

Хуршида суюнди. Қанчалик одобли болалар. Ҳақиқий тарбия кўришган. Мулойим, тўғрисўз. Яна озодалигини айтмайсизми? Ўтган сафар келганида, бу гилам йўқ эди. Эътибор бериб, ўзгартиришибди.

Олим полвон қаҳва билан бирга кичкина биллур идишда конфет келтирди:

— Москвадан ўртоғим юборибди. Элчихонада ишлайди.

Хуршида суюнди. «Космос» унинг ёқтирган конфетларидан бири. Буни қаердан билди? Ё тасодифми бу?!

— Ўртоғингиз Сизни жуда ҳурмат қилар экан!

— Ҳа, худога шукр, яхши ўртоғим бор! Маржонани бир кўриб, ошиқ бўлиб қолган эди. Кеча телефонда нима дейди денг! Ўша қиз юрибдими? Йигити борми? деб сўради. Бор, дедим. «Ким?» деб сўраган эди, Азимжон, десам, бўйи-бўйига мос, омадини берсин, деди!

Хуршида қўлидаги қаҳвани дастурхонга қўйди:

— Уф-ф! Дутонам куйиб кетди. Энди нима қиламиз?

— Мен ҳам ҳайронман. Нима қилсак?

— Ҳозир келадиларми? Олдиларига элчи бўлиб келган эдим. Катта бошимизни кичик қилиб...

— Савоб учун... дўстинг учун заҳар ютсанг ҳам оз. Масалани ечишимиз керак! Ўзи нима гап? Билмайсизми?

— Сиз билмайсиз-у, менга йўл бўлсин!.. Азимжон Сиз билан сирлашмайдими?

— Уми?... Уятчан бола-ю! Қизлар ҳақида гапиришга уялади! Маржона ҳақида эса деярли гапирган эмас!

— Нимага у Маржона дугонамни хафа қияпти?

— Сизга айтгандир?

— Йўқ, айтган эмас!

Хуршида қаҳвадан бир ҳўплади:

— Сиз ақлли йигитсиз, Олим ака!

— Хай!.. Айтинг!

— Иккимиз уларни яраштиришимиз керак!

— Қандай қилиб?... У кўнмаса-чи?!

— Қаловини топсанг, қор ёнади, дейдилар. Манимча, иложи бор.

— Дугонангиз уни шунчалик яхши кўриб қолганми?

— Яхши кўриш ҳам гапми, нақ Лайлининг ўзи бўлиб қолган.

— Офатижон эди, энди Лайлига айландими?!

— Бу-уй, ана... ҳазилкаш экансиз, десам ишонмайсиз. Жуда қаттиқ ҳазиллашар экансиз! — деди ўлганнинг кунидан кулган бўлиб.

Вақт имилаб ўтарди. Хуршида қаҳвани ичиб бўлиб, ундан-бундан гапириб, Олим полвонни гапга солиб турди. Ана келиб қолар, мана келиб қолар билан икки-уч соат ҳам ўтиб кетди. Телевизорни қўйишди. Диктор қиз «Қақнус» телесериалини эълон қилганида, Хуршида яна бир мавзу топилганидан суюниб:

— Кўриб боряпсизми? — деб сўради.

Олим полвон жилмайди:

— Жинни қияпти одамни! Зўр!... «Бойлар ҳам йиғайди»-дан кўра, буниси маъқул.

— Азимжон ака-чи? У киши ҳам телесериалга қизиқадиларми?

— Бошида кўрди... кейин айниди! — Олимжон девордаги катта айлана соатга қаради.

Хуршида унинг безовта бўлаётганини сезиб, кетиш керак, балки зарур иши бордир, деб ўйлади. Яна эзмаланиб ўтирса, Олим полвон ёмон ўйга бориши мумкин. Бефаҳм қиз экан, дея хулоса чиқарса, яхши гап бўлмайди. Аммо Маржонага катта ватъда бериб келган эди, қўли қуруқ ҳолда сўппайиб борса, изза бўлиши тайин. Катта кетмаслик керак эди. Гапнинг ҳам тош-тарозуси бор. «Етти ўлчаб, бир кес» деб беҳудага айтишмайди.

Олим полвон деразадан ташқари қаради. Қоронғи туша бошлаган эди.

Хуршида тараддулланди. Энди турмаса бўлмайди.

— Гап бундай, Олим ака! — деди у қўлларини ишқаб. — Азимжон келсалар, нима гаплигини сўраб билинг!.. Сатти Тўра уни қўрқитган бўлиши ҳам мумкин. Унинг хурмача қилиқлари кўп... Нима дейсиз? Ёрдам берасизми?

Олим полвоннинг мардлиги тутди:

— Қиз бошингиз билан Сизки шу ишга бел боғлабсиз, биз ҳам четда турмай, белимизга қамиш боғлаб, шу ишга киришамиз!

— Келишдик!

Олим полвон Хуршидани зинагача кузатиб қўйди. Хуршиданинг оёқлари орқага торгмоқда эди. Маржонага нима дейди? Нима деб ўзини оқлайди? Уҳ, яхши иш бўлмади-да!

Пастдан Азимжоннинг овози эшитилди:

— Бугун вақтим йўқ. Эртага ёзиб берарман!

Олим Хуршиданинг қўлидан ушлади. Билаги юмшоққина экан.

— Энди орқага қайтасиз. Девонаи машраб келяпти. Кайфияти ҳам жойида эмас.

Хуршида ичида жон деб турган бўлса-да:

— Қандай бўларкин?! — деди ийманиб.

— Сиз ёнимда турсангиз, — Олим полвон бош бармоғини кўрсатди, — зўр бўлади. Ичидаги гапини суғуриб оламиз. Хуллас, бу ишга нуқта қўймасак бўлмайди. Бўлса бўлди, бўлмаса, орани очиқ қиламиз, ортиқ бунга чидаш мумкин эмас!

Хуршиданинг эти увишди. Азимжон «кераги йўқ» дея тўнини тескари кийса, Маржона дугонасига қийин бўлади. Бу кетишда ўзини бир нарса қилиб қўйиши аниқ.

VI

Сатти Тўра таклиф этмаса-да, стулга таппа ўтирди. Сокина ичкари кирган эди, унга хўмрайиб қаради-да:

— Чиқиб турунглар, бунга гапим бор! — деди бурнини кўтариб. Ундан қўланса сигарет ҳиди анқиб турар, алақачон хонанинг ҳавоси бузилган эди.

Сокина лабини буриб, Ҳанифага «юр» дегандек ишора қилди.

Қизлар чиқиб кетгач, ўрнидан турган Маржона:

— Сизни шунчалик номард йигит деб ўйламаган эдим! — деди аччиқ оҳангда.

Унинг зардали гапи Сатти Тўрага нашъа қилди. Бу ерга ундан яхши гап эшитаман, деб келган эмас. Унинг бундан баттароқ жазавага тушишини ҳам билади. Билгани учун ҳам кўксини қалқон қилиб, ҳар қандай таҳқирларни тинглашга ўзини тайёрлаган.

— Айб менда эмас! — хириллади у. — Айб ана у хира пашшада. Нега у атрофингизда айланиб қолди?

— Бунинг сизга дахли йўқ!

— Нега дахли бўлмас экан?! Эрта-индин менга хотин бўласиз, индамай туришим керакми? Кечирасиз, мен унақа ҳезалаклардан эмасман!

— Сиз мени нега шунчалик расво қилдингиз?

Сатти Тўра гапни бошқа ёққа айлантирди:

— Нима қилман?.. Осмон узилиб ерга тушибдими?! Уни урмадим, сўкмадим ёки «шестёркаларим»га айтиб, тумшуғини эзиб қўймадим. Бирор ёмонлик қилганим йўқ. Културний тушунтириб қўйдим, холос!

Маржона унинг «сотка» воқеасини яшираётганини кўриб:

— Кетинг! Бу гапларингизни эшитишга тоқатим йўқ! — деди тескари ўтирилиб.

Сатти Тўра овозини баянлатди:

— Ўзингизни босиб олинг! Менга эрта-индин хотин бўлаётган экансиз, Сизни унақа жипириқлардан ҳимоя қилиш бурчим. Тушунарлими?!

— Жуда қўпол экансиз!

— Ҳақиқий эр шунақа бўлади! Хотинининг кетидан биров осилиб юрса, томошабин бўлмасдан, йўлини қилиб, уни йўлдан олади. Калласи кетиши керак эди бу иши учун. Ким билан ўйнаётганини биладими?! Йигитларим уни бир лаҳзада йўқотиб юборишлари мумкин. Аммо ман худодан қўрқаман. Манда виждон бор. Ов, болалар, бурнини қонатманглар уни. Унда айб йўқ дедим. Фунажин кўзини сузмаса, буқача ипини узмайди. Ўзлари кўзини сузганларки, бечора йигит оёқлари остига таппа ўзини ташлаган. Лекин у ҳам онасини эмган аҳмоқ экан. Бу бировнинг хасми, эрта-индин фалончига хотин бўляпти, деб ўйламадими?!

— Эшитишни хоҳламайман! Кетинг!

— Ахборотингиз учун келгуси пайшанбада уйингизга совчи боради. Розилик олинган. Отажонингиз «майли, пайшанбада совчилар келишсин» дебди. Энди ўзингизни йиғиштириб олинг. Қол-

ган гапларни чимилдиқ остида гаплашамиз. Яхши бўлсангиз, ошингизни ейсиз, ёмон бўлсангиз, бошингизни!

— Мени шунчалик хор қилиш учун келдингизми?

— Бу хор қилиш эмас. Яхшиликча келдим. Кўзингизни очинг, деяпман. Ширин гапирсам, тушунини ҳам хоҳламайсиз. Кўзингизни шира босибди, артиб ташланг! — У ўрнидан турди. — Тушунарлидир гапларим. Яна бир кўрсам, ўша билан... ўзим билман. Мен индамасам ҳам «шестёркалар» унинг суробини тўғри-лаб қўйишади. Уларнинг ҳаммаси ўтириб келган болалар!

Эшик қарс очилиб ёпилди. Маржона турган жойида музлади. Азимжон билан учрашиш ҳам мумкин эмас энди. Э худо, икки оёғини бир этикка тикқани етмасмиди? Бу яна нима азоб?!

VII

— Менда айб йўқ! Менда ҳеч айб йўқ! — Азимжоннинг қўллари титради. — Айб ўзида!

Олим полвон унга яқин сурилди:

— Айб кимда, жўра! Дардингни айт. Қара... қиз боши минан... Хуршида, сани ўйлаб ёнимизга келибди. Бунга нима? Келмаслиги ҳам мумкин эди, лекин сани, дугонасини ўйлаб, қуйиниб ўтирибди. Тўғриси, афтингга қараб, маниям настроениям жойида эмас. Курашга бориб, гиламга чиққим келмай қоляпти. Азбаройи сани ўйлаганимдан. Ман сани жўранг эмас, ака жўрангман. Сани деб азоб чекаяпман! Айт, жўра, бунақа қилма!

Азимжон гавдасини кўтарди.

— Қандай айтаман, Олим дўстим?! Қандай айтаман?!

Хуршида гапга қўшилди:

— Дутонам шунчалик ёмон иш қилмагандир?!

Олим унинг елкасидан ушлади:

— Менга қара, жўра! Нима гап ўзи? Айт, бировга гуллаб қўймаймиз. Сўзимиз сўз. Нима дедингиз, Хуршида!

— Худони ўртага қўйиб, қасам ичаман!

Азимжон уларга беҳол тикилди:

— Тўғрисини айтайми?.. Тўғриси! — У бошини қуйи эгди. — Тўғриси, улар.. ух... улар аллақачон аҳду паймон қилиб бўлишган экан!

Хуршиданинг лаблари титради:

— Ёлғон! Ёлғон бу гап!.. Сатти Тўра шунақа деган бўлса, бекорларни айтибди. Мақтанишдан бошқа нарсани билмайди.

Олим полвон яйраб кулди:

— Оббо, содда жўрам-ей, бир овиз сўзга ишониб ўтириб-санми?!

— Фақат шу гап бўлса, майли эди..

Олим полвоннинг нигоҳи қорайди:

— Яна нима?

— Янами? — Азимжон уҳ тортди. — Яна... у менга ... расм кўрсатди.

— Қанақа расмлар экан?

— Айтишга тилим бормаиди.

— Йўқ, айтасан, тамом вассалом! Айт, қанақа расмлар экан?

— Иккаласи бирга бўлишган!

— Доказать қилди, дегин!

Хуршида ўтирган жойида типирчилади:

— Бўлиши мумкин эмас, Азимжон ака! Бунчалик содда бўлманг! Дутонам покиза қиз. Ҳали уни онаси ҳам ўпмаган. Узр, кўпол гапирганим учун. Дутонамни ман яхши биламан.

Олим полвоннинг шашти сўнди ва беҳол ўрнидан тураркан:

— Бунга разбор қилиш керак. Гап билан иш битмайди! — деди Хуршидага қараб «илож қанча?!» дегандек.

Хуршида оловдек ёнди:

— Рас пичоқ суякка тақалган экан, разбор қиламиз. Сиз, Олимжон ака, бизга ёрдам берасизми?

— Жоним билан ёрдам бераман!

— Сиз, Азимжон ака! — У йигитнинг сўлгин кўзларига тум-шайиб тикилди. — Сиз, Азимжон ака, дутонамни ҳақиқатдан севасизми? Ростини... фақат ростини айтинг!

Азимжоннинг юзига қон тепди:

— Худо гувоҳ, қалбим зор-зор йиғлаяпти!

— Дутонамнинг ҳам қалби зор-зор йиғлаяпти!.. Аҳвол шу даражада экан, нега порахўр Сафтоев, жинни жияни Сатти Тўралар ҳақиқий муҳаббатни тоғташлари керак?! Нега биз соф виждонимизни қийнаб, уларнинг хурмача қилиқларига чидашимиз керак?! Айтинглар, шу ҳам инсофданми?!

— Йўқ, инсофдан эмас! — Олим полвоннинг залворли қўллари муштга тўлди. — Агар дутонангиз Сиз айтгандай пок бўлса, ўша ярамаслар билан курашганим бўлсин!

Хуршида Азимжон томон ўтирилди:

— Дутонамга нима дей? Унга хушxabар олиб бормасам, бугун-эрта ўзини бир нарса қилиб қўяди. Рост айтаяпман! Йигит-

лар, ҳазиллашманглар у билан! У жуда покиза қиз, унча-мунча гапни кўтаролмайди.

Олим полвон Азимжонга қаради:

— Бир нарса де, жўра!

— Нима дейман!.. Юрак-бағрим эзилиб кетди-ку! Энди топдим деганда...

— Қўй, жўра, чайналма! Дангалини айт, покизалигини ишотласа бўлдими?!

Хуршида эшик томон юрди:

— У чин юракдан севади Сизни, Азимжон ака! Мен билан-ку уни! Уч йилдан бери кутарди Сизни. Ҳар кўрганида «ана, мани любимчигим келяпти» деб оғзини тўлдириб гапирарди. Сиз бўлсангиз... эҳ, Сиз унга эътибор ҳам бермасдингиз!

— Эътибор берганман! Фақат йигити бор деб ўйлардим.

Олим полвон кулиб юборди:

— Э қойил, охири ёрилдинг, жўра! Ана, ўзи ҳам уч йилдан буён жинни бўлиб юрган экан-ку! Дарҳол Маржонага бу гапни етказинг! Дарҳол! Қолганини биз иккимиз маслаҳатлашиб оламиз!

Хуршиданинг юзи қора булутлар орасидан чиққан офтобдай чарақлади:

— Бўлмаса, ман кетдим. Бориб дугонамдан суюнчи олай!

VIII

Хуршиданинг заъфарон юзи, худди рассом бўягандек, секин-аста қизғиш тортиб, жилоланиб ялтиради. Зиналардан қушдек енгил чаққон кўтарилар экан, олиб бораётган хушхабаридан Маржонанинг суюнишини ўйлаб, тилло топган кишидек, севинчи ичига сиғмади. Бировга яхшилик қилса, бировнинг кўнглини олса, кимнингдир дардига яраса, худди ўзи ором топгандек, бир неча кунгача суюниб юради. Бу одатидан кўпинча ўзи ҳам ҳайрон. «Ман ғалати қизман-а, бировларни суюнтирсам, дунё топгандек, теримга сиғмайман», дея ўйлаб, ҳузур қилади. Инсон инсоннинг бирор кунига ярамаса, тирикликнинг қандай қизиғи бор. Шундай арзанда дугонаси қайғуга ботиб ўтирганда, унга ош татирмиди?! Тўғриси, у ғамга ботгандан буён на ётишида ҳаловат бор, на ёйишида. Ўтирса ҳам, турса ҳам уни ўйлайди. Худди бир қориндан талашиб тушган эгизакдек, қайғурса, ғамга ботади, қувонса, хотиржам юради. Қиз бечора муҳаббат дардига

мубғало бўлгач, хоналаридан файз ҳам, шодлик ҳам кетди. Ҳар куни, ҳар кеч, ҳар саҳар, худди мотам тутгандек, барчасининг кўнглига чироқ ёқса, ёришмайди. Бошқа дугоналари ҳам: «Сенларга нима бўлган, қовоғларингдан нуқул қор ёғади?! Тинчликми?» дея ҳайрон. Ҳатто «ҳаммаларинг бараварига муҳаббат дардига мубғало бўлдингларми?» деб пичинг қилувчилар ҳам бор. Бехудага бунақа дейишмайди. Уч йилдирки, битта майиз топсалар, ўртада бўлишиб ейишади. Ғам ҳам, қувонч ҳам ўртада. Бунақа дугоналар дунёда бошқа йўқ.

Ётоқхоналарига кириб, зинадан кўтарилиб, эшик ёнига етгач, суратлар ҳақидаги гап эсига тушиб, танасидаги қувончлар шир тўкилди. Бу гап рост бўлса-чи? Сатти Тўра уни... ҳақиқатан алдаб, мақсадга етган бўлса, эртага ўзи шарманда бўлиб қолмайдими?! Айбдорнинг бир бети, ўртада турганининг икки бети қора. Эҳтиёт бўлгани маъқул эмасмикан?! Ёки бу тўғрида Маржонанинг ўзи билан очиқча гаплашиб олгани яхшими?!

Сигарет ҳиди унинг кўнглини оздирди. Вуй, ким экан ётоқ ичида чекаётган бетамиз? Қўли билан бурнини ёпиб, йўлак томон бурилган эди, Сатти Тўрага дуч келди. Бу «шайдойи чатоқ» қаёқдан келяпти?

Кўз-қўзга тушди.

Сатти Тўра унга олайиб қаради:

— Яхшимисиз?.. Ана у, хомкалла дугонангизга тушунтириб қўйинг, калласи ҳавода қолганми?!.. Оёғини билиб боссин!

Хуршида унга шартакилик билан жавоб қайтаришдан чўчиб, ўзини четга олди. Унинг сўнгги модадаги учи ўткир чех туфли-сига, эгнидаги ҳаворанг япон костюм-шимига, бўйнидаги олтин занжирига, қўлидаги бесўнақай олтин узукка қараб, «шайдойи чатоқ, чипи!» дея ичида ундан ғижинди. Бўйнидаги олтин занжир унга ярашмай турарди. Йигит кишининг олтин занжир тақиши ғалати. «Чипи!» дейиши шундан. Уни «шайдойи чатоқ» деб атагани ҳам ўзига ёқди. «Шайдойи чатоқ» такрорлади ичида ва мазза қилиб кулди. Роҳатланиб кулар экан, «бировнинг устидан кулиш — гуноҳи азим» дея ўзига дакки беришни ҳам унутмади.

Сатти Тўра айиққа ўхшаб лапанглаб пастга тушар экан:

— Бунча ҳўмраясиз одамга! Бундай очилиб юрсангиз-чи?! — деди танбеҳ бергандек.

Хуршиданинг тили қичиди:

— Очилиб юргани қўймаяпсиз-у!

Гапни айтишга айтди-ю, шу заҳоти «тилингни тийиб юр, деб, минг марта айтаман», дея ўзини жеркиди.

Сатти Тўра тиржайиб, ҳиҳилаб кулди:

— Ҳаммаларинг қизиқсизлар!.. Худди осмондан тушганга ўхшайсизлар!.. Хўп, ана, илтимос, маниям тўғри тушунинглар! Бўлажак поччаларингман-ку!

Хуршида ўз ўрнида уни чақиб олди:

— Жўжани кузда санаймиз!

Сатти Тўра «э, бор-э!» дегандек, лапанглаганча пастга тушиб кетди.

Хуршида «бопладим» дея суюнганча Маржонанинг олдида чолиб келди. Дугонаси ўз каравотида ўтирганча девор томонга ўтирилиб олган, Ҳанифа билан Сокина эса стулда тумшайиб ўтиришарди.

Хуршида ҳозир расм ҳақида гап очишнинг мавриди эмас, деган қарорга келди-да, баҳорги гулдай очилиб:

— Бу нима ўтириш, хонимлар?! Давай, туринглар! Янгилик олиб келдим! — деди ва бора солиб Маржонани кучоқлади. — Суюнчини чўзинг, дугона! Ишлар беш! Барно йигит, йигитларнинг султонни, бўлажак поччамиз Азимжон ака суперошиқ эканлар-у, биз бўлсак, аза тутиб ўтирибмиз!.. — Маржонанинг юмшоқдина, мимиқдина иягидан ушлаб ўзига қаратди: дугонасининг кўзлари қизарган, киприкларидаги қайноқ томчилар яра маддасидай, хунук лукиллаб турарди. — Ўша сўтак хафа қилиб кетдимми?

Маржона юзини бурди, Хуршида яна уни ўзига қаратди:

— Дугона, Азимжон Сизни ўлгудай севар экан: уч йилдан буён куйиб юрар экан, фақат йигити бўлса керак, деган шубҳада юрган экан! Бу — бир! Иккинчидан, ана у олифтани бопладим. Нима дедим, денглар? — У қизларга қаради. — Менга қараб: «Бўлажак поччангман, хўмрайманг!» деган эди, «Жўжани кузда санаймиз!» дедим. Ҳе-ҳе, боплабманми?

Сокина билан Ҳанифа мийиғларида кулишди.

Хуршида вазият таранглигини, Сатти Тўранинг бир нима деб уларни қаттиқроқ хафа қилганини сезд:

— Нима деди у «шайдойи чаток»?

Ҳанифа пиқ кулди. Сокина уни ўйиб олди:

— Ўл! Жим ўтир!

Хуршида ўридан туриб, қўлларини белига тиради:

— Мени поччанинг олдига элчи қип жўнатган эдинглар, ишни беш қип келдим. Хўш, яна нима гап?

Ҳанифа:

— У киши... ўша, сиз айтаётган «шайдойи чатоқ» жаноблари келгуси пайшанбада совчи жўнатар эканлар. Ана шунинг азаси!

Хуршида ҳовуридан тушмади:

— Шунга шунчами! Унгача худо пошшо! Аввал бу ёғини ҳал этайлик. Хўш, дугона?... Маржона, жонгинам... азизам... Азимжонга нима деймиз?

Маржонанинг бўлиқ лаблари титради. Унга қараш азоб эди. Бу лаблар ҳеч қачон бунчалик зориллаб титрамаган эди. Хуршида ҳеч қачон бу лабларнинг бунчалик ожиз титраганини кўрмаган эди. Уни шубҳа ўради: суратлар ҳақидаги гаплар рост бўлсачи?!

— Дугона, агар севсангиз, ҳозир пайшанбани эмас, Азимжонни ўйлаш керак! — деди кўнглидаги шубҳани силтаб ташлаб.

Маржонанинг лаблари яна ўшандай ожиз титради:

— Нима қил, дейсиз?

— Унга бор гапни тушунтириш керак. Қолганини кейин ўйлаб кўрамиз. Нима дединглар, қизлар! Пок муҳаббат учун курашиш керакми йўқми!.. Ёки бу иккиси дунёдан ўртаниб ўтиши керакми? Ахир... ахир, дунёда бир марта яшаймиз. Агар ҳозир Маржона, сизга ёрдам бермасак, бир умр бизни қарғаб ўтасиз!

Ҳанифа билан Сокина уни қўлади:

— Тўғри айтаяпсиз! Олма пиш, деб қараб турмаслигимиз керак. «Сендан ҳаракат, мендан баракат!» дейди худо. Келинлар, биргаликда ҳаракат қиламиз!

Сокина:

— Азимжон ака, конкретни нима деди? — деб сўради.

Хуршида чидаб туролмади, бирдан ёрилди:

— Яширмайман, ростини айтаман: Сатти сўтак Азимжонга бир расм кўрсатиб, «Мана, исботи!» дебди.

Сокина ерга қараб шивирлади:

— Менга ҳам кўрсатди, ўша мараз!.. Лекин Қудрат акамнинг мани ҳам монтаж қилганини айтдим. Ҳозир бунақа ишлар ерунда!

Хуршида беғараз кулди:

— Зўр гапирасан-да, дугона! «Монтаж қилди» дейсанми? Қанақа қилиб?

Сокина унинг юмшоқ елкасига беозор муштлади:

— Ҳе, ўлманг, лаққи!

— Одамни бошқа одам билан монтаж қилиш мумкин! Шунини тушунтирдим Маржонага!

Хуршида дугонамининг ўзи нима дейди, нега у миқ этмаяпти, деган ўйда Маржонанинг заъфарон юзига тикилди. Маржона бошини юқори кўтарди:

— Менга ишонасизларми, қизлар?

Ҳамма бир-бирига қаради.

Маржона гапини яна такрорлади.

Хуршида унга тик қаради:

— Нега Сизга ишонмаслигимиз керак, дугонажон! Биз нима деб юрибмиз?! Ишонганлигимиз учун юрибмиз-да! Дўст-дўстга, дугона-дугонага ишонмаса, бу дунёда яшашнинг нима қизиғи бор?!

— Ишонсанглр! — деди Маржона ўрнидан туриб. — Менга тоға-жиян туҳмат қилган. Туҳматчиларга қанақа жазо берилади?

— Энг оғир жазо!

— Ишонсанглр, ёнимда бўлинглар. Энди мен ор-номусим учун курашаман. Олдимда икки йўл бор: ё бу гапларнинг туҳмат эканлигини исбот қилиб, мақсадимга эришаман ё шу йўлда қурбон бўламан!

— Вой дугонажон, унақа деманг! — дея бўзрайди Хуршида.

Сокина уни қучди:

— Сиз покизасиз, фариштагинам! Сиз учун керак бўлса, ўзим жонимни бераман!

Ҳанифа ҳам бир нима дейиши керак эди:

— Дунёда подшонинг этагига ёпишган олчоқ, чин муҳаббатга туҳмат тоши отган номард ҳалок бўлади. Ўтмишда бунга мисоллар кўп. Сагги Тўра билан Сафтоев шунақа тоифадан экан, узоққа боришмайди.

Сокина унинг гапини илиб кетди:

— Ким бировга чуқур қазиса, унга ўзи тушади.

Хуршида ўрнида бир сакради:

— Во-о, дугона! Ҳаммаси ойдин! Энди Азимжон билан бир гаплашишингиз керак. У содда бечора ҳам бир оғиз ширин сўзга муҳтож. Икки кунда чўпдай озиб кетибди.

Маржона бўйинини чўзиб, «шундайми-а?» деган алфозда қараркан, кўнгли ўртаниб, унга раҳми келди. «У кишим шунчалик озор чекаптиларми? Шунчалик озиб кетибдиларми?»

Хуршида унинг қўлтиғидан кирди:

— Сизга нима бўлди, Офатим? Нечун бунча сўлгинсиз? Турмайсизми энди! Бас, қайғу либосларини ечиб, Офатижон аслаҳаларини кийинг, жангга киришамиз!

Сокина қиқирлаб кулди:

— Хайрият-э! Бу кулда ниҳоят булутлар тарқаб, қуёш чиқадиғанга ўхшайди.

Хуршида уни туртди:

— Чиқиб бўлди! Ухлаб қолибсиз!

Ханифа ўрнидан турди:

— Ишни нимадан бошлаймиз?

Маржона ҳам ўрнидан туриб, ўзини ойнага солди: унда сочлари тўзғиган соҳибжамол қад ростлаган эди:

— Бориб Азимжон акамга айтинглар, эртага кечкурун ўзимизнинг томнинг тепасига келсинлар!

Сокина тушунмади:

— Томнинг тепасида пишириб қўйибдимиз?! Пастда ҳам гаплашса бўлади!

Хуршида уни ўйиб олди:

— Офатижон деганлари баланд тахтда гаплашади. Том — тахт. Тулгунарлими?

Сокина уни шапатилади:

— Ўзингиз ҳам аллакимни севиб қолмадингизми? Бугун татом бошқачасиз?

— «Одам одамни кўриб ранг олади». Бўлса бордир! Ҳе-ҳе!

— Хуршида Олим полвонни ўйлади. Роса мулойим, аммо ҳазилкаш, кўнгли очик йигит экан. Қармоқ ташлаб кўрса, нима қилти? Балки унинг ўзи яхши кўрар!

Маржона уйқудан барвақт турди. Ювинди, таранди ва оппоқ кийиниб, митги, бежирим қулоқларига олтин балдоқларини тақди, оппоқ қўлчаларини олтин узуклари билан зийнатлади, узунчоқ, оппоқ бўйнига қалин олтин занжирини тақди ва адл юриб, кўчага чиқди. Гўёки бир уммон кетиб борарди. Бутун талабалар, йигит-қизлар уни биринчи марта кўраётгандек, ҳайрат билан тикилиб қарашар, қуёш нурларида чарақлаётган ёруғ ва мафтункор чеҳрасига суқланиб-суқланиб боқишарди. Беқиёс, мафтункор чеҳранинг лажувард нурларига дош беролмаган йигитлардан бири: «Воҳ-ҳей!» деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Маржона ширин жилмайганча, адл қоматини тик тутиб, тўп-тўп талабалар орасидан ўтиб борар, ҳамма, барча йигит-қизлар, гўёки дунё

фариштаси келаётгандек, унга хайрихоҳлик билан йўл бўшатишар, ортидан чопқилаб бораётган Сокина, Ҳанифа ва Хуршидаларга қараб: «Тан соқчилари ҳам бало!» дея чуғурлашиб, ҳавас билан қараб қолишар эди. «Иноқлик яхши-да!» деди кимдир. «Ўзбекнинг гўзалини бировларга ишониб бўладими?!» деди йигитлардан яна бири. Эшик олди тирбанд эди. Ҳамма дарсга шошиляпти. Кимдир: «Пўшт!» деди. Шу заҳоти йигит-қизлар иккига бўлиниб йўл очишди. Маржона оқ шоҳи кўйлагининг этакларини шилдиратганча дадил қадамлар билан ичкари ўтиб кетди. Ортидан хушбўй ҳид қолди. Қайси бир йигит: «Вой-бўй, мазза-ю!» дея завқ билан кулди. «Хотининг шунақа бўлса-да!» деган гапидан кейин қийқириқ янграб, ҳамма ўзини эшикка урди.

Биринчи соатда дарсга кирган тилшунос домла Маржонани кўриб, унинг ёнига келди, ҳол-аҳвол сўрашгунча нақ йиғирма дақиқа кетди. Иккинчи дарсга Сафтоев кирди. У ҳам қиз билан ярим соат гаплашди. Учинчи дарсга кирган Зухра кампир, етмишга бориб қолган онахон ўтирган жойида у билан қирқ беш дақиқа гап сотди... Айтиш керакки, мен муаллиф сифатида ошириб ёзаётганим йўқ, бор гап шу. Одам бир гапга берилса, икки-уч соат ҳеч нарса эмас, ваҳоланки, қирқ беш дақиқа нима деган гап, бир зумда ўтади-кетади. Яна шуни қўшимча қилишим мумкинки, бировларнинг гапига қулоқ солиш гуноҳ ҳисобланса-да, уларга яқин бўлганим учун суҳбатлари қулоғимга ўрнашиб қолди. Қизиғи шундаки, бизга ҳам, шахсан ўзимга ҳам ҳозир дарснинг ҳеч бир қизиғи йўқ эди, биз учун энг қизиқ нарса Маржонанинг тақдири эди. Сафтоев жияни Сатти Тўра билан голиб чиқадами ёки Азимжонми? Шундай гўзал қизнинг тақдири охири нима билан тугайди? Икки-уч кун дарсда кўринмаганига ёмон касалликка чалинибди, оғир экан, деган миш-мишлар тарқалиб, афсус чекдик. Элимизнинг шундай фаришта қизи бор экан, ҳеч биримиз унга заррача озор етишини истамас, бунинг нега ва нима учунлигини эса ҳеч биримиз ўйлаб ҳам кўрмас эдик. Иккинчи томони, қадрдон ўқувчим, кўрдингиз ва билдингизки, қизимиз катта майдонга курашга чиқди: энди ким голиб бўлади? Сатти Тўра билан тоғасими? Ёки Маржона ва унинг дугоналарими? Худди Сиз каби биз учун ҳам бу жуда муҳим!

Хўп, мен чўзиб юбордим. Лирик чекинишнинг кўпи ҳам одамнинг гапига тегади. Шахсан, ўзимнинг ҳам.

Дарс тугагач, Маржона дугоналарини шаҳар айланишга олиб борди. Ҳазрат Навоий боғи олдида улкан фавворали оролчада қайиққа ўтириб, музқаймоқ едилар. Сўнг «Зарафшон» ресторани ёнидаги «Ўзгаллик салони»га кириб, сочларини қайтадан турмаклашди. Одам ҳар томонлама ўзгал бўлиши керак. Дугоналари ушинг раъйига қараб, нима деса, ҳўп деб кетаверишди. Соат учларда Мафтунанинг концертига тушдилар. О-о, янги қўшиқлар, янги оҳанглар! Мазза бўлди!.. Аммо бир кам дунё! Одам дегани ҳеч қачон бир нарсадан тўла рози бўлмайди. Ҳаммаси рисоладагидек бўлаётган эди-ю, бир қўшиқда арзанда ҳофизанинг киндигини очиб чиққани Маржонанинг энсасини қотирди. «Қизларни қаёққа бошлаяпти бу аёл?!» деди баралла. Орқада ўтирган икки кампир унинг гапини эшитиб: «Афти курсин беҳаёнинг!» дейишди юзларини яшириб. Ёнларидаги сочини сариққа бўяган олифта қиз: «Ну-да! Бу мода! Қопга ўраниб чиқсинми?!» — дея бурнини жийирган эди, Маржона уни узиб олди: «Ўзини ҳурмат қилмас экан, томошабинларни ўйласин ҳеч бўлмаса! Мода деб, эртага яланғоч ҳам чиқиши мумкин экан-да, ойимқиз!» Ён томонлардан: «Концерт кўрсанглар-чи!» деган овозлар янграб, баҳслар тугаб, жимлик чўқди. Кейинги қўшиқда хонанда тор юпқа кийимда чиқди, ич кийимлари яққол кўриниб турар, ўйинга чиққан ўзбек раққосаларининг ҳам беллари очиқ, беҳаё қилпинглашлари ғашга тегар эди. Маржона ўрнидан турди: «Мен бунақа концертни кўрмайман», деди-да, қоронғи йўлакка ўзини урди. Ортдан дугоналари ҳам эргашди. Деворга суяниб турган қиз йигитига ишора қилиб: «Ана жой бўшади!» дея ҳиринглади. Пастда турган хизматкор аёл югуриб уларнинг қаршисига чиқар экан: «Нима бўлди, қизлар? Ҳали умримда бу хонанданинг концертини биров ташлаб кетган эмасди, одамларни безовта этгандан кўра, ўтирсаларинг бўларди!» деди жовдираб. Маржона эшик томон шаҳдам кетаркан: «Бундан кейин уни ташлаб кетадиганлар кўпаяди, опажон, мени айтди дерсиз!» деди. Хизматкор аёл: «Бунча офат бўлмасанг!» дея жавраб қолди.

Маржона дугоналарини Бешёғочга бошлаб кетди. «Пиёда юрамиз, сал ҳаво олайлик!» деди. Ўнг томонда икки қаватли «Наврўз» ресторани, йўлларнинг четлари ям-яшил майсазор, Миллий боғнинг ёнидан пастга қараб кетган текис асфальт йўл Алишер Навоий ҳайкали пойига олиб боради. Атрофлари бетонлаштирилган катта канал, улкан чархпалак кўзга ташланади; те-

паликда афсонавий гумбазли улуғвор айвон, шоирнинг маҳобатли ҳайкали; қизғиш мармар зинапоялар, барқ урган турфа хил сафсар гуллар одамнинг баҳри-дилини очади. Маржона қизларни ўша томонга бошламоқчи эди, Сокина «Муқимийга тушайлик» деб қолди. Қадимий бинолардек кўкка бўй чўзган театр биноси пештоқида унинг 1941 йилда, уруш даврида қурилгани катта ҳарфларда битиб қўйилган. Ўзбекнинг тафаккурини кўринг. Уруш бошланди деб, нафаси ичига тушиб кетмабди, уста боболар хотиржам ишни битирибдилар. Неча ўн йиллардан буён пойтахтликлар ва меҳмонларга шу нурвиқор бино хизмат қилиб келмоқда. Маржона театрнинг кошинкор пештоқида боқаркан, боболар уруш даҳшатини енгганда, биз Сафтоев билан Сатти Тўраларга бас кела олмаймизми, деб ўйлади.

Қизлар афишани ўқидилар:

— «Она алласи!» Соат етти-ю нол-нолда бошланади.

Маржона дугоналарига қаради. «Қилғиликни қилиб, концертдан маҳрум эдим, энди уларнинг кўнгилларига қулоқ солиш керак».

— Кирамиз-а? — деб сўради ёқимли жилмайиб.

Хуршида лабини бурди:

— Кўрганман. Унчалик яхши эмас!

Маржона Сокина билан Ҳанифага кўз тикди. «Балки, улар киришни хоҳлашар!»

Сокина ўзини ортга ташлади:

— Хуршидага ёқмаган экан, мен ҳам кирмайман.

— Мен ҳам! — деди Ҳанифа.

Маржона нима қилиб бўлса ҳам уларнинг кўнглини хурсанд этишга чоғланди:

— Юринглар, ҳов ана, сув ичидаги кемада овқатланамиз! Ҳаммаси мани ҳисобимдан!

Қизлар чапак чалишди:

— Бу бошқа гап!

— Мен у ерда сира бўлмаганман! — деди Сокина қадамини тезлатиб.

Икки дугонаси ҳам қикирлади:

— Биз ҳам!

— Биз ҳам!

Хуршида гапни ҳазилга бурди:

— Қурумсоқ йигитлардан кўра, Офатижонимиз яхши!

Сокина Маржонага қараб ёқимли кулди:

— Бирам ширинсанки, дутонажон, олма бўлганингда, карсиллатиб еб қўйган бўлардим.

Хуршида — гап келса, отасини аямайдиган қиз.

— Ҳали боши қоройғи бўлсангиз, ундан кўра нордонроқ карсиллаганларини кўпроқ тусайсиз!

Қизлар қиқирлашиб кулишди.

Қўл бўйи. Кема ёнида, тахта ўриндикда ўтирган аёл қўлини Маржона томон чўзди:

— Ҳай, она қизим! Фариштага ўхшайсан! — Икки қизча келиб, аёлга ёпишиб, қулоқларига бир нималар деб шивирлади. — Ҳозир она қизим, мана бу опанг ҳиммат қилсалар, олиб бераман.

— Нима дейишяпти? — сўради Маржона.

— Кабоб егилари келиб қолибди! Инсон ўз фарзанди олдида ночор қолмасин, қизим! Анча бойвуччага ўхшайсиз! Бир-икки сўм ташлаб кетинг!

Маржона сумкачасидан пул олиб, бир даста мингталикини қизларнинг қўлига тутқазди:

— Боринглар, тўйгунларингча олиб енглар!

— Минг сўм берсангиз ҳам бўларди, она қизим! Ўзингизга қолдимми?

Маржона унинг гапига эътибор бермади.

— Болаларингиз кўпми, опа?

— Етти қизим, бир ўғлим бор!

— Каттаси неча ёшда! — Маржона унинг ёнига чўқди. — Қизлар, сизлар бораверинглар. Мен етиб оламан.

Сокина билан Ҳанифа кема томон кетишди. Хуршида йўлакча четидаги катта дарахтга суянганча уларни кузата бошлади.

Аёл қизил соябон остидаги кабобпаз атрофида айланаётган қизчалари томон кўз ташлади:

— Каттаси ўн саккизга тўлди. Бу йил узатишим керак эди. Отаси тўсатдан оламдан ўтиб қолдилар. Қўлимни совуқ сувга урдиргани қўймасдилар. Қариндош-уруғлар йўқ бу ерда. Фарғонадан кўчиб келган эдик. Бошим қотиб қолди. Болаларга нафақа пул оламан. Шукр! Аммо рўзғор — гор, дейдилар. Отаси бор экан-у, билинмас экан. Ҳеч бир аёл эркагидан айрилмасин, қизим! Эринг бўлса, қўнглинг тўқ, тинч яшар экансан. Эрсиз бошим — тузсиз ошим экан. Энди тушундим. Худораҳматини хафа қилган кезларимни эсласам, ўзимни уришиб, зор-зор йиғ-

лайман. Энди билинаяпти, жон болам! — Аёл кўзига ёш олди. — Қизимни қандай узатаман? Кечалари ўйласам, ваҳима босади.

Маржонанинг кўнгли бузилди. Азимжоннинг ғамгин юзи кўз олдига келиб, «йўқ, мен у кишини ҳеч қачон хафа қилмайман», деб ютинди. Йўқ, сира хафа қилмайди. Шу оғир ташвишлардан қутилса, уни кафтида кўтариб яшайди. Оҳ, унинг ҳидлари! .. Димоғига ўша таниш ҳид, палак ҳиди урилиб, юраги унга сув бўлди. Ёнида бўлсайди ҳозир, бағрига сингиб, ҳидларига тўяр эди.

— У кишини яхши кўрармидингиз? — беихтиёр сўради Маржона ва «нега бу саволни бердим» дея афсус қилди. Тили айланди, қандай савол берганини билмай қолди. Барибир, бундай савол бермаслиги керак эди. Азадорнинг ярасига туз сепиш яхши эмас. Севмаса, унга турмушга чиқармиди?!

— Болалар уйда бирга катта бўлган эдик. Раҳматлик жуда яхши киши эди.

— Ишга жойлашсангиз бўлмайдими, опа?

— Кўп кишиларга учрадим, ҳаммаси ваъда беради-ю, жимиб кетишади. Ишга кириш ҳам, савил, шунча оғир экан. Нима қиламан, она қизим, ҳайронман?! Тиланчилик қилаётганимни ўғлим билан қизим билишмайди. Билишса, еб қўйишади. Жуда ориятли болаларим бор!

Маржона олтин балдоғини, қўлларидаги узукларини ечди:

— Исмнингиз нима, опажон?

— Исмим Хуршида!

— Ана дугонамининг номи ҳам Хуршида.

— Ана уними?

— Ҳа!

— Ҳаёти меникига ўхшамасин! Бахтли бўлсин, илойим!

— Қаерда турасиз, опа?

— Арпапоя кўчасида, Ғафур Ғулом музейи орқасида. 7-уй. Хуршида опа десангиз, ҳамма билади.

Маржона олтин балдоқ ва узукларни унинг қўлига тутқазди:

— Мани исмим — Маржона! ТошДУда ўқийман. Журналист бўлмоқчиман. Буларни қизингизнинг тўйига сарф қилинг!

Аёл ўзини орқага олди:

— Йўқ, қизим, олмайман!.. Мани ким деяпсиз? Кўп бердингиз, бўлади. Лўли эмасман-ку, сизни алдасам!

— Лўли бўлганингизда бир тийин ҳам бермасдим. Лекин Сиз менга ёқиб қолдингиз! Ҳали ўғлингиз вазир бўлади. Ана ўшанда

келаман! Сизни опа тутаман! Олинг! Мингдан-минг розиман. Бегонага бераётганим йўқ-ку! Қизингизга озгина сеп бўлар!

— Қимматбаҳо-ку, она қизим! Ота-онангиз умид билан олиб беришган. Балдофингизнинг ўзи бир ярим миллион туради, зан-жирингиз ҳам жуда қиммат. Қайси куни заргар дўкониди кўрган эдим. Йўқ, қизим, мани хижолатга қўйманг! Ололмайман!

— Олмасангиз, сувга отиб юбораман!

Хуршида югуриб келди:

— Опа, олинг дедими, олинг! Ман буни биламан. Бу жуда офат қиз. Олмасангиз, шунча тақинчоқ сувга кетади. Олақолинг!

Аёлнинг кўзлари жовдираб, нафис лаблари пирпиради, ранги-кути ўчиб, йиғлаб юборди:

— Минг шукр, худойим! Шуни менга раво кўрдингми?!

Маржона аёлнинг қоқсуяк елкаларини ўзига тортди:

— Йиғламанг, опа! Ҳозир мен ҳам йиғлаб юбораман. Мен ҳам ғамдаман ҳозир!

Аёл унинг ғамгин чехрасига боқди:

— Наҳотки?!.. Шундай гулдек қизнинг ҳам ғами борми?!

Хуршида ўртага қўшилди:

— Ҳазиллашяпти, опа! Йигити сал аразлаган эди.

— Аразлаган бўлса, яхши йигит экан. Аразчи йигитлар вафодор бўлишади.

Маржонанинг кўзлари чарақлади:

— Ростми, опа!

— Рост, она қизим, рост!

Маржона тақинчоқларни аёлнинг қўлларига тиқиштиргач, ирғиб ўрнидан туриб, унинг озғин, заъфарон юзидан чўлп-чўлп ўпди-да:

— Қизингизни узатсангиз, тўйга бизларниям айтинг, артистини ўзим олиб келаман! — деди сахийлиги тутиб.

Аёл кўз ёшларини артди:

— Айтаман, болам!

Маржона Хуршидага қаради:

— Қизлар кутиб қолишди. Кетдик! — Сўнг опага қўл силтади. — Яхши қолинг!

Аёл ўрнидан зўрға қўзғалди, белини ушлаб, бироз турди-да, чопқилаб кетаётган қизлар ортидан бақирди:

— Ҳай, телефон... телефонимни эслаб қолинглар! 144-14-14! Ҳай, осон нўмер!

Оппоқ фариштадек майин жилмайиб қараган Маржона оппоқ қўлчаларини силкиди:

— Ҳақиқатан, нўмери осон экан: 144-14-14! Эслаб қолдим! Аёл қўлларини кўтариб:

— Илоҳим, шу ҳуснингга яраша бахт берсин, худойим! Ум-ринг узоқ бўлсин. Бир умр залолат кўрмагин. Аразчи йигитинг пойингни ўпиб юрсин! Омин! — дея дуо қилди, сўнг қизларига қараб: «— Ҳай, қизларим: Фотима, Зухро? Кабобчи акангга айт, яна ўнта қўйсин. Уйда опаларинг, аканг очиқиб ўтиришгандир!.. Ҳай, худойимдан ўргила-я! Етказганингга шукр-а! Бунча бойлик билан қиз ҳам узатаман, рўзгорниям эплаб олса бўлади!» — деди суюниб.

Сокина балдоқсиз кириб келган Маржонани кўриб, анграйиб қолди:

— Нима бўлди, қароқчига дуч келдингизми?

Маржона кулди:

— Йўқ, онамга дуч келдим!

Хуршида гапни чўрт кесди:

— Бу офат... Офатижон, десам, нимаси офат, дейсизлар! Ҳамма тақинчоқларини бир бевага бериб юборди. Лақиллатиб кетган бўлса, урди худо!

— Вой ўлмасам! — Ҳанифа ёқасини ушлади. — Вой, тентак!

Маржона бека қизни чақирди:

— Бери кел! — Дугоналарига кулиб қаради. — Мени алдай-диган ҳали онасидан туғилмаган. Мен чин ўзбек қизиман, худонинг ночор бандасига бир берсам, у менга ўн қилиб қайтаради. Майдалашманглар, хонимлар! Майдалашиш сизларга тўғри келмайди. Пулдан, бойликдан устунмиз! Ўлжой Туркон ҳам эрининг номуסי учун бутун бошли бойлигини очкўз акасига бериб юборган эди. Мен эса чўкаётган аёлга бердим. Худо кўриб турибди. Бермасам, ғазабига учрашим мумкин. Нишоннинг бу томони ҳам бор, ҳур қизлар! — У бошида тик турган бека қизга қаради. — Ҳалол ниманг бор?

Сочини сариққа бўяган бека қиз «тушунмадим» дегандек елка қисди.

Маржона унга кўрслик қилди:

— Ҳалолни тушунмайсанми?.. Сочингни қара-ю! Ё ўзбек қизи бўлганингдан уяласанми?

— Ҳеч нарсa тушунмаяпман, опажон!

— Ёшинг неччида?

— Энди ўн еттидан...

— Яхши!.. Бор, ошпазингга айт, бизнинг олдимизга келсин!

Қизлар бир-бирларига қараб, ҳайрон қолишди. Бу кечаги Маржона эмасди. Кечаги ожиз қиз бугун бошқаси билан алмашган эди. Сокина елка қисиб, Хуршидага кўз тикди. Ҳанифа ҳамон ёқасини ушлаб турарди.

Маржона унинг қўлларини пастга тортди:

— Қўлингизни туширинг, жаноби олиялари, ёқага ёпишиш яхши эмас!

Сокина ҳиринглаб кулди.

IX

Гувиллаб шамол эсади. Осмонда минглаб юлдузлар чарақлаб, кўҳна дунё қўшигини қуйлайди. Куз кечасининг салқин шабадаси Маржонанинг кўтарилиб тушаётган бўлиқ кўксини оҳиста силаб ўтади. Унинг нафис қомати қорайиб кўринади, боши кўкка кўтарилган. Бир пайтлар... бундан бир неча аср олдин Амир Темур ва Бибиҳоним Улуғбекни Кўксарой минорасига олиб чиқишиб, унга шу юлдузларни кўрсатишган. Юлдузлар? Эй, Сиз юлдузлар! Бола қалбини забт этган ёрқин инжулар! Нақадар сирлисиз!.. Эй, Сиз умрибоқий юлдузлар, Азимжоннинг қалбини ҳам чароғон нурларингиз билан мунаввар айланг!

Катта ҳаво трубади ортида пойлоқчилик қилаётган Хуршида «биз шу ердამиз» дегандек йўталди. Келманглар, ўзларинг билган Азимжон, деса ҳам, кўнишмади. То масала ҳал бўлмагунча, энди ёнингиздан бир қадам ҳам нари кетмаймиз, дейишди. Шаддод Хуршида: «Насиб этса, чимилдиқ ёнида ҳам «хола, хола» бўламиз», дея ҳазиллашди. Маржонани ажиб ҳислар қуршади. Чимилдиқ — қизларнинг орзуси. Пок-покиза тўшақда муҳаббат гулини узишга нима етсин. Сатти Тўра уни бадном қилмоқни кўзлаган экан, ўзи қазиган чоҳга ўзи тушади. Халқ билиб айтади! Билмаса, сўзламайди.

Яна шамол гувиллади.

У тўққиз қаватли бино бурчагидаги бетон плита устига ўтириб олди: пастда чироқлар оппоқ нур сочиб, кўзни қамаштиради; ҳов ана, ўртада «Талабалар маркази», неон чироқлар ёғдусига ўралган яшил майдончалар, қора қатрон йўлаклар, йўлакчалар, қизғиш пардалар осилган деразалар, ҳов ана спорт май-

дончаси, ундан нарида катта, кенг кўча; сон-саноқсиз машиналар — ана у тиллоранг «Нексия», униси оқ «Матиз», униси қанақа экан? Ҳа, нима... ҳалиги... «Мерседес!» Машиналарнинг тури ҳам қўпайиб кетди. Унга ҳам насиб қилармикан машина миниб?! Ёки бугун шу баланд минорадан қуш бўлиб пастга учармикан? Ўзини баланд бинодан ташлаб юбориш... қанақа бўлади? Ярим йўлда қўрққанидан жони чиқармикан ёки ерга тап тушгач, руҳи осмону фалакка кўтарилармикан?! Ўз жонига қасд қилиш осон ишми?! Унинг қўллари музлади. Наҳотки, бир неча дақиқалардан сўнг умри тугайди?!

Пастдан темирнинг даранг-дурунг овози қулоққа чалинди. Маржона энтиқди. Азимжон! Азимжон келяпти! Уни бир кўришни... бир кўришни истади. «Сени кўрмасам бўлмас!.. « Қулоқлари остида таниш оҳанг янгради. Бу оҳангда ошиқ қалбнинг ўртаниши, азоблари, алами, энтикишлари, нозик нафаслари бор. Худди унинг учун ёзилган қўшиқ. Қизик, шоирларда ҳам шундай дард бўладими?!.. У ўзи устидан кулди. Бунча саёз ўйламасанг, шоирда юрак йўқми? Шоир севмаганми, севмайдими?!

У яна энтикиб туйнук томон қаради, бировнинг қораси кўринмади. Келармикан? Келмаса... келмаса... Қалбидан «ҳаяжонланма!» деган садо янгради. «Ўйла, ўйла!» дея ундади ўша садо. Ўйлаши керак! Дунёда муҳаббат оламига бутунлай ғарқ бўлган битта уми? Клеопатра, Бибихоним... улар осонликча улуғликка эришмаган! Ўзбекнинг Кумушбибиси, Қирғиз Жамила... Жамилалар... осон бўлганми уларга! Иродида, Татьяна, Наташа Ростова...

Азимжон тўрт бурчак туйнуқдан бир ирғиб, тепага чиқди. Чиқди-ю, ўзини ерга ташламоқчи бўлиб турган Маржонани кўриб, унга томон югурди.

— Маржона? Мен келдим! — деди ҳаяжонланиб. Том қоронғи бўлгани учун қизнинг юзи кўринмасди, аммо унинг ўзи томон бурилган бошини аниқ кўрди. Югура бориб, Маржонанинг қўлларида тутди. — Мен келдим! — Қўллар совуқ эди. У қизнинг белидан қучиб пастга туширди. Иссиқ хушбўй нафас димоғига урилиб, ҳушини йўқотди ва қизни маҳкамроқ ушлади. — Нима қиляпсиз?

Маржона қизларнинг пойлаб турганини, унинг устидан микиб кулаётганини ҳис этиб, йигитни ўзидан нари итарди.

— Ёмонсиз?.. Нар итуринг!

Азимжон ҳамма гапни унутган, гўёки ораларида ҳеч нарса бўлмагандек:

— Азимжон ёмон бўлса, Сиз яхши бўлинг!

Маржонага бу гап «Сиз покиза бўлинг?» дегандек оғир ботди.

— Чимилдиққа хиёнат қилган қизнинг косаси оқармаслигини айтиш мен учун нақадар уят эканлигини биламан. Мени бундай ёмон гапларни айтишга мажбур қилманг! Уятсиз ... уятсиз бўлиб қоламан!

— Шунчалик назокат, иффатингиз бор бўлса, нечун юрак-бағримни эзасиз?

Маржона унинг бақувват елкасига енгил шапати урди:

— Қочқоқ!.. Ҳали таъна қилишни ҳам биламан, денг!

— Қўрқоқ олдин мушт кўтарар. Аразлашимга ўзлари сабабчи?

— Аразчисиз!

— Ном қўйишга устаман, денг!

— Балиқни қармоққа илдириб, бир бегуноҳни азобга қолдириб, дарё лабидан қочган балиқчини нима деб аташ мумкин?!

Азимжон унинг муз қўлларини кафтлари орасига олди:

— Балиқчига «сув париси» эмас, ажина илинади, қочиб қол, десалар... Сиз ҳам жуфтакни ростлаб қоласиз!

Маржонанинг қўллари титради. Ўзини орқага тортди:

— Ажина?.. Мен ажина бўлдимми? Яна қандай лақабларингиз бор?

— Сиз мен учун дунёда ёлғизсиз!.. Аммо баъзи нарсалар мени адойи тамом қияпти!

Маржона бўйнини эгди:

— Ҳаммаси бўҳгон.

Қизнинг қалби йиғлади. Азимжоннинг ҳам юраги титради.

— Шундайми?.. Ростми? — шивирлади у. Овози қалтираганини ўзи ҳам сезди.

Маржонанинг кўнгли бузилди:

— Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг!

Азимжон сукутга кетди. Ҳақиқатан, расмлар Сатти Тўранинг уйдирмалари бўлса-чи! Текшириб кўриш керак, балки шу йўл билан қиздан ихлосини қайтармоқчи бўлгандир. Сув кўрмасдан этик ечиб ўтирибди-я! Яхшиям келди бу ерга, келмаганда, Маржона ўзини бинодан ташласа, нима бўларди?! Бутун шаҳарча унга нафрат билан қарармиди?! Талабалар олдида юзи қора бўлармиди?! Эй, Азимжон, йигитмисан? Нечун ўз севгинг учун

курашмайсан? Қаршингда бировнинг гулдек боласи, сарвқомат қиз «севаман!» деб турибди-ку! Ўз севгиси учун уямай кураш-га чиқибди! Ундан ўрнак олсанг бўлмайдими?! Ана, офатижон-лиги унинг! Ана, мардлиги, зўрлиги унинг! Сен-чи? Сен нима қилипсан? Фарҳод, керак бўлса Ширийн учун жонини беришга тайёр эди. Тоҳир ўз Зухроси учун қанча азоб чекди. Ҳалок бўлди шу йўлда. Аммо пок кетди. Эл олдида, талабалар олдида шарманда бўлгандан кўра, курашиб ўлган афзал эмасми?! Маржона ўлимга юзма-юз чиқибди-ку! Худонинг хоҳиши билан бу ерга келдинг! Келмасанг, нима бўларди, анқов?!

Азимжон лабларини қаттиқ тишлади:

— Ишонаман сизга! Юринг кетдик! — Қизнинг қўллари энди иссиққина ва олдингдай момикқина эди. Қўлчалари Азимжоннинг бақувват кафтлари орасига юмшоқ пахтадек сингиди. Энди у қўлини тортиб олишни хаёлига келтирмасди. Унга эргашиб, туйнук ёнига борганда ҳам қўлчаларини тортиб олмади. Иккаласи туйнукка барабар тушишди. Юмшоқ баданлар қалтиради, қўллар мумиё суртилган темирдек қизиб кетди...

Х

Кечқурун. Яшил майдончаларда енгил шабада ўйнайди. Азимжон ётоқхонанинг қора ойнаванд эшигини тортиб очиб ичкари кирди. Эшик ширқ этиб юмшоқ ёпилди. Сарғиш ярим девор тахта ортида, қизғиш диванда мудраб ўтирган қоровул аёл бошини кўтариб, унга қаради:

— Қаёққа?

— Учинчи қаватга, 8-хонага!

— Маржонанинг олдидами?

— Ҳа, ўшанинг!

Аёл норози тўнғиллади:

— Бошларинг шамолда қолганми, нима бало?! Кеча биттаси келиб, тўполон қилган эди. Бутун деканларинг ҳам уни суриштирди. Қишлоғидан ҳам биттаси келди. Намунча унга ёпишиб қолдиларинг?

Азимжон қўлга тушган ўғридек, ўзини ноқулай сезди. Бу заҳар аёл қаердан пайдо бўлди? Янги келдимикан? У «кирайми, кирмайми?!» дегандек, унга мулзам боқди.

Аёл кўк рўмолчаси билан уйқули кўзларини ишқалади:

— Кир, кир! Майли! Фақат тез чиқ!

Йўлак сокин эди. Неон чироқлари чор-атрофни чароғон ёри-тиб турар, ошхона томондан сувнинг шилдираши, қизларнинг ҳиринг-ҳиринглашлари қулоққа чалинади. Қизил рангда ёзилган «8» рақамли мовий эшик. Азимжонни ҳаяжон босди. Уни кечадан бери кўрмади. Эшикни секин тақиллатиб, четда турди. Орадан дақиқа ўтди, аммо ичкаридан садо бўлмади. «Эшитишмади» деган ўйда бу сафар эшикни тўрт-беш марта қаттиқроқ тақиллатди. Қўшни хона эшиги очилиб, ўнг чеккасида катта қора холи бор қиз остонада кўриниш берди.

— Азимжон ака, улар шаҳарга кетишган! — деди у жилмайиб. Сал чўзинчоқ юз, ингичка қош бу қизни йўл-пўлда доимо кўриб, учратиб юради, аммо қайси курсда, қайси факультетда ўқишини билмайди. «Мени танир экан-да!» — деб ўйлади ва:

— Келиб қолишармикан? — дея сўради.

— Ҳа, ҳозир келиб қолишса керак! — жавоб қилди қиз.

У пастга тушди. Аёл мрамор йўлакни ювиш билан овора эди. Азимжон унга ташаккур билдираркан, чиқиб кетишганини айтса бўларди, дея норози бўлганча ўтиб кетди. Ташқари чиқиб, ям-яшил арчалар оралаб юрар экан, фикри-зикри Маржонада эди. Қаёққа кетди? Бу пайтда нималар билан машғул бўлиши мумкин? Дугоналари билан бирга бўлса, олам гулистон. Қаттиққўл қўриқчилар ҳеч кимни унинг ёнига яқин йўлатишмайди.

Хонага кириб, чироқни ёқди. Каравот устида бир парча қоғоз турарди. Олиб ўқиди.

«Мен кеч келаман! Хавотир олма! Олим».

У таажжубга тушди. Буниси қаёққа кетди? Ҳеч қачон уни ташлаб кетмасди. Азимжон каравотга хомуш чўқди. Гўё бутун университетда, кенг ётоқхонада ёлғиз қолгандек, ўзини ночор ва ғариб сезди.

Ўн иккигача дарс тайёрлади. Сўнг бутунги газеталарга бир кўз югуртирди. Айтарли фикрини жалб этадиган бирор мақола тополмади. Қаернидир сув босган, кимнидир ўғирлаб кетишган. Самолёт портлаган, қайсидир давлатнинг парламент биносида даҳанаки жанг бўлган. «Э тавба, дунё фақат бузғунчиликлардан, шундай талотўплардан иборат бўлиб қолдими? Инсонийлик, комиллик, яхшилик, саховат ҳақида нега ёзишмайди?! Инсон доимо тарбияга муҳтож. Яхши сўз билан у дўстга айланади. Нуқул ёмон десалар, яхшининг ҳам ёмонга айланиши аниқ-ку! У яна газетага кўз югуртирди. «... АҚШнинг ... штатида ўн бир яшар

бола ўз мураббийини отиб ўлдирди!» Тавба, тавба! Ана тарбия! Демократия ўчоғи эмиш! Алишер Навоий ҳазратлари нима деган эдилар?

*Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила...*

У газетани четга ташлади. Азимжон бунақа «сарик матубот»-га тамоман қарши. Унинг фикрича, худо ҳар бир нарсани инсоннинг комил банда даражасида яшаши учун восита қилиб яратган. «Сарик матбуот» эса батамом ўз вазифасини унутиб қўйганга ўхшайди. Бунақа матбуотнинг пойдевори пул асосида қурилгани учун ҳам чиркин ва бир кун келиб таназзулга учраши тайин. Дунёда нимаики бўлса, барчаси инсон манфаати учун ҳолисона ва одилона хизмат қилмоғи керак.

Эшик тақиллаб, Олим полвон кириб келди:

— Зерикмай ўтирибсанми, ошиқу беқарор!

Азимжон бошини кўтарди:

— Қаерда эдинг?

— Биттаси билан кинога тушган эдим!

— Ўзингта ошиқлик муборак бўлсин!

Иккаласи кулишди.

Азимжон унинг дўнг пешонаси остидаги маънодор нигоҳига тикиларкан, негадир бу гапга унчалик ишонмади. Нима учун ишонмаяпти, бунини ўзи ҳам билмасди. Аммо шуни биладики, у ниманидир яширяпти: тили ёлғон сўзлаган бўлса-да, кўзлари бошқа нарсани айтаяпти. У соддалигига бориб, охири сўради:

— Ростини, айт, бировни топдингми? Ёки бошқа муҳим иш билан бориб келяпсанми?

Кийимларини алмаштираётган Олим полвон:

— Сен қаердан билдинг қизлар билан борганимни? — деб сўради.

Азимжон ичида яйраб кулди. Ўзини содда деса, дўсти ундан ўтиб тушади. Битта қармоқ ташлаган эди, дарҳол лаққа тушди. Э, содда жўрам-а! У ростини айтиб қўя қолди:

— Кўзларинг айтиб турибди!

— Сендан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Қиз топганим ҳам рост. Бошқа иш учун борганим ҳам рост. Фақат, оғайни, мани сотмайсан! Сотсанг, Офатижонинг ўлдиради мани!

Азимжон сув ичиб диркиллаган ниҳолдек, қад ростлади:

— Нима, нима?

- Офатижонинг ўлдиради, деяпман!
 - Ўлдирмайди, қўрқма, мен борман! Айт, нима гап ўзи?
- Олим полвон қурушган лабларини ялади:

– Биз... мен тиниб-тинчимас қизларминан шаҳарни остин-устун қилиб чиқдик.

- Хўш, бир вагон тилло топдингларми?

– Лекин калаванинг учини топдик! Сокинанинг йигити тилло йигит экан. Мен ҳам одамларни ҳар хил монтаж қиламан, аммо қўлимни бунақа ифлос ишларга урмайман деб айтди. У билан уч жойга бордик. Учта монтаж хонага. Монтажчи болалар бу бемаза ишларни эшитиб, сочлари тикка бўлди. Ўша аблаҳни топиш керак. Топиб, жазосини берамиз, номимиз ёмон отлиққа чиқади, дейишди. Биттаси бор экан. Жуда ҳалол йигит кўринди. Менга: «Ука, биз тоза иш қиламиз, ҳаром ишларга аралашмаймиз, лекин у пайтавани топиш керак, топамиз», деб айтди. Маржонани билар экан. Бир кўрганда таниди. Биз унга ҳамма гапни айтиб бердик. Сатти Тўрани йигит деб билардим, жуда номард экан-ку, дея ҳайрон қолди. Сизлар бизга уч-тўрт кун вақт беринглар, ўзимиз разбор қилиб, натижасини айтамыз, деди. Аммо Офатинг кўнмади. Менга ўша пайтава эртагача керак, деди. О-о, унинг олов бўлиб ёнишини кўрсанг. Ҳайбатидан от ҳурқади!

- Ҳечамда... ошириб юбординг, жўра! — деди Азимжон.

- Оширган бўлсам, тил тортмай ўлай!

- Ҳай, ҳай, жўра! Бунақа бемаза сўзларни тилга олма!

- Ишонмаяпсан-ку!

– Қиз топдим, деб алдаяпсан! Ҳар гапни айтсанг, ишонишим керакми?!

– Ёлғон айтганим йўқ, Хуршидага меҳрим бор. Ростини сенга айтсам. Божа-божа бўламиз шекилли!

Азимжон қулоқларига ишонмади. Сатти Тўра ташлаб кетган қизни-я?! Ўшани?! Қулоқларига ишонмади.

Олим полвон унинг ишонмаётганини сезиб турарди:

- Ишонмаяпсан-а!.. Бахт фақат тўшақда дейсанми?

- Сени оғзингдан шу гап чиқяптими?

– Нега ҳайрон бўласан, мен сассиқ гапларни айтаётганим йўқ. Сассиқ гап эшитаман десанг, Чорсута бор. Картошка сотаётган ойпари аёлнинг оғзидан шунақа антиқа ҳақоратлар чиқадики, ё тавба, ўзимизнинг хотинлар шунчалик ўзгариб кетдими, дея елкангдан чанг кўтарилади.

— Эшитганман, жўра!..
— Эшитган бўлсанг, яхши! Ишонмасанг, ишонма!
— Мен фақат сариқларнинг жаҳли бурнининг учида туради, десам, сен улардан ўтар экансан!
— Ҳай, ишонмасанг, ишонма! — такрорлади Олим полвон. — Аммо гап шу: мен шу миллатимнинг бир қизини бахтли қилмоқчиман! Бугун гаплашиб олдик. Сен ҳам Офатижон учун чопаясан-ку! Ниятинг нима? Фақат қучоқлашми?

Азимжон кулиб юборди:

— Ол-а, гапга тўн кийгизишга жуда устасанда!
— Йўқ, рост! Сен уни бахтли қилмоқчисан! Чунки кўнгли тоза ўзбексан. Тоза ўзбек аёлни бошига кўтаради. Ўзинг айтасан-ку, Амир Темури жаноблари аҳли аёлларини бошига кўтарган деб! Биз ҳам ҳадеб аждодларни мақтагандан кўра, ҳеч бўлмаса, уларнинг битта яхши ишларини такрорлайлик!
— Файласуф бўлдингми, жўра! Эракни хотинлар файласуф қилишади, деганларига энди ишондим!
— Севги нималарга қодир эмас, ўртоқ! Ўзинг жинни бўлиб юрибсан-ку! Хуллас, Офатижонингга тан бердим. У охири Сатти Тўраниям, калондимоғ тоғасиниям бир бало қилади. Керак бўлса, отасигаям ҳақиқатни кўрсатади.

— Лекин вақт оз, жўра!

— Қизиқсан, ўртоқ! Нон синдирилди, дегани, Азимжон билан Маржонанинг сеvgи иплари узилди, дегани эмас. Керак бўлса, дунёнинг нариги четига қочиб кетасизлар! Бир нарсадан кечмасанг, бахтга эришолмайсан!

— Ҳақиқатан, Хуршида сени бугун файласуф қилибди. Табриклайман!

— Нима десанг, де! Пичинг қиласанми, куласанми, ихтиёр ўзинг-да. Аммо табриклайман. Офатижондек ёринг бор. Демак, дунёдаги энг бахтли йигитсан! Бундан жуда-жуда хурсандман!.. Энди ухладик, эртанинг номи — дарс. Эрталаб дарсга кечикиб бориб, «мукофот» олишни хоҳламайман! Яхши ётиб тур!

Олим полвон оппоқ кўрпа ичига кириб, юзини беркитди.

Азимжон эртаси биринчи дарсдан танаффусга чиққанида йўлақда Хуршида «Мартин Иден» китобини унинг қўлига тутказди.

— Ичида муҳим гап бор! — деди жилмайиб. — Маржона бериб юборди.

Азимжон раҳмат деди-ю, китобни эътиборсиз ҳолда аудиторияга олиб кирди. «Ичида муҳим гап бор!» Нима бўлиши мумкин? У хатни хаёлига ҳам келтирмади. Гапи бўлса, ўзимга айтади-ку, деган хаёлда китобни парта устига қўйди. Унинг хаёли ҳали ҳам Маржонада эди. Кеча қаёққа борди? Нега унга айтмай ўзи кетди? Бу ерда бир гап бор! Ё уни чув туширишяптими? Балки Сатти билан учрашувга боргандир! Унинг қўллари титради. Йўқ, у бундай фирромликларга чидай олмайди. Ҳаммасини... ҳаммасини билиши керак! Анави расмлар юрагини кемириб ташлади. Ҳақиқатнинг тагига етмас экан, на ётишида, на ейишида ҳаловат бўлади.

Гуруҳ бошлиғи — Сожида деган узун бўйли, тор оқ кофта кийган, чувак юз қиз китобни қўлига олиб, варақдай бошлади:

— Ўқиганман! Зўр китоб!

Кутилмаганда нафис оқ варақ қоғоз учиб ерга тушди. Сожида уни шу заҳоти қўлига олди ва бир зум кўз югуртиргач:

— Севги мактуби экан! — деди бақириб. Ҳамма унинг атрофини ўраб олди. Фақат Азимжон жойида хомуш ўтирарди.

Ҳангоматалаб йигитлар тўполон қилишди:

— Ўқисинлар, биз ҳам эшитайлик!

Сожида хатга диққат билан кўз югуртирар экан, қўлини баланд кўтарди:

— Жимлик сақлансин, жаноблар! Жимлик!

Дўрдоқ лабли, чўтир юз йигит:

— Қани жим! Салтанатда осойишталик сақлансин! Муҳим ҳужжат қўлга тушди!

Йигитлардан бири Сожидани туртди:

— Овоз чиқариб ўқисинлар, пошшойим!

Сожида уни масхара қилди:

— Сабр қилсанг-чи, девона!

Кимдир хахолаб кулди, кимдир полни гурсиллатиб тепди.

Сожида яна қўлини кўтарди:

— Эшитинглар! Так вот! «Азизим!» У-у, муғамбир-ей, номи ни ёзмабди. Хуллас, «Азизим!.. Сизнинг олижаноб йигит эканлигингизга шак-шубҳам йўқ эди. Ишончимнинг қўлларидан тутиб, мени муҳаббат боғида хушбўй ҳидларингиздан баҳраманда этганингиз учун бошим осмонда!» Аҳ-ҳа!.. Ним косача ёзишни қотирар эканлар. Дальше ўқийман. «Ўша куни ўйлаган гапларимни бирортасини ҳам айтолмадим. Сизнинг жозибангиз мени довди-

ратиб қўйди. Ҳидингиздан бошим айланиб, айтадиган муҳим сўзларимни ҳам унутиб қўйдим. Севишганлар нега хат ёзишади? Уч-рашганда, ҳамма гапларни айтсалар олам гулистон-ку, деб ўйлардим. Аллоҳ хатни инсонга беҳудага бермаган экан. Бугун бунга амин бўлдим. Мен сизнинг олдингизда уятлиман. Расм муаммосини исботламагунимча кўнглингизни шубҳалар безовта қилаверади. Эртага ҳам бунинг яхшилик томони йўқ. Хуллас, бугун-эрта шунинг ортидан овораман. Кечқурун йўқлаб келибсиз. Қўшни қиз: «Барно йигит Сизни излаб келди, бирам ёқимтойки...» деган гапни айтганда, ундан Сизни шундай рашк қилдимки, буни сўз билан ифодалай олмайман. Очиқ сўзлаётганим учун менинг тўғримида ёмон ҳаёлга борманг. Сиз менинг энг ишонган, энг яқин кишимсиз. Ҳеч кимга бунчалик очиқ муомалада бўлмаганман. Тепада ҳаёлимни бутунлай ўғирладингиз. Келмаганингизда, мен татомом бўлар эдим. У ерда мен учун янги ҳаёт саҳифасини очдингиз!»

Сожида атрофдагиларга тиржайиб қаради.

Мўйловли йигит пичинг қилди:

— Жой қуриб кетган эканми? Тепада янги ҳаёт саҳифасини очган эмиш! Ўргилдим ошиқ-маъшуқлигингдан!

Қаҳқаҳа янгради.

Сожида хатнинг давомини ўқиди:

— «Худонинг хоҳиши ва саъй-ҳаракатларимиз билан адолат ўз ўрнини топади. Мен Сизга ишонаман ва сабр-тоқатли бўлишингизни сўрайман! Ҳурмат билан Асирангиз!» — Сожида ён-атрофига қараб, бурнини жийирди. — Асираси ким бўлди?

Бу пайтда Азимжон ҳеч кимга билдирмасдан ташқари чиқиб кетган эди.

Мўйловли йигит:

— Кимнинг китоби? — деб сўради.

— Азимжонники! — жавоб қилди Сожида ҳамон бурнини жийириб.

— Офатижон ўлса ҳам бунақа хат ёзмайди! Демак, бу бошқа қиздан! — деди мўйловли йигит.

Азимжон бу гапни эшитди ва бироздан сўнг ҳеч нарса билмагандек, ичкари кирди. «Яхшиям, номини ёзмаган экан. Шарманда бўлишдан худонинг ўзи асради. Маржонага айтиш керак, иккинчи бунақа қилмасин. Кумуш замони бошқа эди, бугун бошқача давр!»

Ўқитувчи ичкари кириб, эшикни ёпди.

«Сабр-тоқатли бўлишингизни сўрайман!» Бу гап унинг хаёлида қайта-қайта чарх урди. Демак, у поклигини, Сатти Тўра билан бирга бўлмаганини исботламоқчи. Агар Сатти Тўра шунчалик пасткашликка бориб, уни тортиб олишни кўзлаган бўлса, йигит эмас, пачава экан.

Намозшом пайти. У ётоқхона атрофини айланиб юрар, Маржонани излаб боришга юраги дов бермаётган эди. Унинг майин, ҳароратли қўлчаларини, ширин кулчадай хушбўй ҳидини димоғида ҳис этар экан, уни бир кўриб, ҳусни-жамолига тўйишни-ю, янада муҳими, ўзини кўп уринтирмасликни, расм муаммосини ҳал этишда ёрдам бермоқчи эканлигини ва бундан кейин хат ёзиши шарт эмаслигини, ундан сўнг бирор овлоқроқ жойда учрашиб, ҳеч бўлмаганда, бир оз ўша иссиққина, момиққина, оппоққина қўлчаларини ушлаб, ундан ҳарорат ва ором олишни ич-ичидан ихтиёр этди.

Бир тўда қизларга эътибор ҳам бермади. Улар қикирлашиб, қикирлашиб ўтиб кетишди. Зимдан уни кузатаётганларини сезди, сезди-ю, сайр этаётган кишидек, ўзини ташвишсиз, беғам кўрсатишга ҳаракат қилди. Довдираб юрганини билишса, савдойи бўлиб қолибди, дейишлари ҳам мумкин. Миш-мишлар урчиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Сожидага кулги бўлгани етар. Хайрият, худо бир асради.

Ётоқхоналардан шўх қўшиқлар баралла эшитилар, қайсидир бир хонадан йигит-қизларнинг қийқириқлари, кулгилари қулоққа чалинади. Талабалар шаҳарчаси бу: кеча-кундуз ҳаёт қайнайди, кимдир дарс тайёрлаш билан овора, кимдир майшат қиялпти, кимдир...

У тўхтади. Қалбидан «Ўзинг-чи?» деган савол янгради. «Менми?» — кулди у. — Мен ошиқу беқарорман, маҳбубамни учратаман, деб девоналарча судралиб юрган машрабман! Басми?»

«Бас!» — деди яна ўша овоз ва йўқлик қаърига ғойиб бўлди.

У ётоқхона атрофида яна ярим соат изғиди. Иккита қиз тахта ўриндиқда ўтириб, қуюқ суҳбатга берилган, уларнинг ёнидан секин ўтди.

Ортидан шивир-шивирлар қулоққа чалинди:

— Сатти Тўра шу яқин-орада совчи юбораётган эмиш. Лекин Офатнинг кўнгли йўқ экан унга. Ҳаммани куйдириб юрибди у. Бечора бурни ер чизиб қолибди. Сўппайиб юришини қара!

У пишқирган отдек, бўйнини кўтариб, қадини тик тутди. Сўппайиб юрган эмиш. Ҳеч ҳам сўппайган эмас у. Ўйлаётти, фикр қияшти, тоза ҳаводан баҳраманд бўлмоқда. Одамлар қана-қасизлар ўзи?! Нега тинч қўймайсизлар?!

Ичидаги одам қалб деворини чертди. «Бунга ўзлари сабабчи!»

— Нима, нима?!

Қизларнинг овози қулоғига тепди:

— Ўзича гапиряптими?

— Бир нима деб гўлдиради!

— Жинни қилади у ҳаммани!

Азимжон улардан нари кетди. Бунақа гапларни эшитишга тоқати йўқ. Тезроқ бу ишларни ҳал қилиб, Маржона билан тинчгина яшашдан бошқа нияти йўқ, аммо мазкур масаланинг тезда рўёбга чиқмаслиги аниқ ва эртага ҳаёти қандай кечиши ҳам номаълум. Олдинда тўсиқлар кўп. Хўш, эртага Сатти Тўра совчи юбориб, Маржонага эга чиқиб қолса, қиз бечора қаёққа боради?! Ота рози — худо рози. Отасининг юзига оёқ қўя оладими? Йўқ, қўя олмайди. Тақдирга тан беришдан бошқа иложи қолмайди. Бир куни келиб, тақдир тақозоси билан учрашганларида, «Иложсиз эдим» дея сувдан қуруқ чиқиб кетади. Қизларга хос хусусият бу.

У хаёл билан жадал юриб борарди. Ҳовлида турганларга, сўрашганларга ҳам эътибор бермади. Негадир унинг хўрлиги келиб, йиғлагиси келди. Гўёки ҳаёт, тақдир уни хўрлаётгандек эди. Назарида, Маржона қўлдан чиқиб кетаётганга ўхшарди.

Фақат унинг «сабр тоқатли бўлишингизни сўрайман!» деган сўзлари бонг уриб, кўнглидаги ғалаёни босиб турар, ички бир овоз: «Ҳали вақт бор!» дея унга далда бермоқчи бўларди. Аммо қизнинг уйига эрта-индин совчи бориши аниқ... Эрта-индин ҳаммаси тугайди. У ҳансираб оғир нафас олди. Яшаш бунчалик қийин бўлмаса?! Маржона қўлдан чиқса, яшашнинг қизиги йўқ. Бирдан келган севги, гуриллаб ёнган оловдек, тез сўнади. «Йўқ, йўқ! — унинг қалби ҳайқариб юборди. — Йўқ, унинг севгиси тез келган эмас. Орада уч йиллик масофа бор. Улар бир кунда севишиб, бир кунда аҳду паймон қилишмаган. Улар диллари билан тиллашиб юришибди. Дил эса одамни алдамайди!»

Тевадаги қайсидир деразанинг шарақлаб очилгани эшитилиб, Азимжон ҳаяжон билан дераза томонга қаради. Дераза раҳига осилиб турган Сокина ортига қараб бир нима деди. Бир

оздан сўнг Маржона кўринди ва Азимжон унга: «Пастта ту-
шинг» дегандек, қўли билан имо қилган эди, қизнинг ўзи жил-
майиб, «ўзингиз чиқинг» дегандек ишора берди. Чиқиб борса,
қанақа бўлади? Қизлар нима дейди? Уларнинг олдида қизариб,
соқов бўлиб ўтирадимиз?! Қизларнинг орасида совуқ бодринг
бўлиб ўтиришдан ёмони йўқ. Нима қилсин, чиқиб борсинми ё
кетсинми?! У тепага қаради. Қизлар кўринмасди. Демак, хона-
ларини йиғиштиришяпти. Поезд кетди, энди чиқиши керак.

Ётоқхона олди ҳар доимдагидек йигит-қизлар билан тўла: эг-
нига тор қизил халат кийган бўлиққина қиз қизил бўйинбоғ тақ-
қан узун бўйли йигит билан қиқир-қиқир кулиб гаплашади; тах-
та ўриндиқда тўрт қиз қанақадир расмларни томоша қилишяпти;
Сожида семиз хотин билан турибди, нима ҳақдадир баҳслаш-
япти; Азимжоннинг аъзойи-бадани қизиби, пешонасини қуюқ тер
босди, бу ердан ўтиш шунчалик мушкулки, дўзахда ҳам одам бун-
чалик терга ботмаса керак. Оқ темир қалпоқли чироқ ёруғида
турган икки қиз овозларини баландлатиб суҳбатга берилган. Бири
қўйиб, бири гапирди. Қош-кўзини қоп-қора бўйган қиз: «Саф-
тоевми?.. Бемазанинг бемазаси! «Имтиҳонда кўрамиз!» дейди. Вой
яшшамагур-ей! Имтиҳонинг бошингдан қолсин!» деди чийиллаб.

Азимжоннинг томирлари музлади. Тили бунча заҳар. Қўпол-
лик, қўрслик қиз болага ярашмайди Хусни жойида бўлгани би-
лан ақли калта экан. Шу ҳам гап бўлдимиз?! Сафтоев ёмон бўлса,
худога топширдим, деб қўя қол! Нима қиласан бировни қар-
габ?! Гуноҳ қилаётган бўлса, эртага ўзи жазосини тортади.

Азимжон раҳматлик бувисини эслади. Уни Фотима отинбиби
дер эдилар. Кўп китобларни ёддан биларди. Алишер Навоий,
деса, нуқул танбеҳ берар, «Шундай улуғ инсонни бола номи
билан чақирмайдилар, Амир Навоий дегин, болам!» дер эди.
Азимжон куларди. Дарслиқда «Алишер Навоий» деб ёзилган,
демак, шуниси тўғри, деб ўйларди болаларча соддадиллик билан.
Аммо уни қаттиқ ҳурмат қилар, эски китобларни ўқиб берганда,
кечалари эртақлар сўзлаганда, Навоий ғазалларини ёддан так-
рор этганда, меҳрибон бувижонисини дунёдаги энг билимдон
кампир деб тушунарди. Боз устига, у покиза кампир бўлиб, оғзи-
дан бирор оғиз ёмон сўз чиқмас, кўпинча, «Болам, ҳар бир яхши-
ёмон сўзинг учун мукофот ё ташвиш бор. Жамики кулфатлар
ёмон ишларинг орқали келади. Агар ҳаётда покиза юрсанг, кам
еб, кам ухлаб, кам гапириб, берган рисқига шукр қилиб яша-

санг, сира озор кўрмайсан!» дея насиҳат қиларди. Бир куни: «Болам, энди оқ-қорани таниб қолдинг, ҳозир айна насиҳат эшитадиган давринг, қулоғингга яхшилаб қуйиб ол: инсоннинг қалбида яхшилиқдан кўра, ёмонлик тез иддиз отади. Агар кўнглингда пайдо бўлган ёмонликни дарҳол суғуриб отмасанг, яхши одам бўлмайсан!» деди. Бу гап унинг қулоқларига кўрғошиндек қуйилди. Шу ёшга кириб бу сўзлар ҳамон қулоқлари остида, кечаги айтилган гапдай, жаранглаб турибди.

У ана шу насиҳатлар остида тарбия топди. Ҳаётда сал уятчан, тортинчоқ бўлиб қолганлиги шундан эмасмикин?!

...Кимдир, қайси бир қиз шарақлаб кўлди. Азимжон ялт этиб қаради. Нариги тахта ўриндиқда ўтирган калта сочли қиз ёнидаги оппоқ спорт кийимидаги оқиш юз йигитга суйкалмоқда эди. Ўзини тутиб турса яхши бўларди. Қиз болага шарму ҳаё, ибо ярашади. Улар қанчалик назокатли ва сирли бўлсалар, қанчалик кўзларини ерга тикиб, нигоҳларини яширсалар, шунчалик кўп мафтункор ва жозибали туюладилар.

У «дадил бўл, Азимжон!» дея қора ойнаванд эшикдан ичкари кирди. Кечаги совуқ аёлнинг ўрнида ёшгина йигит китоб ўқиб ўтирарди. Унга кўз қири билан бир қаради-ю, китоб ўқишда давом этди. Азимжон айлана тўсиқдан ўтиб, зинадан юқори кўтарилди.

Йўлақлар оп-ойдин. Зинадан чиқишда, ўнг томондаги эшик ёнида икки қиз пичирлашиб гаплашмоқда. Уни кўриб, бошдан-оёқ разм солишди. Сўнг ташвиш билан бир-бирларига қарашиб, нимадир дейишди. Азимжон гап ўзи ва Сатти Тўра ҳақида кетаётганини тахмин қилди. Ташвишлари шундан. Бу гапларни ҳозир ҳамма билади. Ҳамма... ҳамма, барча талабалар ҳамон бу воқеанинг охири нима билан тугашини кутишяпти. Ишқилиб, яхшилик билан тугасин!

У ўзига қадрдон ва таниш эшикни секин тақиллатди. Маржонанинг ўзи эшикни қия очди:

— Ассалому алайкум, кириңг!

Азимжон ичкари кирди, унда бошқа қизларнинг йўқлигини кўриб, «ичида худога шукр» деса-да:

— Улар қани? — деб сўради, «ҳозир уни бағримга босиб кўришаман» дея ўйларкан.

— Улар дарс тайёрлаш учун «Маънавият хонаси»га кетишди, — дея жавоб қилди Маржона бамайлихотир оҳангда. Гўёки бу табиийдек эди. Аммо Азимжон қизлар уларни ёлғиз қолди-

риш учун чиқиб кетишганини англади. Ақлли дугоналари бор. Фақат оғринишмаса бўлди. У қизга томон талпинди, аммо оёқлари орқага тортди. Бирдан ҳужумга ўтса, уят эмасми? Ўзингни сақла, номусингни ерга урма!

Маржона кўзларини ерга тикди. Ана, шарму ҳаё. Покиза қиз. Шундай фаришта бўла туриб, олифталиқдан бошқа нарсани билмайдиган Сатти Тўрага ўзини тутқазиб қўярмиди?! Расм масаласининг туҳмат эканлиги аниқ.

— Яхшимисиз? — овози титраб чиқди.

Маржона ҳамон кўзларини кўгармасди. Афтидан, ўша кунги воқеани эслаб уялаётган эди. Туйнукдан ўтгунча, бир-бирларига бир муддат ёпишиб қолишди. Унда ўша ҳолатларини уят санашмаган эди. Энди ўзи ҳам уялаяпти.

— Шукр! — деди Маржона. — Ўзингиз тинчмисиз?

— Ман тинч! — Азимжон тилини тишлади. Яхшироқ сўрашсанг-чи! Шу ҳам сўрашишми?! Нега гаплари қовушмаяпти?! Олдинги кунлар яхши гаплашган эди. Энди нега бундай бўляпти? Дунё ҳам қизиг-а!

Маржона бўйинини эгиб ўтирар, унинг нимадандир уялаётгани ёки нимадандир кўнгли гап бўлаётгани аниқ эди. Азимжон бутун фикрини бир жойга тўплаб, руҳини қўлга оларкан, ўзига яна «дадил бўл!» деб буйруқ берди.

— Маржона?

Қиз унга ялт этиб қаради. Чарос кўзлари пир-пир учиб, шу заҳоти узун ва қалин киприклар остига яширинди. Нега тик қаролмайсан, эй сулув кўзли фаришта?! Сенга нима бўлди? Ҳақиқий севган қиз йигитининг кўзига тик қаролмайди, деганлари ростмикан ё?!

— Нега бутун бошқачасиз?

Маржонанинг боши столга тегай-тегай деб қолди:

— Уришмайсизми?

— Йўқ, уришмайман!

— Сиздан бесўроқ... шаҳарга тушиб...

— Бошингизни кўтариб, уялмасдан гапиринг, бу дунёда энди қувончимиз ҳам, ташвишимиз ҳам ўртада. Гапиринг, нима бўлди?!

— Хуллас, мен ўзимни оқлашим... учун бутун сиздан бесўроқ биринчи қадамни қўйдим. Ор, номус ўлимдан кучли. Сиз менга ишонган экансиз!.. Мени чимилдиқ орзусидан маҳрум бўлишга мажбур этмаган экансиз... бу гапларим учун кечиринг... маж-

бурман гапиришга... сизга бор ҳақиқатни кўрсатишга ҳаракат қиламан!

— Ўзингизни уринтирманг, мен Сизни дунёнинг энг мард ва пок қизи, ўзимнинг гард тегмаган фариштам деб биламан!

— Бу гапларингиздан бошим осмонга етиб, кўнглим кўтариляпти. Ростини ҳам, бу дунёга келиб, қўлимдан тутган йигит сизсиз!

— Биламан, фариштам, биламан. Сизга шайдолар сон мингта. Аммо менга худойим сизни муносиб кўрган экан, минг шукрлар айтаман ва сизга муносиб ёр бўлишга ҳаракат қиламан!

Азимжон кечагина бир китобдан Амир Умархон ва Нодирабегим ҳақидаги ўша афсонавий воқеани ўқиган эди. Ҳозир шу эсига тушиб, уни хаёлан кўз олдидан ўтказди. Ана, Амир билан Нодирабегим гап талашиб қолдилар. Шоира ҳақ, аммо Амирнинг паст кетгиси йўқ. Ахир у Хон, мамлакат ҳукмдори. Хотинига сўзини ўтказа олмабди, деган гаплар тарқалса, оғзи катталар олдида нима деган одам бўлади?! У тутакди, ёнди, аммо ўз жуфти ҳалолтини сўзига кўндира олмади. «Маликам, сўзингиз шу экан, рухсат сизга, Салтанатимиз саройидан ўзингизга ёққан хоҳлаган нарсангизни олинг-да, юртингизга жўнанг!

Нодирабегим бу сўздан сўнг бўйинини эгиб, жим қолди. Амир аччиқма-аччиқ базму жамшидда иштирок этиб, ярим кечагача кўнглини чоғлашга ошиқди, аммо на егани татиди, на ичгани, қайтага толиқиб, хобхонага кирди-ю, тўшакка таппа ташлаб, уй-қута кетди... Бир маҳал кўзини очса, қўш отли фойтунда бийдек дала ўртасидан кетиб борар, ёнида эса Нодирабегим жиддий боқиб ўтирарди.

— Қаёққа кетяпмиз? — ҳайрон сўради Амир.

Нодираи даврон бамайлихотир жавоб қилди:

— Андижонга!

Хон аччиқданиб:

— Мен сизга ўзингиз Анжон кетинг, деган эдим. Мени ҳам олиб кетинг, деган эмасман!

— Тўғри, олампахо! — деди Нодирабегим вазмин ва жиддий оҳангда. — Ҳукмингиз вожиб: салтанат хазинасидан ўзинг учун қимматли нарсани олиб кет, дедингиз. Мен учун салтанатдаги бебаҳо бойлик — Сиз бўласиз! Ўша хазинани ўзим билан олиб кетмоқдаман!

Хон ўрнидан туриб, фойтунни орқага қайтарди.

...Маржона унинг юзига тикилди:

— Намунча ўйга чўмиб қоляпсиз? Ё мени деб?!..

— Йўғ-э, мен Нодирабегимни эсладим! — у воқеани гапириб берди. — Бизнинг оналар ана шундай доно бўлишган. Бундай тадбирни фақат доно аёлгина ўйлаб топади. Сиз ўша доно оналарнинг вакиласиз. Сизга шунинг учун ҳам ишонаман!

Маржона жилмайганча унинг ёнига келди. Азимжон оппоқ қўлчаларини ушлаб:

— Юринг, ташқарини айлантириб келаман! — деди қувноқ ва ўктам овозда. Сафтоевнинг дағдағасини эслаб, оёқлари қалтираса-да, «қўрқангга қўша кўринар, қўлларидан келганини қилишсин, нари борса, ўқишдан ҳайдатади, лекин бахтим учун энди орқага чекиниш йўқ», дея ўйлади ва ҳозир худди Алпомишдек ўзини кучли ва иродали сезди. Куч ва ирода бор экан, йигитнинг йўлини ҳеч қандай ров тўсолмайди, улкан қора чўққилар ҳам унга писанд эмас!

Бу йил куз офтобли келди. Кундузлари ҳарорат ўртача: на совуқ, на иссиқ, эрталабки салқин шабадалар танга мумиёдек ёқади; тушга келиб ҳаво бир оз исийди, аммо саратондагидек, баданни жизиллатиб куйдирмайди; кечқурун эса осмон тўла юлдуз, ғир-ғир салқин шабада эсади; бу пайтларда Талабалар шаҳарчаси йигит-қизлар билан тўлади. Ҳар оқшом ўйин-кулги, мусиқа, турли учрашувлар, йиғинлар; бу ерда ҳаёт қайнайди, унинг ўзи бир мамлакат, унда қариялар ҳам, болалар ҳам, ота-оналар ҳам йўқ; ўзга сайёралик яшил майдончага қўниб, бир зум бу ерларни айланса борми, ерликларнинг ҳаммаси ёш йигит-қизлар экан, умуман, қаришмас экан, дея ҳайрон қолишади.

Азимжон дўст-душман бор дея, ичкари бино ёнидаги тахта ўриндиқни танлади:

— Ана шу ерда ўтирамиз! Ғанимларимизнинг танимагани маъқул. «Ўзингга эҳтиёт бўл, дўстларингга кулги бўлма!»

Маржона секин шивирлади:

— Сал бошқачароқ эди?

— Мақол ҳам шароитга қараб тўқилади.

— Ҳм, тушундим!

— Тушунган кишининг садағаси кетай! — Азимжон хат ҳақида гап очиш мавриди келганидан мамнун бўлди. — Хат ёзиш шартмиди?! Бугун шарманда бўлишимга оз қолди.

— Наҳотки?

Азимжон бор гапни айтиб берди. Маржона қулоқларини ушлади:

— Вой шарманда, Сизни хижолатга қўйибман. Хат ёзмай ман ўлай!

— Сизни тушунаман, қиз боласиз, ҳамма гапни очиқ айтолмайсиз. Ваҳоланки, ман йигит бўлатуриб ҳам сизга баъзи гапларни айтишга ийманаман.

— Ана кўрдингизми?

— Лекин гапингиз бўлса, бундан кейин ўзимга айтинг!

— Ман хато қилибман, бугун шаҳар кетсам, гапларимни тезроқ етказолмайман, дея хат ёза қолдим. Хуршида ўлгур ҳам тўғри тушунтирмаган кўринади.

— Ичида сизга тегишли гап бор, деди. Мен ҳам нотўғри тушунибман. Хуллас, иккимизнинг қовун туширишимизга оз қолди. Аммо ақлингизга қойилман, яхшиямки, остига имзо қўймабсиз. Имзо қўйганингизда, ҳозир бутун университет иккимизни ғийбат қилиб турган бўларди.

Сокина Ҳанифа билан уларнинг орқа томонларидан ўтиб, йигирма метрлар наридаги тахта ўриндиққа чўкишди. Чироқ ёруғида улар аниқ кўриниб турар, нигоҳлари уларга қаратилган эди.

— Қўриқчиларингиз ҳам жойида! — деди Азимжон мамнун бўлиб.

— Бунақа садоқатли дутоналарни бошқа топмасам керак!

— Сизни шунчалик яхши кўришади.

— Қўлимдан келган ёрдамимни аямайман, энг чиройли сўзларим уларга аталади. Туғилган кун, Янги йил, Наврўз, Мустақиллик байрамларида совға-салом қилишни, ҳурматларини жойига қўйишни қанда қилмайман!

— Зўр экансиз! Бахтли инсон эканман!

— Бахтли бўлинг, Азимжон ака! Сиз бахтли бўлсангиз, мен саодатли яшайман!

Сафтоев қўшни ётоқхонадан чиқди. Азимжон тараддудга тушди:

— Кетамизми?

Маржона унинг қўлларини босди:

— Йўқ, ўтирамиз! Ундан қўрқадиган жойим йўқ! Мен озод мамлакатнинг, қонуни бор жамиятнинг қизиман! Финг деб кўрсин!

Азимжон бўшашиб, жойига михланди. Офат, офат! Сафтоевни кўриб, қилт ҳам этмади. Ваҳоланки, уни ҳурмат қилмасаларда, соясидан ҳуркишади. Қанча талабаларни университетдан ҳайдатган, ётоқхонадан қувган, бадном этган кимса. Айбингизни топса, кечириб ўтирмайди.

— Бир кун мени ҳам бу ерлардан қувиб солмасайди!
— Қувиб бўпти! Мен борман-ку! Қаерга, кимга боришимни ўзим биламан!

Азимжон энди ёнида бояги хонада тортиниб гапирган, уятчан қизни эмас, оловдек ёнаётган ҳақиқий Офатижонни ҳис эта бошлади. Бир қарасанг ундан андишали, иболи қиз йўқ, бир қарасанг тоғни уриб талқон қиладиган Барчинойга ўхшаган дев қизни кўрасан! Офат деганларича бор. Бундай шаддодлигини кўриб, Офат, дейдилар. Ҳуснига қараб эса, Офатижон, дейдилар. Шу сенга умр йўлдош бўлмоқчи!.. Ичидаги одам яна садо берди: «Қўрқма, бунақа қизлар жуда вафодор бўлишади. Энг манфур эркак ҳам унга қўл теккизолмайди!»

Азимжон ёнида шундай довурак суюклиси борлигидан мазза қилди. Эр йигитнинг обрўси яхши хотинга боғлиқ. «Эрни эр қиладиган ҳам хотин, қаро ер қиладиган ҳам хотин». Халқ библи айтиди. Худоки шундай Офатни унга рўпара қилибдими, дўпписини осмонга отмайдими?!

— Эртага ҳам шаҳар тушасизми?

— Рухсат беришингизни хоҳлардим. Сизнинг олдингизда юзим ёруғ бўлишини истайман!

— Майли, розиман. Кўп сиқилманг! Бу гапни такрор-такрор айтаяпмиз!

— Дунёда тухматдан ёмони йўқ, деганларига ишонмасдим.

— Энди ишондингизми?

— Ишондим! Ҳали мен уларга шунақа антиқа томошаларни кўрсатаманки...

— Ўзингизни уринтирманг!

— Ҳаётда ёмонларга қарши курашмаслик ҳам катта гуноҳ, эканлигини энди англадим!

Унинг бу гапи Азимжонни ўйлантириб қўйди. У — даврдан ошган қиз, кўп нарсаларга ақли етади. Тириклик олдидаги инсоний бурчини чуқур ҳис этипти. Бурунги замонларда Барчиной шунақа алп қиз бўлган. Қонида бор-да. Бу ҳам ундан қолишмайди-ёв!

Маржонани эсноқ тута бошлади.

Азимжон унинг қўлидан ушлаб:

— Турдик, чарчабсиз! — деди.

ХП

Сафтоевнинг жаҳли чиқса, бурни қизаради. Сатти Тўра тоғасининг шолғомдек қизарган бурнига тикиларкан, бунчалик куйиб-пишаётганининг маънисига ҳалигача тушунган эмас. Нега бунча унга ёпишиб олди? Ўша битта Офатижонни дебми? Барибир, эрта-индин нон синдирилади. Лекин тоғаси наmunча жизг-анак ёнмаса!

— Тоға?..

Ниҳоят, у панд-насиҳатини тугатгач, мақсадга кўчди:

— Гап шуки, жиян, ўрисларда бир мақол бор: «обрўни ёшлиқдан эҳтиёт қилиш керак!» Раз, шу гап оғзимиздан чиқиб, ўша қизни келин қиламиз, дедикми, орқага қайтиш йўқ. Хў-ў-ш, мен сенга айтсам, сўтакни огоҳлантириб қўйган эдим. У баччағар бўлса ҳамон унинг ортидан судралиб юрибди. Кеча қизлар айтишди, «домла, ана у савдойи келинингизнинг ортида келяпти!» дейишди, ер ёрилмади, ерга кириб кетсам... Сан, жиян, яна бу гапимдан оловланиб, уни бир нарсга қилиб қўйма. Ўртоқларингга ҳам бу тўғрида гапирма! Яна икки ўртада бир гап чиқиб, бошимизга бало ёғилмасин! Аввал уни йиғиштириб келайлик. Келинни! Кейин ўша сўтак билан ўзим гаплашиб қўяман. Пайт пойлаб юрибман. Бир баҳона топилди, дегунча, университетдан думини тугаман. Ман унинг суробини тўғирлаб қўяман. Хоў-ў-ш!.. Раз, Сафтоевнинг гапини олмадимми? Энди ўзидан кўрсин. Аммо сан, жиян, қайлиғинг билан яхшиликча гаплашиб қўй. Ҳозирча паст тушиб тур. Дипломатия қил. Зўр келганда, пошшолар ҳам бўйин эгиб туришади. Сен ҳам шундай қил. Бир-икки кун паст кетсанг, бирор тукинг камайиб қолмайди. Уйга олиб келгач, уни ўзимиз тарбиялаймиз. Ундан яхши уй бекаси чиқади. Маҳалла-қўй ҳам қараб турибди. Қани, булар қанақа келин қиларкин, деб!.. Хў-ўш!.. Тушундингми?

Сатти Тўранинг дўрдоқ лаблари осилиб тушди. Шунча гаплар орасидан биргина қизларнинг «...ана у савдойи келинингизнинг ортидан келяпти» деган гаплари миясига маҳкам ўрнашди. Бу нима деган гап? Нега бурнини тикади? Эрта-индин уйланмоқчи эканлигимни билади-ку! Нега бундай қиялпти! Маржона туппа-тузук эди. Ўша... ўша йўлдан урди. Қиз дегани лақма бўлади. Биттаси Хуршида эдими? Икки оғиз ширин гапириб, машинасида уч-тўрт кун сайр қилдирган эди, пахтадек юмша-

ди-қолди. Йигитларнинг ҳар гапига лаққа ишонган қиздан аҳмоғи йўқ. Ҳе-ҳе, қўлдан ўтгач, бўлди-да, додини азроилга айтмайдими?... Лекин шунақа лақма қизларга юрагинг ачийди. Сен алдадингми, бошқалар ҳам уни алдайди. Яна алданади. Яна ва яна. Кейин кўрибсизки, йигитлар билан юриш улар учун оддий ҳол бўлиб қолади. Тўшакнинг бир ҳавосини олган ожиза қайта-қайта ўртаниб, кўнғил хоҳишининг қулига айланади. Хуршидани ҳар кўрганда, бир эзилади. Аммо ўзидан кўрсин, ўзи қадамини билиб босмагандан кейин... унга нима? Аввалига, бир-икки кун ошиқ-мошиқ бўлиб юргач, севгандай бўлди. Аммо Маржонани кўриб, фикри бутунлай ўзгарди. Оҳ, оҳ, ана қиз-у, мана қиз. Сутта чайилганми, нима бало. Нозик қошлар, тиниқ юз юрагини сел қилди. Биттасига қармоқ ташлаб, тўшакни кўриб, оқ-қорани таниган эмасми, Маржонага қармоқ ташлай бошлади. Илиниб турибди. Ўртадан сўтак чиқмаганда, иш силиққина кетиб турувди. Яна бир машинасига миндирса, қўлга илинади!

Сафтоев унинг юзига тик боқди:

— Ов, тушундингми, хаёлпараст!

Сатти Тўра илондек вишиллади:

— Тушунмай ўлибманми, тоға!

Сафтоев папкасини қўлтиғига тикди. Бу унинг «тур, жўна, мен дарсга киришим керак!» дегани эди.

— Хў-ш! Дарсингга кир, сен ҳам. Яна сандирақлаб юрма. Лекин бугуноқ Маржона билан гаплашиб қўйиш эсингдан чиқмасин. Хў-ўш, ўзинг сўтакка яхшилаб тушунтириб қўй! Аммо мушт ишлатма, тиш қайрама! Беозор тушунтир! Ўртоқ, сан яхшисан де! Биз унга яхшилиқни истаймиз! Ёмонликдан худо сақласин, жиян! Хў-ш, тушундингми?

Сатти Тўранинг қўллари мушт тугилди. Кўрсатиб қўяди унга! Кўрсатиб қўяди! Ким билан ўйнашаётганини биладими? У тоғасининг кабинетидан чиқиб, дарсга кирмай, тўғри машинаси томон юрди. Ўша Азимбаччанинг бурнини яхшилаб тупроққа ишқалаб қўймаса, кўнғили сира тинчимайди.

ХIII

Хонага келганда бугун Олим полвон жойида эди. Ҳеч нарса-ни тушунмаган Азимжон:

— Режа ўзгардими? — сўради ҳайратланиб.

— Ўзгарди! — жавоб қилди Олим полвон кулиб.

— Нимага?

— Тўғриси, мен ҳам билмайман. Буни фақат Офатинг билади. Яна нима балоларни ўйлаб топади, ёлғиз ўзига-ю, худога аён! Лекин унинг ўзи бизга рухсат берди. Биз Хуршида билан театрға бориб келамиз.

— Яхши бориб ке, жўра!

Олим полвон ярим соатдан сўнг ҳаворанг янги костюм-шим, оқ қўйлак ва олача оқ қора бўйинбоғ тақиб, театрға кетди. Хона ҳувиллаб қолди. Азимжоннинг назарида, бутун кун совуқ бўлди. Маржонани излаб бораё деса, оёғи тортмади. Балки қизлар билан яна шаҳар чиқиб кетгандир. Ётоқхонада навбатчи совуқ башара аёл бўлса, урди худо, кайфиятини бузиб нима қилади. — Тинчгина хонада ўтиргани маъқул эмасми?! Қизини синаб кўрди, ўзини бегоналарга тутқазиб қўядиганлардан эмас. Офат, ҳақиқий Офат!

Қанча ётди билмайди, кўзи илинган экан, эшик тақиллаб, уй-қуси қочиб, ўрнидан туриб кетаёзди. Маржона бўлса-я!

— Ким?

Бўғиқ овоз эшитилди:

— Мен, қўшнингиз! Иффатбекман!

Азимжон эшикни очди. Тўла юзи, хўрознинг тожисидай, қип-қизил, сал қориндор, гўндалак йигит — қўшни хонадан, уларнинг ўнг ёнида яшайдиган Иффатбек уни кўриб тиржайди:

— Э тасанно, бундай қўшни-пўшнини йўқлай ҳам демай-сиз!.. Олимтой қани? Олимтой?

Азимжон унга йўл бўшатди:

— Келинг!.. У шаҳарга кетган эди. Ишингиз бормиди?!

Иффатбек хонага кўз югуртирди:

— Раҳмат, Азимжон! Бекормисиз?

— Нимайди?

— Кийининг! Бир жойда ош бор! Олимжон бўлганда, уни ҳам олардик. Ўртоғим уйига кетган. Бир ўзим... сўққа бош бўлиб, ошга боргим келмай турибди. Юринг, менга ҳамроҳ бўлинг!

Азимжоннинг оёғи тортмади. Маржона томон талпинаётган қалби: «Борма, борма!» дея садо берди.

Иффатбек уни қистовга олди:

— Бўлинг тезроқ!.. Жуда зериккангга ўхшайсиз. Бунақа «напрежённи» юрманг, юракни эзиб қўясиз. Одам дегани сал очилиб ҳам туриши керак. Рангингизни қаранг, заҳил тортиб кетибди.

Юринг, ундан кўра... бир чақчақлашиб келамиз! Мировой дўстларим бор, таништираман! Кийина қолинг!

— Хўп, ҳозир! — деб юборди Азимжон.

Иффатбек эшикни қулфлади:

— Мен пастда кутиб тураман! Туша қолинг!

Азимжон «хўп» дея бош силкиб, ичкари кирди-ю, бир муддат ўйланиб қолди. Маржона йўқлаб келиб, тополмаса ёки зарурроқ иши чиқиб қолса, нима бўлади?! Борсами, бормасами?! У беихтиёр кўча кийимларини кия бошлади. Иффатбек пастга тушиб кетди. Бормайман, деб аввалроқ айтиш керак эди. Қулоғи остида унинг «рангингиз заҳил тортиб кетибди» деган сўзлари янграган экан, бу кунларда анча қисилганини тан олди. Ҳақиқатан ҳам, анча қисилди, анча толиқди. Ҳали ҳам, безгак тутгандек, қақшаб юрибди. Борса борибди-да! Ош еб, гурунглашиб, янги дўстлар ортириб, сал ёзилиб келади.

Куёш ботишига анча бор. Ҳарорат ўртача. Шаҳарча гавжум. Дарс тугагандан сўнг ҳовли, кўчалар йигит-қизларга тўлади: кимнингдир қўлида елим халта, нон дўкондан қайтмоқда, кимдир кутубхонадан келяпти, қўлтиғида китоб; иссиқ сомсанинг ҳиди димоққа урилади.

Иффатбек бурнини жийириб, ҳавони искади:

— Бай-бай, сомса пишди шекилли! Ҳидини қаранг, қориннинг ҳам пўстаги чиқиб кетди!

Азимжон катта йўлга чиқиб, бекатда у билан ёнма-ён турар экан, шу мешполвоннинг ҳам ташвиши бормикан, деб ўйлади. Нуқул чойхонама-чойхона юради. Калла билан эмас, дунёни қорин билан ўйлайди шекилли.

Оқ «матиз» уларнинг ёнида тўхтаб, қўнғиз мўйлов йигит улар томон эгилди:

— Қаёққа, укалар!

Иффатбек ҳиҳилади:

— Салом, ака!.. Бешёғочга! Беш... ёғочга!

— Ваалайкум ассалом! Ўтиринглар!

Иффатбек «қани, марҳамат» дегандек, Азимжонга мулозамат қилди. Ўтирдилар. Машина ўрнидан енгил қўзғалди. Ҳайдовчи йигит ойнани Иффатбекка тўғрилаб қўяркан:

— Дўстим, мендан хафа бўлманг-у, сўрашишни яримта қилмайдилар! — деди ўпкаланган бўлиб. — «Салом» эмас, «ассало-му алайкум» дейдилар. Ҳойнаҳой, талаба бўлсангиз керак!

Иффатбек ёқимсиз товушда ҳиҳилади:

— Ҳарқалай, қассоб эмасмиз! Аммо ёмон гап айтмадик!

— Йўқ, дўстим, мен Сизни ёмон гап айтдингиз, деганим йўқ. Одобли бўлинг, демоқчиман! — Ҳайдовчи қовоғини уйиб, газни босди ва Бешёғочга етгунча миқ этмади.

Иффатбек чаққон ҳолда чўнтагини ковлаб, пул узатди ва кабина эшигини қарсиллатиб ёпар экан:

— Қайтими керак эмас! — деди бурнини жийириб.

Ҳайдовчи кабинани очиб, пулнинг ярмини қайтарди:

— Олинг дўстим, ҳаққингиз керак эмас!

— Йўғ-э, ака, нима деяпсиз!

Ҳайдовчи:

— Олмасангиз, хафа бўламан! — деди қатъий оҳангда.

Иффатбек яна беўхшов ҳиҳилади.

— Э, шунақами?.. Ҳай майли! — У пулни чўнтагига тикди ва машина нари кетгач: — Муллавачча дейман! Ақл ўргатишини қаранг: олиб юрганингни бил, ўргилдим сендақа тошбақадан! — деди жириллаб.

Азимжонга унинг жириллаши, беўхшов ҳиҳилаши, ҳайдовчининг ортидан норози тўнғиллаши ёқмади. Бировнинг ортидан норози бўлиш қалбга ханжар уриш билан баробар. Бир ёмон гап яхшининг бошида калтак бўлиб синиши мумкин. Хоҳ олдида, хоҳ кетида яхшилик ишташ керак одамларга. Унинг ортидан оғрииб йўлга тушар экан, беҳуда келдим, деб ўйлади. Миллий бондарвозасига етгач, Маржона билан бу ердан ўта туриб, айтган гапларини эслади. Ўшанда... кўл бўйида, илиқ кунда... эҳтирослар... энг қизиги ит ҳодисаси! Қизиқ бўлган эди ўшанда. Демак, ўша ит ошиқлар қўлидан овқат ейишга ўрганиб қолган. Ҳу, таъмагир-ей!.. Йўқ, у таъмагир эмас. Таъмагир деб, ишингиз тушган амалдорнинг қўлингизга қараб умидвор бўлганига айтилди. Бу эса текинхўрликка ўрганган махлуқ. Оддий рефлекс. Яна ўрганиб олганини қаранг!

Иффатбекнинг гапи унинг хаёлини бўлди:

— Бу жойларга гап йўқ! Одам роҳат қилади.

Улар кема ичига киришди. Бурчақда ўтирган кўримсиз хира сочли, юзига қора мой суртилгандек қорамтир йигит уларни кўриб, пешвоз чиқди:

— Танишинг, адашим Иффатбек! — Унинг кўзлари совуқ эди. Шу нарса Азимжонга ёқмади. Иффатбекнинг адаши унинг

тескариси экан, деб ўйлади ва негадир ундан жирканди, яхши йигитга ўхшамайди, топган дўстини қаранг, дея ётоқдошига норози қараб қўйди. У шу ёшга кириб кўп кузатган: кўзлари совуқ, юзи қорайиб кетганларнинг кўнгиллари тоза бўлмайди, ёмонлиги ўзига урибди, деган сўзни «юзига урибди» дея қўлаш мумкин. Худо ҳар бир бандасининг қилган савоб ва гуноҳ ишларига қараб, юзига ранг беради. Фаришта юзли киши билан юзи совуқ нокасининг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Нокас эса зимдан тиш қайрайди. Бу ҳам ўша нокаслардан эмасми?!

Қорача Иффатбек тиржайганча уни тўрга таклиф этди. Азимжон «мен ошириб юбормадимми, ҳар нарсадан шубҳаланадиган бўлиб қолибман», дея ўйларкан, «йўғ-э, яхши йигитга ўхшайди, ҳамма қорача юз кишилар ёмон бўлаверадими, қўйсанг-чи бевурд ўйларингни» дея эҳтиросини босишга уринди.

Бека қиз нон, чой келтирди. Қорача Иффатбек унинг сонига шапатилади:

— Тезроқ қимирла, ойимқиз! Чойнинг оқидан ҳам келтир! Айт, гўштни яхшилаб қовурсин!

Бека қизнинг лаблари чўзилди, аммо «кўпни кўрган» нигоҳи унга важоҳатли боқди.

Азимжоннинг жаҳли чиқди. Сурбет экан. Кўпчилик олдида қиз болани шунақа шарманда қилиш шартми? Ўйлови тўғри: қилиғи хунуклиги юзидан маълум, уни оппоқ деб ўтирибди, зумда ўзининг кимлигини билдириб қўйди.

Муסיқа янграб, қайсидир чет эл хонандаси томоқ йиртиб, кучаниб куйлай бошлади. Қўшиқнинг сўзларини умуман тушунмасаларда, нариги столда ўтирган икки йигит билан бир қиз бошларини ноз билан қимирлатиб, ўзларича мазза қилишмоқда эди. Қўшиқнинг сўзларини тушунмасанг, мазмунини англаб етмасанг, уни эшитишнинг қанақа мазаси бор?! Ундан кўра, ўз тилингдаги қўшиқларни эшит: ана мазза-ю, мана мазза! Иккинчи томони, ўша ажнабий бақироқ хонанда сенинг она тилингда куйланган қўшиқлардан лоақал биттасини тоқат қилиб эшитармикан?! Ишончи комилки, эшитмайди. Эшитиш у ёқда турсин, ҳатто шунақа қўшиқлар борлигини хаёлига ҳам келтирмайди.

Бека қиз катта қора патнисда помидор, бодринг, қатиқ келтирди. Битта оқ ароқни, қизил винони ўртага тақ этиб қўйди.

Қорача Иффатбек:

— Олдин рюмкаларни келтирмайсанми, галварс! — дея унга ўқрайди.

— Қизчани хафа қилманг, Иффатбек! — деди Азимжон уялиб, тумшайган қизга қараркан.

Қорача Иффатбек қиз нарироқ кетгач:

— Бу безбетларни яхши биламан, сўкиб турмасанг, бир тийинга олишмайди, тўйиб бўлишган! — дея унга қараб тиржайди «сиз билмайсиз буларни» деган маънода.

Уч қиз ва икки йигит виқор билан уларнинг ёнига келиб, тап ўтиришди. Йигитларни қаердадир кўрган, юзлари таниш. Қаерда кўрган эди?.. Шошма... булар театрда «хунар» кўрсатган «думлар»-ку! Бу ерда нима қилиб юришибди?! Мақсади нима уларнинг? Бирор қилғиликни бошламоқчи эмасмикан?! Иффатбек «юр» деса, келаверди. Шубҳага ҳам бормади. Бу кунларда қадмини билиб босгани афзал эди. Сал хатога йўл қўймадимикан?!

Мўйловли йигитнинг бир оз кайфи бор эди, унга тикилиб қаради, лекин индамади, қизларга суйкалиб, уларга тегажовлик қилди. Қизларнинг икkitаси тор шим кийган, киприклари узун, қоп-қора, лабларига қуюқ қизғиш бўёқ суртган, кўзлари ёлқинли, анча олифтанамо, димоғдор кўринар, биттаси сигарет тутатди, учинчиси — одмигина қизғиш кўйлак кийган, кўринишидан анча содда қиз унга ажабланиб тикилди ва тамакининг қўланса ҳидидан кўнгли озди шекилли, тескари қараб, оғзи-бурнини ёпди.

Сигарет тутатаётган қиз уни мазах қилгандек, ҳиринглаб кулди:

— Ҳа, Нигор, жонингни ачиштирдими?! Ничего, попугим, ўрганиб кетасан! Нима дединг, Зуличка!

Унинг ёнидаги ингичка қош дугонаси:

— Бунақа давраларга энди кирганлар бошида шунақа сал қийналишади! Гуля, ўзинг-чи? Ўзинг? Бошида...

— Бўлди, бўлди, сайрама... бу ерда бегоналар бор!

Азимжон бошини кўтарди. «Бегона» деб уни айтди. Уларнинг даврасига энди қўшилган содда қизга қараркан, «эсиз, буни ҳам йўлдан уришибди» дея унга ачиниб қаради. Ўзи ювошгина, мулойимгина экан. Турмушга чиқса, бир оилани бемалол эплайди. Эҳ, бу қизлар!..

Мўйловли йигит қизларни қучоқлаганча яна Азимжонга тикилди:

— Сиз билан танишмиз шекилли, дўстим! Кўзимга иссиқ кўринаяпсиз!

Азимжон маъноли қулди:

— Албатта, танишмиз! Наҳотки театр фойесини эсдан чиқарган бўлсангиз?

— Ҳа.. ҳа, эсладим! Бўлди, бўлди!.. Ўшанда биз сиз билан жуда самимий гаплашган эдик. Мен Сизни бир кўрганда Саттига «яхши йигит экан, хафа қилмайлик» деганман. Одатда биз бунақа разборларни сал бошқача қиламиз. Шунга... бизни, узр, дўстим, эсимдан чиқай дебди. Яхши юрибсизми?.. Биров бу томонларда гиринг деса, бизга айтинг... бу томонлар бизни участка. Сағбонлик Кўкал деса, ҳамма танийди. Лубойи билан гаплашиб қўяман! Фақат мана бунақа жонон қизлар билан эмас! — У тамаки тутатаётган қизнинг биқинини ўйиб олди. — Гуличка?.. Зўрсан-да! Мировой! Ҳали сендақа темпераментнийсини учратганим йўқ!

Гуля унинг қўлига шапатилади:

— Эй, эй... тише! Чегарадан чиқманг! Бу жамоат жойи!

— Гапниям энасини топасан, Гуля, кел битта ўпай!

— Бешталиқ керак эмасми? Қарсиллаганидан!

Қорача Иффатбек ўзини четга олди:

— Сани жиннилингиг тутмасин! Орқанг борми, нима бало?!

Гуля пихиллаб қулди. Зуличкаси маникюр қилинган қўлини қип-қизил қалин лабларига босиб, эгилганча тиржайди.

Азимжонга бу давра ёқмади. Бир чеккада жимгина ўтириб, уларни кузатди. Шу ҳам ҳаётми? На маъни бор, на мазза. Бир оздан сўнг шўх мусиқа янграб, улар рақсга тушиб кетишди. Содда қиз ийманганча жойида қолди. Гуля югура келиб, қўлидан тортган эди, «керакмас» деб оёқ тиради. Дутонаси: «Ну, бедняшка, сиди!» деганча шатир-шутир юриб ундан нари кетди ва беҳаёларча иргийётган оломоннинг ўртасига ўзини уриб, қорача Иффатбекка суйкалганча рақсга тушиб кетди. У ҳар даъфа ортига ўтирилиб, шу томонга кўз ташларкан, «кўриб қўй, сенга қанақа наъма кўрсатаман» дегандек, нозик белини араб раққосаларидек, беҳаёларча силкитиб, муқом қилар, ўзига қараб сузилаётган йигитларнинг фахшона қийқириқларидан лаззатланиб, кўзини сузганча бутун баданини силкитиб, елкаларини учуриб давра айланарди.

Азимжон кўз қири билан содда қизга қараркан, дугоналарининг бемаъни, беҳаё қилиқларидан уялпти, деб ўйлади. Сўнг Гуля деганларига қараб, «белни силкитиб ўйинга тушиш қаердан пайдо бўлди? Гуляга бунақа рақсга тушиш сира ярашмасадан, ўзига шуни раво кўрмоқда» дея ундан кўзини олиб қочди.

Беҳаёлар!.. Бу табақа наmunча хорижпараст бўлмаса!.. «Хориж-параст!» Тўғри, хорижпараст! Уларни шундай аташ керак. Бу атама ўшаларга мос. Шу тўғрида бирор мақола ёзса бўлар экан. Бу сўзни тезда истеъмолга киритиш лозим. Нега бу тоифа заифалар бунчалик «хорижпарастликка» муқкасидан кетишади? Нега уларнинг имони бунчалик суғуст?

Содда қиз кўзларини ерга тикди.

Азимжон уни зериктирмаслик учун гапга тутди:

- Сиз улар билан бирга ўқийсизми?
- Мен талабаман! Улар ўқишмайди. Яқинда танишдик.
- Кечирасиз, сўраганнинг айби йўқ: исмингиз нима?
- Дилором!

— Ўзингизга яраша чиройли исмингиз бор экан. Нега бу оломонга қўшилиб қолдингиз?

— Ўзлари қўймай олиб келишди. Ўтирамиз, сал дам оласан, дейишди.

— Мени кечирасиз-у, улар сизга мос эмас. Ҳа, дарвоқе, қаерда ўқийсиз?

- Маданиятда. Улар ҳам институтга тез-тез бориб туришади.
- Ўйнаганими?

— Танишлари бор. Иккитаси мен билан ётоқда туради. Улар уйига кетишган эди. Мени судраб олиб келишди.

— Акалик маслаҳатим шуки, синглим, — Азимжон унинг салимий, содда нигоҳига боқди, — бу учар ниначиларга қўшилмаганингиз маъқул. Сиз ниҳоятда бамаъни, камтар ва ҳалол қизга ўхшайсиз!

— Ўзим ҳам бекорга келдим, деб турибман. Менинг даврам эмас экан бу! Куюнчақлигингиз учун раҳмат сизга.

— Мени ҳам маъзур тутасиз, ўзингиз?..

Азимжон ҳам ўзини таништирди. Айрим йигитларга ўхшаб унга «тўққиз қўймади», ростини айтди ва қизга зардоли шарбатидан қуйиб бераркан, «олинг, ичинг, ана уларнинг беҳаё рақсидан кўра, бунинг юракка фойдаси кўпроқ» деди кулиб.

Қиз унинг қора ипақдек майин қошларига, содда, беғубор кўзларига, бир текис, силлиқ, лўппигина юзига зимдан разм соларкан, жуда бамаъни, ўктам ва чиройли йигит экан, дея кўнглидан ўтказди. Азимжоннинг соқоли ўрни оч кумуш упаси суртилгандек билинар-билинемас кўзга ташланиб турарди. Қизга бу ёқди. «Ажиб-а!» дея яна ўйлади қошларини чимириб.

Ўйнаб, ирғиб чарчаган ва қуюқ терга ботган оломон дув келиб, стулларнинг белларини қисирлатишди. Қўланса ҳид димоққа урилиб, кўнғил айнаиди. Стуллар майишиб ғийқиллаб кетди. Секинроқ ўтирса ҳам бўлади. Ҳатто буларнинг ўтиришида ҳам назокат йўқ. Азимжоннинг улардан тамом ҳафсаласи пир бўлиб, бу ердан тезроқ кетиб, Маржонаси ёнига учиб боргиси келиб қолди.

Осма соат ўн бирга бонг урди.

Қўл атрофини минглаб ерчиروқлар оппоқ ёритиб турар, тиниқ сув юзида майин шабада ўйнайди. Бирин-кетин ҳосил бўлаётган майин тўлқинларга эътибор бериб қараркан, Азимжон бу бедаволарни кўриб, кўлнинг ҳам пешонаси тиришяпти, деб ўйлади. Ташқари чиқиб, ҳеч ким бир-бири билан хайр-хўшлашмади. Қорача Иффатбек икки қизни қўлтиклаб, пастга томон кетди. Қўшни Иффатбек нотаниш қизни етаклаб, кўприқдан ўтиб, кўлнинг нариги томонига равона бўлди. Кема-ошхона олдида Дилором билан иккиси сўппайиб қолишди.

— Сизни кузатиб қўяйми?! — сўради қиздан.

— Йўқ, йўқ! — деди Дилором ва чопқиллаганча дарвоза томон кетди.

Азимжон унинг ортидан борди:

— Тўхтанг! Ҳеч бўлмаса, таксига чиқариб юборай!

— Дўстингизни ташлаб кетасизми? Қидириб қолса-чи?

— Хавотир олманг, Сизни кузатиб, нариги томондан ортга қайтаман! У шу яқин-атрофларда бўлади, ҳеч қаёққа кетмайди.

Улар Бешёғоч майдонига чиққанларида, Муқимий театрида эндигина спектакль тутаган, кўча тўла одам, таксилар ҳам қатор турарди. Азимжон қизни етаклаб йўлнинг нариги чеккасига ўтди. Бекатнинг четида турган «Тико» ёнида дўппи кийган отахон уларга қараб турарди. Азимжон салом бериб, унинг ёнига борди:

— Яхши одамга ўхшайсиз, отахон! Шу синглимни Маданият институтига, ётоққача олиб бориб қўя олмайсизми?

Отахон кабина эшигини очди:

— Майли, ўғлим!

Азимжон қизнинг исмини айтиб чақирди ва таксичи сўрама-са ҳам чўнтагидан икки минг олиб узатди:

— Етадимми, отахон!

— Баракасини берсин, болам!

Қиз кабинага ўтирди:

— Раҳмат сизга! Боринг биз томонларга ҳам!

— Хўп! Йўлим тушганда, кирарман!

Машина ўрнидан кўзгалди. Азимжон енгил тортди. Ҳарқалай, номардлик қилмади. Ортидан келмаганда, қизнинг ўзи уни номард деб атаган ва бу гапни эртага дугоналарига айтиб, номини сотган бўларди. Энг ёмони ҳам шу: фалончи талаба одам эмас экан, дейишса, бутун Тошкент эшитиши мумкин. Ёмон гап қулоққа тез етади.

Бир тала қиз-йигитлар унинг ёнидан ҳиринглашиб, чақчақлашиб ўтиб кетишди. Спектаклдан чиқишган. Талабалар бўлишса керак. Кўчадагиларнинг деярли кўпчилиги ёшлар. Бу пайтда ҳориб-чарчаган рўзғорли одамлар икки уйқуни олишди. Талабалик даврида одам сал ўйнаб қолади. Эртага бўйинга бўйинтуруқ тушса, бу юришлар қаёқда дейсиз!

У дарвозадан ичкари кириб, энди ўнг қўл томондан пастга қараб юрди. Ифбатбекни ташлаб, қаёққа кетади. У қиз билан нари борса, кўприкнинг ён-атрофидаги стуллардан бирида эзмаланиб ўтирган бўлиши керак. Айримлар озгина ичиб олса, суйилиб қолади. Шунақа йигитларни жини ёқтирмайди. Ўзи нега келди бу ёққа? Пишириб қўйганмиди? Нима топди, мана! Нима топди? Ундан кўра, китоб ўқигани мазза эмасмиди?!

Енгил ва ёқимли шабада эсади. Қўл бир маромда чайқалади. Кичик тўлқинлар сирпанчиқ кирғоқларни шапилаб ўпади. Қаердандир қиз боланинг ҳиринглагани, «э, нари туринг!» дегани эшитилади. Азимжон товуш келган томонга қулоқ тутди. Шулар эмасмикан? Ўнгга бурилиб, қоронғи йўлакка тушди. Сал юрса, ойдинга чиқади: у томони Алишер Навоий хиёбони. Ҳована, ҳайкал. Ифбатбек ўша томонга ўтганмикан?!

Ортдан қадам товушлари эшитилди:

— Ов, йигит, сигарет борми?

Буталар ортидан икки йигит чиқди. Қоронғида уларнинг башараси кўринмасди. Савол шу заҳоти такрорланди.

Азимжон ёруққа чиқиш учун қадамини тезлатаркан:

— Мен чекмайман, йигитлар! — деди «ниятлари бузуққа ўхшайди» деган ўйда.

Йигитлардан бири чопиб келиб, унинг ёқасидан тутди:

— Пулдан борми?

Азимжон унинг қўлини силтаб ташлади:

– Қўлингни торт, менда пул нима қилсин?!

– Нега қўлимни силтаб ташладинг?

– Қўйсанглар-чи, ади-бадини!

Икки йигит уни четга судради:

– Қани пулдан чиқар! Борини бер яхшиликча!

– Менда пул йўқ!

– Гапга тушунмас овсар экансан! Кўзингни мошдай очиб қўйиш керак!

– Йигитлар, мени қўйиб юборинглар, оқибати яхши бўлмайди!

– Нима, нима? — Узун бўйли йигит унинг юзига қаттиқ тарсаки тортиб юборди.

Азимжоннинг кўзларидан ўт чақнади:

– Ҳаддингдан ошма, ҳов!

– Ур уни! — Орқада турган йигит унинг белига тепди. Азимжоннинг буйрақлари қисилиб, икки биқинида қаттиқ оғриқ турди. Булардан ё қочиб қутулиш керак, ё... у гандираклаб бориб, тахта ўриндиққа урилди. Тахталардан бири ўрнидан кўчган эди. Шарт суғуриб олди-да, ортидан чопиб келган йигитнинг башарасига урди. Йигит вой-войлаганча ортага йиқилди.

– Во сани... — узун бўйли йигит югуриб келиб, сакраганча унинг кўкрагига тепди. Азимжоннинг нафаси қайтиб, орқаси билан майсазорга ўтириб қолди. Шу заҳоти бошига зарб тушиб, кўзларидан олов сачради... қолганини эслолмайди...

Йигитлар унинг ўлиқдай чўзилиб қолганини кўриб, ваҳимага тушишди. Узун бўйли йигит атрофга аланглади:

– Қаранглар, ҳеч ким йўқми?

– Пашша ҳам йўқ!

– Сурганлар!

– Нима қиламиз?

– Энангни... шуни ҳам тушунмайсанми? Ё қамоқда чири-моқчимисан?

Улар Азимжонни сургаб, кўлга ташлаб юборишди ва дарахтлар орасига, қоронғилик қаърига ўзларини уришди.

Нариги қирғоқда дайдиб юрган ит ўзини сувга ташлади. Сув шалопплаб, тўлқинлар узоққа ёйилди. Ит етиб келганда, Азимжон сувга чўка бошлаган эди. Енгил шамол эсиб турар, вақт ҳам аламаҳал бўлиб қолганди.

XIV

Маржона ўта тушкин кайфиятда ўтирар, ранги оппоқ, қўллари шалвираб қолган. Дугоналари уйқудан тургандан буён оёқ учида юришади, тик этган товушни эшитмайсиз. Наридан-бери чой ичишиб, пардоз-андозга ҳам улгуришди. Энди улар бир имога муҳтож: Маржона боринглар деса, дарсга қатнашиб келишади, бормаса, улар ҳам кўчага чиқишмайди. Уч йилдирки, уларнинг хонасидаги тартиб-интизом бузилган эмас: бошчи нима деса, шу — кулса кулишади, йиғласа йиғлашади; ҳамма нарса ўртада, қўшни хонадагилар бундан хабардор. Буни уларнинг ҳар бири ўзича талқин этади: Офатижон дугоналарининг тизгинини қўлига олган, дейдиганлар ҳам бор. Бир қиз уч дугонасини уdda қилиб, покиза сақлаб юрибдими, қандини урсин, деганлар ҳам йўқ эмас. Бичиб-тўқишга жуда устамиз. Қанийди, шунинг ўрнига бир-биримизга меҳрибонроқ бўлсайдик. Бизлардан зўри топилмасди ер юзида.

Хуршида оёқ учида юриб келиб, унинг ёнига чўқди:

— Дугона?..

Маржона бошини кўтарди: унинг кўзлари қизарган эди.

— Сизлар бораверинглар! — деди у.

Хуршида унинг тўзгиган сочларини силади:

— Бирор жойга кетгандирлар, келиб қоладилар!

Маржона қўлидаги рўмолча билан лабларини артди:

— Менга айтмасдан кетиб қолмасдилар. Бир гап бўлган.

Кўнглим сезиб турибди!

Хуршида Сокина билан Ҳанифага қараб, «боринглар» деган-дек имо қилди.

Маржона ўрнидан турди:

— Бундай ўтиришдан фойда йўқ! Нимадир қилиш керак! Сатти Тўрадан хавотирим бор. Унинг қўлидан ҳар бало келади.

Сокина билан Ҳанифа остонада тик қолишди.

Маржона оппоқ сочиғини, тиш пастасини қўлига олди:

— Сизлар дарсга бориб келинглар! Хуршида, сен ҳам бор, дугона!

Хуршида бошини сарак-сарак қилди:

— Йўқ, йўқ, мен қоламан. Сизни ёлғиз қолдирсам, дарс ҳам кулоққа кирмайди.

— Майли, сен билан унда бир-икки жойга бориб келамиз.

Сокина:

— Бизни хавотирга солиб, кўчада узоқ қолиб кетманглар!

Хуршида:

— Сизлар ҳам Азимжонни суриштириб кўринглар! Балки бирор гап чиқиб қолар! — дея тайинлаган бўлди ўзича.

— Хўп!

Қизлар дарсга чиқиб кетишди. Хиёл ўтмай эшик тақиллади. Хуршида югуриб бориб, ташқарига қулоқ солди:

— Ким?

Олим полвоннинг ҳансираган овози эшитилди:

— Мен, менман! Танимадингизми, Хуршидабону!

Қиз хурсанд бўлганини яшира олмай Маржонага қараб табассум қилди ва майин, ширали оҳангда:

— Олим акам! — деди оғзини тўлдириб.

Маржонанинг унга ҳаваси келди: севган йигитинг қидириб келса, бағринг тўлиб, ўзингни салкам хонзодалардек ҳис этасан. Қанийди, Азимжон акаси ҳам лоп этиб кириб келсайди.

Хуршида эшикни очди-ю, «Вой, Олим ака!» дея унга юзма-юз турди, Маржона бўлмаганда, албатта, бўйнига осиларди.

Олим полвон уни ёнлаб ўтди:

— Яхши ўтирибсизларми? Ман бир минутга... — У эгилиб Маржонага қаради. — Яхшимисиз?.. Ҳалиги бир нарсани аниқладим: охири марта Азимжон қўшнимиз Иффатбек билан чиқиб кетган экан. Иффатбекни суриштираман, қишлоғига кетибди. Эрта ё индин келаркан!

Маржона дастлаб унинг «Иффатбек билан чиқиб кетган экан» деганини эшитиб, суюнган бўлса, «қишлоғига кетибди» деган гапи руҳини тушириб юборди ва юрагига ваҳима солди: «беҳудага қишлоғига кетмайди, бу ерда бир гап бор» дея ўйлаб, баттар ваҳимага ботди. Азимжон акасига бир гап бўлган.

Олим полвон ҳансираб:

— Маржона, мен яна суриштираман! Дарсдан сўнг балки Иффатбекнинг қишлоғига ҳам бориб келарман! — деди.

Маржонанинг кўзларидан ёш чиқиб кетишига оз қолди. Шундай пайтларда одам тўлиб кетади ва яқинларингнинг бир оғиз ширин гапи ҳам нондай азиз ва ёқимли туюлади. Олим полвоннинг «Иффатбекнинг қишлоғига бориб келарман» деган гапи, «бир қоп тилло бераман» дегандай қулоғига ёқди. Қанчалик яхши йигит. Меҳрибон, камтар. Худо хоҳласа, дугонам эрдан ёлчийди. Кўрмаган орзуларини ана шундан кўради.

– Монтажчилар масаласи нима бўлди, Олим ака? – сўради у беихтиёр.

– Сокина ҳеч нарса демадимиз?

– Қудрат ака ҳам суриштириб юрибдилар. Лекин уларнинг танишлари «биз бундай иш қилмаганмиз» дейишаётган эмиш.

– Ҳаракат қиламиз, Маржона, аввал жўрам топилсин! Бугун ҳам келмаса, милицияга хабар қиламиз!

Маржона кечадан бери шу тўғрида ўйлаб турган эди:

– Хабар бериш керак! Кеч қоляпмиз!

Олим полвоннинг пешонаси тиришди:

– Суриштириб кўрдим: улар ҳам аввал телевизорга хабар беришаркан, ундан кейин суриштирув варақаси очишаркан.. эҳ-ҳе, даҳмазаси бир олам! Ўзимиз ҳам тезроқ ҳаракат қилишимиз керак!

Маржона ўрнидан туриб кетди. Нега сўлиб ўтирибди? Ким айтади уни Офат деб?!

– Бўпти, шундай қиламиз! – деди у ич-ичидан титраб.

Хуршида Олим полвонни кузатгани ташқари чиқди. Зина томондан уларнинг пичирлашгани ва бироздан сўнг чўлп-чўлп овозлар эшитилди. Маржона яна энтикди. Энтика туриб, Азимжоннинг ҳиди димоғига урилди ва юраги ўйнаб кетди. Одамнинг тинч юргани, ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлиб тургани минг марта аъло экан. Ношукур банда, йигитнинг кўз олдинда юрганида қадрига етмас экансан. Икки кундирки унга зорсан, интизорсан. Хуршидага ҳавасинг келиб, юракларинг баттар сув бўляпти. Дунёда ҳеч кимнинг бутун бахтини яримга қилмасин. Азимжон акасига бир гап бўлса, унинг учун на ҳаётнинг, на яшашнинг қизиғи қолади. Лекин туф... туф... бунақа бахтсизликдан яратганининг ўзи асрасин!

У ювиниб келиб кийинди. Сафтоевни ва унинг арзанда жияни Сатти Тўра кўз олдида гавдаланиб, тишлари зириллади. Ўшаларнинг иши бўлса-чи?! Агар ўшалар шундай пасткашликка боришган бўлса, бошларида ёнғоқ чақади. Ёнғоқ! Йўқ, бу ҳам кам: гўштлирини итларга талатади.

Хуршида чошиб ичкари кирди. Ундан эркаклар атири ҳиди анқир эди.

– Олимжон акам!.. – деди у ҳаяжонланиб – Сафтоевнинг ёқасидан оламан, жиянини бутуноқ топиб, бўғзидан бўғаман, улар билади ҳамма гапни, дедилар. Керак бўлса, милициянинг каттаси танишим, унга айтаман, дедилар.

Маржонанинг миясига қон тепди. Театрда узун бўйли, мўйловли йигит Азимжон акасининг қулоғига бир нима деганди... Ўшанда жиддий эътибор бермаган экан. Сўнг Азимжон акаси бурним қонапти, деган баҳона билан чиқиб кетганди. Тўхта, бу ерда бирор гап йўқмикан?!

— Тез бориб, у кишини дарсдан чақиринг! Бир фикр келди. Бундай ўтиришдан сира фойда йўқ: кўнглим жуда безовта бўлиб кетяпти, Азимжон акам — тирик... балки уларнинг қўлида қийноқда ётибдилар. Чорасини кўришимиз керак, Хуршида, чопинг!

Хуршида ҳеч қачон унинг сўзини икки қилмаган, тўғри у билан теппа-тенг гаплашади, ҳазиллашади, сирларини айтиб, маслаҳат сўрайди, керак бўлса ўзи ҳам унга маслаҳат беради, лекин уни ўзининг рамхўри, бошлиғи деб билади, чунки унинг қанотида юриш, ҳимоясида бўлиш унга ёқади, бу нарса унга хотиржамлик, осойишталик ато этади. Шундай ҳимоячиси бор экан, нечун унинг сўзини икки қилиши керак. Айниқса ҳозир, бошига иш тушиб турибди, хоҳлайдики, бу машмашалар бартараф бўлиб, яна олдингидек осойишта яшай бошласалар, бунинг нимаси ёмон.

У тезда кийиниб, ташқари чиқди.

Маржона ойнага қаради: унда ҳорғин фаришта беҳол турарди, кўнгил тубидан «қаддингни кўтар, Азимжонинг сени кутмоқда» деган садо келди. «Наҳотки?!» — дея пичирлади у. «Сенингча, бошқача бўлиши керакми?!» дўқ урди бояги овоз. «Йўғ-э, бошқача бўлиши мумкин эмас!» — У бошини сарак-сарак қилди. Шу аснода кўнгил жом косаси бўшаган саройдек ҳувиллаб қолди. Яна ойнага қаради: оппоқ фариштанинг қадди тик, юз, кўзларида ишонч нурлари порлар эди. У кипригига на сурма суртди, на лабини бўйди, лекин шу туришида ҳам у пардоз-андоз қилган ҳар қандай қиздан чиройли ва барно эди.

Хуршида ичкари кирган заҳоти ундаги бу ўзгаришни сезди. Ва унга ич-ичидан ҳаваси келди. Агар, бу қошлар, бу кўзларга озгина қувонч ҳада этилса, шунақа яшнайдик, уни кўриб баҳор келинчаги ҳам ҳасратдан ёниб кетади. Лекин ҳар томонлама гўзал қизлар дунёда камдан-кам яратилади. Университетда ҳурлиқолар кўп, аммо маънан гўзаллари кам. Маржона эса маънан гўзал, шунча яшаб, ундан бирорта хунук сўз эшитмади. Эшитмайдиам!.. Бунинг севгисига қаранг: севгиси ҳам ўзига ўхшаб покиза, тоза; бошқа қиз бўлганда йигити учун шунчалик жон қуйдиармиди?!

— Бўлинг, дугона! — деди у шошилиб. — Олим акам ташқарида кутиб турибдилар!

— У кишини ҳам дарсдан қолдирадиган бўлди. Хафа бўлмайдиларми?

— Олим акамми?.. Ўзлари Азимжонни қандай топсам, деб ўртоқлари билан ташқарида маслаҳат қилиб турган эканлар. Милицияга хабар қиламиз, энди кутишдан фойда йўқ, дедилар. Мен Сизни айтгандим, тез чиқсинлар, дедилар!

Маржона эшик томон юрди:

— Кетдик!

Ташқарида ҳаво илиқ. Қуёшнинг заррин нурлари ётоқхонанинг оппоқ деворларини олтиндек ёритади. Ҳамма дарсга шошиляпти. Маржона бўйинини эгиб олди. Ўтган-кетган унга илкис назар ташлар, қизлар бир-бирини туртиб уни кўрсатишар, нигоҳларда, кўзларда унга нисбатан раҳмдиллик, ҳамдардлик ёлқинлари акс этарди.

Дарвоза олдида Сафтоевга тўқнаш келишди. Ичкари кираётган талабалар панасида кўрмаганга олиб ўтиб кетишмоқчи эди, кўзи ўткир Сафтоев тўхтади-да:

— Она қизим, дарсда кўринмаяпсиз?! — деди Маржонага қараб.

Маржона унга салом берди-ю, лекин саволини жавобсиз қолдирди. Сафтоев қора сумкасини қўлтиғига қисиб, чўнтагидан рўмолчасини олиб, пешонасидаги реза-реза терни артди ва:

— Бир минутга! — дея Маржонани ёнига имлади.

Хуршида билан Олим полвон дарвозадан ташқарига чиқиб, уни кутиб туришди.

Сафтоев Маржонага яқин келгач:

— Нималар қилиб юрибсиз, она қизим?!.. Шу юришлар сизга тўғри келадими?! — дея ўзини унга яқин тутиб, насихат қилган бўлди.

— Бахтимни излаяпман, домла! Бунинг айби бўлмаса керак?! — деди Маржона жиддий ва самимий оҳангда.

Сафтоевнинг юқори лаби пирпиради. «Бало бу қиз! Бало!.. Тагдор гапиради, жуда тагдор!»

— Бу яхши! Бу яхши! — паст тушишга мажбур бўлди у. — Аммо, она қизим, бу томонда нақд бахт турганда, тайёр ошга шукр қилмай, қотган нонга зор бўлишдан нима фойда?! Ўзингиз ақлли, тушунадиган қизсиз!

Бу гап Маржонага жуда қўл келди.

— Пешона тери билан ҳалол топилган қотган нон бировларнинг миннатли ошидан яхши, домла!

Сафтоев ҳиҳилади:

— Ҳаҳ, қизим-а! Майли, билганингни қил, аммо мен сенинг фойдангни кўзлаб гапиряпман!

— Домла, фойдамни ўйлаб маслаҳат бераётган бўлсангиз, раҳмат сизга...

Сафтоев унинг гапини илиб кетди:

— Она қизим, маңдек устозингнинг бундан бошқа яна нима ташвиши бўлиши мумкин?!

Маржона бошини қуйи эгди:

— Ҳаммасини вақт кўрсатади, домла!

Сафтоев яна унинг илмоқли гапига, нимага шама қилаётганига тушунмади ва:

— Дарсга киринглар! Ҳозир муҳими шу! — дея йўлида давом этди.

Шошиб ичкари кираётган талабалар уларга қарай-қарай ўтиб кетишар, Азимжонга нимадир бўлганини ҳис этишиб, Маржонага ғамгин қараб қўйишарди.

Олим полвон ўтиб-қайтаётган машиналарга қўл кўтараркан:

— Сафтоевнинг капалагини учирдингиз! — деди жиддий оҳангда.

Хуршида:

— Баттар бўлсин! — деди қўлларини силкиб.

Енгил яшил машина ғийқилаб уларнинг олдида тўхтади. Олим полвон кабина эшигини очиб, уларни чақирди:

— Ўтиринглар!.. Кетдик!

Шаҳар ички ишлар идораси олдида одам тирбанд. Қудрат ички телефонлар ёнида анча кутиб қолди.

Маржона турган жойида тоқатсизланар, тезроқ навбат кела қолсаиди, деб илтижо қиларди. Умрида бунақа бетоқат бўлмаган, умрида бунақа эзилган эмас. Ё, қиз бола бировни қаттиқ севиб қолса шунақа бўларканми?!

Оқ соқолли қария ким биландир анча гаплашди, аччиқ-аччиқ гапирди, узоқдан келганини, ҳақиқат излаб юрганини гапирди.

— Гапни қисқа қилсалар бўларди! — деди Қудрат безовтаганиб.

Маржона ичида «уф» тортди. Бунча чўзмасангиз бобо, бу тонда одамнинг тақдири ҳал бўляпти ахир.

Қария бошидаги салласини кўтариб қўйди:

— Ҳай болам, мани қабул қилсанг бўларди. Атиги бир оғиз гапим бор эди. Эртага келинг дейсанми? Қачон келай, болам! Тушдан сўнг! Хўп!

Маржона қариянинг ортидан ачиниб қараб қолди. Шаҳарда яқини бўлса, бир нави. Бўлмаса-чи?.. Бўлмаса, қаерга боради бечора?! Меҳмонхоналар фалон пул. Кўринишларидан бечорагинага ўхшайдилар.

Қудрат дастакни олиб, ким биландир чақчақлашиб гаплашди, ҳол-аҳвол сўради, сўнг бир танишим, қиз бола, сиз билан ҳал қиладиган иши бор, жуда зарур, деб тушунтирган бўлди. Сўнг дастакни илди-да, Маржонанинг паспортини олиб, мармар туйнукча ёнига бориб, милиция кийимидаги озгин қизга узатди. Бир оздан кейин бир парча қоғоз — ҳаворанг рухсатномани кўтариб келди.

— Маржона, эшикдан кириб, чап томонда лифт бор, учинчи қаватта чиқасиз, ўнг томонга юрсангиз, «Қабулхона» деган ёзувга кўзингиз тушади. Пўлат Ражабов Сизни кутиб турибдилар. Тўғри кираверинг!

— Раҳмат! — деди Маржона ва паспорт билан рухсатномани қўлига олиб, катта ойнаванд эшик томонга чопқилаб кетди.

Хуршида унинг ортидан:

— Биз шу яқин атрофда айланиб турамиз! — дея товуш қилди.

Пўлат Ражабов элик беш ёшлардаги кумушранг сочли, семиз юз киши. Катта-катта кўзлари қизариб, қовоқлари шишган. Боши лўқиллаб турибди. Қон босими кўтарилганга ўхшайди. Уч йил ... уч йил олдин ўғли Музаффар чегарани бузган душманлар билан бўлган жангда ҳалок бўлган эди. Яхши ният билан икки хонали уй ҳам олиб қўйганди. У ҳам қолди. Уч йилдан бери на ҳаловати бор, на ҳузури. Ҳар йили ёзда курортга бораман дейди, қаёқда, оёқ остидан бир иш чиқиб, яна шу кабинетга қамалади. Котибага кўк чой дамланг деган эди. Бир оз дам олмоқчи эди. Бунга ҳам кўз тегди. Қудрат — яхши бола, қизининг тўйида ўн кун хизмат қилди, укасидай бўлиб кетган, озиб-ёзиб бир келибди, йўқ деб бўлмайди. Битта қизнинг... озгина иши бор, дейди. Ўқишга киритишми... бирор иши бордир-да! Ё бирор зумрашадан талафот кўрган бўлса бордир! Икки дақиқа гаплашиб, қўлидан келса, ёрдам беради. Келмаса, бир оғиз ширин сўз-да!

Котиба кирди. Лаби осилиб турарди.

— Бир хонимча келди! Кирмоқчи эмишлар!

Пўлат Ражабов истар-истамас «кирсин» дегандек имо қилди.

Котиба туфлисини тўқиллатиб чиқиб кетди. Туқ-туқ... тақ-туқ!.. Пўлат Ражабов бошини ушлади. Бунча тўқиллатмаса! Бошга ёмон ботяпти. У жойига ўтирган эди, икки телефон бараварига «дод содди». Уф! Қўнғироқлар ҳам одамнинг асабига тегади. Йўқ, бу-нақада ишлаб бўлмайди, тезда касалхонага ётиб олиб, беш-ўн кун ўзига дам бериши керак, бўлмаса, жинни бўлиб қолади-ёв!

Маржонанинг қўнғироқдек овози уни ўзига келтирди. Остонада нақ фариштанинг ўзи турарди. Оппоқ кийимда. Тим қора кўзлари чарақлаб нур сочади. Тушими, ўнгими?!

— Ваалайкум... Келинг!

Маржона кўзини ерга тикди.

Пўлат Ражабов ўрнидан туриб, столнинг бу томонига ўтди. Қудратнинг диди чакки эмас. Қизнинг юзида қандайдир шаффоф нур балқир, кўзларида ҳаё бор эди. Жуда барно қиз экан. Қиз бола дегани ҳам шунчалик гўзал бўладими?! Оёқлари ҳам жойида экан. Белининг нозиклигини!

У қиз билан қарама-қарши ўтирди. Бошининг лўқиллашини ҳам, телефонларнинг чирқираб додлашини ҳам унутди. Шундай гўзалнинг нима ташвиши бўлиши мумкин, ё битта-яримта безмазаси алдаб кетганмикан?!

— Хўш, хизмат?

Маржонанинг қора киприклари ялт этиб юқори кўтарилди, гўёки яшин чақнаб, найзалар отилди.

— Хўш, синглим?! — Пўлат Ражабов унга синчков боқди.

— Ман бир илтимос билан келгандим!

Пўлат Ражабовнинг боши лўқиллади. Беҳудага келармиди? Бунақалар кимга учрашни, кимдан ёрдам олишни яхши билишади. Қудратни ҳам, ҳойнаҳой, кеча ё бутун топган бўлса керак! Кимдир айтган унга, Пўлат Ражабов деган таниши бор, ўша йигитни кўндирсанг, ишинг юришади, деган... Қудратга ўхшаганлар ҳам содда бўлишади.

— Университетда ўқийман! Журфақда! Исмим Маржона!

Қизнинг майин овози Пўлат Ражабовнинг қалбини силади. Овози ҳам ёқимли экан!

— Талабаман, денг! Қачон битирасиз?

— Бу йил!

Пўлат Ражабов унинг оппоқ, силлиқ юзига тикилди. Демак, бу йил битиради. Ўзимизнинг газетга ишга келса, котиба қилиб олади.

— Хўш, синглим!

Маржона қаддини тик кўтарди. Энди у ўзини анча ўнглаб олган, кўз ўнгида ўзига бино қўйган амалдор эмас, отаси тенги киши майин жилмайиб турарди. Яхши одамга ўхшайди. Қудрат беҳудага мақтамаган экан. Милициянинг ичида ҳам яхшилар кўп!

— Отамга ўхшаган яхши кишига ўхшайсиз! Лекин... келишга келдим-у... — у бошини қуйи эгди. Нима деб ўйлайди кап-катта одам. Эрингми? деб сўраса, нима деб жавоб қилади. Қайси юз билан йигитим деб айтади. Э худо, шармандаликку бу!

— Биз халқ учун, сизларнинг тинчлигингиз учун масъулмиз. Айтинг қизим, нима ташвиш тушди бошингизга? — Пўлат Ражабов кўз ўнгида, боз устига кабинетида шундай гўзал қизнинг мулзам тортиб ўтирганидан хижолат тортди.

— Айтинг қизим, нима ёрдам керак?

— Биласизми... биз Азимжон билан... ҳалиги... у икки кундан буён йўқ!

— Ётири билан, шошмасдан тушунтиринг! Нега икки кундан бери йўқ! Қаёққа кетади? Балки уйига кетгандир! Уришиб қолдингларми?

— Йўқ, уришган эмасмиз! — Қизнинг тиниқ кўзларига ғамгинлик соя солди.

«Шундай қиз ғам чекиб турса... кўз олдингда... шу инсофданми?!» Пўлат Ражабов қаддини кўтарди:

— Бир бошдан гапиринг!

Маржона бўлиб ўтган воқеаларни бирма-бир гапириб берди.

Пўлат Ражабов қоғозга бир нималарни тез ёзди ва:

— Мўйловли йигит дедингизми? Кўзи, лаби, юзи қанақа эди? — деб сўради.

Маржона айтиб турди.

Пўлат Ражабов қоғоздан бошини кўтариб, Ифратбекнинг юз тузилишини сўради. Сўнг жойига ўтиб, стол остидаги тутмачани босди-да:

— Тезкор гуруҳ бошлиғини чақиринг! — деди шошилиб.

Маржона иш шу даражада тезлашади, деб ўйламаган эди.

Пўлат Ражабов унга тикилди:

— Сафтоевни яхши танийман. Жиянидан гумонингиз борми?

— Бор! — жавоб қилди Маржона қатъийлик билан.

Пўлат Ражабов бундан икки йил олдин жияни билан бўлган воқеани эслади. Ўшанда жияни уларникига меҳмон бўлиб келганди. Гапдан-гап чиқиб, Сафтоев ҳақида сўз борганда, у: «Саволларга булбулдай сайраб, тўғри жавоб берсангиз ҳам, шу домла одамни қийнашдан бошқани билмайди!» деб нолиган эди. Ўшанда Пўлат Ражабов кулиб: «Домла қийнайди-да!» дея яна гап қовлаган эди, жияни аччиқ билан: «Жамиятни лойқалатиб юрганлар ана шу нокаслар бўлади. Нега уларнинг мушугини пишт дейишмайди!» дея уни уялтирган эди. У ҳозир гўшакни жаҳл билан кўтариб, қаергадир сим қоқди. «Мирзоев, сизмисиз?.. Ўша гап, бир шуғулланиб кўринг! Ҳаддидан ошяпти у? Қачонгача бунақаларга тоқат қилиш керак! Ҳаммамиз биламиз-ку уни! Сизу биздан чўчимаган одам оддий одамларни писанд қилармиди?.. Тозалаб туриш бизнинг вазифамиз... Ҳа, яшанг! Илиниб турибдими?.. Бизга ҳам бир информация тушди. Чуви чиқиб турибди ўзи?! Бўпти, бугундан кеч қолдирманг!

Маржона «беҳуда келмаган эканман» деб суюнди.

Пўлат Ражабов яна тутмачани босган эди, котиба югуриб кирди:

— Эшитаман, Пўлат Ражабович?

— Иккита қаҳва олиб кириг!

— Хўп бўлади!

Пўлат Ражабов яна қизнинг қаршисига ўтирди:

— Мен сизга қойилман, қизим! Рости билан. Гарчи, ўз бахтингиз учун курашаётган экансиз, бу ишингиз таҳсинга сазовор! Сиз шу ишингиз билан ўз халқингизга ҳам хизмат қилаётганингизни биласизми? Бу ишингиз билан бизларга ҳам ёрдам беряпсиз! Бахтли бўлинг, она қизим! Азимжонни албатта топамиз! Унинг жонига қасд қилишмаган. Қўрқитиб қўйишмоқчи бўлишган, холос. Қаердадир ётибди у. Топиб келамиз. Кўрасиз!

Эшик очилиб, остонада майор кийимидаги узун бўйли киши тик қотди.

XV

У кўзини очди ва бошида қора итнинг думини ликиллашиб турганини кўриб, ҳайрон қолди. Туш кўраётган экан-да. Тушида Маржона уни қувиб юрганмиш. Тўсатдан йиқилиб, қўл-оёғи ишламай қолганмиш. Ўрнидан турай дер эмиш-у, лекин қуввати етмасмиш. Сўнг Маржона юзини ялади... Шу пайт кўзини очди.

Кўз олдини хира туман қоплаб олган, хаёли ҳам ўзида эмасди. Дастлаб нега бу ерда ётибман, деб ўйлади. Тиниқ осмонга, боши узра осилиб турган толнинг яшил баргларига, ўнг томондаги девор гулга ҳайрон боқар экан, кечки пайт, уч-тўрт йигитнинг уни тепишгани, қўл-оёқларининг зириллаб оғригани, сўнгра бошига тепки тушганини эслади... қолганини билмайди.

Ит деворгулдан ўтиб, кимгадир ҳурди.

— Ит бор экан, ит бор экан! Эҳтиёт бўлинглар, қутирган бўлиши мумкин! — деган овоз эшитилди. Ёш йигит бўлса керак. Овози майинроқ эди. Танишларми, дея илҳақ бўлди, аммо овоз бегона эди. Бундан сўнг қизларнинг: «Ит, ит, қочинглар!» деган ваҳимали овозлари қулоғига чалиниб, бошини кўтарган эди, ўнг қўли ва чап оёғи, бошининг чап томони қақшаб оғриб, юраги бирдан қисилди.

Нимадир шитирлади. Ит қоғозга ўралган икки дона кабоб олиб келди. Кабоб ҳиди Азимжоннинг димоғини қитиқлаб, Маржонани, ўша ит воқеасини эсга солди. Қорни очиқиб, аъзойи баданида ҳолсизлик сезди. Ит кабобни унинг олдига қўйди.

— Кимнинг ризқини яримта қилиб келдинг?! — деди Азимжон на кулишини, на йиғлашини билмай. Қўл-оёғи сим-сим оғриётган, жони қақшаётган бўлсада, итнинг меҳрибонлиги уни севинтириб, кулгисини кўзғатаётган эди. «Ит вафо...» деган гап бор. Ит ҳақиқатан ҳам вафо экан. Одам... одамлар эса уни уриб, қўл-оёғини мажруҳ қилиб, ташлаб кетишди. Ит бўлса...

Ит унга қараб бир-икки ҳурди-да, сўнг бошини оқ юнгли бўлиқ оёқларига қўйиб, ётиб олди.

Азимжон чап қўли билан кабобни олиб, оғзига солди. Худо шу ит орқали ризқини бердими, ундан юз ўгириши девоналикдан бошқа нарса эмас.

— Раҳмат сенга, эй ... сени нима деб атаса бўлади. Кел, мен сени Вафодор деб атай қолай! Вафодор, раҳмат сенга!

Ит бошини кўтариб қўл томонга қаради. Пастда мавжланиб оқаётган кенг қўл кафтдек кўзга ташланарди.

Кабобни еб бўлгач, Азимжоннинг кўз олди тиниқлашиб, бир муддат ўйланиб қолди. Кеча у нариги қирғоқда эди. Бу томонга, бу қирғоққа қандай ўтиб қолди? Қизиқ!

— Бу сенинг ишинг эмасми, Вафодор? — сўради у.

Ит секин вовулади.

— Демак, сен олиб келгансан! — унинг яна қўл-оёқлари

қақшаб оғриди. — Энди бу ердан мени ким олиб кетади? Маржона қаерда?

Бу сафар ит унга мўлтираб боқди. Кўзлари маъюсланиб, қипқизил тиллари осилиб чиқди.

XVI

Осмонни паға-паға булут босди. Таксидан тушган Маржона шивир-шивир гаплашиб келаётган Олимжон билан Хуршидага қараркан, негадир юраги гаш тортди. Қуёш ҳам булутлар орасига кириб, куннинг юзи хира тортди. Университет олдида қатор турган ички ишлар бошқармасининг машиналарини, кўп сонли милиция ходимларини кўриб, оёқлари қалтираб, «Наҳотки, наҳотки? Йўғ-э!» дея ваҳимага тушди: кўз олдида Азимжон, унинг ерда ётган гавдаси жонланди-ю, беихтиёр «эвоҳ!» деб юборди. Унга бир гап бўлган. Бўлмаса, бу ерни милиция босмас эди. Бир гап бўлган... Бир гап... бўлган!..

Хуршида уни ушлади:

— Нима бўлди сизга?

Маржона уялиб, ҳушини йиғди ва ўзини тутиб, «ваҳимам қурсин!» деди.

Ҳали дарс туташига яна бир ярим соат бор эди. Улар ичкари киришди. Йўлаклар ҳам милициялар билан тўла эди. Қўнғироқ чалиниб, бир зумда тинч йўлак безовта талабалар билан гавжумлашди. Ҳамма бирдан пайдо бўлган ички ишлар ходимларига савол назари билан боқар, қизлар, йигитлар тараф-тараф бўлишиб, шивир-шивир қилишарди. Маржона аудиторияга кирганда гуруҳдошлари зув ўраб олишди:

— Нима бўлди?

— Қаерда эдинглар?

— Азимжон қаерда?

Хуршида уни ўртадан олиб чиқди:

— Тинч қўйинглар уни! Афтига қаранглар, ўзи зўрға турибди-ю... раҳмларинг келсин ахир!

Сафтоев шитоб билан ичкари кирди ва Маржонани кўриб, урушқоқ хўроздек шишиб, ҳурпайди:

— Нима қилиб қўйдинг? Нима қилиб қўйдинг! Эрталаб нима деган эдим!

Талабалар Маржонанинг атрофини ўраб олишди:

— Домла, унга раҳм қилсангиз-чи?

Сафтоев баттар шишди, лунжлари дўппайиб, кўзлари косасидан чиқди:

— Шунгами? Бутун университетни алғов-далғов қилган шумтакага-я! — У Маржонага қараб, қўлини бигиз қилди. — Офат? Офат деганларига ишонмасдим. Офатдан ҳам баттар экансан! Хў-ш!.. Сени деб Иффатбек билан жиянимни олиб кетишди. Бизларни сўроқ қилишди. Шунча йил дарс бериб, сендек Офатни кўрган эмасдим. Хў-ш! Нега милицияга бординг? Нега?..

Маржона аввалига титради, отаси тенги одамга гап қайтаришга юраги бетламай, талабалар ортига яширинди. Аммо Сафтоевнинг кейинги гаплари унинг тилини қичитди.

— Домла, Сизни сўроқ қилишган бўлса, ҳеч ким қамайман, демаган бўлса керак. Бир бегуноҳ, йигит йўқолиб кетаверсин экан-да!

— Тилинг ўсиб қолибди. Яна мен сени келин қиламан, деб ўтирибман-а!

Хуршида шаддодлик қилди:

— Кўзи учиб тургани йўқ, ўша героинчи жиянингизга!

Талабалар кулиб юборишди. Кимдир: «Домлага унақа гапирманглар» дея уларни тартибга чақирди.

Сафтоев қўлини кўтарди:

— Тартибни сақланглар! Ҳеч ким ҳеч қаёққа кетмасин! Тушунарлими?

— Тушунарли!

Дарсдан сўнг Маржона ётоқхонага кирди-ю, ўзини каравотга ташлаб, ҳўнграб йиғлади. Азимжонга бир нарса бўлган, уч кундирки, дараги йўқ. Қаёқда қолган бўлиши мумкин? Бирор жойга кетган бўлса, етиб келарди. Энди тамом. Ҳаммаси тамом. Шарманда бўлгани қолди. Ота-онаси эшитса, нима бўлади? Сени шунинг учун ўқишга юборган эдикми, дея хафа бўлсалар, қай юз билан уларга тик боқади?! Э худо, ёш жонимга намунча азоблар бермасанг! Айбим не, айбим?!

Хуршида уни овутишга ҳаракат қилди.

— Қўйинг, дугона, йиғламанг! — деди уни бағрига босиб.

Маржона баттар изилади:

— Мани деб... мани деб бир йигит жувонмарг бўлди! Қандай бадбахтман, Хуршида! Шарманда бўлдим, шарманда!

— Унақа деманг, дугона, унақа деманг! Яхши ният қилинг, Азимжон, албатта, келади. Мана, кўрасиз!

Эртаси соат тўққизларда уни оқ костюм кийиб, қизил галстук таққан киши йўқлаб келди ва Олим полвон, Хуршида билан уни Миллий боққа, кўл ёнига олиб борди. У ерда ўнг томонда учта милиция машинаси турар, олдинда Пўлат Ражабов тупроқранг кўйлакли, қора кўзойнак таққан киши билан гаплашмоқда эди. Кўлда эса тўрт-беш қайиқ сузиб юрар, икки фаввос сув остига шўнғишга тайёргарлик кўраётган эди.

Усти ёпиқ оқ машинадан Сатти Тўра, мўйловли йигит ва Иффатбекни, қорача Иффатбекни олиб тушишди. Уларнинг қўллари орқада, соқол мўйловлари ўсган, ранглари сарғайиб, нигоҳлари ташвишли эди.

Маржона уларга нафрат билан қаради. Сатти Тўра билан мўйловли йигитнинг яқинига бориб, совуқ башараларига боқди ва:

— Ўзбек йигити деган номни кўтариб юриш ҳайф сизларга! — деди аламли овозда.

Сатти Тўранинг чувак юзи муздек тараша қотди, мўйловли эса четта чирт этиб тупурди.

Хуршида кўриб қўйсин, дегандек, Олим полвонни қўлтиқлаб оларкан: «Башараларинг қурсин, бети совуқлар!» деди зардали оҳангда.

Пўлат Ражабов Маржонани кўриб, унинг ёнига келди:

— Қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим, қизим! Жиноятчилар қўлга олинди! — У мўйловли йигитга қаради. — Эй, сўтак, қаёққа ташлаган эдинглар?

Мўйловли йигит кўприк томонни кўрсатди.

Пўлат Ражабов ёнидаги лейтенантга қаради:

— Кўлнинг пастки томонини, симтўр билан тўсилган жойини ҳам қаранглар! Хўпми?

— Хўп!

Маржона бу гапларни титраб эшитди, лаблари осилиб, ранги бўзрайди.

— Айтмовдимми, дугона! — деди-ю, йиғлаб юборди.

Хуршида Маржонанинг муздек қўлларини ушлади:

— Ўзингизни тутинг, дугона, дўст бор, душман бор!

Фаввослар эллик метрлар наридан чиқишиб, сув юзида қалқиб турган ҳаворанг қайиққа осилишди. Қайиқда ўтирган киши

бошини кўтариб, нималарнидир сўради. Ўнг томонда турган ғаввос қўлини кўтариб, «йўқ, йўқ» дегандек имо қилди.

Уларни кузатиб турган Маржона унсиз титраб, бошини Хуршиданинг елкасига қўйди. Унинг ич-ичидан эзилаётганини кўриб, Хуршиданинг ҳам юраги титради. Э худо, ишқилиб... ишқилиб, Азимжон бу дунёдан ўтган бўлмасин! Офат уни қаттиқ севиб қолганга ўхшайди. Ўзини бир нарса қилиб қўяди бу!

Бир тўп йигит-қизлар шовқин-сурон билан уларнинг ёнига келишди. Хуршида курсдошларини кўриб, бир нима бўғзига тикилди. Маржона яна йиғлаб юбормасмикан, деган ташвишда унга тикилди. Аммо дугонасининг кўзлари, душманини кўрган йигитнинг кўзидек, қахрли боқмоқда эди. «Йўқ, бу кўзларга қайноқ ёш бегона», ўйлади у.

Ит кўприкнинг тепасига чиқиб, безовта ҳура бошлади.

Бошига оқ қалпоқ кийган озгин чол ажин қўлларини пешонасига қўйиб:

— Бу ана у ит-ку! Уч кундан бери кўринмаётган эди! — деди бир-икки қадам олдинга босиб.

— Қанақа ит, дедингиз? — сўради Пўлат Ражабов кўприк томонга қараб.

— Сувга чўкаётганларни қутқазиб юради. Ўзи дайди ит!

— Шунақа денг?! — Пўлат Ражабов унга имо қилди. — Қани, юринг-чи!

* * *

Итнинг вовуллаши Азимжонни безовта қилди. Нимага безовта вовуллаяпти? Кимга ҳурияпти? Одамлар ундан чўчиб, бу томонга кела олмаяптиларми? Бу ерда қолиш ҳам ярамайди. Маржона!.. Маржона нима қилдйкан? Қўл томондан кимдир бақирди. Қўл томонга қараркан, ғаввосни кўриб, у нима қиялпти, деган гап хаёлидан ўтди. Балки уни қидираётгандир. Тишини-тишига қўйиб, гавдасини кўтарди. Ўнг оёқ ва ўнг қўлида кучли оғриқ турди. Суяклари лўқиллаб, томирларини қақшатди. Нима билан уришди? Қўлларида темир йўқ эди. Демак, туфлилари билан тепишган. Ярамаслар, на шафқат бор уларда, на раҳм. Деворгул ортидан йигит билан қизнинг ҳиринглаши эшитилди. Одатда куз пайтларида бу овлоқ жойларда одам деярли бўлмайди. Фақат пана-паналарни излаб, боши оғиб, ошиқ-мошиқлар келиб қолмаса, бошқа ҳеч ким қорасини кўрсатмайди.

— Нариги қирғоқда милициялар нима қияпти?
— Кимдир чўккан шекилли. Қўрмайпасанми, ғаввослар сувда сузиб юришибди.

— Шу пайтда чўмилишга бало борми?
— Маст-аласт бор. Жонидан тўйган бор. Биттаси ўзини ташлагандир-да!

Азимжон ўзи ҳақида гап бораётганига энди амин бўлди ва:

— Ҳой яхшилар?... Ёрдам беринглар! — дея овоз берди.

Нимадир шитирлаб, шивир-шивирлар қулоққа чалинди. Сўнг қизнинг:

— Юринг, кетайлик! Қўйинг! — деган ташвишли товуши баралла эшитилди.

Азимжон сал бўшлиқ қилса, яна бу ерда қолиб кетишини ўйлаб:

— Қўрқманглар! Ана улар мени қидиришяпти шекилли! Сизларга раҳмат айтишади! — деди овозини баландлатиб.

Шу заҳоти девор гуллар шарт-шурт очилиб, жингалак соч йигит билан ясси юз, чап кўзи остида кичкина холи бор қиз кўринди.

Азимжон йигитга:

— Ёрдам беринг, барака топкур! Бу ерда ётиб, намиқиб кетдим! — деди.

— Ҳозир! Ҳозир, ака! — йигит югуриб келди.

Ортидан итнинг ҳуригани эшитилиб, қиз:

— Вой, кучук! — дея йигитнинг пинжига тикилди.

— Қўрқманг синглим, у ақлли ит, тишламайди! — дея уни тинчлантиришга уринди Азимжон.

Йигит Азимжоннинг юролмаслигини билиб, уни даст кўтариб олди:

— Енгил экансиз, ака!.. Оғриятими?

Азимжон қўл-оёқларининг зирқираб оғришига қарамай, тишини-тишига босиб, ҳолатини билдирмасликка тиришди.

— Йўқ, унчалик эмас! — деди ҳансираб, сўнг қўшимча қилди. — Енгил бўлиб қолибман шекилли!

Йигит уни даст кўтарганча кўприк томон юрди. Ит улардан ўн метрлар нарида думини ликиллашиб турар, Пўлат Ражабов билан чол, унинг ортидан Маржона, Хуршида ва Олим полвон чошиб келишарди. Азимжоннинг юраги ҳапприқиб кетди.

Маржонанинг икки юзи, эрталаб очилган қизил гулдай яшнади. Чошиб келар экан, бўйнидаги мовий рўмолчаси деворгулга

илиниб қолди. Ит у билан бирга чопиб келарди. Таққа жойида тўхтаб, ортига қайтди-да, рўмолчани тишлаб олиб, қизнинг кетидан югура кетди.

Туя қушдек лўкиллаб келаётган йигит Маржона билан юзлашгач, вазиятни тушуниб:

— Шу ер бўладими?! — деди ва Азимжонни тахта ўриндиққа ўтқазиб қўйди.

Азимжоннинг кийимлари лой, кўз ости, юзи, қўл-оёқлари кўкарган, сочлари патила, ранги синиқиб, бир кечада қариган кишидек, букчайиб қолган эди. Маржона йиғлаб юборди. Уни бағрига босаркан, совуқ сувдан чиққандек, дир-дир титрар эди.

— Ким сизни бу аҳволга солди? Ўшаларми? Ўшаларми?! — деди қалтираб.

Азимжон чап қўли билан унинг сочларини силади:

— Йиғламанг, мен тирикман! Тирикман! — Хуршидага кўзи тушиб, ўзининг ҳам юраги эзилди. Қиз Олим полвон акасининг кўкрагига бошини қуйиб, пиқ-пиқ йиғлаб юборди.

Пўлат Ражабов:

— Ука, аҳволингиз яхшими? — деб сўради.

— Чидаса бўлади! — деди Азимжон.

Пўлат Ражабов ёнидаги лейтенантга ўгирилди:

— Нариги соҳилда турган дўхтирларни чақиринг! Замбил билан етиб келишсин! Тез!

Бизга нотаниш йигит:

— Ўзим кўтариб бора қолай! — деди ва Азимжонни даст кўтариб олди.

XVII

Нафис оқ пардалар энгил шитирлаб, кузнинг салқин, муаттар шабадаси юзга урилиб, одамни энтиктириб юборади. Сарғишдан келган доктор Пардаев қўлидаги олтинранг ручкасини ёзиб тўлдирилган қоғоз устига ташлаб, стол чироқни ўчирди-да, узоқ керишди, ҳаводан тўйиб нафас олди, «куз ҳавоси зўр-да» дея гудранди ва беихтиёр ташқари қаради, қаради-ю, донг қотди. Кечаги фаришта қиз Маржона қарағай дарахти остидаги тахта ўриндиқда мудраб ўтирарди. Кеча у Азимжон деган бемор ёнида қолишни сўраган эди, йигитнинг аҳволи оғир бўлгани учун уни жонлантириш палатасига олишди, шахсан Пўлат Ражабовнинг ўзи қўнғироқ қилиб, унга тузукроқ қарашни илтимос қилди.

Таниши бўлса керак... Бу қиз кўп ёлворди. Бирор жойдан, коридордан бўлса ҳам жой беришини сўради. Жой берса бўларкан. У кишига шикоят қилса... йўғ-э, яқини бўлганда қўнғироқ қилдирадди. Қўнғироқ қилдирмади-ку! Боз устига, яхши кўрган йигити экан холос. Лекин офат экан. Қойил! Ўғил бола ҳам бунчалик бўлмайди. Ўтган йили Қодирчол дегани оғир аҳволда келди. Уни жонлаштириш хонасига олишди. Ярим кечага бориб, аҳволи тамом оғирлашди. Икки ўғилдан бирови ҳам қолмабди. Чол уларнинг номларини айтиб кўп йўқлади. Аксига олиб, уйларида телефон ҳам йўқ экан. Саҳарга бориб чолнинг жони узилди. Ўғиллар эса тушга яқин етиб келишди. Ана, оқибат!.. У яна қизга қаради. Гўёки оппоқ фаришта совуқдан жунжикканча елкаларини кўллари билан тутиб, мудрамоқда эди. Доктор Пардаевнинг ҳам бўйи етган икки қизи бор. Маржона унинг кўзига қизларидан биридек кўриниб, раҳми келди. Шу ҳам бирор она-отанинг суюкли фарзанди бўлса керак. Кеча бекорга жой бермабди. Хонасида қолдирса, уни биров еб қўярмиди?!

— Ҳов, синглим! — дея товуш берди у дераза раҳига осилиб. Маржона бошини кўтарган эди, — бу ёққа келинг! Келинг! — чақирди уни.

Қиз югуриб келди, юзи бўғриқиб, кўзлари косасидан чиқиб турарди:

— Нима гап, дўхтир ака? Тинчликми?

Доктор Пардаев уни ҳовлиқтирганини билиб:

— Ўзим чақирдим! — деди. — Қарасам, жунжикиб турибсиз. Кеча шу ерда қолдингизми?

Маржона ҳавоси чиққан қопдек бўшашди:

— Хайрият!.. Ҳа, кеча шу ерда қолган эдим. Жойингиз одамдан азиз экан!

— Офат қизга ўхшайсан! — сансиради доктор Пардаев уни.

— Мани ҳам тушун-да!

— Майли, дўхтир хафа эмасман! Фақат уни кўришга рухсат этсангиз!

— У йигитинг экан-а?

Маржона бошини қуйи эгди.

Доктор Пардаев:

— Лекин сенга қойилман! — деди уни мақтаган бўлиб. — Унга шунчалик меҳринг бор экан, худо албатта ризқингни улуғ қилади. Аммо севги ҳавас эмас, жон синглим, буни ҳам ёдингдан чиқарма!

Маржона доктор Пардаевнинг олдин сизлаб, сўнгра санси-
рашга ўтганидан норози бўлиб, «у мени оддий қиз» деб ўйла-
пти, деган хаёлга борди ва ўзининг оддий талаба эмаслигини
кўрсатиб қўйиш учун тилига эрк берди:

— Дўхтир ака, Сиз кўпни кўрган, кўпнинг оғирини енгил қилган
одамсиз. Бизга ҳам ёрдам қиляпсиз. Элингизнинг бир йигит-қизи
бахтли бўлса, бу ҳам сизга фойда эмасми?! Севги масаласига кел-
сак, тақдир шу йигитни менга рўпара қилган экан, нечун бугун мен
унинг ёнида бўлмаслигим керак?! Шундай одилона йўл тутмасам,
ким мени ҳақиқий Ўзбек қизи дейди?! Балки менинг гапларим ос-
мон қадар баланддир, аммо миллати деб жон берганлар озми?! Жан-
на де Арқдан ёки Клеопатрадан менинг қаерим кам? Лайли, Ши-
ринлар беҳудага муҳаббат, севги деб жон куйдирмаган бўлсалар
керак?!

Доктор Пардаевнинг шоирлиги ҳам бор эди. Баъзан шеърлар
ҳам машқ қилиб турар, базм ва ўтиришларда Алишер Навоий-
дан чунонам ўқир эдики, ўтирганларнинг юраги сел бўлиб, «яна
бўлсин» деб қарсак чалишарди. Шифокорларнинг кўпчилиги
адабиёт мухлиси, гўзаллик шайдоси бўлади. У кўз олдида милла-
тининг нафақат гўзал қизи, балки анча диди баланд ўктам ожиз-
заси турганини ҳис этди, лекин ён бергиси келмай:

— Биз эски замонда суяги қотган одамлармиз, — деди «бўлга-
нимиз шу» дегандек, аммо мардона оҳангда: — Кечаги бепарво-
лигим учун авф этгайсиз! — дея узр сўради ва: — Юринг, ҳози-
роқ бориб, мард йигитимизни кўрамиз! Унинг аҳволи анча
яхши! — дея уни палата томон бошлади.

Унинг самимий гапириши қизга ёқди.

— У киши юриб кетадиларми, дўхтир ака? — деб сўради ҳадди
сигиб.

— Албатта, албатта, юриб кетади! Қўлимдан келганини аямай-
ман! Пўлат Ражабовнинг шахсан ўзлари унинг соғлиғи билан
қизиқаяптилар. У киши менинг энг яхши дўстим. Тўғрисиўз одам.
Шу соҳада дўстлар орттириб, бунақа оддий ва камтарин инсон-
ни кўрган эмасман!

Маржона унинг кўнглини кўтариш учун:

— Сизни яхши одам деб мақташди, айтганларича бор экан! —
деди ва гапимни нотўғри тушунмасин деган ўйда: — Менга ва
Азимжон акага кўрсатаётган ёрдамингизни сира унутмаймиз.
Насиб этса, тўйларда қайтарамиз! — дея қўшимча қилди.

Доктор Пардаев жиддий ва мулоҳазали одам эмасми, унинг нимага шама қилаётганини дарҳол англади.

— Мен ҳам Сиз каби қизларни ҳурмат қиламан! — деди жилмайиб ва «олдинга ўтинг» дегандек йўл бўшатди. — Қани, юринг!

Улар бир палатадан иккинчисига ўтишди. Азимжон кенг, ёруғ хонада, ўртадаги баланд, оппоқ каравотда ширингина ухлаб ётар, боши, қўл-оёқлари боғланган эди. Маржона бора солиб унинг қўлларини ушлади. Турли дорилар аралаш ўша ҳид... Паркентдаги ўша ҳид димоғига урилиб, бўғзига йиғи тикилди. Сизни нима қилиб қўйди улар? Сизни нима қилишди?!

Пардаев нариги томондан ўтиб, унинг қўлини ушлаб, томирини текширди ва:

— Юраги янги мотордай ишляпти! Зўр! — дея шивирлади бош бармоғини кўрсатиб.

Маржона кириқларидаги ёшни артди.

Пардаев унинг ҳолатини тушуниб:

— Ухлатадиган дори берганмиз! Қанча кўп ухласа, шунча тез соғаяди! — деди яна шивирлаб.

Азимжоннинг кичриклари пирпираб, лабларида ним табас-сум жило қилди.

Пардаев унинг қулоғига шивирлади:

— Сизга «хуш келдингиз?» деяпти!

Оқ қалпоқли киши деразининг нариги томонидан уни имлади. Пардаев «ҳозир» дегандек имо қилди. Маржона уни чақириваётганини кўриб, яна пича турса-чи, дея илтижо қилди.

— Дўхтир ака?..

— Ҳа?

— Мен... мен қолсам дегандим!

Доктор ёқимли жилмайди:

— Бемалол, бемалол қолишингиз мумкин. Керак бўлса, ҳозир айтаман, битта каравот киргизиб беришади.

Маржона сакраб ўрнидан турди:

— Раҳмат, дўхтир ака, раҳмат! Бу яхшиликларингизни албатта қайтарамиз!

— Ҳозир бошлиғимизга ҳам Сиз ҳақингизда гапириб бераман!

Сафтоев эснади. Кечаси билан ухлагани йўқ. Пайшанбада Маржонанинг уйига совчи юборишлари керак эди. Иш тескари кетди. Жияни Сатти Тўра қамоқда ётибди. Эрталаб Офатижоннинг отаси телефон қилди. Гарчи у жонажон ўртоғи бўлса-да, бор гапни очиқ айтди, қизининг қилиб юрганларини тўқиб солди ва «тез етиб келинг!» деб, юрагини ваҳимага тўлдирди. Келсин, кўрсин қизининг шармандали юришини. Азимжоннинг олдида, касалхонада эмиш. Шарманда, қиз ҳам шундай енгилтак бўладими?!

Эшик тақиллаб, хаёли бўлиниб, афти буришди. Оббо, бир дам тинч қўйишмайди-я! Котиба қаёқда қолди? Вақтлроқ келса, ўлиб қоладими? Қорасини кўрсатса, бир тергаб қўяди. Бунақаларнинг пўстагини тез-тез қоқиб туриш керак.

— Кириг! — деди у ижирғаниб. Кўнглинг ғаш бўлганда, биров безовта қилмаса-да!

Ёқаси қайрилиб, ранги униққан жигарранг костюм кийган, қорачағим юз, эллик беш, олтмиш ёшлардаги киши ичкари бош суқди:

— Ассалому алайкум, домла! Кирсам майлими?

Сафтоев кутилмаган нусхага қараб афтини буриштирди:

— Ваалайкум... кириг!

Нотаниш киши югуриб келиб, қўл узатди:

— Яхшимисиз? Бола-чақа эсон-омонми? Безовта қилганим учун узр! Узоқдан келдим. Сафтар Сафтоев салом айтдилар. Бизда директор у киши. Сизни кўп мақтайдилар. Тошканда шундоқ декан дўстим бор деб сўюнадилар.

Сафтоев қад ростлади:

— Сиз Сафтар аканинг қишлоғиданмисиз?

— Ҳа, ўша қишлоқданман!

— Қалай, у киши эсон-омонмилар?

— Сизни бу йил, албатта келсинлар деб тайинлаб юбордилар.

— Албатта, бу йил бораман. Кўришмаганимизга ҳам беш-олти йил бўлиб қолди! — У чақирилмаган меҳмоннинг ортиқча чайналишини хоҳламай: — Хўш, хизмат? — деди хушламаган бир алфозда. Бунақаларга қўйиб берсангиз, кун бўйи валдирашади. Вақти борми сафсата сотишга. Устига-устак, ҳозир дарси бор! — У совуқдан қалтираган одамдек, бужмайди. Ҳаёт бунча совуқ!

Келган киши лабларини чапиллатиб, ғўдранди:

— Ҳа, шу домла... ҳалиги...

Сафтоев бурнини жийирди. Дангалини айтса-чи! От ўйната-яптими?!

— Тортинманг, очиқ айтаверинг!

— Шу, акаси... ҳалиги биласиз, ўғилча бу йил коллежни битиради. Ўзи газетга ёзишга жуда қизиқади. Ман бўсам деҳқонман. Ўн гектар ерим бор. Худога шукр. Замон бизга боқиб турибди. Ишлаган пул топяпти. Ерни боқсангиз, сизни тўйдиради, домла!

Сафтоев сал исигандек бўлиб, лабларини ялади:

— Бу йил даромад зўр бўлдимми?

— Худога шукр, ёмон эмас!

— Уч-тўрт миллион бўлса керак? — гап ковлади Сафтоев. Ўғлини ўқишга киритмоқчи экан, қанча атагани борлигини ҳам билиб қўйиши керак.

Содда меҳмон соддалик қилди:

— Бу йил ўн беш миллион соф фойда билан чиқдик!

— О, зўрсиз-у! Қойил, қойил! — Сафтоев терлаб кетди. Ана, одамлар қандай пул топишяпти. Сен ҳам юрибсан-да: бир-икки мингнинг гадоси бўлиб. — Ўғилчани ўқишга киритаман, денг! — Унинг қисилиб турган юраги ёзилиб, чарчоқлари ҳам унутилди. Қармоғига шунақа лаққабалиқ илинса, кўзлари яшнаб, саратон касали бўлса ҳам унутиб юборади.

— Ҳа, ўқишга киритмоқчиман домла! Сафтор Сафтоев Сизни ёрдам берадилар дедилар ва ҳаммасини тушунтирдилар.

Сафтоев ўрнидан туриб, эшикни очди ва компьютер ёнида ўтирган котиба қизга:

— Келдингизми, Назокат? Тезда битта чой дамлаб беринг! — деди ва нотаниш меҳмонга қараб: — Сиз қанақасидан ичасиз? — деб сўради.

— Бизга фарқи йўқ! — деди меҳмон ғалати тиржайиб.

Сафтоев жойига келиб ўтирди, меҳмон безовта бўлди:

— Овора бўлманг, домла! Ҳали қиладиган ишларим кўп! — У чўнтагидан бир даста пулни олиб, унинг олдига қўйди. — Бу хамир учидан патир, домла! Камини айтасиз, иш биттач, гатоп қиламиз!

Сафтоевнинг кўзлари ўйнади. Бир даста кўк пул. Қанча бўлиши мумкин? Тўрт-беш минглар бор. Худо бандасини бир томондан ғамга гирифтор қилса, иккинчи томондан сийлаб ҳам туради. Қандингни ур Сафтоев, берганнинг бетига қарама. Ол,

ҳалолинг бўлсин! Ўша қизни келин қилмаганинг яхши бўлди. Жиянни эса чиқариб оласан. Биттасини ишлатсанг, олам гулистон. Пул бўлса, чангалда шўрва! У пулни олиб, тортмага ташлади ва ручкасини олиб, дафтарчасини очди-да: — Жияннинг исм-фамилиясини, ўқиган мактаби, коллежини айтинг! — деди оғзи қулоғига етиб.

Меҳмон айтиб турди, у шитирлатиб ёзиб ташлади.

— Бўлди, ўғлим тўқсон тўққиз фоиз талаба деб ҳисоблайверинг! — деди қўлларини ишқалаб. Уйга бориб, шунча пулни хотинчасига кўрсатса борми, во-оо-о, эси оғиб қолади. «О, арслоним, бунча яхшисиз!» дея мушукдек суйқалади. Пул хотинларнинг жони. Пулни кўришса, ўзларини осмондан ташлашади. Ҳе-ҳе!

Меҳмон афтини буриштирди:

— Тўқсон тўққиз эмас, юз фоиз денг, домла!

Сафтоев унинг унчалик содда эмаслигини сезиб, «фермер дегани ичидан пишган бўлади» дея фиржайди:

— Тўқсон тўққиз фоиз деганимиз, акамулло, гарантия демакдир.

Меҳмон ҳомуза тортди:

— А шунақами? Ҳе-ҳе, яхши! — У костюмининг ички чўнтагини ковлади.

Сафтоев оч одамдек унга кўзларини лўқ тикди. Яна чўзмоқчи шекилли! Ўғли ўқишга кирар экан, пулни аямайдиган ҳотамтой кўринади. Бунақаларни яхшилаб шилиш керак.

Меҳмон ўрнидан турди. Сафтоев унинг қўлидан ушлади:

— Бир пиёла чой ичмасангиз, кетиш йўқ!

Меҳмон сирли жилмайди:

— Чойни бошқа жойда ичамиз?

Сафтоев ҳеч нимани тушунмади.

— Шундайми? — деди кулиб. — Майли, майли!

Меҳмон қабулхонага чиқди. Унинг ортидан уч киши хонага ёпирилиб кирди:

— Сиз Сафтоевмисиз?

— Шундай, йигитлар! Ўзи нима гап? Нега берухсат кирдинглар? Бу нима қилиқ?

Йигитлардан олдинда тургани — лаблари хийла чўзиқ, ўрта бўйлиси чўнтагидан яшил гувоҳномани чиқариб кўрсатди:

— Сиз пора олганлиқда айбланасиз!

Меҳмон ортида турган эди:

— Ғаладонни тортинг, жаноб Сафтоев! — деди кулиб.

— Ярамас! — Сафтоев унга еб қўйгудек ола қаради. У чиқиб кетмасидан пулни котибага бериб юбориш керак эди. Сафтоев шу ярамасга ишондингми? У деҳқон эмас, артист экан-ку! Буни қаранглар, у ҳатто Сафтор Сафтоев деган фамилиядош дўсти борлигигача ўрганибди. Вой, айёр-эй! Эҳ, Сафтоев, келиб-келиб шунга ишондингми? Шу айғоқчига-я?!

Гувоҳнома ушлаб турган йигит ғаладонни тортди. Пул жойида эди.

— Олиб, столнинг устига қўйинг! — буюрди у.

Сафтоевнинг ранг-қути ўчди.

* * *

Маржонанинг отаси — Назир ота дўппи кийган, оқ соч, оқиш-қизғиш юз, элликлардан ошган, қарашлари мулойим киши. Хуршида билан касалхонага келар экан, қизи ҳақида Сафтоевдан эшитганлари жон-жонидан ўтиб кетган, «наҳотки, елкамда кўтариб ўстирган қизалоғим ўзгариб кетган бўлса?!» — дея ўйлар ва изтироб ўтида ёнарди. Уялганидан Сафтоев билан бетма-бет бўлишга ҳам юраги дов бермади. Телефонда андиша билмай қизинг ёмон деган одам, бетма-бет бўлганда, аяб ўтирармиди?! Ўзи шундоқ ҳам узок йўл босиб келгунча ўйлайвериб-ўйлайвериб адои тамом бўлди. Уни «онам, онагинам, қўғирчоғим!» деб эркаларди, дунёдаги энг фаришта қиз деб биларди... Сафтоевнинг айтганлари рост бўлса, нима қилади? Оқ қиладими? Йўғ-э, йўғ-э, нималар деяпти? Нималар деб валдираяпти! У бундай қилолмайди.

Хуршида унинг ёнида мук тушиб ўтирганча хаёлга берилган эди. Таксичи ҳам камгап экан, кела-келгунча бир нима демади.

Бундай пайтларда одамнинг юраги қисилиб, ўзини қўярга жой тополмайди. Бир дақиқадан кейин нима бўлади? Яхшилик билан тутаса ҳай-ҳай, лекин ота қизини ерга урса-чи? Унинг авзойини кўрган заҳоти Хуршиданинг юраги орқага тортди. «Қани у?» сўради ота мулзам бўлиб. Касалхонада, Азимжоннинг ёнида эканлигини эшитган бўлса керак, «ҳали ҳам келмадими?» — деб сўради жавоб кутмасдан. «Йўқ» жавобини олгач, «Мени олиб боринг ўша ёққа!» деди. Хуршида қош қайира олмади. Билдики, қишлоқда миш-мишлар урчиб, болалаган. Отанинг авзойидан бу нарса маълум.

Қуёш чарақлар, касалхона ҳовлисидаги тахта ўриндиқлар банд эди. Хуршида маъюс ҳолатда одамлар оралаб ўтиб бораркан, «э худо, ишқилиб дугонамни шарманда қилма!» дея илтижо қилар, ғамгин юриб бораётган отага ачиниб тикиларди. Унга ҳам осон эмас. Отага осон деб бўладими?! Ким ҳам қизини ёмон отли бўлишини истайди?! Ҳеч ким, ҳеч ким истамайди!

Ота касалхона эшигидан секин ўтди. Хуршида билдики, унинг ичкари киришга юраги дов бермаяпти. Қийин унга! Жуда қийин! Қишлоқдан гап эшитган, бу ердан ҳам гап эшитган шекилли! Бундай пайтларда одамнинг бошидан ҳуши учиб, нима қилишини билмай қолади.

Йўлакда, эшик олдида милиция машинаси, яп-янги «опел» турар, ҳайдовчиси, милиция лейтенанти — ёшгина йигит сигарета тутатмоқда эди.

Эшик олдидаги навбатчи қиз:

— Сизлар кимга? — деб сўради жилмайиб.

Назир ота қовоқ уйди. Кимга келдим деб айтади? Азимжонгами? Хуршида ҳамширанинг қулоғига секин шивирлади:

— Азимжонга!

Ҳамшира «ўтинглар» дегандек йўл бўшатди.

Хуршида Назир отага ғамгин назар солиб, бир неча дақиқалардан сўнг нима воқеалар рўй беришини ўзича чамалаб кўрди: ота ичкари кириб, қизини Азимжоннинг ёнида кўради, қовоқ уйиб, унга аччиқ-аччиқ гапиради. «Сен мени шарманда қилдинг, беномус!» дейди. Офатнинг офатлиги ҳам бир тийин бўлади. Отага қайси юз билан тик қараб гапиради. Бу сенга порахўр Сафтоев эмас, бу зотни ота дейдилар. «Отаники — ўқ, онаники — йўқ!» Отага бир оғиз гап қайтариб кўр, нима бўласан?! Оқ бўласан, бадном бўласан! Турган гапки, Маржона ғиқ этолмайди, йиқилади, тамом бўлади...

У қора ойнали эшикни очди. Миқти гавдали думалоқ аёл уларни қаршилади:

— Сизлар кимга?

Хуршида кимга келганини маълум қилгач, аёл:

— Ҳозир! — деди-да, икки эшик нари бориб, ичкарига бош суқди. — 7-палатага келишибди. Нима қилай?

Доктор Пардаев халатини тўғрилаб, ташқари чиқди ва Хуршидани кўриб жилмайди: — Келдингларми? Қани, бу ёққа! — деди йўл кўрсатиб.

Хуршида докторни огоҳлантириш учун:

- Бу киши Маржонанинг оталари, қишлоқдан келибдилар!
- деди ташвишли оҳангда.

Доктор Пардаевнинг ҳамма гапдан хабари бор эди. Пўлат Ражабовнинг келгани яхши бўлди, дея Назир ота билан кўришиб, уни кабинетига олиб кирди. Назир ота кенг хонага, замонавий қизғиш жавонларга, турфа хил телефонар турган кенг ялтироқ столга, тўрда ўтирган милиция генерал майорига қаради-да, «нега бу ёққа олиб киришди» дея ҳайратланди. Уни кўриб, генерал Пўлат Ражабов ўрнидан турди. Ва кўришар экан:

- Маржона қизингиз нақ ўзингиз! — деди.

Назир ота хижолат тортиб индамади.

Пардаев унга стул сурди:

- Ўтиринг, отахон!

Ўтирдилар ва омин қилдилар. Доктор Пардаев унга ҳам, генералга ҳам чой қуйиб узатди ва:

- Яхши келдингизми? — деб сўрагач, Пўлат Ражабовни таништирди. Сўнг: — Ҳамма гапдан хабаримиз бор. Сиз жуда оқила қиз ўстирган экансиз! Худо олдида юзингиз ёруғ! — деди жилмайиб.

Назир ота ҳам ҳурмат юзасидан ўзини таништириб, улар билан сўрашди.

Пўлат Ражабов:

- Жуда ақлли қиз ўстирган экансиз, Назир ака! — деди самимий оҳангда. — Элимизни эл қиладиган ана шундай қизлар бўлади. Булар адолат, ҳалоллик ва чин муҳаббат учун курашадилар.

Пардаев гапни илиб кетди:

- Учаламиз ҳам даврни тушунган одамлармиз. Ўзбек деган номимиз, ўзбекчилик деган яхши анъаналаримиз бор. Болаларимиз учун ҳаммамиз масъулмиз. Назир ака, дўхтир ҳавойи гапиряпти, деб ўйламанг! Қизингизнинг эътиқодига, жасурлигига, бир сўзлигига тан бердим. У ажойиб бир йигитимизни ўлимдан қутқарди, десам, ишонаверинг! Касал учун биринчи галда дори эмас, ширин сўз ва муҳаббат муҳим! Нима дедингиз?

Пўлат Ражабов ўзига қараб турган доктор Пардаев билан кўз уриштириб олгач, бироз расмий тилда гапира кетди:

- Маржона мени олдимга ёрдам сўраб борганда, оддий қиз, деб ўйлаган эдим, лекин икки оғиз у билан гаплашиб, кўз олдимда улуғвор Бибихоним, зукко Нодирабегим гавдаланди. Ора-

мизда шундай сингиллар ўсаётганидан хурсанд бўлдим... Бу хабарни ҳам эшитиб қўйинг: сизга қуда бўлишни кўзлаган Сафтоев кеча қамоққа олинди.

Назир ота Сафтоевнинг қамоққа олинганини эшитмаган эди. У «шунақами?» дея гавдасини кўтарди ва икки қоши орасидаги оғриқ юмшаб, ўзини бир қадар енгил сездди.

Пардаев ундаги ўзгаришни кўриб:

— Унинг жияни Сатти Тўра бемаза бола эди! Шундай оқила синглимизни хароб қилиши мумкин эди, — деди.

Пўлат Ражабов:

— Назир ота, бир нима денг! — деди жилмайиб.

Назир отанинг лаблари пирпиради:

— Шу айтган гапларингиз рост бўлса, қизим, болажоним берган тузимни оқлаган бўлса, мингдан-минг розиман ундан!

Пўлат Ражабов:

— Ким миллат учун, эл учун қанча хизмат қилса, ақлли фарзандлар ўстирса, у ҳар қанча мукофотларга лойиқ. Назир ота, сиз ҳурматга сазовор инсонсиз! Куёвни кўринг, ишончим комилки, у сизга ёқади. Хўп, ёқди десангиз, бир уй биздан. Икки хонали квартирам бор. Ягона ўғлим чегарада, урушда ҳалок бўлган эди. Ҳадемай пенсияга чиқаман. Хўп десангиз, ўзим бош бўлиб, икки ёшнинг тўйини ўтказамиз!

Ташқаридан қадам товушлари эшитилди.

Назир ота энтиқди ва:

— Қизим? Болажоним! — дея ўрнидан туриб кетди.

АННАНИНГ ОҚ СОЧИФИ

Буюк рус ёзувчиси Ф.М. Достоевскийнинг рафикаси, вафодор аёл, улкан қалб эгаси Анна Григорьевна Достоевскаянинг порлоқ хотирасига бағишлайман.

— Бу муҳтарама аёл Достоевский вафотидан сўнг 38 йил яшаб, унинг асарлари тарғиботи билан шуғулланди.

Суҳбатдан

«Эрни эр қиладиган хотин».

Халқ мақоли

Чоғроққина ҳовли юзида енгил, ҳузурбахш шабада эсади. Олтиндек товланаётган Қуёш сершоҳ қайин дарахтининг тўқ яшил барглари орасидан кўз қисиб, темир тос тоғорадаги кўпик юзида олмосдек жилоланиб, ишва қилади. Эрининг кирларини юваётган Анна кўпикли қўллари билан илиққина нурлардан қамашган кўзларини ишқалаб, ишқ шаробидан тўйган гўзал қиздек, масрурона жилмаяди, гоҳо эса бир нималарни хиргойи қилади.

Ҳовлининг ўнг томонида айвонсиз, чап томонида эса айвонли иккитадан ёғоч уй жойлашган. Анна эри билан ана шу уйда яшайди. Эри катта одам, бутун Рус танийдиган машҳур инсон. Ҳукумат одамлари, савдогарлар, ҳатто мужиклар ҳам у кишини ҳурмат қилади. У билан анча йиллар бурун танишган эди. Эсида, бир куни Фёдор Михайловичнинг ўзи уларникига келиб қолди. Тақдирнинг ўзи учраштираман деса, ҳеч гап эмас, иш қил сугургандек осон кечади. Ўша куни ёзувчи унинг акаси билан кечгача гаплашиб ўтирди. Акаси Михаил оддий амалдор бўлса-да,

ижод аҳлини, санъаткорларни яхши кўрар, қўлига озгина пул тушди дегунча, уларни меҳмон қилишга ошиқарди. Шу хислатини билгани учун ҳам бу тоифа шанба, бозор кунлари ё Пасха байрамларида уларникига келиб, турли базмлар уюштиришиб, вақтичоғлик қилишарди. Анна эса ширин кулчалар, овқатлар пишириб, уларга қарашар, эътиборли гурунгларига қўшилиб чақчақлашар, шеърхонлик бошланган кезларда остонадан нари кетишни хоҳламасди. Фёдор Михайловичнинг Жуковский, айниқса, Пушкиндан ўқиган шеърларини эшитганда, ич-ичидан роҳатланар, «Демон»ни ўқиганда эса кўзларидан ёш қалқиб чиқарди. Овқат кўтариб кирганда шеър ўқишни энди тугатган Фёдор Михайловичга: «Жуда қойилмақом ўқир экансиз!» — дегани ҳам эсида.

Ўша кеча ака-сингил ёлғиз қолгач, Михаил адибни обдан мақтади.

— Руснинг энг яхши одами, — деди у Аннага қараб, — у шундай хоксор ва бамаъни, мулоҳазакор одамки, суҳбатидан сира тўймайсан. Адабиёт аҳли унинг ижодига юксак баҳо бермоқда.

Акаси бу гапларни унга атайин айтдими ёки бу чин кўнгил изҳорлари эдими, Анна бунинг моҳиятига етолмади, аммо ўшандан кейин Фёдор Михайловичга ўзгача меҳр билан қарай бошлади.

Қирчиллама қиш кунда бозордан қайтаётган пайтида қиморхона олдида қуймаланиб юрган Фёдор Михайловични учратиб қолиб, шундай эътиборли одам бу ерларда нима қилиб юрибди, деган хаёлга борди. У пайтларда Анна ҳали гўр, анча содда қиз эди. Қалби тоза бўлгани учун ҳам ҳаммани ўзи каби покиза, деб билар, айниқса, ёзувчиларни илоҳий кишилар, деб танир, унинг қимор ўйнашидан беҳабар эди.

Фёдор Михайлович унинг қўлидаги тўр халталарни оларкан:

— Нега сиз бозор қилиб юрибсиз, Михаил қаерда? — деб сўради.

Анна акасининг касал ётганини айтди.

— Касал денг? Қачондан бери? — деб сўради жойида тўхтаб.

— Бир ҳафтадан буён иситмалаб ётибдилар! — жавоб қилди Анна ташвиш билан. — Қаттиқ тумов теккан.

— Менга айтса, ўзим даволаб қўярдим! — деди Фёдор Михайлович бир оз ўпкаланиб.

Унинг куюнчаклиги Аннага ёқиб, яхши одам экан, деган хаёлга борди.

Фёдор Михайлович йўлда доривор-гиёҳлар дўконига кириб чиқди ва:

— Маъзур тутасиз, Анна Григорьевна, акангизни кўргани борсам майлими? — деб сўради.

Аннага бу гап ғалати туюлди. «Шундай катта одам ундан рухсат сўраб ўтирса-я! Қизиқ!» деб ўйлади ва негадир унинг самимийлигидан жуда суюнди, аммо негалигини ўзи ҳам англолмади.

Михаил оёққа тургунча Фёдор Михайлович деярли ҳар куни келиб турди. Ҳар гал кириб келганда Анна уни энтикиб кутиб оладиган, баҳорги гулдай очилиб, ўзини қўярга жой тополмайдиган бўлиб қолди. Шундай кезларда, оёғини қўлига олиб зир югурар, уни ширин сўзлар, мазали овқатлар билан сийлашга ошиқарди. Акаси Михаил адиб билан суҳбатлашаётган пайтларда, оёқ учиди юриб, уларнинг гапларига қулоқ солар, бу иши яхши эмаслигини билса-да, ёмон гапга қулоқ солмаяпман-ку деб, ўзини оқлаган бўларди. Бир куни хотин-қизлар ҳақида гап кетганда, Анна эркаклар биз тўғримизда қандай фикрлашаркин, дея ошхона эшиги ёнига келиб ўтирди.

— Ҳар миллатнинг зиёли қатлами аҳли аёлига эътибор қаратади! — гап бошлади Михаил акаси. — Фёдор Михайлович, Сиз нима дейсиз, биз бу борада етарлича ҳаракат қиляпмизми?

Фёдор Михайлович:

— Ишни ўзимиздан бошлашимиз керак, — деди ўта самимий оҳангда. — Агар аёлларга нисбатан адолатли бўлмас эканман, унда менинг менлигим жамиятга зиён келтириши мумкин. Таъкидлаб айтаманки, катта зиён келтириши мумкин.

— Сиз битта «мен»га шунчалик эътибор қаратялсиз. Бунга сизнинг шахсингиз...

— Йўқ, азизим, шахсимнинг бунга алоқаси йўқ, — унинг гапини илиб олди Фёдор Михайлович. — Рус аёлининг шаъни бизнинг шарафимиз. Жамиятда бу шиор устун бўлмас экан, унда жуда катта инқирозга юз тутамиз.

— Помпей шу туфайли Худонинг ғазабига учраган, дейишадди. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Бу баҳсли масала, азизим! Аммо Иван Грознийнинг ўғли борасидаги фожиаи саккиз хотинига бўлган қаҳри натижаси, албатта!

— Нимага қараб қадам ташласанг, ўшанга эришасан!

— Во-о, азизим! Шундай! Мен аёлларга бир ёмон сўз айтиш-га қўрқаман!

— Шу даражада аёлларни ҳурмат қиласизми?

— Ҳаракат қиламан!

Бу гап Аннага ёқди. Одатда, ҳар қандай қиз ҳам яхши йигит учраса, дея орзу қилади. Унинг бутун борлигини ялпизлар ва турли хушбўй ўтларнинг ҳидига ўхшаш ажиб ҳис ўраб олди. Кўз олдида Фёдор Михайловичнинг кенг, дўнг пешонаси, жиддий нигоҳи, бир текис юзи, самимий чехраси гавдаланаркан, «у ҳақиқий эркак» дея унга ўзича баҳо берди.

Кейинги кун келганида унинг ёлғиз яшаётганини билиб, қувонди. Нега қувонди? Бу сафар ҳам ўзига тушунмади, лекин кўнгли ширин ҳисга тўлаётганини англаб, бу беҳуда эмаслигини, ёш қалбига покиза муҳаббат ин қураётганини аниқ билди. Аммо Михаил оёққа тургач, Фёдор Михайлович кўринмай қолди. Анна бундан ташвишга тушиб, безовталана бошлади. Шайтон васвасасига учиб, ёқмай қолдикми, деган хавотирга ҳам борди. Буюк инсонларнинг ошиқлари кўп бўлади. Эҳтимол, бирорта бошқа аёл ром этган бўлса-чи, деган ўй уни тамом гангитиб қўйди. Шу ўйлар қуршовида юриб, ҳатто бир-икки кун қовоғини ҳам очмади. Акаси у-бу нарсани сўраса, ёқмагандай бўлди. «Мен ғалати бўлиб боряпман», деб ўйлади ўзича ва восвос касалига йўлиқиб қолмасайдим, дея ташвишга тушди.

Қиш ўтди. Баҳор кунларининг бирида Фёдор Михайлович бир соатта келиб кетди. Анна роса қувонди. Лекин унинг бир оз озгани кўнглини ғаш қилди. Кечқурун акаси ҳам шу тўғрида сўзлади. Аммо Анна ҳеч нарса демади. Михаил эса негадир кулиб қўйди.

— Нима гап, Михаил? — сўради у беихтиёр.

— Айтсам, жаҳл қилмайсанми?! — акасининг кўзлари ёнди.

— Сен жаҳлимни чиқарадиган гап айтмасанг керак!

— Албатта, синглим! Сенинг бахтингни ўйлайман. Йигит уйланади, қиз болани турмушга узатадилар.

— Ўзинг нега уйланмаяпсан?

— Сенинг бахтингни ўйлайман, Анна! Отам ҳам, онам ҳам васият қилишган. Хўп десанг, дўстимиз қўлингни сўраб турибди. Лекин акам мени уйдан қувмоқчи деган гап хаёлингга келмасин!

Анна юзини тескари ўгирди.

Михаил ўрнидан туриб, эшик ёнига борди.

— Ўйлаб кўр, Анна, умр савдоси бу! Лекин унинг аввал уйланганини, ўғли борлигини ҳам эсингдан чиқарма.

Орадан бир ҳафта ўтди. Анна уйда ёлғиз эди. Тўсатдан Фёдор Михайловичнинг ўзи кириб келди.

— Яхшимисиз, Анна Григорьевна? — дея сўрашди бошидаги қалпоғини олиб ва остонада туриб қолди.

Аннанинг юраги титрамоқда эди. Ўзини қўлга олиб:

— Нега қараб турибсиз, Фёдор Михайлович, киринг уйга! — деди. Овози қалтиради.

— Михаил қаерда? — Фёдор Михайлович ичкари киришга тортинди ва: — У киши сизга бирор гап айтмадиларми? — деб сўради.

Анна жим қолди.

Фёдор Михайлович қалпоғини ғижимлади:

— Агар дилингизни оғритган бўлсам, узр сўрайман. Сиз жуда одобли қизсиз. Мен ноўрин гапириб қўйдим шекилли!

Аннанинг унга раҳми келди ва бор кучини тўплаб:

— Сиздан дилим оғригани йўқ! — деди ва худди акасига қарашга уялгандек, юзини тескари бурди.

Фёдор Михайлович қизнинг кўнгли борлигини аниқ сезди.

— Мен катта умидлар билан тақдиримни сизга топширсам, дейман.

— ...

— Шарқликларда: «Эрни эр қиладиган хотин» деган яхши мақол бор. Сизнинг ниҳоятда покиза ва олижаноб эканлигингиз менга ёқиб қолди.

Анна ҳамма қизларга хос йўсинда «ўзим-чи, ўзим ёқаманми? Севасизми?» дея ўйлади.

Фёдор Михайлович эҳтимол бунни сезгандир, балки сезмагандир.

— Қалбимда сизга нисбатан меҳр борлигини ҳам яширмайман! Бу дунёга келиб, ҳеч кимга бунчалик меҳр қўйган эмасдим! — деди Фёдор Михайлович қўлидаги шапкасини ғижимлаганча.

Анна «оббо, бечора-ей, уялганидан шапкасини ҳам ғижимлаб қўйди-я» дея унга раҳми келди, лекин унинг дадил гапиргани, кўнглидаги туйғуни аниқ ифода этгани жуда ёқди. «Жонгинам, шу гапингизнинг ўзи менга етади» дейишига оз қолди.

Ёз ойининг илиқ оқшомида Фёдор Михайлович бир даста гул кўтариб, жилмайганча кириб келди. Михаил уни жуда очиқ чех-ра билан кутиб олди. Ким билади, акаси билан келишиб олган

бўлса ҳам бордир. Аммо ўша оқшом умр дафтарида мангу муҳрланди. Фёдор Михайлович қўлини ювди-да, нимага артсам дея қараб қолди. Анна ичкаридан қизил гул ва сариқ попукли оппоқ сочиқни олиб чиқиб, унга узатди.

Фёдор Михайлович оппоқ сочиқни қўлга оларкан, кўзлари шундай порладик, Анна уни ҳеч қачон бу қадар қувонч билан боқганини кўрган эмасди. Ёзувчи одам эмасми, қиз боланинг нечун оппоқ сочиқ тутганини дарҳол тушунди. Тушунмаслиги мумкин эмасди. Тушунгани учун ҳам:

— Таклифимни қабул қилганингиз учун раҳмат сизга! — деди миннатдор бўлиб.

Ёзнинг илиқ кунисида, атрофда хушбўй еллар уфурган файзли оқшомда Анна Фёдор Михайловичнинг отасидан қолган катта чорбоғига келин бўлиб тушди. У ниҳоятда бахтиёр ва шод эди. Аввалги қорамағиз Анна гул-гул очилган жувонга айланди. Унинг наздида, бу оламда Фёдор Михайловичдан зўр ва ақлли эркак йўқ эди. Бу йилги ёз оқшомлари унга тамом завқ-шавқли туюлди, гўёки бунақа гўзал фасл аввал бўлмагандек эди. Ҳар кеч Фёдор Михайлович билан ёлғиз қолганда, бутун танасини лаззатли ҳислар чулғаб олиб, унга ҳузур берар, эрталаблари барвақт уйғониб, унга нонушта тайёрлаш билан овора бўларди. Фёдор Михайлович соат тўққизларгача ишлар, чарчагач, нонушта қилиб, кўчага чиқиб кетарди.

Анна унинг уйга қайтишини сабрсизлик билан кутар ва ҳар куни қандайдир янгилик билан қаршилашга интиларди. Бир гал кўчага чиқиб, заргардан унга олтин қалам харид қилди ва уни оппоқ сочиққа ўраб қўйди. Фёдор Михайлович уйга кириб, қўл юваётган пайтда олтин пероли ручкани бирга қўшиб олиб чиқди. Эри оппоқ сочиққа қўл артишга ўрганиб қолган эди, аммо бу сафар хотини қўлидаги оқ сочиқнинг ярим ўралганини кўриб:

— Яна бирор нима ўйлаб топдингми, Анна? — деди жилмайиб.

— Топинг-чи? — эркаланди Анна.

Фёдор Михайлович оқ сочиқни авайлаб қўлига олди ва секин очиб кўрди. Олтин пероли ручкага кўзи тушгач:

— Сен оддий аёл эмас, фариштасан! — дея ундан миннатдор бўлганини яширмади.

— Фёдор Михайлович, ижодингиз ҳамиша баракали бўлсин! — деди оқ тилак билдириб.

Маша хола унинг ортидан хўмрайиб қолди, лекин ҳеч нарса демади.

...Анна кирларини ювиб, дорга қатор осиб чиққач, тоза сувга қўлларини чайди-да, ичкари кириб, овқат ҳозирлашга киришди. Ҳадемай Фёдор Михайлович келиб қолади, унга қуймоқ тайёрлаб қўйиши керак. Қуймоқни яхши кўради.

Маша хола кимгадир ғазаб билан гапирар, қаҳрли овози узоқ-узоқларга кетаётган эди. Аввалига эътибор бермади, кимнидир тергаяпти шекилли, деб ўйлади, аммо бир оздан сўнг ўзининг исмини эшитиб, унинг овозига қулоқ тутди.

— Ўзи жинқарча бўлса ҳам, бало экан, қайсар Фёдорнинг бурнидан ип ўтказиб олди, яшшамгур!

Аннанинг бошига ғув этиб оғриқ кирди. «Яшшамагур!» деди-ми? Тили заҳар экан, ўзи ҳам заҳарга ўхшайди. Юрагида адоват сақлаган аёлдан қўрқиш керак. Бу аҳволда бўлса, ҳали бошида тегирмон тошини юргизмаса, гўрга эди!

* * *

Маша хола шишган оёқларини зўрға кўтариб, тахта зинага чиқаркан, сариқ жунли кучукча билан ўйнаётган боши узунчоқ, сийрак соч қўшни бола Женьяга:

— Болагинам, Фёдор амакингнинг олдига югур, икки кило ба-лиққа пул бериб юборсинлар! — деди кўқарган лабларини тишлаб.

Женьянинг ўрнидан тургиси келмади. Кучукча унинг йўл-йўл қўйлаги этагидан тортқилаган эди, қиқирлаб кулди.

Маша холанинг жаҳли чиқди:

— Ов, зумраша, сенга айтаяпман, тез бориб, пул олиб кел!

Женья ўрнидан турди, унинг қовоғи осилиб тушган эди.

— Овора бўлманг, Маша хола, у киши пул бермайдилар.

Маша холанинг энсаси қотди. Ким айтди бермайди деб. Шу кунгача ғиринг демай, чўзиб келаётган эди-ку! Бермас эмиш. Бермай ҳам бўпти. Уни уйлантирган ким? Маша хола! Одам қилиб юрган ким? Маша хола! Юрган эди бит кўзларини сариқ қоғозларга тикиб. Энди уйланиб, одам бўлиб қолибдими?

— Менга қара, ҳов зумраша? — У гўштдор қўлини семиз белига тиради. — Ҳозироқ бориб етказ, Маша хола айтаяпти, де! Тезда икки сўлкавой жўнатсин!

Женья бурнини тортди:

— Барибир бермайдилар, овора бўлманг!

— Вой-вой, нега бермас экан?

— Анна келин опачам айтдиларки, бундан кейин пул сўрамас экансиз.

— Вой-вой, қорачанинг аллақачон тили чиқиб қолибдими? Қараб турсин, ҳали мен унга кўрсатиб қўяман!

Анна совуқ гапларни эшитиб, юраги изтиробга тўлди. Жаҳл чиққанда ақл кетади, деб ўйлади ва тишини-тишига қўйиб, жаҳлга эрк беришга йўл қўймади. Фёдор Михайлович келганди ҳам бирор сўз айтмади. Ижодкорларнинг кўнгли нозик бўлади. Уларни ранжитсанг, илҳомини қочириб юборасан. Бу уйда яшаётганидан буён билгани шу. Фёдор Михайлович яқинларининг жаҳл қилаётганини билса, ўзларига олиб, ғам-ташвишга ботиб қолади. Боз устига, тутқаноғи хуруж қилиб қолиши мумкин.

Анна эрининг бўғриққан юзига хавотир билан боқди. Бугун ҳам қиморда бой берган кўринади. Қуриб кетгур, яна қайси бири уни қиморхонага бошлади?! Кўчага чиқса бўлди, улфат топилади. Лекин ҳозир унга ўзини билдириб қўймаслик керак. Асабини маҳкам тутгани маъқул. Яшаётганига эндигина уч ой бўлди. Оила деразасига дарз кетса, қайтиб тиклаш қийин. Эҳ, худойим, ёмонликлардан бандангни ўзинг асра.

У апил-тапил уйга кириб, оппоқ сочиқ олиб чиқди. Фёдор Михайлович оппоқ сочиқни юзига босиб ҳидларкан:

— Анна, сочиқнинг шунча кўпми? — деб сўради маънодор тикилиб.

— Нимайди? — Анна ҳам унга ҳайрат билан боқди.

— Ҳар гал янги сочиқ бераяпсан, назаримда?!

— Йўғ-э, Фёдор Михайлович, нималар деяпсиз! Ўзи, битта сочиғимиз бор, холос!

— Наҳотки, Анна? Сира ишонмайман! Айт-чи. Унда... унда қандай қилиб бу сочиқни ҳар сафар яп-янги ҳолатда тутқазаяпсан менга? Нима билан ювасан уни?

— Қалбим чечаги билан.

Фёдор Михайлович бошини сарак-сарак қилиб:

— Таъриф йўқ сенга, Анна! — деди дилбар оҳангда.

Анна терисига сиғмай яйраб кулди. Уйга киргач, эрининг олдига овқатини қўйиб, мулоим жилмайганча елкаларини силади. Эри очиққан экан, овқатни паққос туширди.

— Яна ейсизми, Фёдор Михайлович?

— Йўқ, раҳмат! Овқатинг ўзинг каби ширин бўлипти. Қўлинг дард кўрмасин! Уйда тинчликми?

— Тинчлик!

— Бирортаси жиғингга тегмаяптими?

– Йўғ-э, Фёдор Михайлович, нималар деяпсиз?! Ким ҳам жигимга тегарди?! Ҳеч кимга ёмонлик қилаётганим йўқ-ку!

– Мен бу уйда доимо тинчлик бўлишини истайман.

– Худо хоҳласа, тинчлик бўлади, Фёдор Михайлович, хотир-жам бўлинг! Дам оласизми ёки ижод қиласизми?

– Янги бир нарса хаёлимда айланиб юрибди. Шуни бошла-самми деб турибман.

– Ҳар дақиқа ғанимат, Фёдор Михайлович. Сиз ёзинг.

– Шу гапларинг менга жуда ёқади, жонгинам.

Анна унинг елкаларини силади.

– Ёзаётганимда елкаларимни силасанг, осон ёза бошлайман, Анна, жонгинам, сени менга худонинг ўзи етказди. Бирам меҳ-рибонсанки, сени қандай хурсанд қилишни ҳам билмайман.

– Менга соғ бўлсангиз, ижод қилиб, хурсанд юрсангиз, шу-нинг ўзи кифоя.

Фёдор Михайлович кечгача ижод қилди. Ишни давом эттир-моқчи эди, аммо кўкракларим оғриб кетди, дегач, Анна тоза ҳавога чиқиб кела қолинг, деди. «Юр, бирга айланиб келамиз» деган эди, кўнмади. Уйдагилари шундан ҳам бир фожиа ясаб ўтириш-масин тагин.

Фёдор Михайлович чиқиб кетгач, орадан ярим соатлар ўтиб, Никола келди.

Аллақаёқдан ичиб олган, кайфи тароқ эди.

– Ов, менга қара, ойимтилла! — деди қизарган бурнини жийи-риб. — Нега Маша холага пул бермадинг? Нима, Фёдор Михайло-вич тамом ўзимники деб ўйлаяпсанми? Онам бўлганларида, со-чингни битталаб юлардилар. Билдингми? Агар, яна Женяни қуруқ қайтарадиган бўлсанг, қорангни ўчираман бу уйдан.

Анна юраги титраб турган бўлса-да:

– Яхши, Николай Федорович, бориб дамингизни олинг, чар-чаган кўринасиз! — деди мулоиймлик билан.

Никола турган жойида депсинди:

– Менга ўргатма, ёшлик қиласан!

– Никола, ақсизлик қилманг! Сиз обрўли инсоннинг фар-зандисиз! Мен сизни беҳад ҳурмат қиламан!

– Ҳурмат қилармишлар!

Маша хола ҳаллослаб келди:

– Бу шўртумшуқ билан яхшилаб гаплашиб қўй, Никола. У ҳаммамизни нофорасига ўйнатмоқчи.

Фёдор Михайлович узоққа кетмаган эди. Уйдаги шовқин-суронни эшитиб, ичкарига кирди. Унга кўзи тушган Анна ўзини четга олди.

Маша хола Николани турткилади:

— Ўзинг яхшилаб гаплаш, бизга қулоқ солмаяпти.

Фёдор Михайлович Николанинг ичиб олганини кўриб хўмрайди:

— Дайдиб юргандан кўра, заводга ишга кирсанг бўлмайди-ми?

Никола Маша холани орқа қилиб бақира кетди:

— Холамни нега қийнайсиз? Сизга ёмонлик қилганлари йўқ-ку?!

— Сен менга бунақа ўшқирма, Никола! — деди Фёдор Михайлович титраб. — Отага қаттиқ гапирмайдилар.

Маша холанинг тили қичиди:

— Ҳаҳ зорманда, буни ҳам ўша ойимчаси ўргатган шекилли!

Никола газак олди:

— Бу одатингиз яхши эмас, Фёдор Михайлович!

— Никола, сен мендан нима истайсан ўзи? Эрталаб пул дединг, бердим, яна нима гап?

— Маша хола атиги икки сўлкавой сўрасалар, бермабсиз-ку!

— Гап бу ёқда дегин. Кеча ўн сўлкавой берган эдим. Ўн беш кунга етади. Озми бу?!

Маша хола ўзича тўнғилади:

— Миннат қилишга ўтибди. Ойимчаси қуловига қуйган бўлса керак. Зорманда!

Фёдор Михайлович уйга хафа ҳолда кирди. Анна югуриб келиб, унинг бўйнига осилди:

— Эътибор берманг, Фёдор Михайлович, сизга хафа бўлиш мумкин эмас.

— Кайфиятим жуда бузилди, Анна. Кўрмайсанми буларни.

— Бирор нарса берайми, Фёдор Михайлович?

— Йўқ, Анна, ҳеч нарса керакмас.

Дераза остидан аввал шитир-шитир қадам товушлари, сўнг Маша холанинг вазоҳатли овози эшитилди:

— Ойимтилла эмас, ялмоғиз! Вуҳ, яшшамагур!

Фёдор Михайловичнинг икки бети шолғомдек қизарди. Маша холага бир нима дея олмасди, шуни била туриб жуда қийналди, юраги қисилиб, айна дақиқада бўғзидаги оғриқни ичига ютиш-

га мажбур эди, шунинг учун ҳам унинг гапини эшитмаганга олди. Дўнг пешонаси тиришиб, қўли билан кўксини силаганча, секин бориб, каравотга чўзилди.

Аннани қўрқув босди: эрининг кайфияти бузилса, тутқаноғи тутади. Кейинги икки ойда уч бора тутқаноғи тутган бўлса, ҳам-масига Маша хола билан Никола айбдор. Ўтган гал Никола: «Отамнинг касал бўлишига сен сабабчисан?!» дея чунонам ҳақорат қилдики, тишини-тишига босиб, зўрға чидади. Бошқа аёл бўлганда, жўжахўрознинг башарасини ғижимлаб, тимдалаб, юлиб, расво қиларди. Илож қанча, чидайсан. Аҳмоқ билан ўчакишгандан кўра, тилингни тишлаганинг афзалроқ, тил яраси битади. Шуларни ўйларкан, ке қўй, Фёдор Михайлович хафа бўлиб, меңдан кўнгли қолмасин, дея ўзини босди.

Ярим кечага бориб, эрининг тутқаноғи тутди. Иккиланиб ўтирмай унинг оғзига чўп қошиқ солиб, қулоқларига пиёз тикди, юзига шапатилади. Бу ҳам қор қилмагач, юзига совуқ сув сепиб, қўл-оёқларини уқалади. Ўзига келмаса, табибга югураман, деб ўйлади, аммо худо унга раҳм қилди шекилли, бир неча фурсатдан сўнг Фёдор Михайлович аксириб, кўзини очди ва :

— Анна, қўрқма, мен яхшиман! — деди.

Аннанинг қўл-оёғи бўшашиб, танасидан совуқ тер чиқиб, қалтираганча жойида ўтириб қолди. Эртага докторга олиб бораман, бу касални даволамаса, бир кун ундан айрилиб қолиши мумкин.

Эрталаб Фёдор Михайлович нохуш ҳолатда уйғонди. Бу ҳолатда уйда ўтирса, на ижод қилади, на гап беради. Нонушта қилишгач, Анна:

— Фёдор Михайлович, хўп десангиз, тоза ҳавода шаҳар боғини айланиб келардик. Сув бўйида ўтиришни яхши кўрасиз-ку?!

Фёдор Михайлович унга илтифот билан боқди. Оч қизғиш қошлари остидаги кўзлари, худди мушук боласиникидек, мулоғим, юввош боқди. Сарғиш киприкларида меҳрга ташналик борлиги сезилиб турарди.

— Анна, сен нақадар яхшисан. Нечун сени 45 ёшга кирганда, умримнинг ярми ўтиб бўлганда учратдим? Гўзал, бебаҳо аёлсан. Яхши тарбия кўрган назокатли фариштасан. Сенинг олдингда гоҳо хижолат тортиб қоляпман.

— Фёдор Михайлович, қўйсангиз-чи шу гапларни, Сизни жуда ҳам яхши кўраман ва ҳурмат қиламан.

— Барибир сенинг олдингда хижолатдаман! Ўртамиздаги фарқни айт: энди йигирмага тўлдинг, айна ўйнаб-куладиган давринг!

Анна гапни ҳазилга бурди:

— Фёдор Михайлович, мен тезда кексайиб, сизга етиб оламан. Бундан сира хижолат бўлманг. Хўш, айланишга борамизми?

— Майли, мен розиман!

Итига овқат бераётган Маша хола:

— Саҳармардонлаб йўл бўлсин? — дея қовоғини уйди.

Фёдор Михайлович қора шляпасини бошидан олиб, у билан сўрашгач:

— Ўзимиз шундай, бир айланиб келайлик! — деди одоб ва тавозе билан.

— Нега хаста одамга ўхшаб, овозинг зўрға чиқяпти? Касалмисан?

Фёдор Михайловични «касалмисан?» дея менсимагани Аннанинг таъбини хира қилди.

— Кеча салгина мазалари бўлмаган эди, — деди у «хавотирли жойи йўқ» дегандек.

Маша хола тунд башарасини тескари буриб, бир нималар деб тўнғилади. Нима дегани аниқ. Нима дер эди? «Ўргилдим сенлардан» дегандир, бошқа нима ҳам дер эди. Зиқна аёллар адоватга ўч бўлишиб, қилдан қийиқ ахтариб, жанжал қўзғаб, ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам тинчитмайдилар, натижада на ўзлари ўйнаб куладилар, на бошқалар.

Улар катта тахта дарвозанинг кичкина дуб эшикчасидан кўчага чиқишди. Кеча ёмғир ёққан, тош йўл нам эди. Тарақлаб фойтун арава ўтиб кетди. Отнинг тер ҳиди анқиб, Аннанинг боши айланди. Отда сайр қилмаганига ҳам анча бўлди. От чопсанг, бўғимлар оғриғи йўқолади. Лекин у энди кечаги боши очиқ қиз эмас, эрли аёл. Келинчакнинг отга миниши сал уят ҳисобланади. Насиб этса, бир кун ўрни келганда яна отда сайр қилишар. Ҳозирча Фёдор Михайловични докторга кўрсатиб, уни тор ва биқик муҳитдан узоқларга олиб кетмаса бўлмайди. Маша хола, невараси-ю, қариндош-уруғлари шундай буюк инсонни еб, адойи тамом қилишади. Йўлини қилиб, эрини қутқармаса, соғлиғини тикламаса, келажак унинг номига қора муҳр босади. Анна буюк ёзувчига раҳм қилмаган, унга қарамаган, ўз вақтида ёрдам кўрсатмаган, деб айблашади. Энг ёмони ҳам шу: келажакда но-

минг ёмон бўлиб қолмаслиги керак. Вақт — ҳакам эмас, вақт ўткинчи, демак у — бевафо. Шундай экан, қадрни вақт билан эмас, эртанинг ҳукми билан баҳолаш керак.

Қаршисидан келаётган икки киши — бири қориндор, иккинчиси кенг юзли жаноб бошларидаги шляпаларини олиб саломлашдилар.

Қориндор жаноб ялтироқ шляпасини кўксига босиб, яна таъзим қилди:

— Улуф Руснинг буюк ёзувчиси билан учрашганимдан ғоят хурсандман. Туркистон губернатор жаноби олийларининг саломларини келтирдим сизга. Бу киши, ҳойнаҳой, Анна Григорьевна бўлсалар керак! — У Аннага ҳам таъзим қилди. — Бир-бирларингизга ғоят муносиб экансизлар.

Анна кенг оқ барли этакларини енгил кўтариб, назокат билан таъзим қилди:

— Миннатдорман, ҳурматли зот!

Жаноб яна таъзимга эгилди:

— Отангиз билан Кавказда бирга хизматда бўлганман. Жуда ориятли ва аслзода эдилар у киши.

Анна бошини эгди:

— Шавкатли отамизни эслаганингиз учун бошим кўкка етди! Ҳақиқатан у киши олижаноб инсон эдилар!

Улар бир-бирлари билан маънодор кўз уриштиришди. Туркистондан келган жаноб:

— Фёдор Михайлович, танишиб олинг, Иван Манн, Франциядаги рус адабиётининг билимдони. Атайин Сизни йўқлаб келибдилар! — деди шеригига ишора қилиб.

Фёдор Михайлович Аннага қаради. Анна унга «уйга таклиф этинг» дегандек, ишора қилди.

— Бизни йўқлаб келганларингиз учун раҳмат! — деди Фёдор Михайлович таъзим бажо айлаб. — Уйга юринглар, меҳмон бўласизлар!

Иван Манн қўйнидан кичкина китоб чиқариб, унга узатди:

— Буни сизга парижлик мухлисингиз бериб юборди. У киши ажойиб инсон. Сизни ўқиб турар экан. Ёзганларингиз жуда ёқармиш. Буни алоҳида тайинлашимни илтимос қилган эди. Яна у киши «Париж» журнали учун сиздан суҳбат олишимни илтимос қилдилар. Йўқ демасангиз, яқин орадаги қаҳвахоналардан бирига борсак.

— Уйга кирсак-чи? — Фёдор Михайлович мўлтираб қаради.

Анна эрининг гапини қувватлаган бўлиб:

— Бизникага борсангизлар, хурсанд бўлардик! — деди илтифотли оҳангда.

Иван Манн туркистонлик шеригига кўз қирини ташлаб:

— Ўтириб қоламиз, Николай Иванович, ҳали бажарадиган ишларимиз кўп! — деди.

— Унда бурчақдаги «Тошкент отели» га кирайлик. У ерда яхши чой дамлашади. Бир пиёла чой устида суҳбатлаша қоламиз.

Аннага унинг гаплари ғайритабиий туюлди. Фёдор Михайлович:

— Сиз ҳақиқий шарқликка айланибсиз! — деди кулиб.

— Тошкентнинг чойи билан қовунларини соғиндим.

Улар аста-секинлик билан тўғридаги икки қаватли оқ бинога қараб юришди. Бино деразалари катта-катта, атрофлари оқ ганч билан сайқаланган бўлиб, қизил духоба парда тутилган. Зангори духоба парданинг четлари қайтариб қўйилган. Оқ мрамардан ишланган олтига зина ҳозиргина артилган шекилли, ойнадек ярқирайди. Ёғоч ўймакор эшик ланг очиқ.

Эшик оға чаққон ҳаракатлар билан пешвоз чиқиб, уларни кенг дераза ёнидаги ёруғ жойда ўрнатилган тахта каравотга томон бошлади. Каравот жуда кенг, чўғдек гиламлар атрофига бухорои шарифнинг пошшойи атласидан тикилган кўрпачалар солинган. Ўртада кенг ва узун хонтахта. Унинг устига зар ипақлар билан турли хил гуллар ва булбуллар расми туширилган дастурхон ёзилган. Бир четда чинни чойнак-пиёлалар ва иккита қизғишранг қувача.

— Бу нима? — сўради Иван Манн.

— Қувача? — жавоб қилди Николай Иванович ва сўрамасаларда унга таъриф берди. — Унда қимиз бор. Қимиз ўпкага жуда даво. Асабни тинчлантиради, кўнгилни чароғон қилади.

Анна Фёдор Михайловичга қаради. Унинг ранги кундан-кунга синиқиб боряпти. Ўпкасида дарди бор.

— Бир ичиб кўрмайсизми?! — деди у.

— Табиатнинг бу инъомидан бош тортишининг ўзи телбалик! Мен ичиб кўраман! — Эри унга назокат ва меҳр билан қаради.

Бошига ғалати ой-юлдузлар нусхаси туширилган тўртбурчак дўлли кийган ширмон юзли йигит дастурхонга чой ва нон қўйди.

Иван Манн «бизга қимиз олиб кел» демоқчи бўлган эди, Николай Иванович:

— Уларда удум шунақа: меҳмонга аввал чой-нон қўйишади, — дея тушунтирган бўлди. — Бунинг маъноси шуки, — изох

берди у, — оламга ва одамзодга аввал покиза таомлар берилмоғи лозим. Олинглар, азизларим, аввал бир бурда нон еб, бир пиёладан чой ичайлик, сўнг қимиз ичиб, суҳбат қурамиз.

Суҳбат ярим соат давом этди.

Фёдор Михайловичнинг кайфияти кўтарилиб, уни жўшқин ва қувноқ, ширин ҳислар ўраб олди. Руҳи ҳам енгил тортиб, ўз-ўзидан астойдил суюнди ва шу дамда эриб кетиб, Аннасига сувсар ёқали пўстин совға қилмоқни ихтиёр айлади. Албатта, туғилган кунда хотини орзу қилган палтони совға қилса, шундай хурсанд бўлади. Икки қўл қимор ўйнаса, чиқиб турибди-да пули. Эртаси тушлиқдан сўнг ишим бор деб кўчага чиқди-да, шу марта ўйнай, сўнг бошқа келмайман, деган ўйда қиморхонага кирди. Эски танишлари уни кўриб, ясама тиржайишди. Фёдор Михайлович — кучли рақиб, унча-мунчага ютқазиб қўймайди. Уларнинг орасида «бу дарознинг келмай қўйгани яхши эди» деганлари ҳам бор эди. Дастлаб қўли баланд келганда, жуда суюнди. Кейинги гал ҳам тикилган пулларнинг ҳаммасини ютиб олди. Яна бир қўл ўйнаса, олам гулистон, Аннага олмоқчи бўлган пўстиннинг пули нақд бўлади-қўяди.

Қаршисида ўтирган бақбақали жаноб ширадор кўзларини лўқ қилганча унга қараб турар, сарғиш қошларининг орасида офтобда қуриб қолган чувалчанглардай оқимтир, хунук ажинлар пайдо бўлган ва бу нарса унинг ичиқоралик билан ҳасад қилаётганидан дарак берарди.

Фёдор Михайловичнинг қўллари қалтираб, юрагини умидсизлик туманлари қоплади. Қулоғи остида «ҳаддингдан ошдинг» деган овоз янграб, оёқларида титроқ турди. Кўз олдида тагин Анна гавдаланиб, қулоғи остида унинг: «Яна қимор ўйнаяпсизми, Фёдор Михайлович?! Катта ёзувчисиз, сизга бу тўғри келмайди, обрўйингизни ўйласангиз-чи?!» деган дашноми янгради. У билан хаёлан гаплашиб, шу охирги ўйиним, бошқа такрорланмайди, деди ўзича.

— Ютқазди! — деди ортида турган кимдир паст, хирри овозда.

Фёдор Михайлович бошига гурзи тушгандек, гангиб қолди. Нима бўлди ўзи? Шунча пул қўлдан кетди-я! Эсиз!

Рулетка шиғиллаб айланди.

У яна тикди. Ютқазган пулини қайтариб олиши керак. Ҳечқиси йўқ, қайтариб олади. Анна билан бўлиб, хаёли чалғиди.

Энди бутун фикру зикрини ўйинга қаратади. Лекин бу сафар ҳам ундан омад юз ўтирди ва энди у тез асабийлаша бошлади. Кейинги гал яна ютқазиб, баттар жиғибийрони чиқди. Қарз олиб, умид билан тиккан эди, яна омади чопмади. Яна, яна ва яна ўйнади. Унинг ҳурмати учун кетма-кет қарз бериб турдилар. У қарз борасида сира фирромлик қилмайди, тезда қайтаради. Шу одатини яхши билганлари учун ҳам бу ердаги ҳар бир жаноб сира иккиланмай, унга қарз берди ва охирида қарз берувчининг ўзи қолмагач, Фёдор Михайлович икки қўлини кўтарди. Энди қарзни узиш қолди ҳисоб. Малай бола унинг уйига жўнатилади. Анна Григорьевна бола келтирган қоғозга қараб, шунча катта миқдордаги қарздан эмас, кўпроқ унинг ўзидан хавотирланди: тутқаноғи тутиб, бир кори ҳол рўй берса борми, ундан айрилиб қолади. Болага ҳозироқ етиб боришини айтиб, уйдаги маблағдан бир қисмини ҳамда олтин тўғноғичини, олмос ва ёқут кўзли узукларини ҳамёнига солди-да, қиморхона томон югурди. Ишқилиб, Фёдор Михайловичнинг тутқаноғи тутмаган бўлсин! Э худоим-эй, қанақа одамлар бор-а! Русни рус қилиб юрган шундай катта истеъдодли одамни нега бу кўйга солишади-я? Фёдор Михайлович ғирт содда одам. Уни осонгина лақиллатишган шекилли! Пул кетса-кетсин, ўзи омон бўлсин ишқилиб.

Югуриб, ҳаллослаб, чопиб бораётган Аннанинг нафаси қисилиб, бир оз қадамини секинлатди, аммо кўз олдида хириллаб нафас олаётган Фёдор Михайлович кўриниб, яна югура кетди.

* * *

Анна эшиқдан югуриб ичкари кирди, кенг зал ғала-ғовур, шовқин-сурон, қуюқ кумуш тутунга тўла. Ачимтир ҳид димоғига урилиб, кўнгли озди. Касофат жойларда одамлар тоза қонларини бузишиб, ўзларини ўзлари расво қиладилар. У кўйлагининг енги билан оғзини беркитди. Кўзи қамашиб, ичкаридагиларни тезда англай олмади: қўлини тиришган пешонасига қўйиб, аланлаганча эрини қидирди.

Ғала-ғовур бирпасда тиниб, кенг залда сув қўйгандек жимжитлик чўқди.

Бир оздан сўнг Анна ичкарини тиниқ кўра бошлади. Фёдор Михайлович рулетканинг ортида, ўнг томонда сўлгин ўтирар,

назарида, ўн-йигирма ёшга қаригандек эди. Уни кўриб, ўрнидан турди ва боладек югургилаб келди-да:

— Мени кечир, Анна! — деди ўксик оҳангда. — Мен... мен яна ютқазиб қўйдим!

Юзидаги қора тўр пардани силкиб бошига ташларкан, Анна хўмрайиб турган семиз, бақалоқ жанобга таъзим қилди-да, сўнг мўлтираб турган эрига қараб, кўнгли эриди ва:

— Пул топилади, Фёдор Михайлович! — деди ва шитоб билан бориб, унинг қўлтиғига кирди. Кейин бояги семиз жанобга қараб қовоғини солганча: — Қанча тўлаш керак? — деб сўради.

Семиз киши қалин мўйловларини буради, лабини чўччайтирди, йўғон, оппоқ бўйин томирлари бўртиб чиқди:

— Ҳм... ҳалиги! Мен... эй Сашка! — фоз бўйин ориқ йигитга бармоғини бигиз қилди. — Қанча эди? Ҳисоблаб қўйганмисан? Айтиб юбор!

Фоз бўйин йигит Аннага ёвқараш қилганча семиз жанобнинг қулоғига бир нималар деб шивирлади. Жаноб эса ўз навбатида Фёдор Михайловичга секин шипшиди.

Анна бақалоқ жаноб, фоз бўйин йигит ва ўзига тикилиб турган бошқаларнинг ҳам чўчиб турганини сезаркан, «баттар бўлинглар бу кунларингдан кўра» деганча уларга нафрат билан қаради.

— Айтаверинглар! — деди кейин кескин оҳангда. — Қанча бўлса тўлайман. Менга Фёдор Михайловичнинг соғлиғи керак!

Ортада шивир-шивирлар бошланди:

— Бойвуччадек керилишини қаранг!

— Фоздек бўйинини чўзади-я!

Эркак кишининг босиқ, аммо жарангдор овози уларнинг гап-сўзларини босиб кетди:

— Нима десанглар денг-у, аммо Фёдор Михайловичнинг омади бор экан, яхши хонимга учрабди. Бунақа аёллар эрларини қўлла-рида кўтариб юришади.

Анна бир даста пулни рулетка устига ташлади. Фоз бўйин шу заҳоти пулни олиб санади-да, семиз жанобнинг олдига қўйди:

— Бу сизники бўла қолсин, Степан Иванович!

Димоғи ачишиб бораётган Анна «қутулдимми?» дегандек унга қаради.

Фоз бўйин ишшайди:

— Қолганларни ҳам рози қилинг!

Аннанинг юраги тез-тез урди. «Нақадар жирканч башара! Куппа-кундуз куни қароқчилик қилиб ўтирибди-я!»

Фоз бўйин унинг қорамтир нигоҳига қараркан:

— Буни қимор дейдилар, хоним, хафа бўлмайсиз! — деди ишшайиб.

Анна олтин тўғноғични, олмос ва ёқут кўзли узукларини унинг олдига ташлади:

— Ҳисобла, етмаса, яна олиб келаман! — деди қатъий ва ишончли оҳангда.

Фозбўйин ҳеч нарса бўлмагандек, тўғноғич ва узукни кўзига яқин олиб бориб, обдан текширди, бу ҳам етмагандай бир-икки тишлаб кўрди ва:

— Соф олтинми ишқилиб?! — дея минғирлаб ҳам қўйди.

Аннанинг нафрати қўзғади. Шунақа нусхаларни жинидан баттар ёмон кўради. Улар учун инсоннинг сариқ чақачалик қадрини йўқ, уларга пул, мол-мулк бўлса бас, қолганига безбетларча тупуришади. У қўрслик билан «Қанақа одамсиз?» дея уни жеркиб ташламоқчи ҳам бўлди, аммо Фёдор Михайлович хафа бўладилар деб ўйлаб, аввалгидек, яна ўзини босди.

Фозбўйин тахта чўтини қўлига олиб, беш-олти марта ҳисоблаб чиқди-да, сўнг:

— Бўлади! — деди совуқ оҳангда.

Анна шу заҳоти Фёдор Михайловичнинг қўлидан ушлаб, тош ойна олдига олиб борди ва «Ифлос жойнинг кирлари шу ернинг ўзида қолсин, қўлингизни, юзингизни ювиб ташланг» деди. Бир олам ташвишдан қутилган Фёдор Михайлович унга сўзсиз бўйсунаркан, «дунё, тоғ қалбларни ҳам чўмолига асир этасан! Сенинг сирларинг олдига биз бандаларнинг ақли ожизлик қилади», дея имон келтирди.

Анна тўрт буклоғлик оппоқ сочиқни эрига узатганда, зал ҳайратдан ёқа ушлади. Аслзода аёллар бунинг моҳиятига тушуниб, виқор билан лабларини бурдилар, кибор тоифа эркаклар «хатто оппоқ сочиқ олиб келибди» дея унга ҳавас билан қарадилар.

Унга рашки келдимини ё ҳасрат ўтида ёндими, аёллардан бири:

— Бурнидан ип ўтказиб олган экан бечоранинг! — дея мум-сик Фёдор Михайловичга ўзича раҳм қилган бўлди.

Тепакал жаноб:

— Анна Григорьевна эрининг қадрига етадиган аёл! — деди унга қарши жавобан. — Оппоқ сочиқ меҳр-муҳаббат, ҳурмат рамзи! Бизнинг барча аёллар буни билиб қўйсинар.

— Доктор, — деди Анна бир оз ташвишли оҳангда. — Фёдор Михайловичнинг касалини ўзим ҳам яхши биламан. Сиз у кишини кўндирсангиз, ишонтирсангиз бас. Биз тезда чет элга кетишимиз лозим. Бу ерда уни хароб қилишади. Қариндошлар бир томондан, қиморбозлик... Э худойим-эй, кимлар ўйлаб топган шу бемаза ўйинларни?!

— Сизни тушундим, Анна Григорьевна!

— Хайрингизни берсин, илоҳим. Рус халқи учун шарафли вазифани бажараётганингизни унутманг. Сизга гапим баланд-парвоз туюлар, аммо худо ҳаққи, бу рост. Фёдор Михайлович катта-катта асар ёзсалар, бутун жаҳонга тарқаб, номимиз яна юксакка кўтарилади.

— Анна Григорьевна, сиз фаришта аёл экансиз!

— Худо хайрингизни берсин, мени мақтаманг, доктор.

— Тўғриси, Сиз каби олижаноб аёллар камдан-кам учрайди. Сиз нафақат Фёдор Михайловични, балки бутун русни ўйлаб, жон куйдирыпсиз. Илоҳим, Исонинг ўзи ишингизни осон қилсин.

Анна жуда мамнун бўлди. Ширин сўз кимга ёқмайди. Эзгу ишингни бировлар мақтаса, қандек эриб кетасан. Ишқилиб, Фёдор Михайловични кўндиришса, олам гулистон.

Анна уйга келганда, Никола ғирт маст ҳолда ҳовли ўртасида тебраниб турар, қўлини бигиз қилганча Фёдор Михайловичга:

— Сиз... сиз мени хафа қияпсиз! Ҳиқ... ҳалиги... биз болалар оталар... ҳиқ, қарамоғи... қарамоғидамиз. Шунақа экан, сиз мени боқишингиз керак! — дея тутилиб, дудуқланиб ўшқирмоқда эди.

Фёдор Михайлович, қалампир еган кишидек, афтини буриштиради. «Никола, сенга нима дейишим керак? Ичишнинг ҳам меъёри бор. Ичиб олиб, отадан пул талаб қилиш нимаси?!» У бўғзидаги аччиқ дардни ичига ютди. Отанинг ўғилдан дарғазаб бўлиши — фарзанд учун ярим бахтсизлик. Никола бахтсиз бўлмаслиги керак. Ҳали ёш, қуйилмаган. Ҳаёт зарбаларини кўриб, аста-секин пишиб, қуйилиб қолар.

— Ўғлим, бориб дамингни олгин. Кечқурун гаплашармиз.

— Мени билан... ҳиқ, гаплашишнинг ҳожати йўқ. Мен... йўқ, — бошини сарак-сарак қилган эди, кир сочлари патила бўлиб тўғзиди, — менга ёр-ёрдам бб-беришингиз керак.

Фёдор Михайловичнинг озгин оёқлари тортишиб, огриди. Анна унинг тиришган юзига қараб, ич-ичидан раҳми келди ва уйга кириб, жомадонида яшириб қўйган пулдан олиб, ташқари чиқди-да, ортдан келиб, Николага билдирмай Фёдор Михайловичнинг қўлига тутқазаркан:

— Шугинани беринг, жонгинам, барибир қутилмайсиз, — деди шивирлаб. Никола тезроқ даф бўлса, Фёдор Михайловични докторникага боришга, албатта, кўндира олади.

Оёқ-қўлларидаги огриқ аъзойи баданига тарқаб, жони қийноқда турган Фёдор Михайлович меҳрибон, ширинсўз Анна-сининг гапига сўзсиз бўйсунди. Ҳеч кимга итоат қилмаган, ҳеч кимга бўйсунмаган катта қалб шу миттигина Аннага итоат этипти. Бир йили ёзда Москвада митти ҳинду боласининг баҳайбат филни бошқараётганини кўриб, ҳайратда қолган эди. Шундай катта жонивор нари борса етти ёшли болага қандай бўйсунарди? Ваҳоланки, уни бақувват оёқлари билан бир туртса, суяк-лари мажақланиб кетиши мумкин, деб ўйлаб, ваҳимага тушган эди. Кейинчалик ўзининг ҳам мурғаккина Аннага итоат этишини ўйлаб, дунёнинг ажаб ишлари борлигини, уларнинг олдида инсоннинг ақли заиф эканлигини тушунган бўлди. Анна-си ҳам ўша митти болага ўхшайди. Уларнинг қанақадир сеҳри, жозибаси бор.

— Ақлингни йиғиб олсанг, яхши бўларди, ўғлим! — деди бир оз норози оҳангда.

Николанинг хаёли қалтироқ қўлларидаги пулда эди. Боя тумшайиб турган хунук башараси энди бироз ёришган, кайфияти кўтарилиб, тойдек ўйноқлаб турарди.

— Раҳмат сизга, Фёдор Михайлович! — деди у ишшайиб.

Анна унга танбеҳ берди:

— Отажон, десангиз-чи, Николай Михайлович! Сиз энди катта йигитсиз!

Николанинг юзи бужмайиб, кўзлари олайди. Аннага ўқрайиб қаради-да, сўнг шаталоқ отиб, кўчага югурди.

Фёдор Михайлович унинг ортидан ғамгин ҳолда қараб қолди. Анна унинг кўнглини кўтаришга ошиқди:

— Ҳали ёш-да, Фёдор Михайлович, хафа бўлманг, қуйилиб қолар.

— Фарзандларимнинг ақлли бўлишларини, она Россия ша-рафи учун хизмат қилишларини истайман.

— Шундай бўлади, жонгинам, сира ташвиш тортманг. Ҳам-маси ҳали олдинда. Кўп қисияпсиз, бирор жойга бориб келсак бўларди! — деди Анна балки доктор ҳақида кўчада гап очарман, деган ўйда. Ҳозир бу гапнинг мавриди эмас. Эр бўғилиб турганда, ёқасидан олиш — юрагига чанг солиш, деган гап.

Фёдор Михайловичнинг буртиб чиққан икки ёноғига қизиллик югурди, афтидан, Аннанинг гаплари унинг кўнглини кўтарган эди. Мамнун бўлган ҳолда ўта меҳрибон ва дилкаш ёш хотинига боқаркан, аёл ҳам эрига шунчалик меҳрибон бўладими, бунинг боиси не, деган савол қаршисида тик қоттанча, бир зум унга ҳавас билан тикилди ва «буни худо берган бахт, дейдилар. Шукр қилиш керак», деб ўйлади.

Анна унинг ёниб турган кўзларига, юзидан ёғилаётган меҳрга боқаркан, Николанинг гапларини кўнглига олмганини сезиб, «хайрият» дея енгил нафас олди. Худо кўрсатмасин, тир-ранча боланинг аччиқ гапларини ўзларига олса борми... тутқаноғи тутиб қолса, кимга югуради. Маша холагами? Унга пул, пул ва яна пул бўлса, бас!

— Жонгинам, — деди у шивирлаб.

Фёдор Михайлович қаттиқ, залварли қўли билан унинг момиққина, иссиққина қўлчаларидан тутди:

— Анна, мен бир оз ишламоқчиман. Катта бир асар устида бош қотириб юрибман.

— Илҳомингиз келдими, Фёдор Михайлович!

— Илҳом келганда, ёзиш керак, Анна!

— Майли, жонгинам, Сиз ишланг, мен ширин овқат тайёрлаб берай.

— Шунақа ширин таомлар тайёрлайсанки, Анна, жуда роҳат қиламан.

— Таомларим шунақа ширинми?

— Сени қўлинг ширин, дилинг ширин, бошдан-оёғинг ширин!

— Фёдор Михайлович? — Анна кўзларини сузиб, ерга тикиди.

— Қўйинг мақтаманг!

— Кўз тегмайди, сира ташвишланма! Камдан-кам эрлар хотинини мақтайди.

— Наҳотки?

— Умуман, эркак зоти бировларнинг олдида хотинини мақташни ёқтирмайди.

— Тушунаман, тушунаман! — Анна кулди ва ичкари кирди.

Фёдор Михайлович тўрдаги столда ишларди. Анна оқ латта-ни ҳўллаб, стол устини артиб чиқди-да, сўнг сиёҳдонни, пероли ручкани қоғозлар ёнига қўйди:

— Марҳамат, Фёдор Михайлович! — Эрининг елкасига қўлларини қўйиб, юзидан чўлп ўпди. — Ишингиз енгил кўчсин!

Эри яна унинг қўлларини қисиб қўйди. Анна енгил тортди. Гап очиш пайти келди. Ҳеч бўлмаса, масаланинг учини чиқариб қўйиш керак.

— Жонгинам, эртага докторга ўтиб келамиз. Бир оз давола-нишингиз керак!

Фёдор Михайлович ручкани қўлига олиб, сиёҳга ботирди:

— Сен нима десанг шу!

Анна хурсанд бўлди. Эрларнинг «хўп» деб туриши хотинлар-га қанчалик ёқади. Эҳ, тутқаноғидан қутилиб олса эди, бир умр ташвиш тортмай яшарди. Шундай ақлли ва обрўли эрнинг соф бўлишига нима етсин!

* * *

Қаердандир ит ҳуриб, бўзрайиб оқараётган сокин тонгнинг бағрини тиглади. Фёдор Михайловичнинг хаёли бўлиниб, орти-га, нариги уйга, бир чеккаси кўриниб турган каравотга мулзам боқди: Анна ўрнида йўқ, алақачон уйғонган кўринади, балки нонушта тайёрлаётгандир.

Ҳовлида юрган итнинг югургани, дарвоза томондан қадам товушлари, кимларнингдир ғўнғир-ғўнғир овозлари эшитилиб, унинг хаёли бузилди. Ким экан?

— Анна? — товуш қилди у меҳрли овозда.

Хотини қорамтир сочини турмаклаб олган, чехраси тиниқ, икки қора қанот остида икки шам ёниб турарди.

— Лаббай, жонгинам? — У югура кела солиб, Фёдор Михайловичнинг елкаларини силади. Эрининг елкаларига қўли теги-ши билан қалби ширин туйғуларга тўлиб, илиқ ҳарорат танаси-га ўта бошлайди. Лекин нега шундайлигини ҳалигача ўзи тушу-ниб етган эмас. — Бирон нарса керакми? — сўради у меҳрли, ширин ва ёқимтой овозда.

Фёдор Михайлович елкаси аро оҳиста юраётган момик қўлча-ларни секин ушлади:

— Нима гап? Ташқарида ит ҳурияпти. Битта-яримта келдимми?

— Хаёлингизни бузмай ижод қилаверинг, жонгинам, — деди Анна бамайлихотир оҳангда. — Николашканинг шўхлигини биласиз-ку!

— Нима қияпти у?

— Ташқарида гап сотяпти.

— Яна ичяптими каллаи саҳарлаб?!

— Асабингизни бузманг, Фёдор Михайлович, бир кун қуйилиб қолади. Бирон нима олиб келайми?

— Сут борми?

— Бор. Қайнатиб қўйибман. Озгина асал қўшиб берайми?

Ташқаридан дарвозанинг қарсилаб очилгани, тап-тап оёқ товушлари, кимнингдир минғирлаган овози эшитилди.

Уй ичи иссиқ, ташқарида ҳам ҳарорат меъёрида бўлишига қарамасдан Аннанинг юраги увишиб, танаси муз қотди ва ёмғирда қолган кишидек намиқиб, дир-дир титрай бошлаб, аллақандай нохуш кайфият оёқларига ёпишди.

Энди унинг ёду хаёлидан чет элга кетиш режаси бир дақиқа бўлсин, нари кетмас, иложини топиб, биқик муҳитдан Фёдор Михайловични олиб чиқишни кўзлар, тезроқ уни қўндириб, узоқларга жўнаб қолиш асосий мақсади, дарди ва орзусига айланган эди. Фақат чет элга кетиб, ўша ерларда тинчлик топишлари мумкин, тўғри Самарага ёки Петердан нарироққа кўчишлари ҳам мумкин, аммо Маша хола, албатта, топиб боради ва сира тинч қўймаслиги аниқ. Шундай экан, уларнинг қадами етмайдиган узоқларга кетиб, Фёдор Михайловичнинг соғлиғини тиклаб олмоқ зарур. Уч — тўрт йил ўша томонларда туриб келишса, бирор жойлари камайиб қолмайди.

Ит қаттиқроқ ҳурди. Бир оздан сўнг вангиллаганча уйнинг орқасига ўтиб кетди. Тақ этиб кесак тегиб, дераза зириллади. Анна югуриб ташқари чиқди. Ҳовли ўртасида Никола депсиниб турарди.

— Ялмоғиз кампир! — дея ўшқирди у қонталаш кўзларини унга тикиб. — Фёдор Михайловични чақир!

Анна юмшоқ овозда уни тартибга чақирди:

— Николай Федорович, уят эмасми, яна ичиб олибсиз-а, саҳар мардондан!

— Сен менга ўргатма! Бор, отамни чақир!

— Отангиз ижод қияптилар. Бақир-чақир қилманг, асабларини бузасиз.

— Ўргатма менга! Бор, жўна! — У костюмининг узилган енгини қаттиқ тортган эди, жир этиб айрилиб кетди.

— Николай Федорович? Яп-янги костюм... эсизгина!

Ранги сарғайган Фёдор Михайлович ташқари чиқиб, Аннанинг ёнида тўхтади:

— Хўш, Никола, ўғлим, яна ичиб олдингизми?

Никола тупроқли қўллари билан патила сочларини силади:

— Ичдим... ж-жжуда кўп ичдим!

— Хурмачага сиққунча ичиш керак!

Никола отасининг ёнига келди. Ундан таралган қўланса ҳид гуп этиб димоққа урилди.

— Менга юз рубль бериб туринг!

— Уни нима қиласан, Никола?

— Қ-қиморга бой бердим!

Фёдор Михайловичнинг чакка томирлари бўртиб чиқиб, кўзлари ичига ботди:

— Нима дединг, Никола, юз рубль?.. Ўйлаб гапираяпсанми?

Оёқлари тортишиб, кайфиятининг бузилиши беҳуда эмаслигини ҳис этган Анна унинг қўлтиғидан олди:

— Фёдор Михайлович, жонгинам, жаҳл қилманг! Пул топилади.

— Юз рубль ҳазилакам пул эканми? Бу бели оғримаганни қара!

Николанинг оғзидан кўпиги сочилди:

— Ялмоғиз учун ҳамма нарса топилади, лекин мен... ўғлингиз учун... мен, мен сариқ чақага арзимаيمانми?

Фёдор Михайловичнинг озғин юзи қорайиб, пешонаси тиршиди:

— Сен, Никола, бемаза бола бўлибсан. Мени куйдиришдан бошқа нарсага ярамайсан!

Шовқин-суронни эшитиб, Маша хола югуриб келди:

— Ҳой, нима гап? Нима шовқин? Эрталаб ҳам, кеч ҳам бу уйда тинчлик йўғ-а!.. Никола, яна қай гўрдан ичдинг?

Никола холасини кўриб, йиғлаб юборди:

— Хола, улар менга умуман қарашмай қўйди. Етимдан баттарман!

Маша хола уни бағрига босиб, патила сочларини силади:

— Қўй, йиғлама! Буларнинг кўзини ёғ босган.

Фёдор Михайлович ўғлининг қўлидан ушлаб, ўзига қаратди:

— Болам, нега унақа дейсан?

Никола отасининг қўлини силтаб ташлади:

— Нари туринг, сиздай отам йўқ!

Фёдор Михайлович депсиниб, орқага тисарилди:

— Ўз ўғлим... Никола!

Анна уни ушлаб қолди:

— Қанақа одам сизлар ўзи? Раҳм-шафқатни биласизларми? Йиқилиб қолсалар нима бўлади?

Маша хола унга муштини ўқталди:

— Ов, тилинг кесилгур, касофат! Сен келдинг-у, бизнинг оромимиз йўқолди. Боламни хўрлаганинг нимаси? Беш рубль берсанг, садағанг кетадими?

— Бераман пул керак бўлса? Яхшиликча сўрасин!

Фёдор Михайлович ерга чўккалади:

— Бас қилинглар!

Маша хола Николани уйи томон судраб кетди.

Кечга бориб, Фёдор Михайловичнинг оёқлари тортишиб қолди. Анна югура солиб, қўшни кўчада яшовчи докторни чақириб келди.

— Асаб чарчаган, — деди у беморни кўздан кечиргач. — Бир-икки йил дам олишлари керак. Хафа бўлиш мумкин эмас. Тинчлантирувчи дори бераман!

— Барака топинг! — деди Анна унга. — Қанча бўлса тўлайман.

— Арзимас пул туради, — доктор унга сариқ қутичани узатди. — Кунига биттадан уч маҳал ичсинлар. Ниҳоятда яхши дори. Хорижники.

Фёдор Михайлович бош ирғаб таъзим қилди:

— Раҳмат сизга, доктор!

— Тузалиб кетинг!

— Бу дарддан қутилса бўладими?

— Ҳамма дарднинг давоси бор, муҳтарам жаноб! Ўзингизга боғлиқ!

Анна қулай фурсатдан фойдаланиш учун:

— Балки узоқроққа кетиб, ҳаво алмаштириш керакдир? — деди докторга қараб.

— Агар чет элга бориб даволансангиз... албатта, чўнтак кўтарса, бир-икки йилда қутилиб кетасиз.

— Батамом қутилиш мумкинми? — яна сўради Фёдор Михайлович.

— Мумкин? Танангиздаги асоратни йўқотиш учун ирода бўлиши керак одам-да!

Анна Фёдор Михайловични мақтади:

— Бу кишининг иродаси метиндан қаттиқ, қойил қолса бўлади.

Доктор жилмайганча ўрнидан турди:

— Рус адабининг иродасига ишонаман. Хайр, азизим! Борадиган жойларим бор, узр!

Фёдор Михайлович ўрнидан турмоқчи эди, доктор қўймади:

— Қўзғалманг, азизим, сизга тинчлик даркор!

Анна докторни кузатиб қайтар экан, йўлакнинг ўртасида қўлини белига тираб турган Маша холани кўриб, жойида таққа тўхтади:

— Нима истайсиз мендан?

— Никола арпангни хом ўрдими сани?!

Анна ҳам бўш келмади:

— Ўзини йиғиб олсин!

Маша хола яна муштини ўқталди:

— Уни яна хафа қилсанг, уйдан итдек қувиб юбораман!

Анна уни четлаб уйига кирди. Жуда тили захар, одобсиз аёл. У билан ит-мушук бўлгандан кўра, узоқроқ юргани маъқулроқ.

Никола отасининг бошида тик турар, Фёдор Михайлович шифтга қараганча мулзам ҳолда ётарди.

— Николай Фёдорович, нега келдингиз? — Анна йиғламоқдан бери бўлди. — Отангизнинг уволига қолмоқчимисиз?

— Пулни чўз!

Анна қулоғидаги олтин зиракни ечди:

— Мана олинг!

Никола қалин олтин зиракларни қўлида ўйнатди:

— Барибир берар экансиз, таранг қилишингизга ўлайми?

«Бу юлғичлар билан умуман яшаб бўлмайди. Хорижга кетишни тезлаштириш керак» Анна унга нафрат билан қаради. Ношукур ўғил, шундай даҳо отани қийнаб, не қўйларга солмоқда. Аҳвол шу даражада кетаверса, бир кун умрларига зомин бўлишлари ҳеч гап эмас.

Эрталаб кеча доктор берган дори ёқдими ёки Аннанинг муолажалари фойда қилдими, ҳар ҳолда Фёдор Михайлович ўрнидан тетик уйғонди. Нонуштадан сўнг Анна чет элга кетиш ҳақида гап очган эди, эри чуқур ўйга толиб, боши қуйи эгилди.

— Анна Григорьевна, — деди кейин сўник оҳангда, — Сизни жуда қийнаб қўйдим. Мени деб анча озор чекапсиз. Уйдагиларнинг ортиқча қилиқларидан ҳам олдингизда жуда хижолатдман. Хорижга кетайлик, деб Сиз мен учун жон куйдирапсиз. Айтишга осон, лекин биласизми, бунинг учун қанча маблағ керак?!

Анна эрининг ёнига сурилиб, худди мушук боласи каби унга суйкалди:

— Жонгинам, Сиз бу томонидан сира ташвиш тортманг, мен анчагина маблағ йиғиб қўйганман. Хўп десангиз, уйдаги қимматбаҳо буюмларимизни ҳам сотувга қўямиз. Заргарлар билан гаплашган эдим.

— Нима десангиз, мен розиман. Сиздек аёллар дунёда кам топилади. Биламан, сиз мен учун оламини ҳам олиб беришга тайёрсиз. Лекин мени деб, хорижда, бегона жойларда озор чекишингизни истамайман.

— Фёдор Михайлович? — Анна унга жовдираб тикилди. — Худо томонидан аёлларга ирода берилган. Биз аёллар қаерда ва қайси шароитда бўлмайлик, тез кўникамиз, ўрганиб кетамиз. Шундай экан, мендан сира хавотирланманг.

— Раҳмат сизга, Анна Григорьевна! — деди Фёдор Михайлович ҳам унинг иззатини жойига қўйиб.

— Бу дунёга устун бўлмаймиз, жонгинам, — бу сафар Анна юмшоқ гапирди, — инсон тириклигини ўйлаши керак. Сиз катта-катта асарлар ёзинг, рус насри француз ёки олмон адабиётидан кам бўлмаслиги лозим.

Бу гап Фёдор Михайловични руҳлантириб юборди:

— Соғлиғим кўтарса, «Телба» деган асар ёзмоқчиман.

— «Телба?» Ғалати, аммо китоббоп ном.

— Номи сизга ёқдими, демак, унинг ўзи ҳам ёмон бўлмайди.

— Фёдор Михайлович, сиз даҳо ижодкорсиз, бунини унутманг. Ёзганларингиз менга жуда ёқади, ноширлар фойда кўриш учун атайин кам ҳақ тўлашади. Устига-устак, кўнгличанлигингиз бор.

— Мен шундай одамман, Анна Григорьевна! — Фёдор Михайловичнинг қизғиш мўйлови ялтиради.

Анна унинг кўнгли юмшаганини сезиб:

— Хўп денг, Фёдор Михайлович, бу ерлардан кетайлик, — деди астойдил жон куйдириб ва «йўқ» деб юбормасинлар, деган ташвиш билан қўшимча қилди. — Мени айтди, дерсиз, ҳаммаси жойида бўлади. Соғлигингиз тикланади. У ерда бемалол «Телба»ни тутатасиз. Худо бераман деса, бир нечта асарлар ёзиб ташлайсиз. Хўп денг!

Фёдор Михайлович оғир тин олди ва:

— Худо кўнглингизга яхшилик солган кўринади, Анна Григорьевна, майли сиз айтганча бўла қолсин, — деди ва номига бўлса-да, кулиб қўйди.

Поезд ўрнидан жилар-жилмас Анна Григорьевна оппоқ чойшаб солинган юмшоқ ўринга чўзила қолди. Фёдор Михайлович айтганидек, хорижга кетдик, деб айтиш осон. Унгача... эҳ-ҳе, елди-югурди, нарсаларини сотди... олтин узуклари, кумуш тақинчоқлари, билакузути... уни самарқандлик ўзбек савдогаридан олган эди, жуда чиройли, нафис буюм эди. Майли, бошқасини оларман, Фёдор Михайловичнинг соғлиғи муҳим, соғайиб кетсалар, эр кишининг моли ерда, топилади, деб ўйлади. Кўнглида эртанг яхши бўлади, деган ишонч бор. Оёғи тортмаганда бормасди.

Фёдор Михайлович унинг ёнига ўтирди:

— Сафаримиз бехатар бўлсин, Анна Григорьевна! Хурсандмисиз?

Анна бу гапни сен учун боряпман, деган маънода тушунсанда, юрагига оғир олмади, балки мен нотўғри ҳис этаяпман, дея ўзини овутиди.

— Муҳими, сиз соғ бўлинг, Фёдор Михайлович! — деди жилайганча унга суйкалиб.

— Албатта, Сиз учун яшайман, Анна! — Фёдор Михайлович унинг юмшоқ, ҳароратли ёноқларидан тутди. — Жуда толиқдингиз, дам олинг, сўнгра чой ичамиз!

Эшик тақиллади. Фёдор Михайлович кумуш тутқични орқага тортди. Остонада вагон соҳиби — шоп мўйлов, очиқ чехрали, катта кўккўз киши жилмайиб турарди.

— Фёдор Михайлович, Анна Григорьевна, саломлар бўлсин, яхши кетяпсизларми? — дея бошидаги қора шапкасини олиб, таъзим қилди-да, ўзини таништирди. — Миша Михайлович! Сизларнинг хизматингиздаман.

Анна Григорьевна «бу нусха бизларни дарҳол қаердан била қолди» деганча ҳайрон боқди.

Миша Михайлович кўплаб, турли-туман, турфа хил йўловчиларни кўргани учун ҳам унинг узунчоқ юзидаги ҳайратни ва чарчоқни дарҳол илғади:

— Анча толиққан кўринасиз хоним, француз шароби қўшилган қаҳва берайми?

Фёдор Михайлович унга миннатдор боқди:

— Менга ҳам олиб келинг!

Вагон соҳиби эшикни ёпиб чиқиб кетгач, Анна:

— Яхши соҳибга йўлиқибмиз! — деди хурсанд бўлиб.

Миша Михайлович оқ кумуш патнисда қаҳва келтирди. Купе ичида хушбўй ҳид таралди.

— Сизлар учун энг аъло навли қаҳвадан тайёрладим! — деди у бироз ширали оҳангда. — Сиз, Фёдор Михайлович, улуғ рус-нинг зўр ёзувчисисиз. Бир нечта асарларингизни ўқиганман.

Анна унга қизиқсиниб қаради:

— Ишингиз кўп, қандай улгурасиз?

Миша Михайловичнинг ёноқлари ялтиради:

— Кечасиминан нима иш қиламан?! Китоб ўқийман-да! Вақт кўп. Ҳозир ишларимни битираман. Шу билан икки-уч соат ҳеч ким мени безовта қилмайди.

Анна унга илтифотли назар ташлади:

— Сиз жуда беназир одам экансиз! Ўйлайманки, сиз билан йўлимиз манзилгача кўнгилли ўтади.

Миша Михайлович уларга яхши кайфият тилаб, эшикни ёпди.

Кечаси ярим тунда Фёдор Михайловичнинг мазаси қочди. Поезд филдиракларининг бетиним тарақа-туруқ овозларими, ёки гоҳида купега урилаётган қўланса тутун ҳидими, ишқилиб нимадир ёқмади шекилли адиб ўзини ёмон ҳис қилди, боши айла-ниб, юраги қаттиқ уриб, эти увишди ва иситмаси кўтарила бош-лади.

Ҳаяжонга тушган Анна эрининг олдида турган нарсаларни бир жойга тўплаётганини кўриб, Миша Михайловичнинг олдига чопди.

— Доктор бўлса, тез чақириб беринг, Фёдор Михайлович-нинг мазаси қочмоқда! Тугқаноғи тутиб қолса, менга қийин бўла-ди!

Миша Михайлович нариги вагонга ўтиб, беш дақиқалардан сўнг узун бўйли, кўзойнакли ёш йигитни бошлаб келди. Бу пайтда Фёдор Михайлович хонада у ёқдан-бу ёққа юриб турарди. Док-тор қани, бир текшириб кўрайлик, дея уни жойига ўтказтирди-да, қўлларини, тиззаларини ушлаб кўраркан:

— Қачондан буён шундай ҳолат рўй беради? — деб сўради.

— Беш-олти йилдан бери! — жавоб қилди Фёдор Михайло-вич.

— Ичишга қалайсиз?

— Нўноқроқман!

— Яхши. Бирон нарсадан қўрқмаганмисиз?

— Бу саволни менга кўп беришган. Қўрққан эмасман.

— Ота-онангизда ёки қариндош-уруғларда шу ҳолатни кузатганмисиз?

— Бобомда бўлган.

— Тушунарли! — доктор ёнидаги оқ сумкасига қўл тикиди.

— Яхшилаб даволанишингиз керак, Фёдор Михайлович!

— Қутулиб кетаманми, доктор?

— Албатта! Энг муҳими, сизга тинчлик ва хотиржамлик керак.

Доктор сумкасидан иккита оқ дори олиб берди:

— Биттасини ҳозир ичинг. Иккинчисини эртага тушлиқда ичасиз. Қўнгилни бир оз айнитади, эътибор берманг!

Уни кузатиш учун йўлакка чиққан Анна:

— Катта раҳмат, доктор! — дея чўнтагига уч рубль солиб қўйди. — Роза бўлинг.

Миша Михайлович ўз купеси эшиги олдида турар, Аннага қараб, яна қаҳва таклиф қилган эди, у миннатдорлик билдириб ўтиб кетди.

Поезд шитоб билан манзил томон интилар, темир ғидираклар бир маромда тарақлаб, кенг ўрмонлар, ортда қолаётган қишлоқларнинг тинчини бузар, аллақерлардан бўриларнинг ғингшиб улигани, отларнинг кишнагани қулоққа чалинади. Дорини ичгандан сўнг Фёдор Михайлович ухлаб қолди. Хира чироқ ёруғида нохуш кайфиятда, ғариб ҳолатда юраги қисилиб, ғамгин ўтирган Анна анчагача эрининг ёнидан нари жилмади. Тақдир нималарни юзма-юз қилади, ҳали номаълум. Таваккал билан йўлга чиқишди. Ишқилиб, турмушлари ёмон кечмасин!

Уни уйқу босди. Бир дақиқа дам олгани йўқ. Купега жойлашгач, мириқиб ухлаб олишни кўзлаган эди, ўйлови ҳам амалга ошмади. Эри бир аҳволда экан, хотиржам ётишга бало борми?! Поезд тўсатдан қаттиқ силкиниб, Анна бошини тиззасига уриб олди ва жон ҳолатда «жин урсин» дея бўғриқди. Устига-устак, Фёдор Михайлович ётган ўрнидан силжиб, уни суриб юборди. Қўли билан эрини ушлаб, нарироқ сурилди-да, ўрнига маҳкам жойлашиб ўтириб олди. Яхшиямки, ўрнига ётиб олмади, акс ҳолда, эри ерга қулаб тушиб, яна бир ташвиш орттириши аниқ эди.

У бошини тиззаси орасига олди. Бир оздан сўнг уйқу босиб, ғира-шира туш кўрди. Қоп-қора бўри уни қува кетди. Анна жонини қўлига олиб, ура қочди. Тоғ-тошлардан, қир-адирлардан,

дарёлардан ўтди. Бўри ортида қолиб кетар, деб ўйлаган эди, аммо оч махлуқ бир дам ҳам тўхтамай қувишда давом этди. Ниҳоят, Анна кучдан қолди ва қорли тоғ тепасида таппа йиқилган эди, бўри шу заҳоти устига сакради. «Вой-дод, ёрдам беринглар!» Алаҳсираб кўзини очди. Ерга ағанаб тушган Фёдор Михайлович қалтираганча уни босиб ётарди. Ваҳима аралаш унинг остидан чиқиб, ердан кўтарди-да, яна жойига ётқизди. Эрининг қўл-оёқлари букилиб, жағи маҳкам қисилиб қолган эди. Эси оғиб, бутун танасини ваҳима чулғади. Ўлиб қолса, балога қолади. Никола билан Маша хола унинг бошида ёнғоқ чақади. Югуриб коридорга чиқаркан, эшик олдида Миша Михайловичга дуч келиб:

— Ёрдам беринг, у кишининг яна мазаси қочди! — деди ҳансираб.

— Бақирган сизмидингиз? — деди Миша Михайлович ва докторни чақириш учун ортига бурилди.

Поезд шитоб билан олға интилади. Ташқари қоп-қоронғи, бирор нима кўзга ташланмайди. Доктор анча кечикиб етиб келди. Афтидан, ухлаб ётган бўлса керак. Кўзлари қизарган, аллақандай паришонроқ эди.

— Ҳеч қанақа ваҳима қиладиган жойи йўқ, — деди у эснарган қўли орқаси билан оғзини ёпиб. Сўнг оқ сумкасида бошқа бир дорини олиб, Фёдор Михайловичга ичирди:

— Безовта қилманг, ухласинлар! Афтидан, поезднинг ҳавоси у кишига ёқмабди. Безовта бўлсалар, яна чақиринг!

— Раҳмат сизга, доктор! Бевақт безовта қилганим учун узр!

— Касбимиз шунақа, озор чекманг!

Поезд секинлай бошлади. Анна дераза ёнига ўтирди. Олачалпоқ осмон кўзга ташланар, булутларнинг сийрак жойларидан ойнанинг сарғиш нурлари таралиб турарди. Бахтга қарши, юлдузлар ҳам кўринмайди. Юлдузлар бўлганда, улар билан сўзлашиб, енгил тортган бўларди. Ёлғизлик нақадар ёмон. Ишқилиб, худо уни Фёдор Михайловичдан жудо қилмасин!

* * *

Вокзалда уларни оқчил юз, митти кўк кўзли, ориқ немис чол кутиб олди.

— Хатингизни олган эдим, Анна Григорьевна! — деди у тавозе билан. — Хуш келибсиз диёримизга. Бу киши адашмасам, буюк ёзувчи Фёдор Михайлович бўлсалар керак?

— Худди шундай! — деди Анна жилмайиб.

Ранги сарғайиб, кўзлари ич-ичига тушган Фёдор Михайлович унга таъзим қилди:

— Танишганимдан хурсандман!

— Гинтерштейн! — таништирди чол ўзини. — Биз Анна Григорьевнанинг оталари билан дўст эдик. У киши бизга рус молларини етказиб берардилар. Ҳалол одам эди!

Икки соатлардан сўнг улар тоғ орасидаги кенг ва кўркем ҳовлига етиб келдилар. Пастда дарё оппоқ камардай жилоланиб кўзга ташланади, атроф кўм-кўк, ҳаво жуда майин.

— Ажойиб, бебаҳо жойлар экан! — деди Фёдор Михайлович.

Дов-дарахтлар орасидан уйларнинг қизғиш томлари кўзга ташланади.

— Шаҳарчамиз жуда тинч, сизларга ёқиб қолади! — деди чол қўш аравани икки тавақали дарвозадан ичкари киритар экан.

Чувак юзли йигит, афтидан хизматкор бўлса керак, югуриб келиб, унинг қўлидан юганини олди.

Гинтерштейн Анна билан Фёдор Михайловични адирлик ёнидаги қуюқ дарахтзор орасидан ўтган йўлдан юқорига, кичикроқ тўрт хонали уйга бошлаб борди. Пойдевори тарошланган оқ тошлардан яқиндагина қурилган тахта уй эди бу. Атрофида ҳар хил — қизил, оқ ва пушти гуллар барқ уриб яшнаб турибди. Хушбўй ҳидлар димоққа урилади.

— Шу бу йил ўғлим қурди буни! — деди чол уйга ҳавас билан қараб. — Бу ердан бутун шаҳарчамиз кўриниб туради. Ўйлайманки, муҳтарам жанобга уйимиз ёқади.

— Миннатдорман. Жуда ёқди! — деди Фёдор Михайлович мамнун бўлиб.

Чол жилмайди:

— Ўйлайманки, Фёдор Михайлович, сиз бу ерда энг зўр асарлар яратасиз!

— Ниятингиз холис кўринади, — деди Анна хурсанд бўлиб. — Катта раҳмат сизга!

Чол уларни уйга бошлаб кирди:

— Ўғлим, Финляндияга кетган. Эрта-индин келиб қолади. У жуда катта ношир. Китобни жонидан ортиқ яхши кўради.

— Ўғлингиз бамаъни йигитга ўхшайди! — деди Фёдор Михайлович.

Чол мамнун ҳолда жилмайди.

Орадан бир йил ўтди. Дастлабки, олти ой бир оз қийин кечди. Шарт-шароит унчалик яхши эмасди. Рўзгорни ғор дейдилар. Олиб келган маблағ ҳам тутаб, аҳволлари янада оғирлаша бошлади. Лекин Анна Фёдор Михайловични уринтиришни истамас, унга сиз ёзиш билаш машғул бўлинг, фикрингизни бўлманг, деб қайта-қайта тайинлар, ўзи эса шаҳарчадаги аёллар гимназиясига қатнаб ҳам ўқир, ҳам ўша ердаги юмушларни бажариб, рўзгорни тебратишга яраша маблағ топиб келарди. Бу орада шаҳарчанинг энг қўли енгил деб танилган докторига Фёдор Михайловични кўрсатиб, икки марта муолажа олдирди. Шаҳарча доктори — бар-васта, қуюқ қошли Генрих Зиг чарчамас, фидойи, ўз касбини севган одамшаванда киши бўлиб, Фёдор Михайловични жон-қолига қўймай яхшилаб уч ой даволади ва мен даволаган беморлар қайтиб касал бўлмайди, дея мақтаниб ҳам қўйди ва яна хизмат ҳақини ҳам кўп талаб қилмади. Анна ундан беҳад миннатдор бўлиб, қайта-қайта ташаккур изҳор этди ва ҳақиқатан, докторнинг гапи тўғри чиқиб, кейинги олти ой ичида Фёдор Михайловичнинг бирор жойи оғирмади, ҳатто тутқаноғи ҳам хуруж қилмади, ижоди ҳам баракали бўла борди. Тезкорлик билан ишлаб, янги «Телба» романини тугатди. Чол унга харидор топди. Орадан уч ой ўтиб, Россиядан йигирматача китоб ва беш юз рубль пул келди. Ўз китоби Фёдор Михайловичнинг кўзига чўндай кўриниб, эртаси шаҳар ошхонасида рус ва немис танишлари учун базм уюштирди. Базмга боришдан олдин Аннани тикувчиникига олиб бориб, қимматбаҳо немис матосидан оппоқ кўйлак тиктириб берди. Анна оқ матони яхши кўрар, унингча, табиатда оқ ранг беҳудара яратилмаган, оқ поклик ва барака тимсоли ҳамдир. Буни Фёдор Михайлович яхши билгани учун ҳам унга оқ кўйлакни лозим кўрди. Иккинчи томондан, оқ кўйлақда Анна кўзига фариштадай гўзал кўринади. Топган тикувчига ҳам шу гапни айтган эди, «гапингиз тўғри, муҳтарам зот, оқ рангни Аллоҳ қалб нуридан бандасига берган» дея ўзича билагонлик қилди. Ўзига ишонган киши дадил гапирди. Билими, гап-сўзи, ишини пухта билувчи уста йигит экан, буюртма олган кўйлакни тўрт соатда тикиб битириб, ўз вақтида топширди. Бу орада Фёдор Михайлович қаергадир бориб келди. Анна эрининг қўлида оқ ёқут кўзли олтин зирак ва тилло занжирни кўриб: «Жуда чиройли экан, лекин нечун ортиқча ташвиш қиляпсиз?! деди куюниб. Фёдор Михайловичнинг тўлиша бошлаган юзи оқ гулдай ёришди. «Сенга ёққан

бўлса, Анна, жуда бахтиёрман! — деди ва юзидан чўлп ўпиб, тил-ло занжирни бўйнига, зиракларни қулоғига тақди. Сўнг: «Олтин фақат аёлга зебу зийнат эмас, соғлиғига ҳам катта фойда, қолаверса, аёлларнинг узоқ яшашларига ҳам шу тақинчоқлар сабаб!» — деди кулиб. Анна ҳам кулди ва: «Аёл бўла туриб, ҳеч шу тўғрида ўйламаган эканман, жуда синчков ва қувсиз, Фёдор Михайлович!» деди бўйнидан қучиб, сўнг: «Шундай бўлса-да, мен учун ортиқча ташвиш қилманг, жонгинам, сизнинг ўзингиз мен учун энг катта бойлик!» дея қўшиб қўйди. Овози ўктам ва шод эди. Фёдор Михайлович унинг самимий гапларидан миннатдор бўлиб, «бебаҳо аёлим бор» деб ичидан суюнди ва янги асар ёзиб, бу гал қалам ҳақи олсам, қишки усти бош олиб бераман, деб ният қилди.

Фёдор Михайлович сўзида собит турувчи, аҳдига содиқ киши эди. Аннани хурсанд этиш учун кеча-кундуз ишлаб, янада кўпроқ ижод қила бошлади. Ҳатто уни эркалашга, рўзғор ишларида ёрдамлашишга ҳам вақт топа билди.

Аннанинг назарида, эри кундан-кунга қувватга тўлиб борапти. Шу маромда ижод қилса, яқин орада «Иблислар» романига нуқта қўйди. Харидор ҳам тайёр. Гинтерштейннинг ўғли Рихтер китобни чоп этишни қўзлаб юрибди. Лекин бу сафар асарни унга сув текинга бермоқчи эмас. Россияда иккита китобини чиқаришиб, арзимаган чойчақа юборишди. «Шунисига ҳам шукр», деб қўя қолди Фёдор Михайлович. Анна эса ҳамма нарсани ўз баҳосида сотилишини истаydi. Китоб ёзиш ҳам осон иш эмас. Эри унга қанча кучини беряпти, қанча кўз нурини сарф этапти. Соғлиғининг кетаётгани-чи?

Бу орада Анна янги стенография фани бўйича ўқишини тугатиб, ишга жойлашди ва Фёдор Михайловичнинг бемалол, хотиржам ишлаши учун шароит яратди. «Рўзғорнинг ташвишини қилманг, ўзим эплайман!» деди у. Ёз бўйи боғларга чиқиб, малина ва ҳўл мевалар териб, қуритиб олиб, қопчаларга жойлаб, омборхонага тахлаб қўйди. Фёдор Михайловичнинг назарида, хотини худди она чумолига ўхшайди. «Худойим менга шундай меҳрибон аёлни берди, минг шукр!» дея қувонди у.

Анна бир кун янги гап топиб келди.

— Ноширлар бизни алдашган экан! — деди у норози оҳанг-да. — Рус адабиётида катта воқеа бўлган «Телба» асарингизга уялмай-нетмай арзимаган беш юз тўлашди. Биласизми, ўзлари қанча фойда кўришибди?

Фёдор Михайлович уни бағрига босди:

— Анна, ке қўй шу гапларни, эшитмай ҳам, куймай ҳам!

Анна ўрнидан туриб, ошхона томон юрди:

— Бирон нарса тайёрлаб берай, ҳойнаҳой оч ўтирган бўлсан-гиз керак?!

— Сенсиз томоғимдан бирор нарса ўтармиди, Аннагинам!

— Сиз, Фёдор Михайлович, жуда кўнгилчан одамсиз. «ИБ-лислар»ни менга қўйиб берасиз?

Фёдор Михайлович унинг гапини илиб олиб:

— Нима қиласан, иблисларни тузлайсанми? — деди муғом-бируна кулиб.

Хотини ширин кулди, овози майин ва ёқимли эди. Фёдор Михайлович ҳузур қилди. Унинг ҳар бир одати, ҳар бир ҳаракати ёқимли.

Анна уялган бўлиб, кўзини олиб қочди:

— Сиз ёзувчиларни гапга тукқан! — деди беозор, бегараз ва бироз эрка оҳангда. Фёдор Михайлович тили ширин эрка аёлим бор, дея суюнди.

Бир куни юраги остида нимадир қимирлагандай бўлганини сезди ва аёллар докторига учрашишни кўзлади. Анна ҳам ҳамма ожизалар сингари ўзига оро-торо беришни яхши кўради. Иккинчи томони, кимсан фалончи немис докторига кўринишга бораётган экан, ҳеч бўлмаса, тузукроқ кийинишни кўзлади, аммо жомадонини титиб, кўнглига маъқул бўладиганини тополмади. Юпун кийиниб борса, доктор опа жуда камбағал экан, демасмикин?! Кимсан катта ёзувчининг хотини, рус аёлининг кийиниши шуми, дея устидан кулса-чи?! Бу ўйлар унинг учун оғир эди, аммо Анна ўзини қўлга олди, қорнидаги қомила типирчилаб қолганда, «энг катта бойлик шу эмасми?» деган хаёлга борди-ю, дик ўрнидан туриб, сочини турмаклаб, енгил одми тўқ яшил кўйлагини кийди-да, кўчага чиқди. Ғундалак немис аёли уни илиқ қаршиларкан: «Шаҳарчамизда сиз ҳақингизда яхши гаплар юради, «рус хоним жуда бамаъни аёл» деб таърифлашганларини кўп эшитганман. Ҳақиқатан ҳам камтар экансиз! Бу хислатингиз одми кийинишингиздан ҳам кўриниб турибди. Кўйлагингиз жуда чиройли экан», деди унга бошдан-оёқ назар ташлаб, сўнг оппоқ каравотга ўтиришга таклиф этди ва ётқизиш обдан кўздан кечиргач, чехраси очилиб: «Табриклайман, уч ойлик ҳомилангиз бор!» деди. Анна хурсанд бўлиб, уйига югурди.

Фёдор Михайлович унинг кулиб чошиб келаётганини кўриб, пеш-воз чиқди:

— Анна Григорьевна, нима гап?

— Биз биттага кўпайибмиз, жонгинам! — деди ва эрининг бўйнига осилди. Энди қўрқиш йўқ, энди улар учта бўлади.

* * *

Орадан олти ой ўтиб, улар фарзандли бўлишди. Фёдор Михайлович энди ўзини қўярга жой тополмай қолди. Кечаси ҳам ижод қилади. Бола йиғласа, ором олаётган Аннани уйғотгиси келмай ўзи қарайди. Тўғри, кейинги кунларда энага олиш ҳақида ўйлаб кўрди, аммо топганлари рўзворга зўрға етиб турибди. Ҳозирча чидаб турсин, «Иблислар» асарини тугатса, Рихтер яхши ҳақ тўлайман, деб ваъда бермоқда, шу иш ўнгидан келса, албатта, Анна учун битта энага ёллайди, бўлмаса, бечора хотинининг қийналиб қолиши ҳеч гап эмас. Бу орада Анна яна ҳомиладор бўлиб, ташвиши кўпайди. Фёдор Михайлович энага ёллаш ҳақида яна ўйлай бошлади, аммо ҳадеганда, бунинг уддасидан чиқолмади, фақат бир куни Аннанинг тўсатдан боши айланиб, ўтириб қолганда, бунга жиддий ёндашмаса бўлмаслигини тушунди. Эртаси уни докторга кўрсатиш учун ўзи бирга борди. «Камқонлик, — деди доктор аёл Аннани кўриб бўлгач ва Фёдор Михайловични алоҳида олиб қолиб, — безътибор бўлманг, унга яхшироқ қарашинг, ҳомилалар аёллар нозикроқ бўлишади», деди «ўзингиз тушунган эркаксиз» деган маънода. Чол Гинтерштейн бу пайтларда касал ётган эди. Аннага билдирмай унинг олдига бориб, ҳол-аҳволини сўради. Иккаласи анчагача рус урф-одатлари, табиати, дунёнинг пайдо бўлиши ва бошқа турли-туман мавзуларда суҳбат қилишди. Гап орасида чол унинг оиласи, яшаш аҳволлари ҳақида сўраган эди, Фёдор Михайлович дастлаб ҳолатини билдирмади, лекин Анна ҳақида гапирар экан, унга энага зарурлигини қистириб ўтди. Ҳаётида кўплаб яхши-ёмон воқеаларни бошидан ўтказиб, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, табиатан зийрак Гинтерштейн унинг нимага шама қилаётганини қисман бўлса-да англади ва «мен ҳам сизга бирор яхшилик қилай», деди. Бу гап Фёдор Михайловичга жуда қўл келди. «— Малол келмаса, менга бир оз қарз бериб турсангиз, яхшилигингиз шу бўлади», дея бош эгди у. Сўрашга сўради-ю, уятдан танази қизиби, боши чирпирак айланди. Яна тутқаноғим тутиб қол-

масайди, деган хавотирда ўзини жиловлашга уринди. Эҳ, ижодкор, ижодкор! Ижодкор деганида ҳаяжон кўп бўлишини, ана шу нарса уларга панд бериб қўйишини яхши билгани учун ҳам ўзини босиб, бўғзига тиқилиб келган ҳаяжонни тезда жиловлаб, чолга мамнун жилмайди. «Бундан осон иш йўқ, — деди чол, — ўғлимга айтман, Рихтер сизларга керакли мабағни беради. Ундан кейин, барака топкур, Фёдор Михайлович, ижара ҳақидан ҳам воз кечаман, берманг!» деди. Фёдор Михайлович унга қандай бўларкин, деган маънода қаради. Чол гал бермай: «Инсон фақат пул деб туғилган эмас, у яхшилик учун ҳам яралган!» деди жилмайиб. Фёдор Михайлович уйга кела солиб, Аннага чолнинг ижара ҳақидаги гапини етказганда, мамнун бўлиб, уни мақтади ва сизга худо мададкор бўляпти, деди кулиб. Фёдор Михайлович пул ҳақида ҳам гап очмоқчи эди, аммо аввал иш битсин-чи, деб индамай қўя қолди. Эртаси уни Рихтер чақирди. «Нима иши бор?» деб сўради Анна. Фёдор Михайлович ёлғончиликни ёмон кўрарди, шу боис ҳам энди гапни яширмади ва: «Китоб пулини шу қарз эвазига олдиндан олиб турганимиз маъқул» деди. «Бу тўғри гап!» — уни қувватлади Анна.

Рихтер берган қарз пулига Анна ўзига мўмингина энага топди. Бу элик беш ёшлардаги Ева исмли немис аёли бўлиб, камгап, бурни пучуқ, лекин истараси иссиқ, пишир-куйдирга уста, оддий, озода кийинган, покиза руҳоний жувон эди. Биринчи кунданок Анна у билан тил топишиб кетди. Бир ой ўтиб, улар онабола каби қадрдон бўлиб қолишди. Ева бозор-ўчарни ҳам қўлга олди. У иш қилиб сира чарчамас, болани-ку жонидан ортиқ яхши кўрарди. Гоҳо: «Анна қизим, ўнта фарзанд кўрсангиз ҳам майлига, ўзим боқаман», дея ҳазил ҳам қиларди. Анна бу гаплардан яйраб кулар, «бунинг учун Шарқ аёлининг иродаси бўлиши керак», дер эди. Ева соддалик билан: «Шарқ аёлларининг жонларига балли, улар қандай қилиб, ўн, ўн бешта болани боқишадими?» дея ҳайрон бўларкан, ўзича бу зўравонликнинг натижаси эмасми, деган ўйга ҳам борди ва қани бу тўғрида хоним ойим нима дейдилар, деган фикрда Аннанинг оғзига боқди.

Анна Шарқ аёллари тўғрисида эшитганларини гапирар экан, Туркистонда бола боқиш борасида маълум тизим шаклланиганини айтди. Ева бу тизимнинг нимадан иборат эканлиги билан қизиқди. «Бу шундай тизимки, — дея Анна худди ўзи кўргандек ишонч билан гапира бошлади, — она фарзанд кўрса, беш-олти

аёл боланинг чилласи чиққунча унинг атрофида парвона бўлишади. Чақалоқ бир ҳафталик бўлгач бешикка солинади. Бешик шундай нарсаси, боланинг таги ҳеч қачон ҳўл бўлмайди. Унинг сумаги билан туваги ҳам бор. Бола йиғласа, қорнини тўйғазиб, сўнг алла айтишади. Ибн Синодан ўқидимки, алла она юраги каби майин айтилар экан. Улар буни беҳудага ўйлаб топишмаган. Қорнимиздаги ҳомила юрак уришимизни эшитиб катта бўла боради. Инсон бир нарсани такрор кўрса ва эшитса, унда шу нарсаларга нисбатан ташналик, яъни хумор ҳосил бўлишини яхши биласиз. Буни биз европаликлар рефлекс деймиз!» Унинг гапларини диққат билан эшитган Ева «Тавба, инсон нималарни ўйлаб топмайди» деди ҳайратланиб.

Якшанба кунларининг бирида Гинтерштейн чол омонатини топширди. Фёдор Михайлович Анна билан мотам маросимига борди. У ерда ҳозир бўлган олмон кишилари рус ёзувчиси ва унинг хонимига қизиқиш билан қарар, оддий одамлар улар билан икки оғиз гаплашиш истагида ёнларига яқинроқ сурилишиб келишарди. Фёдор Михайлович табиатан касалманд кўринар, унинг ёнида аёл қоматли Анна эса ойдай нур сочиб, кўзларни маҳлиё этарди. Айни кунларда ҳомиладорлиги туфайли у анча тўлишган, докторнинг муолажалари ва яхши еб-ичаётгани ҳамда ишларининг изга тушиб, оила бир оз тўқ яшаётгани боис унинг қалби севинчга тўлиб, ҳаётнинг лаззатини сураётган эди. Бир немис аёли Аннани анча гапга тутди. Герхер хоним деган бу аёл Питерда икки йил яшаганини айтиб, шаҳарни соғинганини яширмади. Мотам маросими бошланиб, суҳбат узилди. Анна бирор кун бу тўғрида алоҳида суҳбат уюштиришга ваъда берди.

Бир ойлардан сўнг Фёдор Михайлович «Иблислар» романини тугатди ва келишувга мувофиқ чолнинг ўғли Рихтер қўлёзмани олиб кетди.

— Фёдор Михайлович, бу сафар қаттиқроқ турунг, Рихтер муғомбир йигит, отасига ўхшамас эмиш, — деди эрини огоҳлантирган бўлиб. — Барча ноширлар бошқа ёзувчиларга қараганда сизга икки-уч баробар кам ҳақ тўлашмоқда. Асарни заҳмат чекиб битирдингиз, меҳнатингизга яраша ҳақ тўлашларини талаб қилинг! Ҳозир Россияда ҳам, Олмония ва Францияда ҳам сизни ташналик билан ўқимоқдалар.

Фёдор Михайлович ўзи ҳақида хотинининг шунчалик батафсил маълумотга эга эканлигини билиб, ўзида йўқ мағрурланди.

Пулдорлар билан гаплашишга ўзининг уқуви йўқ. Анна гаплаша қолсин. У қайси ношир билан қандай гаплашишни билади. Лекин аксига олиб, икки ойдан сўнг Рихтер уни чақириб, қалам ҳақи масаласида ундан икки энлик тилхат ундирди. Содда Фёдор Михайлович унинг ҳузурига бир ўзи борганидан минг бир пушаймон қилди. Анна бўлганда, у тилхат ёзишга йўл қўймасди. Аввалига йўқ деб кўрди, лекин тулкини алдашга уста Рихтер унинг соддалигини билиб, устомонлик билан: «Хоҳламасангиз, ижара ҳақини қўшиб, қарзларимни ҳисоб-китоб қиламан. Ана унда бутун мол-мулкингиз мусодара бўлиб, кўчада қоласиз!» деб қўрқитди. Фёдор Михайловичнинг танасидан муздек тер чиқиб, кўз олдида боласи, ҳомиладор Анна намоён бўлди. Ана улар кўчада сарсон-саргардон юришибди. Шамол, изғирин. Боласи изиллаб йиғлайди. Ева ҳам қочиб бормоқда. «Йўқ, йўқ, бундай бўлишини истамайман!» деди у ва Рихтерга қараб: «Худо хайрингизни берсин, бунақа қила кўрманг!» дея унга нажоткор қиёфада боқди. Рихтер истехзоли тиржайди ва «қани бўлақолинг» дегандек, унинг олдида оқ қоғоз, ручка ҳамда сиёҳдонни суриб қўйди. Фёдор Михайлович тилхатни ёзиб бўлгач, енгил тортди. Энди унинг кўз олдида иссиққина ижара уйи, жилмайганча болага қараётган Ева ва ўз бахтидан масрур Анна намоён бўлиб, енгил тортди. Уйга келиб, бу гапларни Аннага қай йўсинда билдиришни билмай анчагача боши қотиб, айтсамми, айтмасамми, деб ўйлади ва кечки овқатдан сўнг дам олишга чоғланганда, Анна: «— Катта асар ёзиб, анча толиқдингиз, бир-икки кун нафасингизни ростланг!» деб маслаҳат берар экан, ке, қўй, ҳозирча уни безовта қилмай турай, бир гап бўлар, дея оғзини юмди. Охири, нима бўлишини билмайди-ю, аммо ҳозирча тинч яшашлари аниқ. Шунисига ҳам шукр!

Анна уни гапга солди:

- Янги асар ёзасизми, жонгинам?
- Албатта, мен учун ҳар бир дақиқа ғанимат.
- Малол келмаса, у қанақа асар бўлади?
- «Қиморбоз» деган асар ёзмоқчиман. Ипидан-игнасигача миямда пишган. Тинчлик бўлса бас, тезда ёзиб ташлайман.

Анна унинг сочларини силади:

- Сизга ўзим шундай шароит яратиб бераман. Сиз сира ташвиш тортмай асарингиз ҳақида ўйлайверинг, муаммоларни ўзим ҳал этаман.

Фёдор Михайлович тилхат ҳақида айтмоқчи бўлди-ю, Анна-ни хафа қилиб қўяман, деб оғзини юмди ва суҳбатни бошқа томонга бурди:

— Анна, айт-чи, сен учун нима муҳим?

— Мен учунми? — Аннанинг қошлари қанот қоқиб, кўзлари мовий чарақлади. — Мен учун ўз эрким муҳим!

Фёдор Михайловичнинг юзига тун чўқди:

— Тушунмадим, Анна? Сен мени ҳайратга соляпсан. Эркин-ни мен ва боланг, рўзғор ташвишлари суиистеъмол қияпмиз-ку! Бунга нима дйсан?

— Эрк нима ўзи, жонгинам?! Эрк кўчада ялло қилиб юриш-ми фақат?! Бу нарса мен учун аввало маърифат. Маърифатгина инсонни мустақил қилиши мумкин. Мустақил бўлмаган одамда эрк эмас, зolimлик, ўзибўларчилик, шахсини улуглаш устун бўлади. Менинг эрким аввало Сиз, болам ва рўзгорим. Булар бўлмаса, менга бу зорманданинг сариқ чақалик аҳамияти йўқ.

Фёдор Михайлович бошқа эрлар каби Аннасини ожиза деб тасаввур этганди. Ҳаётда кўп эркаклар ўз жуфти ҳалолларини бир поғона паст кўрадилар, лекин уларни ўлгудек севадилар, фақат олифта қарашлар, мен сендан кам эмасман, деган нотўғри тушунчалар, оддий ҳаётий ғиди-бидилар уларни икки қирғоқ томон иргитиб ташлаши мумкин. Қирғоқда нима бор? Гиёҳ ўсмайдиган нам ва қуруқ қум, жазирама иссиқ, шамол ва елвизак, бийдек дала бор, холос. Турган гапки, қум овқат бўлмайди, иссиқ — соғлиққа зиён, елвизак — ўпканинг душмани, далада эса уй йўқ. Анна буларни яхши англайди. Чин аёлнинг ҳақиқий мақсади эрининг бахт-саодати эмасми?! Фикрларини эрига баён этар экан, ўзи ҳам енгил тортиб, ниҳоят, мен ўз эримга кимлигимни аён этмоқдаман ва бундан Фёдор Михайловичнинг мамнун бўлаётгани аниқ, деган тўхтамга келмоқда эди.

Орадан икки кун ўтиб, Фёдор Михайлович «Қиморбоз» романини ёзишга киришди.

Анна боласи билан энагани четдаги кичкина уйга кўчирди. Ўзи эса ишга қатнади, рўзғор ташвишларини зиммасига олиб, улгурмаган ишларини кечаси уйда хотиржам бажариб юрди. Ҳар бир ишга ўз пайтида улгуришга ва айниқса, Фёдор Михайловичнинг овқатланишига, дам олишига шарт-шароит яратиш учун доимо сергак туришга эришдики, буни кўриб, энага Еванинг унга ҳаваси келди ва, қанийди, менинг ҳам шундай эрким бўлсай-

ди, деб орзу ҳам қилди. Ҳа, айтгандай, Анна унга ҳам ўз эрки ҳақида гапирган ва унинг нимадан иборат эканлигини ётиғи билан тушунтирган эди. Йигирма олти кун шу алфозда ўтди. Йигирма олтинчи кун тушликда Фёдор Михайлович ўз хонасидан шод ҳолда отилиб чиқди:

— Анна, мени табрикла, тугатдим! — деди суюниб. Шунча асарлар ёзиб, эрининг биринчи марта шу алфозда шод бўлиши эди.

— Муборак бўлсин, муборак! — деди Анна унинг иссиқ бағрига сингир экан.

Кечқурун уйда стол тузатдилар. Биринчи, иккинчи овқатларни Ева билан Аннанинг ўзи тайёрлади. Болага Фёдор Михайлович меҳрибонлик қилиб турди.

Ўша кеча Анна Фёдор Михайлович билан тонггача суҳбат қилди ва эрталаб: «Шу пайтгача бундай роҳат қилмаган эдим», деди ошиқ қиздек сирли жилмайиб.

Фёдор Михайловичнинг бутун дунёси ёришди ва у ҳам очиқчасига:

— Энг бахтли эрман, Анна! — деди ширали ва хушчақчақ оҳангда.

Орадан икки ой ўтиб, Рихтер яна Фёдор Михайловични йўқлади ва «Иблислар» романи учун қалам ҳақи бермоқчи эканлигини маълум қилди. Анна тилхатдан хабар топиб, эрига таъна қилмади, аксинча, айёр Рихтернинг муғомбирлигидан нафратланди ва Фёдор Михайловични қўрқитиб тилхат ёздириб олганини билиб, унга нисбатан тиш қайради. Кейинги учрашувларининг бирида мотам маросимида танишган Герхер хоним эрининг кредиторлар масаласи билан шуғулланишини айтган эди, Анна дарҳол кампирниқига йўл олди ва ундан бу борада маслаҳат сўради. Эри, етмишларга кирган Гейних деган қария Рихтернинг ҳангомасидан хабардор бўлиб, бунинг олмонлар учун энг ёмон иш эканлигини айтиб, Аннага бунга қарши қандай чора қўллашни батафсил тушунтирди. Анна қобилиятли ва уddaбурон аёл бўлгани учун кредиторлик ишларининг моҳиятини тез англади ва уйга келиб, қария берган китобларни эринмай бирма-бир кўриб чиқди. Стенография гимназиясида олган билимлари ҳам қўл келди. Ниҳоят, ўзига ишонч ҳосил қилгач, Рихтер билан савдолашишга чиқди. Рихтер деганлари ҳам дунё кўрган йигит, унга ҳам мол-мулкларини мусодара қиламан, деб дўқ урди, лекин Анна ўзга

давлат фуқаросига бундай муомала қилишнинг оқибати яхши-ликка олиб бормаслигини, агар хоҳласа, жаҳон матбуотида унинг катта рус ёзувчисига нисбатан қаллоблик қилгани ҳақида бонг уришини, бу ҳангомани эшитган бутун олмон халқи ундан нафратланишини, шу тариқа Рихтер деган номига қора доғ тушиб, отаси ҳам гўрида тик туришини айтди. Рихтер шу пайтгача бундай гапларни эшитмаган ва бундай жасур, сўзга уddaбурро аёлга ҳам тўқнаш келмаган эди. Аннанинг бутун олмон халқи сиздан нафратланади, деган гапи унинг юрагига тифдек қаттиқ ботиб, танасини зирқиратиб юборди. Музокара бошланганда, у мисоли улкан қоя эди, бу гаплардан сўнг ер билан яксон бўлиб, жойига ўтириб қолди ва: «Бундай номақбул ишга қўл урманг, Анна Григорьевна, ўтинаман» деб ёлворди.

— Менга ўз ҳаққимизни тўғри берсангиз бас! — деди Анна вазмин оҳангда. — Сиз «Иблислар» романидан кам эмас, кўп эмас, нақ йигирма беш минг фойда кўрар экансиз! Шундай экан, инсоф билан ҳаққимизни беринг!

Рихтернинг бурун катаклари йириклашди:

— Сизга буни ким айтди?

— Содда экансиз, Рихтер жаноблари, ман сизни бамаъни йигит деб ўйлардим! — дея узиб олди Анна ва бу ҳам етмагандек уни роса уялтирди. — Ёпиқлик қозон ҳеч қачон ёпиқ қолмайди. Кўзингизнинг ёғини тозалаб қўйинг, йигитча!

Рихтер ўзининг ниҳоятда андишасизлик қилганини ҳис этиб баттар қизарди ва:

— Тўрт минг бераман, розимисиз? — деб юборганини сезмай қолди. Ваҳоланки, бирор мамлакатда ҳали биронта ёзувчи ё шоирга бунча қалам ҳақи берилган эмасди.

Бу хабарни эшитган Фёдор Михайлович Аннага тан берди ва Евага эшиттириб:

— У жуда доно аёл! — деди.

Ева умри бино бўлиб, бирорта эрнинг ўз хотинини шунчалик кўкка кўтариб мақтаганини кўрмаган эди. Аннага шу тўғрида гапирар экан, «Фёдор Михайловичнинг ўзлари ҳам буюк қалбли инсон эканлар» деб яхши таъриф берди.

Бу орада Иван Манндан икки энлик хат келди. Унда шундай ёзилган эди:

«Қадрли Фёдор Михайлович!

Муҳтарама Анна Григорьевна!

«Телба» ва «Иблислар» романини бир ўтиришда ўқиб чиқдим. Даҳо асарлар. Рус прозасининг ютуқлари мени жуда қувонтирди. Анна Григорьевнанинг жасорати эса бутун Олмонияда, ундан ўтиб Россия ва Фарангистонда машҳур бўлиб кетди. Балларда, адабий кечаларда, йигинларда одамлар бу тўғрида ҳаяжон билан гапирмоқдалар. Сизнинг сиймонгизда, қадрли Анна Григорьевна, шундай олижаноб қалбли инсонни қўраётганимдан беҳад мамнунман.

Сизларга соғлиқ ва оилавий тотувлик ёр бўлсин!

Хурмат билан Иван Манн».

Шу биринчи хатдан сўнг турли мамлакатлардан мактублар ёғилиб кетди. Улар орасида турли ноширлардан ҳам илтимосномалар кўп эди. Фёдор Михайлович уларни бир-бир ўқиб кўргач, димоғи жуда чоғ бўлиб:

— Анна, сен бўлмаганимда, бу кунларга етолмай ўлиб кетган бўлардим! — деди бир оз ҳазин, аммо янгроқ оҳангда.

— Худо хайрингизни берсин, ўлимни ёдга олманг, ҳали сиз инсониятга кўп керак бўласиз! — деди Анна ва унинг бўйинини силаганча сўради. — Кейинги кунларда бир нималарни ўйлаб юрибсиз. Эҳтимол, янада машҳур асар ҳақида ўй сураётгандирсиз?

— Сендан яшириб нима қилдим, Анна! «Жиноят ва жазо» деган асар ёзмоқчиман. Қувватимнинг борида ёзиб улгуришим керак, бўлмаса, кеч бўлади!

— Ёнингизда мендек суянчигингиз бор экан, сира иккиланманг, уни ҳам, албатта ёзиб тутатасиз!

— Кўнглим сезиб турибди, Анна, у жуда яхши асар бўлади. Бир нечта китоб ёзиб тажрибам ошди. Энди ўзимга ишониб ёзаяпман. Ёзувчи учун ички ишонч катта аҳамиятга эга, билсанг азизим!

Фёдор Михайлович уни биринчи марта «азизим» деди. Бу сўзни шундай илтифотли ва ширали оҳангда айтдики, Анна асал ичгандек, танаси яйраркан, нақадар бахтли аёлман, дея ғурурланди. Тириклик ва аёллик бурчини, хотинлик, оналик вазифасини ҳалол ўтамоқда. Дунё ўтади. Бир кун улар ҳам йўқликка кетишади. Лекин бу оламнинг қай кишиси, қайси миллат вакили бўлмасин, хокисор Анна ҳақида фақат яхши гаплар айтиши керак. Худо олдида ҳам, бандаси олдида ҳам юзи ёруғ бўлишини истайди.

— Анна, сен бахтлимисан? Мен билан яшаётганингдан афсусланаётганинг йўқми? — деб сўради Фёдор Михайлович.

Бу савол Аннани ҳушёр торттирди.

— Вой, жонгинам-эй, ҳали ҳам шу тўғрида ўйлаб турибсизми? — Маъсумона жилмайди у. — Мен сизни яхши кўрмасам тегармидим? Сизни демасам, шунчалар меҳримни берармидим?

— Анна, гапларинг рост бўлса, мен хурсандман!

— Хурсанд бўлинг, Фёдор Михайлович! Сиз руснинг энг бахтли кишисисиз!

— Айтганинг рост! Бахтли одамман!

Кейинги ҳафтадан бошлаб уларни шаҳар аслзодалари кетмакет меҳмонга, балл ва базмларга таклиф эта бошладилар. Фёдор Михайлович қўли совумасдан янги романни бошлаш ниятида эди, аммо меҳмоннавозликлар туфайли бу орзу орқага сурила борди. Бундан Аннанинг ўзи ҳам оғрина бошлади. Масаланинг қийин томони шунда эдики, олмон халқи сени эъзозлаб турибдими, иложинг қанча, бу эъзоз-ҳурматга яраша сен ҳам илтифот қила билишинг шарт. Буни ҳаёт дейдилар. Қолаверса, элнинг назарига тушган экан, энди чидашинг ва бардош беришинг керак.

Шу орада Аннанинг кўзи ёриб, Фёдор Михайловичнинг ташвишлари янада кўпайди.

Қимматли вақтини йўқотиб, озор чекаётган Фёдор Михайловични кузатар экан, Анна:

— Узоқ меҳмондорчилик ва вақтичоғликдан сўнг баракали ижод қиласиз, жонгинам, кўп ҳам қисилманг! — дея унга далда берди.

Эри буюк қалб эгаси бўлиш баробарида ўта содда эдиким, хотинининг ҳар бир яхши гапи унга таъсир этмасдан қолмас ва Анна буни яхши билгани учун шундай лаҳзаларда унга суянчиқ бўлишга ошиқарди. Аммо меҳмондорчиликлар давом этаётган ажойиб кунларнинг бирида Россиядан «Маша хола омонатини топширибди», деган совуқ хабар келди. Бу гап Фёдор Михайловичга қаттиқ таъсир этиб, бир кечада ўзини олдириб қўйди: юзи бир бурда бўлиб, қовоқлари бўртиб чиқиб, кўзлари ич-ичига чўқди.

— Афсус, холам билан видолашолмай қолдим! — деди маъюсланиб, кейин Николани деб яна қайғуга ботди. — Ўғлим нима қилди? Бир ўзи қийналиб қолмадими?

Чақалоқ икки ойлик бўлгач, улар йўлга ҳозирлик кўра бошладилар. Рихтер оиласи билан келиб, икки минг марка ташлаб кетди, Герхер хоним шу кунлардан эсдалик деб, унга бир сувсар пальто ва тилла зирак совға қилди. Бошқалар ҳам уларнинг жўнаб кетаётганини билиб, совға-саломлар олиб келишди.

Шаҳар бошлиғи — адл қоматли, оқ юз, қирра бурун киши ҳам ёрдамчилари билан келиб, кўнгил сўради ва поездгача кузатиб боришини маълум қилди. Поезд деганда Аннанинг этлари увишди. Ўтган сафар эри ва ўзи эди. Бир олам ташвиш билан зўрға етиб олишди. Фёдор Михайловичнинг яна тутқаноғи тутиб қолса, нима қилади? Икки ёш боласини қандай уддалайди? Евага шу тўғрида гап очган эди, у таклиф этса, бирга кетишини маълум қилди. Анна йўқотган олтин зирагини топган аёлдек беҳад қувонди. Ева у билан бирга кетса, сира қийналмайди. Боз устига опа-сингилдек бўлиб қолишди.

Улар шаҳарчадан йўлга отланган кун кўёш чиқиб, ҳарорат кўтарилди. Анна олдинги кунда ҳавонинг авзойи бузуқлигига қараб, чақалоғим совуқ кунда шамоллаб қолмасмикин, дея ҳавотирланган эди, жўнашлари олдидан куннинг исиб кетганини кўриб, жуда шодланди.

Шаҳар аҳли уларни ярим йўлгача кузатиб келди. Бу жуда ажойиб дақиқалар эди. Ҳатто холасини ўйлаб ғамга ботган Фёдор Михайлович ҳам шу дақиқаларда ортидан келаётган меҳрибон кишиларга жилмайиб қарар экан, киприклари билинар-билинемас намланиб, ич-ичидан хўрсинар ва э худойим, булардан айрилишнинг ўзи бўладими, дея пичирлаб қўярди. Анна ҳам аёллар билан узоқ хайрлашди, уларнинг ҳар бири у билан бирма-бир сўзлашиб, хайр-маъзур қилишга интилар эди.

* * *

Поезд шаҳар вокзалига узоқ гудок чалиб, фил каби пишқириб кириб келди. Вокзал гул кўтарган ёш-қарига тўлган эди. Анна бизнинг поездимизда бирор давлатнинг катта амалдори келаётган бўлса керак, деган хаёлга борди. Лекин поезд тўхташи билан уларнинг купесини одам босгач, наҳотки, шунча киши бизни кутгани чиққан бўлса, дея ҳайрон қолди.

Ташқаридан оломоннинг ҳайқириқлари эшитилар эди:

— Фёдор Михайлович!

— Анна!

— Россияга, ватанингизга хуш келибсиз!

Ева ҳам уларни шунчалик катта шодиёна билан кутиб олишадди, деб ўйламаган эди. У болаларни қўлига кўтариб олганча ташқари йўналди, аммо ҳеч ким унга эътибор бермади.

Қўлтиқтаёқда турган озғин Никола отасини кўрди-ю, хўнграб юборди:

— Фёдор Михайлович?

Отаси оломонни ёриб ўтиб, уни бағрига босди:

— Николагинам, бормисан?

Оломон ўзини четга олди.

Фёдор Михайлович озиб-тўзиб кетган Николасининг қоқсуяк елкасидан ушлаб, ўзига қаратди-да:

— Нима бўлди, Никола? — деб сўради.

Никола ҳиқиллаб:

— Холам билан кўприқда аравадан музга қуладик, у киши тил тортмай... мен оёғим...

— Қўй, гапирма, Никола! — деди Фёдор Михайлович уни юпатган бўлиб.

Шу дам ортдан «Шаҳар каттаси келяпти!» деган ҳаяжонли гаплар қулоққа чалиниб, оломон иккига бўлинди. Олдинда қизил бантик, қора фрак кийган шаҳар бошлиғи, ортидан полиция маҳкамаси вакиллари шитоб билан одимлаб келишмоқда эди.

Аннанинг юзига енгил шабада урилиб, юрагини ширин ҳис қоплаб олди. Бу ердан кетаётганларида ҳатто оддий қоровул ҳам кузатиб чиқмаган эди. Энди катта хоним бўлдинг! Сени ҳукумат одамлари кутиб оляпти. Суюна қол, шодлан, энди сен буюк инсоннинг ожизасисан!

Ортдан ҳайқириқлар янгради:

— Анна Григорьевнага шарафлар бўлсин!

Оқ юз, бағбақали, хушбўй атир ҳиди уфуриб турган шаҳар бошлиғи унинг оппоқ қўлини ўпди ва:

— Улуғ руснинг сиздек буюк қизи билан учрашиб турганимдан фоят хурсандман. Сиз ҳақингиздаги жаҳон матбуоти ёзган барча хабар, мақолаларни мириқиб, завқланиб ўқидим. Ташаккуримни қабул қилгайсиз! — деди жуда илтифотли ва самимий оҳангда.

Анна кўкка учгандек, ўзини жуда енгил ҳис этди ва «мен русга нима хизмат қилдимки, шунчалик эъзозлашаяпти» деб ҳайрон ҳам бўлди. Шу дамда болаларини кўтариб турган Евага кўзи тушиб, унга қўл силкиди. Оломон ҳам ўша томонга қаради. Ева қўйинидан оппоқ сочиқни чиқариб, унга қарата икки-уч бора енгилгина силкитди-да, сўнг болаларга ишора қилди. Аннанинг юзи қизариб, ёноқлари ловиллаб ёнди. Бир умр асраган оқ сочиқни қолдирдим, деб ўйлаган эди, лекин Ева унутмабди, тасанно айтиш керак унга. У Евага қараб мамнун қўл силкиди.

ОТАМНИНГ ДУНЁСИ

(бадиалар)



АМИР ТЕМУР КУТУБХОНАСИНИНГ СИРИ

1. Амир Тему́р кутубхонаси йўқолиб кетганми?
2. Шабистарий ким эди?
3. Улуғбекнинг шогирди Али Қушчи Ҳазрати Башир билан учрашганми?
4. Низомиддин Шомийнинг асари.
5. Амир Тему́рнинг кутубхонаси топиладими?

Ишонсангиз, ўша кутубхона тушларимга кириб чиқади. Улкан бино. Ниҳоятда улкан. Чиройли жавонлар тўла китоблар. Олтин, мовий, тўқ ва кўк яшил рангдаги китоблар. Сон-саноксиз... Аллақандай ҳид димоғимга урилади ва сесканиб уйғониб кетаман. Ё кечаси соат учлар, ё тонг отган бўлади. Бу нимага ишора? Нега мени кутубхона безовта қилади?! Ҳеч тушунолмаيمان.

Бувимда бир катта китоб бўларди. Усти мовийранг. Мовий ипак билан тўқилган. Қоғозлари шалдироқ, оппоқ. Оқ, қора, қизғиш, сариқ ранглари қуёш нурида кўзни қамаштирарди. Антиқа ҳиди ҳам бор эди. У қанақа ҳид эди? Ниманинг ҳидига ўхшарди? Бу ҳидни ҳам ҳанузгача тополмайман.

Хорижда бўлсам, ўтмишдаги ҳукмдорлар кутубхоналарини кўришга ошиқаман ва яна ўша таниш ҳидлар димоғимга урилиб, беихтиёр хаёлим ўзим тасаввур этган Кўксаройдаги улкан ва ноёб кутубхона томон учади.

Амир Тему́р Кўксаройда жуда улкан кутубхона бунёд этган эди. У ерда дунёнинг турли бурчакларидан ноёб битиклар, бебаҳо қўлёзмалар, нодир китоблар тўпланган ва, турган гапки, ўша аср ислом динига ривож берувчи ҳисобланган Ҳазрат Соҳибқироннинг кутубхонасига машҳур Усмон Мусҳафининг келтирилганлигига шубҳа йўқ эди. Ҳозир бу китоб Ўзбекистонда, Тошкентдаги Мусулмонлар идорасининг музейида кўз қорачиғидек сақланмоқда.

Кўксарой кутубхонаси шунчалик оддий китоб омбори эмасди. Бу ерда китоблардан фойдаланиш устидан жиддий тартиб ўрна-

тилган бўлиб, олиму фозиллар, мударрислар, толиблар, салтанат амалдорлари, уларнинг фарзандлари улардан истаганча фойдаланишар эди. Шунингдек, кутубхонада муншийлик, хаттотлик, безак солиш ишлари намунали йўлга қўйилган бўлиб, бир сўз билан айтганда, бу манзил Турон давлатининг йирик академияси эди, десак ҳам муболаға бўлмайди.

Амир Темури, Навоий таърифи билан айтганда, нафақат буюк бунёдкор, улуғ ҳукмдор, балки илм-фан ҳомийси, дунё тарихи ва адабиётини мукаммал билган зукко зот эди: шунчалик кўп шеър ва дostonларни билар эдики, унингдек, ҳеч ким кўп ва узоқ шеър ё дoston айтолмасди. Шундай инсон халқ ва Ватан тақдирини ўйлаб, жангу жадалларда юриб, дунё ғурбатларидан тўйиб кетганида, адабиёт чаманидан ором излаши тайин эди. Яна бир ҳақ гапни тан олиш керакки, унинг ўзи йўл бермаганида Улуғбек Мирзо шу қадар йирик олим бўлолмасди. Амир Темури ўз неваралари орасидан олиму фузалолар чиқишини орзу қилгани аниқ. Мана, бир неча мисоллар.

Соҳибқирон тунлари унга юлдузларни таништирарди. «Мирзом, кўрингиз, Мағрибда зумрад нур сочиб турган ана у юлдуз Зухродир, униси Фурқадон, буниси, тариқ сепиб қўйгандай юлдузлар ғужуми — Ҳулкардур». Улуғбек Мирзо аввалги кеча кўрган юлдузининг ўрнида йўқлигини кўриб ҳайрон бўлганда, бобо унга ёрдамга келарди. «Сиз йўқотган юлдузни Алғул дейдилар. Уч кун ёниб, сўнади ва яна пайдо бўлади. Бунинг сири ёлғиз яратганга аёндур». У бир оз ўйланиб қолар ва ҳаял ўтмай: «— Тақдирда баҳодирлик толеи бўлмаганда, балки мен ҳам юлдузлар илми билан машғул бўлармидим!» дер ва яна бир фурсат ўтиб, хомуш чехраси чароғон ёришиб: «— Мен Сизнинг илмга ташналигингизни сезиб турибмен. Сиз бу йўлдаги машаққатлардан чўчимайсиз!» дея унга далда берарди. У невараси Улуғбекнинг чуқур билим олиши учун Ҳиротдан Қозизода Румийдек йирик фалакшунос олимни Самарқандга олиб келганлиги тарихдан яхши маълум. Хуллас, Кўксарой кутубхонасида, унинг томида, дераза равоқлари ёнида бобо ва неваранинг тун чоқларида дилдан суҳбат қурганлари афсоналарга айланиб кетган.

Кўксарой, Кўксарой! Эҳ, Кўксарой! Сени тўпга тутмаганларида, дунёда сендаги кутубхонага тенг келадигани бўлмасди. Сенинг шунча нодир китобларинг қаёққа ғойиб бўлди? Наҳотки, улар йўқ бўлиб кетган бўлса?

Китоблар — ёш Темурбекнинг хаёл оламини нурафшон этган дунё.

Ғапимиз қуруқ бўлмаслиги учун яна бир мисол.

Оқсоқол ёзувчимиз Пиримқул Қодиров «Амир Темур сиймоси» янги бадиа романларида шундай ибратли ҳикояни келтирадилар.

Маълумки, Темурбек Кеш мадрасасида таҳсил олган йилларида озарбайжон шоири Маҳмуд Шабистарийнинг «Гулшани роз» («Сирлар гулшани») китобидан ўзига маъқул бўлган шеърларни ёд олган.

Орадан йиллар ўтиб, Озарбайжонни ҳимоя этиш учун қўшин тўртиб борганида, Шабистар қишлоғидан ўтаётиб, беихтиёр шоирни эслаб қолади ва сўраб-суриштириб, унинг қабри шу ерда, хароб ҳолида эканлигини билиб, зиёратга отланади. Шоир мангу ором топган манзилда мусулмончилик расм-русумларини бажо келтиргач, қишлоқ аҳлига 5 мисқолдан олтин улашади ҳамда Маҳмуд Шабистарийнинг қабри узра мўъжаз мақбара кўтаришга, атрофдаги ерларни вақф сифатида бериб, улардан тушадиган даромадлар ҳисобига боғ барпо этиб, бу ерни зиёратгоҳга айлантиришга фармон беради.

Мантиқан ўйлаб қарайдиган бўлсак, минг битта ташвиши бор ҳукмдорнинг оддий шоирнинг мангу қўним топган манзилига эътибор бериши, оддий айтганда, катта гап. Дарвоқе, унинг шундан бошқа ташвиши, дарди йўқмиди? Аммо Буюк Соҳибқироннинг бағри каби тафаккури ҳам кенг эди. Шундай зот ёшлиқдан меҳр қўйган шоирига ҳиммат кўрсатмасдан ўтолмасди.

Шулар ҳақида ёза туриб, дунёда «йўқдан бор бўлмайди, бордан йўқ бўлмайди» деган гаплар хаёлингиздан ўтади ва беихтиёр яна Амир Темурнинг кутубхонаси бутунлай йўқолиб кетмаган, деган хаёлга борасиз. Кўз ўнгингизда: «— Асосий хазинам кутубхонам эди. Билсангиз, мен ундаги ҳар бир дурдона асарни не-не машаққатлар билан жам этган эдим», дея ҳорғини қараб турган ҳазрат Соҳибқироннинг ёрқин чехраси намоеён бўлади ва Сиз, албатта, бу кутубхона дурдоналари қаердадир яширин турибди, дея ишонасиз. Тарихда ҳам бунга ишоралар бор.

Амир Темур дунёнинг ўткинчи эканлигини, ўзининг ҳаёти кўзи очиқлик пайтида рўйи-рости билан китоб қилишни ҳам унутмади. Яхши биласизки, мавлоно Низомиддин Шомийнинг гувохлик беришича, 804 ҳижрий йили (милодий 1401 йил 11 ав-

густ ва 1402 йил 1 август оралиғи) Амир Темур уни ҳузурига чорлаб, ўз юришлари ҳақида йирик асар яратишга ундаган. Ҳазрат Соҳибқирон мунший ва котиблар томонидан тузилган битиклар ўзини қониқтирмаслигини, ёзилажак асар эса халқ учун тушунарли, содда, равон, айна пайтда маърифатли кишилар эътиборига лойиқ тилда битилишини сўраган. Низомиддин Шомий асарни кўнгилдагидек ёзишга сўз берган. Дарвоқе, асар ҳаққоний битилган. Унда мақтов ва бўрттиришлар, ҳамду санолар камроқ. Шу боисдан ҳам, дунё тарихчи олимлари бу ноёб асарни ишончли манбаа сифатида тан оладилар ва уни қадрлайдилар.

«Темур тузуклари»-чи?!

Бу бебаҳо асар ҳақида ҳам соатлаб гапириш мумкин. Лекин бу ўринда яна Улуғ Амирнинг шундай китобни битиб, биз авлодларга қолдиргани ҳар жиҳатдан муҳимдир. Бу асарлар фақат унинг ўзини эмас, бизнинг кимлигимизни ҳам белгилайди.

Амир Темурдан сўнг кутубхона тақдири қандай кечди, деган саволнинг кўндаланг бўлиши табиий.

Мирзо Улуғбекнинг қарийб қирқ йиллик ҳукмронлик даврида Туронда осойишталик ҳукм суриб, фан, маданият, меъморчилик юксак тараққий этди. Ўнлаб, балки юзлаб мадрасалар барпо этилди. Бу даврда Кўксарой кутубхонасининг фаолият кўрсатганлиги аниқ. Бу ўринда бизни 1449 йилдан кейинги воқеалар қизиқтиради. Хўш, Али Қушчи ўз қарвони билан нега Ҳазрати Баширнинг ҳузурига борди ва, тахминан етти-саккиз йил у ерда яшади? Мирзо Улуғбекнинг васияти билан кутубхонадаги нодир китобларни ўзи билан олиб кетмадимикан?! Олдин айтганларидек, унинг 1449 йилда Мовароуннаҳрдан чиқиб кетгани ҳақидаги гаплар ёлғон бўлиб чиқди. Хусусан, астроном Ғ. Жалолов ва шарқшунос олим А. Ўринбоевлар Али Қушчининг 1471 йилгача унинг Мовароуннаҳрда яшаганлигини таъкидлаб ўтганлар.

Қисқасини айтганда, Амир Темур кутубхонасининг сири олис тарихга бориб тақалади. Кутубхона ҳақида афсона ва гап-сўзлар шунчалик кўпки, уларни ўқиб, «Шамол бўлмаса, дарахтнинг шохи қимирламас» деган мақол эса тушади. Дарвоқе, нимадир борки, у онгимизни ҳамиша жунбишга келтириб туради. Бу сирни очиш келажакда кимгадир насиб бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

ИНСОФДАН КҮЧАТ ЭК

Ҳозир онам ва укам яшаётган хонадонда ўқувчилик йилларимда тўплаган китобларим сақланади. Ҳар гал онамни кўргани борганимда, уларни бир-бир кўздан кечираман. Бу сафар Шухрат домланинг «Лирика» китоби олдимдан чиқиб қолди (1973 йил. Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти). Яшил муқовали китобчани варақлар эканман, ўқувчилик йилларимни эсладим. Ўшанда тез-тез мушоира кечалари ўтказар ва турган гапки, шоир ва ёзувчиларнинг асарларидан фойдаланиб турардик. Шухрат домланинг тўртликларига алоҳида белгилаб қўйган эканман. Уларни қайта ўқир эканман, туйғуларим беихтиёр оппоқ қоғоз бетларини нақш айлади. Билъакс, бу тўртликларни Сиз ҳам безътибор ўқий олмайсиз. Агар кўнглингизда жиндек эзгу туйғу пайдо бўлса, бегубор қалбнинг миннатдорлигини қабул қилинг:

* * *

Даврий ёлғонлардан устун келган мардона юрак тақдир зарбаларини сира писанд этмайди. Бунга мисоллар кўп. Аммо улар орасида Шухрат домланинг ҳаёти алоҳида ўрин тутади:

*Мен қайтар кўприкни ташладим ёқиб,
Ўзингни қийнама орқага боқиб.
Жанг бўлур енггунча, ё енгилгунча!
Мен кетдим қаҳримни чақмоқдек чақиб.*

Юрт ишқида ёнган дилнинг бўрони, исёнкор юракнинг оташин ҳайқириғи бу! Бошида ўзга мафкуранинг ойболтаси ўйнаб турган бир замонда оташин сатрларни чўчимай, қўрқмай, иккиланмай қоғозга туширган қалбнинг фақат жасоратига эмас, мардалигига, ботирона нафасига тан бермай кўринг-чи! Тан берар экансиз, бокира ҳаяжон, ўзни англаш туйғулари ила уни тушуна оласиз:

*Ўз тарихин билмаган одам
Деса мумкин: — бўлмаган отам!
Келажакка муносиб эмас
Ўз тарихин билмаган одам!*

Унинг овози фақат шу дард билан кифояланмайди, яна у ўз-лигини йўқотган кимсаларга ва ўзининг қадрини ерга ураётганларга ҳам хитоб қилади:

*Беруний китобин варақлаб Колумб
Океан ортига йўл олган, дейсан.
Бас, унда нимага Беруний қолиб,
Колумбнинг шаънига қўшиқ тўқийсан?!*

У бир умр ўзининг содда, танти қалбига ишониб яшади. Бир кун юрти узра соя солган қора булутларнинг ҳақиқат қуёшининг заррин нурларида пар каби тарқаб кетишини кўра билди. Шунинг учун ҳам ўзга мафкуранинг ёрлиқ ошидан ўзининг бир бурда қотган нонини афзал билиб, назм бўстонимизни — ҳар икки боғимизни турфа анвойи гуллар билан тўлдиришга интилди. Яна ўзига ишониб, «Олтин зангламас» дан «Шинелли йилларга», ундан ўтиб «Жаннат қидирганлар» га жило берди. Шу орада юрак туйғулари потраб чиқди:

*Эш бўлсин йўлингга ҳамият, санъат,
Маргларни севади ижод, ҳақиқат.
Сутини шамолда шопириб ичар,
Ўзига ишонган одамлар фақат.*

У биқик даврнинг найрангларини кўриб турар экан, бу дунёнинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам борлигини теран англаб ва замонасидан бир поғона баландда туриб, «Сен шундай яшаки, виждонинг саси, Тарихлар уфқида қолсин жаранглаб» деб ёзди.

Катта қалбнинг ғурури ҳам, сўзи ҳам баланд бўлади. Унда ҳақиқат бутунича яшайди, шу боис қўрқоқлик унинг оламига бегона:

*Тақдир солса тоғ бошига ғам,
Тарс ёрилиб чўкиб кетибди.*

*Фақат бардош берибди одам,
Одам ўзин мағрур тутибди.*

Ана шу мағрурлик унда яна эртанинг ишонч умидини уйғот-
ди ва у ҳеч иккиланмай узоқларга қараб хитоб қилди:

*Инсофдан кўчат эк, кўкарса агар
Меваси ҳақиқат, ростгўйлик бўлур.
Дунёда ғам-ғусса, адоват тугар,
Ҳар умид косаси шодликка тўлар.*

«Инсофдан кўчат эк», «Умид косаси шодликка тўлар». Қан-
дай ажойиб сатрлар. Қандай ажойиб эзгу ният. У ана шундай
ният қилар экан, ўз миллати, эли билан фахрланиб, унга фар-
занд бўлганидан қувониб яшади:

*Қалбим, жисмим, руҳим ўзбек,
Фикри-зикрим, туғим ўзбек.
Бағрим очик, тилим ширин,
Кўрса мени ким ўзидек!*

Ўзгаларни ҳам элидек танти, меҳмондўст бўлишини истаган
ва шу истак билан ўз қадрини ҳам унутмаган Шуҳрат домла яна
бир тўртликларида:

*Бемалол яшасанг бўлади, эй жон,
Юз ёруғ, кўнгил тинч, ниятларим соф!*

деб ёзган эдилар.

Бугун адибнинг сиймоси чиндан-да ёруғ: қалбида ҳақиқат
мавж урган ва ҳар қандай зуғумларга чидаб, шу эътиқоддан қайт-
маган инсоннинг биргина тўртликларига боқиб, ҳайрат чаман-
зорларида ўйга чўмасиз ва беихтиёр «мард қалблар барибир
эъзоз топади» деган хулосага келасиз. Агар унинг тўртликлари-
да ҳам шу ҳақиқат жо этилмаганда эди, биз ҳам ҳайратлар
боғида кезмаган ва ушбуларни қоғозга туширмаган бўлардик.
Уларда биз тилга олган мавзулардан ташқари, имон, эътиқод,
замин ва замон, оташ муҳаббат алангалари ҳам бор. Хуллас, ҳар
бир тўртлик завқ-шавқ, катта эҳтирос ва ўзгача ҳайрат билан

ўқилади. Уларнинг битилганига қирқ-эллик йилдан ошган бўлса-да, бугун ёзилгандай, ҳар биридан янги шабадаларнинг муаттар ҳидлари уфуради.

Қиссадан ҳисса шуки, элим деган одам ҳеч қачон ютқазмайди. Юртининг шони-шарафи, шавкатини ўйлаган фарзанд эса ўз элига ҳам, ўзга халқларга ҳам фақат ҳақиқат зинасида туриб, хизмат қилади. Бунга яна бир карра Шухрат домланинг ижоди ва у кишининг ўнлаб тўртликлари ёрқин далил ва исботдир. Узоқни кўра билган шундай ижодкор домламизга ҳавас қилмай бўладими?! Илоҳо, руҳлари шод бўлсин!

ОТАМНИНГ ДУНЁСИ

1964 йилнинг булутли сентябрь кунларини яхши эслайман. Ўшанда бир кун олдин шаррос ёмғир ёққан, ҳаво совуб, биз болаларнинг кўнглига ҳам соя ташлаган эди. Ўқиш дарсида ўқитувчимиз китоб ва рангли қалам олиб келди. Нархлари бир хил экан. Мен рангли қаламларни жуда яхши кўрардим. Икки-ланиб турганимни сезган ўқитувчимиз Бобо Қодиров:

— Китобни оласанми, қаламними? — деб сўради синамоқчи бўлгандек.

Мен қорамтир стол устида кўзимни ўйнатиб турган қути-қути рангли қаламларга жовдираб тикилганимча китобни ушладим:

— Пул олиб келгунимча қаламлар тутаб қолмайдими, муаллим?!

Бобо Қодиров кулиб қўйдилар. Қўнғироқ чалиниб, ўртоқларим ташқари отилишди. Қалам тутаб қолса-я, деган ваҳимада кўчага отилдим. Отам дўконга мой олишга келган эканлар. Югуриб олдиларига бордим. Салом берган эдим, жуда мамнун бўддилар.

— Муаллимимиз китоб ва қалам олиб келган эканлар! — дедим ҳансираб.

Отам менга маънодор боқдилар:

— Эрталаб берган пулимга нима олдинг?

— Китоб!

— Яша, ўғлим! — суюндилар отам. — Китоб яхши нарс! Уни ўқиган катта одам бўлади. Мени ўқишга иложим бўлмагани учун мана эрта-кеч кетмон чопиб юрибман. Сени эса кетмон чопишингни истамайман.

Ўшанда бола бўлганим учун бу гапларга унчалик эътибор берган эмасман. Дардим рангли қаламларда эди.

— Рангли қаламлар тутаб қолади, ота! — дедим тезроқ пул беринг, деган маънода.

Отам чўнтакларидagi жигартус кичкина қопчиқларини олиб, шиқ этиб очдиларда, йигирма тийинни олиб менга узатдилар:

— Етадим?

— Етади! — дедим ва синф томонга югурдим. Муаллимимиз мени кўриб кулдилар. Стол устида икки қути қалам қолган эди.

— Одам бўласан, Ҳайитовнинг ўғли! — дедилар аввалгидай маънодор кулиб. Мендан кейин бешта ўртоғим пул олиб келди. Лекин уларнинг биттаси қаламли бўлди холос. Қолганлари бармоқларини тишлаб қолишди.

Бобо Қодиров тангаларни қопчигига жойлади-да, бизга жавоб берди:

— Иккита-иккита кетинглар, директор учраб қолса, паналаб ўтинглар! — дея тайинлади.

Бошланғич мактаб Дашнобод қишлоғимиз ўртасида бўлиб, бир метрдан баянда бетон билан кўтарилган ёнма-ён уч синфхонадан иборат эди. Ўртадаги синфда бизлар - «Б» синф ўқирдик. Бизнинг муаллим Бобо Қодиров жуда шўх инсон эди. Ноғорани шунақа қойилмақом чалар эдики, ҳалигача мен шундай моҳир созчини учратган эмасман. Пахта мавсуми бошлангунча айрим кишилар суннат тўйларини ўтказиб олишар, бундай кунларда карнайчилар ёнида Бобо Қодировнинг бўлиши шарт эди. У киши эрталаб нардан-бери бир соат дарс ўтарди-да, сўнг бизга жавоб бериб, ўзи тўйга кетарди. Лекин мен кўпинча синфда қолиб, бир оз дарс тайёрлаб олардим. Барвақт уйга борсам, отамнинг: «— Муаллиминг яна тўйга кетдими?!» дея норози бўлишлари аниқ эди. У кишининг хафа бўлишларини сира истамасдим. Рангли қаламга эга бўлган куним икки соатлар синфда қолиб кетдим. Альбомимни тўлдириб расмлар чиздим. Расм чизишга бироз ўқувим бор эди. Айтишларича, бобокалонимиз Тоҳир полвон асли Самарқанд тарафлардан бўлган. Кошинкор ва савдогар киши экан. 1840 йилларда қандайдир сабаблар билан Ҳисор беглигига келиб, қишлоғимизда ўрнашиб қолади. Тоғам, холамлар ҳам, укам, сингилларим ҳам яхшигина расм чизишарди. Кимнинг бобосида қандай ҳунар бўлса, қондан-қонга ўтиши тайин. Бизда ҳам шундай бўлган.

Расм чизиб ўтирар эканман, ташқаридан бир домланинг ҳасратли товуши қулоғимга чалинди:

— Э, бу нима деган аҳвол! Директорга бугуноқ айтаман. Биз бу ерда жонимизни жабборга бериб дарс ўтсак-да, у киши тўйда ноғора қоқсалар!

Шериғи уни қўлламади:

— Қўйсангиз-чи, домла!

Орадан бир неча кунлар ўтди. Бир куни Бобо Қодиров бизларга: «— Болалар, ҳозир китоб-дафтарларингизни йиғиштириб, сумкаларингизга жойлангларда, деразадан боққа тушиб, яшириниб туринглар. Ўзим чақирсам, чиқасизлар!» — деди.

Боламиз-да, гапнинг фарқига бормадик. Мактабимиз орти катта анорзор боғ эди. Қибла боғ деб аташарди уни. Муаллимнинг айтганини сўзсиз бажардик. Йигирма дақиқалардан сўнг Бобо Қодиров: «Синфга ўтинглар!» — деди. Биз деразадан ошиб, синфга ўтдик. Домламиз дарсни бошлаб юбордилар. Тўғриси айтиш керак, бу киши Фафур Фуломнинг ўзи эди. Қобилияти, уқуви бор муаллим эди. Дарсни миямизга жойлашнинг қулай усуллари яхши биларди. Энди ўйлаб кўрсам, у кишида боланинг қалбига кира оладиган истеъдод бор экан. Бир гал касал бўлиб, дарс қолдирганимда, уйга келиб, отамнинг олдида мен билан кулиб гаплашди. Лекин мактабга олиб қайтар экан, йўлда: «— Давоматни орқага тортиш яхши эмас!» дея танбеҳ берди. Отамнинг олдида юзимни шувут қилмагани ёққан бўлса, бу гаплари тарсакидан қаттиқ ботди. Гўёки мен атайин дарсга бормаган бўлиб чиқдим. Бу воқеа орадан қирқ йил ўтса ҳам эсимдан чиқмайди.

Хуллас, асл воқеага қайтсак, ярим соатлардан сўнг мактаб раҳбари эшикдан мўралади:

— Шерингиз қани?

Муаллимимиз ҳеч нарса билмагандай:

— Ҳозир дарс ўтиб турган эди! — деди елкасини қисиб.

Биз ўрнимиздан туриб, барабарига салом бердик. Директор саломимизга алик олиб, «ўтиринглар» дегандек имо қилди.

Кечқурун эшитсак, Бобо Қодиров «— Бир гал дам олинг, мана мен ўқувчиларимга жавоб бериб юбордим» дея уни чув туширган экан. У киши келиб қарасаки, синфда ҳеч ким йўқ. Бу одам ҳар гал ўқувчиларига жавоб бериб, тўйма-тўй юради, бир гал мен ҳам дам олсам, биров билармиди, дея жуфтакни ростлайди. Бобо Қодиров ярим йўлда ундан ажралиб, орқага, мактабга қайтади.

Бу гап отамнинг ҳам қулоғига етди.

— Муаллимнинг илми бўлмаганда, аллақачон сени бошқа синфга ўтказиб юборган бўлардим! — дедилар кулиб.

Менинг этим жимирлади: «А», «В» синфлар менга бегона. Улар булутли кўринар, ўзимизнинг синфдошлар эса баҳорги лолалардек гўзал ва беғубор эди, назаримда.

Катта мактабга ўтгач, бизга Раҳмон Мирзаев деган муаллим синф раҳбари бўлди.

- Бу муаллимнинг тузук одам, унга эргашсанг, одам бўласан!
- дедилар отам.

Биринчи ўқиш куни ҳаммадан олдин бориб, биринчи партидан жой олдим. Домла менга синф газетасини чиқаришни топширдилар. У пайтларда «Синф бурчаги» машхур эди. Унда ўқувчиларнинг рўйхати, дарс жадвали, кун тартиблари, ишқилиб, керакли ҳамма маълумотлар берилган бўларди.

«Синф бурчаги»мизни Узоқов мақтади. Содиқов деган домла-миз Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориевнинг яқин оғайниси бўлиб, расм чизишга уста эди. У киши ҳам менинг ишимга яхши баҳо бердилар. Шундан кейин барча ўқитувчилар менга кўргазмали қуроолар тайёрлаб келишни буюрадиган бўлишди. Биринчи тайёрлаган кўргазма қуролим эсимда. Биология ўқитувчимиз Раъно Ҳакимова одамнинг ички тана аъзоларини чизиб келишни буюрган эди. Ўша биринчи кўргазмали қурол туфайли инсоннинг қайси аъзоси қаерда жойлашганини билиб олдим. Ҳатто бир гал мендан бир синф юқори йигитнинг: «Жигар қайси томонда?» деган саволини эшитиб, наҳотки кап-катта йигит шу оддий нарсани билмайди, деб ҳайрон бўлганман.

Узоқ қиш кечаларини яхши эслайман. Узоқдан итлар ҳуради. Мен кўргазмали қурол чизиш билан овораман.

Отам чой дамлаб кирадилар.

- Дарсларингни қилиб олганмисан, ўғлим!
- Ҳа, ота, дарсларимни қилиб олганман! — дейман.

Отам пиёлаларга чой қуюдилар:

- Ўқитувчиларингга ишингни миннат қилма! Хўпми, ўғлим?
- Хўп, ота!
- Бирортаси баҳонгни қўйиб бераман, ишимни қилиб берсанг, бас, деса, кўнма! Хўпми?
- Хўп, ота!
- Қулоқли бола бўл, буни унутма!

Шу билан гап тугайди.

Эрталаб уйқудан турганимда, сандалга чўғ солинган, чой дамланган, уй иссиққина, лекин отам ишга кетган бўладилар.

Айвонимиз баландроқ бўлиб, қуёш рўпара эди. Тушдан сўнг офтоб тегиб, мазза жой бўлар, дарсдан келиб, чойимни ичгач, ётиб олиб бадий китоблар ўқир эдим.

Ҳовлимиз анча катта, кенг анорзор боғдан иборат эди. Бир куни отам анорларнинг тагини юмшатаётган эдилар. Мен кара-вотда китоб ўқиш билан машғул эдим. Адашмасам, «Гуливернинг саёҳатлари»ни ўқиётган ва энг қизиқ жойига келган эдим.

Отам акамни ёнларига чақириб олдилар.

— Унингиз-чи?! — норози бўлди акам.

— Унимга ишинг бўлмасин! — дедилар отам, сўнг менга эшит-тирмай бир нималар деган эдилар, акам қип-қизарганча ишга тушиб кетди. Отам унга нима дедилар, мен ҳалигача бун бил-ган эмасман. Отамнинг дунёси — антиқа ва жозибали олам эди.

Бешинчи синфни битирдим.

Бир куни отам Раҳмон Мирзаевга дуч келиб:

— Бунингиз қанақа? — деб сўрадилар.

Гапни қаранг: тўпори ва содда, «бунингиз» деганлари «ўқув-чингиз?» деб сўрамоқчилар.

Домла Мирзаевнинг кўзлари ёнди:

— Бунимдан одам чиқади. Баҳолари беш!

Отам мамнун бўлдилар. Бир ҳафтадан сўнг акам билан ик-каламизни Ҳовуз ёнидаги дўконга бошлаб бориб, янги велоси-пед олиб бердилар. Биздан хурсанд бўлганларидан шунақа совға қилдилар шекилли. Қалби осмон оталар фарзандларига ойни олиб беришга ҳам тайёр турадилар. Аммо ҳамиша ҳам биз улар-нинг дунёсини англай олаемиз. Шахсан, ўзим ҳам ҳали ҳамон отам дунёсининг моҳиятини англашга интиламан. Ваҳоланки, бу одам на олим, на мулло ва на бирор мансаб эгаси, балки уруш, очарчилик туфайли рўзғор ишига шўнғиб, тўртинчи синф-дан нарига ўтмаган оддий бир инсон эди. Лекин унинг қалби юксак, ғурури баланд эди. Бир гал онамга шундай деганларини эшитганман:

— Хешларимиз келса, уйдаги камчиликларни айтма, уят бўлади.

Маҳалламизда Тошкампир деган онахон бўлардилар. Битта-яримтани чақириб, боғини суғуртирар, ўтинини ёрдириб олар-ди. Бир куни отам шу кампирнинг ўтинларини майдалаб бер-дилар. Тушликда мактабдан келаётсам, Тошкампир уйидан чи-қиб, қўлимга икки сўм тутқазди-да: «— Отанг кеча ўтин ёриб берган эди, элтиб бер!» деди. Пулни кўтариб уйга келдим. Отам-нинг жаҳди чиқиб: «— Олиб бориб бер, мен пул учун ўтин ёриб берганим йўқ», дедилар. У кишининг шунчалик орли ин-сон эканлигини ўшанда англаб, ҳайрон қолганман. Ваҳоланки,

ўша пайтларда ҳам бир тийин учун ўзини томдан ташлайдиганлар тикилиб ётарди.

70-йилларда отам касалланиб қолдилар. Ревматизм тез-тез хуруж қиладиган бўлиб қолди.

Шариф Маҳмудов деган бригадир бобо бўларди. Инсофли, элпарвар одам эди. Отамга раҳми келиб, шийпон қоровуллигини берди.

Шийпон дала бошида, ариқнинг бўйида, сўлим жойда эди. Мен сумкамни кўтариб, отамнинг ёнига жўнардим. Шийпон ёнида баланд сунъий адирлик бўлиб, тепада катта чайла тикланган эди. Бу ердан бутун дала, бир юз йигирма гектарли анорзор кафтдек кўзга ташланиб турарди. Октябрь ойида анорлар етилиб, терим бошланарди. Ўша пайтларда Дашнобод анорларининг довруғи бутун оламга ёйилган эди. Терилган анор шийпондаги ўра ва ҳандақларга жойланарди. Тонна-тонна анорларни кечалари отам иккимиз қўриқлардик. Якшанба кунлари отамнинг ёнида бўлардим. Саман отимизни миниб анорзорни айланардим. Деярли ҳар куни Тошкент ва бошқа шаҳарлардан меҳмонлар келиб туришарди. Ўша пайтдаги раҳбарлар Рашидов ва Худойбердиевлар шийпонимизда меҳмон бўлишиб, анор шарбатидан татиб кўришган.

Бир воқеа жуда яхши эсимда қолган.

Анорзор бригадири Шариф Маҳмудов мавсум якунланишига яқин қолганда, бир оқшом биз билан овқатланди ва уйига жўнар чоғида отамга:

— Сиз ҳам бола-чақа деб юрибсиз, бир прицеп анор олиб кетинг! — деди самимий оҳангда.

Эрталаб воқеа қизиқ тус олди.

Шариф Маҳмудов келиб, иккита катта ертўлани ва ўра-ҳандақларни бир-бир қараб чиқди. Қанча анорни олиб кетишганикин, деб текшираётган эди. Отам индамай қараб турдилар. Шариф Маҳмудов кўрдик, бирор жойдан битта анор ҳам олинмаган.

— Қизиқ одам экансиз! — деди у отамнинг ёнига келиб. — Нега анор олмадингиз?

— Ўғирлик молнинг менга кераги йўқ! — дедилар отам.

Шариф Маҳмудовнинг кўзлари меҳрибона боқди:

— Жуда ҳалол одамсиз, Ҳайитов! Сиздақалар жуда кам!

Бу гапдан мен жуда суюндим.

Умрларининг охириги йилларида отам тарвуз-қовун эка бошладилар. Қиш бўйи уруғ йиғиш билан кунлари ўтарди.

— Шунга шунчами?! — дер эдилар онам.

— Яхши ҳосил олиш уруққа боғлиқ! — дея ишларини давом эттирарди отам.

Тўртинчи йили отам эккан тарвузларда кабутар расмлари пайдо бўла бошлади. Ўша йиллари у киши оёқ бод касалидан батамом кутилиб кетдилар. Раҳматли отам қовун-тарвуз экилган далага доимо таҳорат билан, покиза ҳолатда кирар эдилар. Балки биз билмаган қандайдир сирлар мавжуд эди шекилли. Яна худо билади.

Ўша тарвузларнинг пўчоқларини қуритиб олиб қўйсам бўларкан. Ёшлиқ қилган эканман.

Беш йил Тошкентда ўқидим.

Тахта дарвозамиз. Қуёшли ёки қиш кунлари. Остонадан киришим билан отам югуриб чиқар ва бағриларига босиб, юз-кўзларимдан ўпар эдилар. Ота ҳиди! У ҳидни мен ўн йиллардан буён йўқотганман.

Бир йили май ойида уйга бордим. Отам қаердандир битта тарвуз, битта қовун ва тўрт дона хурмо олиб чиқдилар. Ҳали бунақа ширин тарвуз ва новвот қовун-у, шакар хурмо еган эмасман. Кейинчалик англаганим шу бўлдики, уларда отамнинг меҳри бор экан. Ўн йиллардан бери шу меҳрни қидираман. Қани ўша меҳр? У меҳр на кўкда бор, на ерда!

Тошкентга ҳам ўзлари фотиҳа бериб жўнатдилар.

Уч йил ишлаганимдан сўнг:

— Китоб чиқариш учун ўн йиллар керак, дейишяпти, болам! Кўриб қолармикинман! — дедилар. Жуда ўнғайсиз ҳолатда қолдим. Кимдир отамга шу тўғрида гапирганлиги аниқ эди. Ичимдан ўтганни ўзим билдим. Бу гапни келиб, қадрдон акам Ислом Усмоновга айтганимда, у менга ёрдамга ошиқди.

У пайтларда биз унчалик яқин эмасдик. Шу китоб сабаб иккалаамиз қадрдонлашиб кетдик. Мен китоб ҳали тайёр эмас, уни яна ишлаш керак, уч-тўрт йил сабр қилайлик, десам ҳам, кўнмадилар. «Китобинг яхши, одамлар бир тийинга қиммат китобларни ҳам чиқаришяпти» дедилар. Яна тихирлик қилсам, шартакилик билан: «— Шуни билки, ука, яхшими — ёмонми, ёзганларининг ҳаммаси ўзингники, бировдан кўчирганингда, бошқа гап эди», дея менга далда бердилар Ниҳоят, 1991 йилда «Мени кечир, болажон!» илк китобим йигирма минг нусхада чиқди ва бир ҳафта ичида сотилиб кетди. Ўзим зўрға йигирма дона олиб қолдим ва бағримга босиб, отамга етказдим. Касал ётган экан—

лар. Ўринларидан туриб кетдилар. Отамнинг дунёси! Ўшанда кўрдим руҳий қувватни. Қўлимга пул тутқаздилар:

— Бор, бозорга бориб, бир жонлиқ олиб кел! Маҳалла бобойларини чақириб, дуо ол!

Айтганларини қилдим. Отамнинг дунёси!

Отам дуодан сўнг оқ рўмолга китобимни ўраб, қарияларга тарқатдилар. Юзларида меҳр, лабларида табассум. Назаримда, қўрғошин тусига кираётган мўйловларида ҳам табассум жилоси бор эди. Отамнинг дунёси! Бу қандай дунё эди?

Охирги кунлари ҳам эсимда муҳрланиб қолган.

1994 йилнинг қиши, баҳори ва ёзи мен учун оғир келди. Оёғим дардга чалиниб, тўшакка михландим. Уйдан кетма-кет совуқ хабарлар келарди.

— Отангиз касал! Тезроқ боришингиз керак!

Қаёққа бораман. Икки оёқдан ҳам қолганман. Кундуз азоб, кеча ундан-да азоб! Уззу кун отамнинг дардига шифо бер, деб яратганга ёлвораман.

17 август. Ниҳоят, қадам босиб кўчага чиқдим. Ишхонага бориб, пулни олиб, уйга кетишим керак.

Ўша куни отам кўзларини очиб мени сўраганлар:

— Келдими?

— Келяпти!

Ўн саккизинчи куни соат иккида етиб бордим. Бир ҳовуч бўлиб қолган отамни кўриб, товонимнинг битмаган ярасини ҳам унутиб юбордим.

— Ота, мен келдим! — дедим. Кўзларимдан шашқатор ёш қуйилди.

Отам кўзларини очиб, менга тикилдилар:

— Келдингми?

Бошқа сўз эшитмадим. Соат тўртда дунёнинг энг оддий ва хокисор одами ўз омонатини топширди. Илҳақлик деган сўзга ишонмасдим.

Укам: «— Уч кун олдин отам кетишлари керак эди!» деди.

Илҳақлик деган сўзни инсон беҳудага лугатига киритмаган экан. Худо мени бир армондан асради. Мен отамни кўриб қолдим.

Отамнинг дунёси.

У қай йўсинда уч кун бардош берди?!

Йиллар ўтмоқда.

Бугун ўзимиз ҳам отамиз. Ҳадемай бобо бўламиз. Отамнинг дунёсини тушунишга битта умр камлик қилмасмикан?!

«ЁМОН АЧЧИҚ БЎЛАРКАН ЎЗИНГНИКИ!»

- Одамларга нима берамиз?
- Нега тарихий асарлар кўп ёзилапти?
- «Тош бургут».
- Мен қандай хизмат қиламан?
- «Мулк» даги мулк?
- Ойбек домланинг нафаси теккан асар.
- Қалбга қулоқ тутган ютқизмайди.

Инсон бир шакл, холос. У ингалаб ёруғликка юз очганда, фарзанд туғилди, дея хурсанд бўлишади, лекин ҳеч қачон ёзувчи ёки олим дунёга келди, дейишмайди. Йиллар ўтиб, эсини таний бошлагач, турли воситалар ёрдамида унга инсоний тушунчаларни англатишга киришадилар. Ана шундай турли воситалардан бири адабиёт бўлиб, у ҳамisha инсоний тушунчаларни улуғлаб келган, одамларни эзгуликка, бирликка, Ватанни севишга, ҳаётни қадрлашга ўргатган. Инсон ўзига ёққан қаҳрамон ҳақида ўқир экан, қалбида эзгу туйғулар мавжланиб, ундан ўрнак олишга ва унга ўхшашга ҳаракат қилади. Дарвоқе, қалб бор экан, адабиёт яшайди, мангу туради. Минг йилдан кейин ҳам Алишер Навоийни ҳайрат билан ўқишлари аниқ. Мухтасар сўз шуки, гап ёзишда эмас, халққа, авлодларга лозим бўлган ва керакли асарларни етказиб бериш муҳим ҳисобланади. Шундай экан, бугун олдимизда, биз замонга ва одамларга қандай адабиёт берамиз, деган саволнинг кўндаланг туриши ҳам бор гап.

Бугун тарих ҳақида кўп асарлар ёзаяписизлар, деган ноўрин таъна-дашномларни ҳам эшитиб қоламиз. Биз тенгилар кечагина шўро даврида ўз тарихимиз ҳақида икки энлик гап ёзолмай хуноб бўлар, ёзганимиз билан уни бирор газета, журнал босолмаслигини ҳам билардик. Биздан олдингилар ҳам ўз тарихлари ҳақида ҳақиқатни айтолмай кетдилар. Энди давр келган экан, ўз тарихимизни халқимизга қайтаришимиз керак. Бунинг учун ҳали кўп ва ҳўб меҳнат қилишга тўғри келади. Бу гапларга ана шу нуқтаи назардан қараш тўғри эмасмикин?!

Бугун ўз вазифасининг масъулиятини тўғри англаб, чин меҳнат қилаётган терансўз адиблардан бири — замондошимиз Асад Дилмурод билан бўлган суҳбатларимизда аввало ижодкор дунёси, ўзлигимиз тўғрисида сўз борди.

Инсон ёлғиз яшолмайди, ёлғизлик уни ҳалокатга олиб келиши мумкин. Ёлғизликни бегона ҳисоблаб, оламни қалбига сиғдира оладиган кишилар мардлик майдонларида собит турадилар. Юрт бошига иш тушганда ана ўшалар биринчи бўлиб курашга отиладилар. Асад Дилмурод хоҳ, узоқ, хоҳ, яқин тарихимиз зарварақларидаги ҳақиқатларнинг асл моҳиятини очишга интилар экан, ўз асарларида ана шундай қаҳрамонларнинг асл қиёфаларини чизиб, уларнинг қалб дафтарларини бизга кўрсатишга ҳаракат қилади. Бу дафтарларда юрт туйғуси, унинг озодлиги биринчи ўринда туради.

Бизнинг она тарих ўзлигини топгунча сочи янада оқарди. Умуман, ҳақиқатнинг юзага чиқиши осон кечмаган. Масалан, Арасту ҳам бир кунда ўзлигини топган эмас. Қарийб икки юз йил давомида унутилиб, сўнг фалсафа оламида қайта қад ростлаганини яхши биламиз.

Асад Дилмурод «Тош бургут»ни ёзди. Бу, адашмасам, 80-йиллар эди. Катта авлод, яъни шўронинг қаҳратон изтиробларини кўрганлар унга хайрихоҳ бўлсалар-да, нима демоқчи эканлигини сезсалар-да, сукут сақладилар, тенгдошлари эса уни олқишлаган бўлишди.

«Осмон узоқ, ер қаттиқ».

— Тош бургут, сен қачон учасан?

Унинг дардчил овози ўз гўшаси Ургут кенгликларига сингиб кетди. У эса Қоратепадаги Тош бургутининг учишини хоҳларди. Тош бургут нима эди ўзи? Давр музлари ўраб олган ҳақиқат эдими? Нима эди?

Падари бузруквори имонга ишонарди. Тош бургутда ҳам имон бор эди, деб ҳисобларди. Чунки у доимо бир хил турарди. Ана шу бир хил туриши унинг кўнглига мос келар ва, албатта, Тош бургут билан фахрланарди ҳатто.

— Ҳей, бу бола нима демоқчи?

Атрофда сукунат ҳукмрон эди. Тош бургутнинг учишига ҳали анча бор эди.

Унинг имонли қалбидан «Сирли зина» сизиб чиқди. Нима эди у сирли зина? Олға кетаётган вақт ҳам, шамоллар, дарёлар ҳам унга қулоқ солмаётган эди. Даврнинг қули эди гўё улар.

— Ҳей, нима демоқчи бу бола?

Таҳдидли овозга на зиёли эътибор эди, на катта авлод. Чунки улар сукунат ҳукмронлигидан ҷўчишар эди. Ўзлик ҳақида ёзиб кўрсинлар-чи, бошларида тегирмон тоши эмас, нақ жаҳаннамнинг оташағи ўйнаши аниқ эди.

Унинг қалби эса сукунат билан тенглаша олмасди. Унда ўзлик олови ёнаётган эди.

«Шердор» қуёш юзини кўрганда, катта авлод киприкларини баланд кўтарди. «Мулк» уларнинг қалбига ҷўғ ташлаган бўлса, «Гириҳ» ўзлик боғи томон бошлаб кетди.

«Мулк» да у нимани қидирди? Ҳикмат Раҳмон, Шамсиддинларнинг ҳаётдан қидирганлари, дард-ҳасратлари нима эди? Унинг қалб қаҳрамонлари бепарво, лоқайд кимсалар эмас.

Уста юрти нафаси билан яшайди.

«Анови яралар кўксимда битгандек...»

У нафақат уста қалбидаги жароҳат, балки адибнинг кўкрагидаги оғриқ эди.

«— Ўтган аср (XX аср — Т.Х.) охирида бир талов бўлган, — деди уста бепарволик билан. — Шунда зар нақшларни қиртишлаб олишган!..»

Шамсиддин бўзарди: гўё ичини нимадир тилиб юборди».

Қайси йилларда, қайси замонларда юртнинг олтин деворига ғаним тиғи теккан эди, уни кўриб, имонли йигитнинг қалби ҳам тирналди.

Асад Дилмуроднинг қалб қаҳрамонлари ана шундай бир-бирларига уйғун, ҳамфикр, фидойи инсонлар.

«— Бандаи гумроҳ, очикроқ айт, мендан нима истайсан?

— Жамоа мулкени увол қилманг.

— Қизиқ-ку, сен, а? — кесатди мулла Ражаб. — Бор, ука, жамоа-жаллигинг билан йўлингдан қолма!»

Дунё пайдо бўлибдики, икки олам — яхшилик ва ёмонлик ўртасида кураш боради. Асад Дилмурод қиссаларида ҳам дунёнинг ана шу жиҳатлари акс этади ва воқеалар ривожланиб бориб, ҳақиқат бўстонларида ечим топади. Жиддий ва ишонарли ечим асарнинг муваффақиятини таъминлаши сир эмас. Лекин ҳамма ижодкорлар ҳам бунинг уддасидан чиқолмайдилар.

«— Иложини топсам сизни бўғизлардим, — деди уста безрайиб.

— Ҳазилнинг вақтимас, — кулимсиради Обидий».

Адиб нима демокчи? Бу гапларнинг замирида не маънолар яширин? Саволлар кўп. Уларнинг қай бирига жавоб изланган, яна ўша муаммо — яхшилар қуради, ёмонлар бузади. Яхшилар борки, бу дунё ўз илқида турибди.

Озодлик тонги унинг «Тош бургут»ига қанот берди. Ниҳоят, Тош бургут учди. Унинг қувонганини кўрсангиз эди, ўша кечаси ухламади, уйқу унга бегона бўлди ва кўз ўнгида энди мен қандай хизмат қиламан, деган савол кўндаланг турди. Бу пайтда у 43 ни қаршилаётган эди. Лекин ўзини бир ёшдек сизди ва боладек қувонди.

Бундан ҳайрон бўлманг, замондош. Имонли ижодкор борки, қалби тоза болага ўхшайди. Бола бўлмаган одамдан ёзувчи чиқмайди. Бола қалбли ижодкорнинг оиласига бир назар солинг. Қалдирғоч воқеаси... уйларининг айвонидаги уясига ҳар йили бир вақтда қайтиб келарди. Муҳтарама волидаси қазо қилгандан сўнг қайтиб қорасини кўрсатмади. Бу жумбоқнинг маъносини ким айтиб бера олади?!

Айтиш керакки, ҳар бир ижодкор ўзича файласуфдир. Хўш, мен нимани била оламан? Биттагина шу саволга жавоб топиш учун метафизика фани бизга зарур бўлади. Мен нима қилмоғим керак, деган саволга ахлоқ, ва мен нимага ишонишим керак, деган саволга дин, инсон нима, деган муаммога антропология жавоб беради.

«Фано даштидаги қуш» учиб чиққанда, нигоҳлар ўйга чўмди: Саидбек Умар ким ўзи? Нега у қалбига назар ташлашни истаб, армонда юради? Нега руҳини ихтиёрсиз тарзда баҳсга чорлайди? Нега унда инсон руҳий олами фожиаси, шу олам келтириб чиқарган инқироз фалсафаси кўтарилиди? Умуман, асарда ҳали янги-янги мавзуларга чорлайдиган баҳсли, мунозарали ўринлар кўп. Бир кун келиб, XX аср боши мустақил ўзбек адабиёти, деган гап чиққанда, Асад Дилмуроднинг «Фано даштидаги қуш»и бошқа пишиқ ва теран асарлар сингари «ғалвир»да кўтарилиб чиқади. Уларнинг орасида унинг яна битта асари — «Маҳмуд Торобий»нинг ҳам бўлиши шак-шубҳасиз.

Ойбек домла машҳур «Навоий» романидан сўнг «Маҳмуд Торобий» достонини яратган эди. 1944 йилда эса Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида шу номли операси қўйилганини яхши биламиз. Бу билан қаноатланмаган таниқли ижодкор Александр Дейч билан «Халқ қалқони» пьесасини ёзишга ки-

ришганидан ҳам хабаримиз бор. Улкан адибнинг ҳаётидан маълумки, у катта асарга қўл уришдан олдин кичик асарлар ёзиб, ўша давр ва қаҳрамоннинг руҳига кириб боришга ҳаракат қилган. Тарихий асарда бу нарсa муҳим ҳисобланади.

Дунёда насиба деган гап бор. Кимлар орзу қилмаган асарни ёзиш Асад Дилмурoдга насиб этиб, бу ишни уддалади ва китоб ўқувчилар қўлига бoриб етди. Бу нафақат ижодкор учун, балки ҳаммамиз учун ҳам катта бахт. Маҳмуд Тoрoбий етти аср олдинги исёнкор эмас, айна дамда, бугунги ва эртанги куннинг ҳам ориф, жасур oдамидир. Унинг сўнгги сўзларини эсланг. «Ёмон аччиқ бўларкан ўзингники!» Бу бугун ҳам ҳар биримизни огоҳлантириб турган садо. Бу огоҳлик садоси. Сотқинларни ҳатто энг баттол ғаним ҳам ёқтирмайди, деган нидо ҳамдир у.

Бир адибимиз: «— Биз ёш авлодни жангариликка эмас, эзгуликка чорлашимиз керак!» деган гапни айтганда, унга барча қўшилди. Адабиётдаги ҳар қандай «изм»лар ортда қолади. Шўро адабиёти мафкура туфайли етим бўлиб қолди. Аммо ўша даврда инсон қалбини тадқиқ этишни давом эттирган ғарб адабиёти жуда ривожланиб кетди.

Асад Дилмурoд аждoдлар қалбига қулоқ тутиб, уларнинг мардонаворлиги ҳақида мардона асар ёзган экан, ҳали уларни жуда кўп ўрганишимиз керак. Чунки бугун Ватан биздан янада фидойиликни кутмоқда. Тарих — ўзлимиз, у бизга кўп нарсa ўргатишга қодирдир.

ЧИННИДЕК ЖАРАНГДОР ТИЛИМИЗ БОР

Бу тил ниҳоятда гўзал, ниҳоятда нафис.

Унда ҳар қандай фикрни, ҳар қандай мақсадни шунчаки ифода-далаш эмас, балки уни ҳар қандай қалбга жуда ширали, майин оҳангда етказиш мумкин.

Бу тил ўзбек оиласида шунчаки кундалик восита эмас, ўзаро ишонч, эҳтиром, олийлик, олижаноблик, ҳурмат ва эътибор мезони ҳамдир. Масалан, ўзбек хонадонида аёлга нисбатан ҳеч қачон қўпол сўз ишлатилмайди, ота ўз болалари олдида тан маҳрамини ҳеч қачон «хотин» дея камситмайди, балки унга бош фарзанди номи билан ёки «онаси» дея мурожаат қилади. Айрим ёш йигитлар, ўрта яшарлар тан маҳрамларини енгил ва беозор оҳангда «пари», «ой-пари» деб, чоллар эса «кампир», «бувиси», ёки бош неvara номи билан чақиришади. Ёки дилимизга совуқроқ ўтирадиган «ўлим» сўзини олиб қўринг. Соф ўзбек ҳеч қачон «фалончи ўлибди», демайди. Бунинг халқимиз орасидаги нозик ифодасини қаранг: «фалончи омонатини топширибди», «дунёдан ўтибди», «чин дунёга кетибди», «қайтиш қилибди», ҳатто баъзи жойларда «фалончи йўқолибди» дейишади ҳам. Бунинг қарангки, тилимизда бир сўзнинг шунча синоним ибораси бор. Ёки биргина «юз» сўзининг синонимларига эътибор беринг: афт, башара, чеҳра, бет ва ҳоказо.

Шу тил билан суяги қотган Аҳмад Фарғоний дунё илм-фан хазинасини бойитган.

Бу тилда сўзлаган Мусо Хоразмий нафақат араб дунёсини, балки ер юзи аҳли учун бетимсол ишларни амалга оширишга улгурган.

Бу тил билан Аҳмад Яссавий ислом оламида инсонларни комилликка бошлаган.

Бу тил билан Алишер Навоий жаҳонни ҳайратга солган.

Бу тилда ширали оҳангда роман ёзган Абдулла Қодирий орадан юз йил ўтса ҳамки, ўрнини бировга бўшатаётгани йўқ.

1989 йил 21 октябрь.

Тарих бу санани ҳеч қачон унутмайди. Бу санага имзо чеккан кишини ҳам ҳеч қачон эсдан чиқармайди. Орадан юз йиллар,

минг йиллар ўтар, Вамбери татбири билан айтганда, «ўзбек охир-ги замонгача қолажак ном», ё қодир эгам, демак тили ҳам ўзи билан мангу яшайди. Карвон қўнғироғини жаранглатиб ўтаверди, саналар ҳар йили эсга олинади, тил байрами давом этади. Чунки инсон эзгуликни севади, эзгулик бор экан, у қувончига қувонч қўшиб боради.

Ҳа, яратган бизга тил берди, шундай неъматни ато этди. Бир парча тилни ва сўз тўла қалбни бермаганда, инсон деган ном шунчалик улуввор жаранглармиди?! Хўжа Аҳрори валий ҳазратлари уч тахт соҳибини урушдан тўхтатиб, қанчадан-қанча навкарларнинг, қанчадан-қанча бегуноҳларнинг жонини омон сақлаб қолди. Унга нима ёрдам берди? Шу сиз билан биз сўзлаётган кўҳна, бой тил эмасми? «Эй ўғилларим, урушманглар! Урушдан фойда йўқ!» деб айтди. Бу сўзни шу тилда айтди. Орадан неча асрлар ўтди, лекин она тарих Ҳазратнинг бу жонбозлигини унутгани йўқ. Демак, биз бу тилни минг чандон эъзозласак ҳам оз!

Бу тил фақат алоқа воситаси эмас. Алишер Навоий жанобларидан ўқиймиз. «Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин». Чиройли мисра. Бир олам маъно бор. Сўз бўлмаса, инсоннинг ҳайвондан не фарқи бўларди.

Ғаним айтадики, бу бобонг бошқа. Биз сўз билан унинг оғзига урамиз. «Биз уни таржимасиз ўқиймиз. У она тилимизда ижод этган. Сен қора юраги ҳасрат доғларига тўла ёмоннинг ифволарига учма!»

Ғаним шу билан тинчимади. Энди у ўзбек сўзига ёпишади. Биз яна шу гўзал тилимиз билан гумбуллатиб жавоб қайтарамиз. «Бу халқ осмондан тушмаган, демак, унинг номи ҳам бирдан пайдо бўлиб қолган эмас!»

Кошки, шу билан тинчиса. Йўқ, тинчимади. Энди у бизнинг бутунимизга, тинч ҳаётимизга, айниқса, мурғак ёшларимизнинг оппоқ ёқаларига ёпишади. Биз яна шу гўзал тилимиз билан унинг эгри жағини тўғрилаб қўямиз. «Ит ҳурар, карвон ўтар. Йўлингдан қолма!»

Шунчалик гўзал тилимиз бор, лекин нечун биз ҳалигача оқсаймиз, деган саволнинг ҳам туғилиши табиий. Бу ўринда масаланинг бир неча жиҳатига эътибор қаратиш керак: биринчидан, ҳали биз ўтмиш асоратларидан тўла қутилганимиз йўқ; иккинчидан, ҳар биримиз жуда қатъийлик билан чексиз муҳаббатимизни унга сингдиришимиз лозим эмасми?! Биздан нега фалон

тилни билмайсан, деб сўрашади, лекин биз ўз навбатида: «— Биродар, ҳўп, мен бу тилни ўрганаман, ўзинг-чи, ўзинг шу ерда яшаб туриб, нега бу тилга ҳурмат билан қарамайсан ва уни ўрганмайсан?» деб қайтариб савол берамизми? Бир онахонга шу саволни берганимда, у: «— 70 йил шу халқнинг тузини едим, биров менга бу саволни бермаган эди, шуни ўйламабман, аслида саволинг ўринли, болам!» деди уялган бўлиб ва ноўрин саволи учун кечирим сўради. Гапнинг индаллосини айтганда, бутун кўчалардаги эълонлар ўзга тилда тўғри ёзилиб, ўзимизнинг тилда бир неча имло хатолар билан битилаётган экан, ҳов биродарлар, кўзни каттароқ очайлик, ўзимиз такасалтанглик қиялпмиз, аввало, ўзимизнинг қалбимизга боқайлик, ноғора қоқиб, мағзаваши бировларнинг устига ағдаришдан фойда йўқ, деймизми?! Бу гапга қўшилмасдан иложи йўқ. Боғни боғ қиладиган боғбон. Модомики, тилимизнинг боғбони ўзимиз эканмиз, бу «мансаб»га меҳр қўйиш яна ўзимиздан, ўзгадан эмас.

Бу борада шарқшунос танишимизнинг: «— Ўзбек тили синонимларга бойлиги билан мени ўзига мафтун этади, қайси тилда бир сўзнинг бир неча синоними мавжуд экан, у энг бой ва ширин тил ҳисобланади», деган гаплари ҳар биримиз учун фахрдир. Аждодларимиз бу жиҳатдан яна бизга ўрнак кўрсатиб кетганлар. V аср тилини олиб кўринг ёки XX аср бошларидаги тилимизга, сўзлашув одобларига, муомалага эътибор беринг. Ғоят нозик ишоралар, иборалар, ташбеҳлар сизни сеҳру жозибаси билан ўзига мафтун этади. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун бир мисол келтирсак.

«Юсуф савдосида беқарор Зулайҳо исмидан, Мажнун ишқидан йиғлаган Лайли отидан — сизга бошимдаги сочларимнинг тукларича беҳад салом». (Кумушбибининг хати. А.Қодирий. «Ўттан кунлар»).

Энди бутунги бир севганнинг гапига эътибор беринг.

«— Вей-й, хат ёзинг дейсанми? Қулоққа тепма, Зули! Мани санга бўлган любовим жуда ништяк. Хат-патсиз ҳам любит қилиб юрибман-ку!»

Бу билан барча йигит-қизларни айбламоқчи эмасмиз. Мақтовлар ўзимизники. Лекин орамызда шундайлар бор экан, ўзимизни мақташдан фойда йўқ, деб ўйлайман. Билъакс, одамни бузган мақтов тилни ҳам бузиб, рангини сарғайтириб юборади.

Шу доруломон кунларни кўряпмиз, беҳад шукр деймиз. Бугун эрта туриб, бобомизни, момомизни байрам билан қутлаб қўйишни унутмайлик. Ҳеч бўлмаса, ширин сўзлар билан уларнинг дуоларини олайлик. Бу тилда эрталабки эзгу сўзлар ҳам шунчалик нафис жаранглайдики, озгина эътибор билан қулоқ берсангиз, буни ўзингиз ҳам илғаб оласиз. Эътиборда гап қўп-да. «Тилга эътибор — элга эътибор», дейдилар. Шундай жарангдор тилимиз бор экан, бугун байрам экан, миттигина дунёга — она сайёрага, эзгусевар инсонларга, ҳар биримизга фақат яхшиликлар ёр бўлсин!

МУНДАРИЖА

ҲИКОЯЛАР

Сиз ҳам йиғлаяпсизми?	4
Фаришта эмасман	8
Ярадор қўшиқ	16
Эски дўппи	26
Тошган	29
Бойваччанинг қизи	34

ҚИССАЛАР

Офатижон	50
Аннанинг оқ сочиғи	167

ОТАМНИНГ ДУНЁСИ (бадиалар)

Амир Темур кутубхонасининг сири	214
Инсофдан кўчат эк	218
Отамнинг дунёси	222
«Ёмон аччиқ бўларкан ўзингники!»	230
Чиннидек жарангдор тилимиз бор	235

Адабий-бадгий нашр

Тўлқин ҲАЙИТ

БОЙВАЧЧАНИНГ ҚИЗИ

Ҳикоялар, қиссалар, бадиалар

Қайта нашр

Муҳаррир *И. Аҳмедов*

Рассом *И. Холхўжаев*

Бадий муҳаррир *К. Закирова*

Техник муҳаррир *Т. Харитонов*

Кичик муҳаррир *Д. Холматова*

Мусахҳиҳ *Ш. Орипова*

Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Нашриёт лицензияси АИ №158. Босишга 2013 йил 14 мартда
рухсат этилди. Офсет қоғози. Бичими 60x84^{1/16}.

Офсет босма усулида босилди.

Шартли босма табоғи 14,18. Нашр табоғи 13,95.

Адади 3000 нусха. Буюртма № 12-239.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйида босилди.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz